

ТОВОҚСОЙ

(ЖИЭМ 64/3)

(Диний ижтимоий адабий автобиографик қисса)



Муаллиф

Саҳвий

Швеция

2016 йил

Кириш

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Маълумки, бундан олдинги ёзилган «истибдод менинг тақдиримда» деб номланган китобимда, ўзим туғилиб ўсган Тўрткўл шаҳрида ўтган ёшлигим ва улғайиб, диний таълим олишим ва мутаассиб имомлар билан тўқнашиб, охир оқибат қамалганим ҳақида ҳикоя қилинганди.

Товоқсой номли бу китоб ўша китобнинг мантиқий давоми бўлиб, бунда менинг қамалишимдан бошлаб, Нукус турмасида ва Товоқсой зонасида ўтган, жами беш йиллик ҳаётимда кўрган кечирганларим ҳақида ҳикоя қилинади. Бу китобнинг мантиқий давомини «ЖИЭМ 46» номли китобда, ҳикоя қилинган. Ундан кейин озодликдаги воқеълар эса, «Мустақиллик шарофати» китобимда зикр қилинади. Мазкур тўртта китоб умумий равишда менинг қирқ йиллик ҳаёт йўлимни ҳикоя қилади.

Агар бу китобнинг давоми ёзилса, у Швециядаги воқеъа ва ҳодисаларни ҳикоя қилувчи бешинчи китоб бўлажак. Бу китобларда ўша қирқ йиллик муддат ичида нафақат менинг, балки, халқимиз бошидан кечирган диний, сиёсий ва ижтимоий воқеъа ва ҳодисалар, ўша воқеъларнинг тирик гувоҳи тилидан тасвирланади. Шу маънода айтиш мумкинки, бу китоблар нафақат менинг, балким, мен мансуб жамият ва халқнинг ҳам умумий тарихининг бир қисмидир.

«Товоқсой» номли бу китобимда, кўпчилик ўзбек китобхонларига унчалик яхши таниш бўлмаган, ўғри ақидасига доир маълумотлар ҳам ўрин олади. Шунингдек, турмадаги шароитларни 1999 йил 16 феврал портлашларигача бўлган даври ва ундан кейинги даврини мисоллар билан тасвирланади. Китобдаги қаҳрамонлар бугун ҳам тирик ва Ўзбекистонда яшашмоқда. Хавфсизлик нуқтаи назаридан китобда баъзи шахсларнинг исмлари ўзгартирилган.

Бу китобни ҳам ўқувчиларга ва муаллифга манфаатли бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Муҳаммадсолиҳ Абутов.

Швеция.

12.12. 2016

I – қисм

Тўрткўл 1996 йил

КПЗ

Мен терговда ётгандим. Бу тергов 1996 йил январ ойидан бошланган эди. Ўша йили рамазон хайити йигирма биринчи январда бўлганди. Мени эса қамалганимга ўн беш кундан ошганди.

Мен Нукус турмасига Тўрткўл шаҳар милиция бўлимида бир ой ётганимдан кейин этап бўлдим. Бу тергов давом этаётган пайт эди. Бундай пайтда Қорақалпоғистоннинг барча районларидан маҳбуслар Нукус турмасига олиб келинар экан. Тергов тугаб муддат олганларни ҳам шу ерга олиб келишарди. Шу ердан кейин Тоштурмага этап бўлиб, у ердан зоналарга юборилар экан. Мени терговим энди бошлаган бўлиб, бу тергов қанча давом этиши ноаниқ эди. Шунинг учун Нукусга жўнатишганди. Автобусда ўн бештача маҳбус ҳар икки кишининг қўлига бир кишан осилади. Биттасининг чап қўли ва биттасининг ўнг қўлига қўл кишани солиниб, автобусга миндиришди. Мени иккита шеригимдан алоҳида бошқа одам билан кишанлашди. Автобусда эса, кишанлар ечмасдан ўша иккита иккитадан қилиб ўтқазилди. Бу автобус эски Пазик бўлиб, секин юрарди. Нукус Тўрткўлдан икки юз километр узоқликда бўлиб, унга шу автобусда қўриқчилар қуршовида кетдик. Қўриқчилар пистолет осиб олишганди. Автобусни ойнасидан ташқарини кузатиш мумкин эди. Автобус олдида бир кичик ичида ментлар билан машина ҳам бизни кузатиб борди. Менбу тергов даҳмазаси тез тугасаю, муддат олиб зонасига кетсам деб ошиқардим. Бу турмани қандайлигини ҳали билмасдим. КПЗда баъзи учратганим шу Нукус турмасидан судга келган болалар бу турма ҳақида гапириб беришганди. Мен ҳали ўзим энди боришим эди.

Болалар айтишича бу турма нозирлари қорақалпоқ ва қozoқлар экан. Оёқнинг тагига уришлик бу турмада ҳам бор одат экан. Бу одат Тўрткўл ментларининг ҳам одати эди. Буни шу қорақалпоқдан бошқа ерда йўқлигини у пайтда билмаганман. Бошқа вилоятларда ментлар бунақа қилиб маҳбусни калтаклашмас экан. Кейинроқ Жаслик очилганда эса, мана шу Нусус турмаси нозирлари у ерга ишга кетади. Кейин, у ерга борганларни ҳам оёғини тагига уришган. Буни Жасликдан келган болалардан кўп эшитганман. Бу одамни қийнашни алоҳида ўзига хос услуби эди. Йўлда кетаётиб, кўчадаги одамларга қараб кетардим. Энди қамалиб кетаётганим учун ҳам озодликни қадрини англадим. Ментларни дўқ пўписаси остида ўтган бир ойдан сўнг, озодликни соғингандим. Рамазон ойи рўзасини шу Тўрткўлдаги КПЗда тутдим. Рўза тугагач, яна ўн кунлардан кейин этапга олиб кетишди. Биз билан автобусда кетаётганлар Тўрткўллик болалар бўлиб, улар ичида ўн кишилик бир гуруҳ бор эди. Улар олдинроқ қамалган бўлиб, Нукусдан келиб, яна бирор ҳафтадан кейин қайтишаётганди. Бу жиноий тўда катта жиноятларни содир қилганликда айбланарди. Эшитимча, бундан беш йил олдин 1990 йилларда алғов далғов замонида, бу тўда Тўрткўлда баъзи ишлар қилган экан. Шу ишлари энди очилиб, қамалишганди. Буларнинг каттаси Рустам Эгамбердиев деган ўша пайтларда ёши қирқдан ошган киши эди. Яна биттаси унинг жияни экан. Бошқалар эса, унинг ёнидаги болалар эди. Сапарбой деган бола билан мен КПЗда бирга ўтиргандим. Ўрта бўйли семизроқ бу бола, шу гуруҳдан экан. У менга уни қандай калтаклашганлигини гапириб берганди. Бу гуруҳни иши бир йилдан бери терговда экан. Буларни ушлаганда Тошкентдан келган оператив группа келиб тергов қилган экан. Буларнинг айтишларича КПЗда тунги соат ўн иккидан кейин олиб чиқиб, қийноққа солишар экан.

Менга ўхшаб противогаз кийдиришган. Оёқларини тагига дубинка билан уришган. Тирноқлари тагига игна суқишган. Ҳар бирини уч тўртта мент ўртага олиб тепишган экан. Буларнинг жиноятини очишлик учун мана шундай қийноқларга тутишган. Кейинроқ менинг булар қилган ишларни Рустамдан сўраб билганим шу бўлдики, воқеъа қуйидагича бўлган экан. Ўша пайтларда жиноятчилик авж олган даврлар эди. Рэкетлар ва беспределшик жиноятчилар пайдо бўлганди. Қонундаги ўғрилар ҳам анча фаоллашган пайтлар эди. Бу икки гуруҳ бир бирига қарши эди. Рустам Тўрткўлнинг положенеси экан. Хоразмда Худойберган деган киши эди. Уни Худди разборшик дейишарди. Бу қонундаги ўғрилар тизимидаги шахслар эканини англатади. Айни пайтда Тўрткўлда майда беспределшиклар пайдо бўлганди. Бу иккала гуруҳ ўзаро келишмайдиган гуруҳ ҳисобланади. Мана шу беспределликлар бир иш қилишади. 1991 йилда Тўрткўлдаги нефтбазани бошлиғини ўғлини уни танийдиган ва у билан бирга ўқиган Музаффар деган болага айтиб бир жойга олиб боришади. Ўша ерда уни ароқ ичириб, ухлатиб қўйишади. Ўша пайтда бу болани отасига хат ёзиб, боланг учун фалон сўм пул берасан ва пулни фалон ерга олиб келасан деб, уни ҳам ўша Музаффар кечаси бориб, у кишини уйини эшигига қистириб кетади. У киши хатни ўқиб, милицияга хабар қилади. Милиция захват гуруҳи таёrlаниб, унга пул бериб, ўша ерга юборишади. У киши пулни олиб келиб, кутади. Бу жиноятчилар ўзларини одами орқали уни шу ерда турганлигини кўришади. Лекин, уни олдига бориб, пулни олишга қўрқишади. Милицияга айтган деган гумонда пулни олишга бормайдилар. Кейин Сапарбой деган бориб, уни боласини бошига тош билан уриб ўлдиради. Ўлигини каналга ташлашади. Ўлдиришига сабаб эса, у бола буларни танирди. Уни бу ерга олиб келган Музаффарни танирди. Ўша орқали ментлар буларни ушлашидан қўрқиб уни қўйиб юбормасдан ўлдиришади. Бу дарҳақиқат катта жиноят эди.

Буни мен ўша содир бўлган пайтда эшитмаган эканман. Кейин, у болалар тарқалиб жимгина юраверадилар. Ўлган болани отаси эса, пулни олиб келиб кутиб туриб қайтиб кетади. Ментлар бу жиноятни орқасида ким турган бўлиши мумкин деб излай бошлашади. Табиийки, гумон Рустамга тушади. У шаҳарда танилган разборшик эди. Рустамни синглиси Зайнаб Эгамбердиева деган аёл бизларни метаматикадан ўқитган ўқитувчимиз эди. Бўйи икки метр келадиган бақувват хотин эди ўша ўқитувчи. Рустам ҳам шундай бақувват киши эди. Уни Урганчда олти ой қамаб уриб сўкиб, сўроқ савол қилишади. Уни бу ишга умуман алоқаси йўқ эди. Бунга амин бўлгач ментлар уни пулини олиб қўйиб юборишади. Шу билан у бола йўқолиб кетади. Жиноятчилар эса, топилмайди. Орадан вақтлар ўтиб, Рустамни олдига бир жияни келиб, унга бу ишни ким қилганлигини айтади. Бу ишни қилганлар орасида уни ўзи ҳам бўлганди. Уни иши ўша одам пулни олиб келадиган ерга бориб, ёнидан ўтиб кетишлик эди. Бу бола шу ишни қилган. Лекин, пулни олишга булар бормаган. У ўша ердан ўтиб кетиб, уни турганлигини кўриб, уларга хабар берган. Уни иши шу халос. У бола тоғасига шуни айтади. У болани ўғирлаганлар уч тўртта бола эди.

Каттаси Сапарбой бўлган. Сапар кўчада ўсган ва ўтган қайтганни уриб юрадиган бола бўлган экан. Ундан ҳамма қўрқар экан. Лекин, булар ёш болалар бўлиб, ҳали ментларни назоратига тушмаган бўлади. Шунга Рустам қамалганди. Кейин эса жиянидан бу воқеъани эшитиб, Рустам ўша болаларни чойхонасига чақиртиради. У пайтларда разборшикларни ўз чойхоналари бўларди. У ерда эртадан кечгача қимор ўйнашарди. Разборкалар бўларди. Рустам бу болаларни сўкади. Бу ишлари яхшимаслигини айтади. Лекин, энди кеч эди. Бу жиноятни ментга айтиш бу Рустамга мос иш эмасди. Лекин, у шу ишда айбланиб олти ой қамалиб чиққанди. Орадан икки уч йил ўтгач, Сапарни ўзи бошқа бир иш билан қўлга тушади. Бунда у энди тўртта бола билан бировнинг уйига талончиликка кирган бўлади.

Мана шу талончиликда менинг бир икки ошнам ҳам иштирок этган. Биттаси Ғулом деган мен ўқиган мактабда ўқиган бола. Биттаси қўшним эди. Бу сафар улар маска кийиб бир пулдор одамни уйига тунда киришади. Уларни уйғотиб, қўл оёғини боғлаб қўйиб, пулларни беришни бўлмаса ҳаммасини ўлдиришини айтади. У киши пулларини беради. Шу билан булар чиқиб кетишади. Ўшани уйдан олган олтин кумуш нарсаларни сотаётганда булардан биттасини ушлашади. У орқали бошқалари қўлга олинади. Сапарни терговда қийнашади. Шу терговда у уч йил олдинги қилган жиноятини ҳам айтади. Эшитишимча унга укол қилишганмиш. Нима бўлганлигини билмадим, у итдек калтак еб, ўз айбини ўзи очиб қўяди.

Бу ишни қилганлар ҳаммаси ушланади. Буларни тергов қилишга Тошкентдан тергов гуруҳи келади. Ўша пайтда Рустамни ҳам қамашади. Унинг айби эса, шу жиноятни ким қилганлигини била туриб ментга хабар бермагани эди. Унинг жияни ҳам бу ишга алоқадорлиги учун у ментга айтмаганди. Шунингдек, Рустам қонундаги ўғри ақидасини ушлаган одам бўлиб, улар ментга бориб айтишликни ўз тушунчаларида пасткашлик санашади. Шундай қилиб катта жиноий гуруҳ қўлга олинади. Бу гуруҳ иккига бўлиниб, ҳар бири бир қанча ишлар бўйича тергов қилинарди. Сапар эса ҳар икки тарафда ҳам қатнашарди. Мен КПЗда шу Сапарбой билан ўтирганман. Унинг тирноқлари суғуриб олинганди. Уни ўзи менга тирноқларини кўрсатганди. Тирноқ ўрнида гўштар бужмайиб турарди. Рустам акани Тўртқўлда Эгам Рустам дейишарди. Фамиляси Эгамбердиев эди. Мени кейинчалик Нукус турмасида 32 сонли камерада ўтирдим. Унинг тагида ўлим жазосига ўтирганлар қамаладиган камера бор эди. Рустам ўша ерда ўтирди. Бу иш бўйича Сапар ва Рустамга ўлим жазоси берилди. Рустамни алоқаси бўлмасада, ўлган болани отаси бу ишда уни қўли бор деб ҳисоблаган. Эшитишимча у Тошкентда танишларини ишга солиб, катта пуллар бериб, Рустамга ўлим жазоси бердиришга муваффақ бўлган. Рустамни ўзи менга ёзган хатида, (Биз туалет орқали пастдаги хатадан хат хабар олардик. ва уларга чой сигарета жўнатардик) Бу ишда алоқаси йўқлигини айтганди. Уларнинг минг варақдан ортиқ жиноят ишини ўқиганимда ҳам худди шу гаплар бор эди. Мен бу китобни ёзар эканман, ўша иш бўйича ўлим жазосига ҳукм қилинган бу одамнинг ноҳақдан ўлдирилганлигини ҳам ёзиб кетишни бурчим деб биламан. Эшитишимча, ўғли отиб ўлдирилганлигини хабари ва ўғлининг турмадан кийим кечакларини уйига юборишганда, онаси кўзи кўрмай қолганмиш. Бу одам беспределшиклар фитнаси қурбони бўлганди.

Сапарбой эса, ўзи менга КПЗда менга ўлим жазоси беришади. Менга бу ҳаёт керакмас дерди. Менинг қилган ишим ўша ерда унга озроқ динни ўргатдим. Рустамга ҳам озроқ динни таълим бердим. Иккаласигаям Аллоҳдан кечирим сўрашликни айтдим. Сапарбой мени Худо кечирмаса керак гуноҳим кўп деганди. Мен унга сен истиғфор айт. Аллоҳ тавба қилганни кечиради деб ўргатган бўлдим. Сапар билан тенгдош эдим. Сапарбой жиноятини бўйнига олганди. У пушаймон қиларди. У менга озодликда сен билан учрашмаган эканман деб афсусланганди. Бу иккаласи ҳам отиб ўлдирилди. Аллоҳ буларни мағфират қилсин. Бошқалари эса, турли муддатга қамалиб, кейинчалик озодликка чиқишди. Ўша ишда иштирокчи Музаффарга эса энг кам муддат берилди. У ўша пайтда вояга етмаганлиги учун унга беш йил берилганди. У энг тез озодликка чиққан кимса бўлди. Менинг кузатишларим хулосаси шуки, ўша алғов замонада эркинлик даврида пайдо бўлган жиноий гуруҳлардан бири шу беспределшик деб ном олган гуруҳлар эди. Булар қонундаги ўғрилардан фарқли ўлароқ муқаддас ақидаси йўқ кимсалар эди. Бундайлар СССР деган улкан империянинг турли шаҳарларида мавжуд бўлиб, қисқа муддат фаолиятда давом этди.

Бу гуруҳлар шу қисқа муддат ичида жуда кўплаб мисли кўрилмаган жиноятларни содир қилишга улгурдилар. Шунингдек, ўзлари ҳам қурбон бўлдилар. Буларнинг ашаддий тоифалари Россияда пайдо бўлганди. Буларга совет мактаби етарли таълим бераолмаган ва уларни жиноятчиликдан қайтараолмаганди.

Диний таълимни эса, улар умуман олишмаган одамлар эди. Чунки, дин совет давлатида ўқитилмасди. Шу сабабли ҳам мен Сапарбойга ва Рустамга ачинаман.

Улар бу дунёга нега келганлигини ҳам тушунмасдан уни тарк этган одамлар эдилар. Мен эса инсонни дин тарбия қилади. Бошқа нарса уни тарбия қилолмайди деб тушунардим.

Нукус Турмаси

(СИ 9)

Биз Нукусга бордик. Автобусдан тушириб, турмани ичига олиб кириб, коридорга деворга қаратиб, саф қилиб қўйишди. Бу турма эски икки қаватли бинога жойлашган бўлиб, ҳамма турмалар каби П шаклида қурилган эди. Қорақалпоқ ментлар бақириб чақириб юришарди. Тўрткўлликлар ва Элликқалъа райони аҳолиси асосан, Хоразмлик ўзбеклар бўлиб, қорақалпоқчани билмасдик. Лекин, биз ўз шеваимизда гапирсак, қорақалпоқлар тушунишарди. Биз ҳам уларни тушунардик. Қорақалпоқ тили қозоқ тилига яқин бир тилдир. Мен ҳозиргача қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз тиллари орасидаги фарқни билмайман. Ҳаммаси йўқ сўзини жўқ деб айтишади. Бошқа гаплари ҳам ўхшаш гаплар. Мени ва шерикларимни бу ерга турмага КПЗдан биринчи келишимиз эди. Судгача маҳбуслар бу ерга келиб кетиб туришини эшитгандик. Биз билан бирга келган бошқалар эса, олдиндан шу ерда ётишган бўлиб, КПЗга бориб, биз билан яна қайтиб келишганди.

Шунга уларни алоҳида олиб кетиб, камераларга ташлаб, бизни алоҳида олиб қолишди. Бу турмада ҳам янги келганларни синдириш одати бор экан.

Бу синдириш дегани маҳбусни қўрқитиб қўйишлик маросимидир. Биринчи кундан қаттиқ калтаклаб духини олиб қўйишса, маҳбуслар ментларга итоатлик бўлишади. Қизил зона ва турмаларга хос одат шунақа экан. Мен бунга анча кейин тушунганман.

Мени ва иккала шеригимни нарсаларимиз билан бир хонага қамашди. Ментлардан учтаси кириб, турган еримизда ечинишга буюрди.

Қўлимиздаги сумкаларни олиб шмон қила бошлашди. Биттаси бизни ҳам шмон қиламиз тез ечин деб бақириб тепа бошлади. У бу деб эътироз билдиргандик нариги иккаласиям туриб келиб, дубинкаси билан сен блатноймисан деб калтаклаб кетишди. Бошимизга, баданга ҳамма ёққа уриб тепишарди. Ифлослар трусигача ечинтириб, яланғоч баданимизга дубинкада ура бошлашди. Бу қорақалпоқ ментлар ёмон бўлар экан. Бўйлари икки метр келадиган юрагида раҳм шафқатдан асар йўқ итлар қўли билан ҳам уриб, оёқ билан тепиб, дубинкаси билан ҳам уриб, кейин, қалтираб турган аҳволимизда яна кийинишга буюришди. Мен нега ечинтиришганига ҳайрон эдим. Мен «тақводор» пайтларим эди. Трусини ечмайман деб, озроқ қаршилиқ қилгандим. Тепкилардан егач ечишга мажбур бўлдим. Ёнимдаги шерикларимдан уялардим. Калтак еб уялмай қўйдим. Улар ҳам мендан уялишарди.

Динни ўргатган устозини олдида шогирдини қип яланғоч бўлиб туришини ва ёки шогирди олдида устозини онадан туғилган каби ҳолда туриши фараз қилинг қандай бўлади? Бу уят эди. Уялиш керак эди. Уялгандик ҳам. Лекин, шу пайтда баданимизга тушаётган дубинкалар зарбаси ва тепкилардан уялмай қўйдик. Уялишга на имкон ва на шароитни ўзи йўқ эди. Бу воқеъа, биз уччаламиз билан содир бўлди. Мен аввалига нима сабабдан бундай бўлганига тушунолмай юрдим. Бу балки, Тўрткўлдан кимнидир закали бўлиши мумкин?!

Мен суриштирганимда бошқа этапларни ечинтирмасдан шмон қилишган экан. Баъзиларни уришгану лекин ечинтиришмаган. Бизни яланғоч қилиб кейин калтаклашганди. Бу менга тақводорлик пайтимдаги катта зарба эди. Мен сўфилигимда ҳам, Военкоматда шунақа ечинтиришганда, анчага ўзимга келолмай юргандим.

Энди «вахҳобийлигимда» ҳам ечинтиришганда, анчагача мазам қочиб юрди. Мен ҳали пайтларда бу зоналарда яна кўп марталаб ечинишимни ва менинг бу «тақводорлигим»дан асар қолмаслигини билмасдим. Бунга ҳали анча йиллар бор эди. Шмондан кейин бизни турмани иккинчи қаватига чиқариб, хаталарга жойлаштиришди. Шерикларим бошқа ерларга кетишди. Мен 32 камерага тушдим. Қўлимдаги ашқол дашқолим билан қўлимни орқага қилиб, эшик ёнига келиб, деворга қараб турдим. Дубах эшикни очди. Бу мент дегани Темир эшикни очадиган бир қарич узунликдаги калитлардан бир тўдасини белига тақиб юрарди. Эшик очилганда камера ичидаги маҳбуслар ўтирган еридан туриб тикка туришар экан. Мен ичкарига кирдим. Орқамдан таққиллаб эшик ёпилди. Кирган ерда ўртада овқатланадиган стол бор эди. У ерга маҳкамланган бўлиб, икки тарафида ўтиришга тахтадан скамейка қилинганди. Бу столга бир вақтда олти киши бемалол ўтириб овқат еса бўлади. Столни чеккаси билан эшик ораси бир метрча келарди халос. Шу сабабли кирган одам стол ёнида туриб қолмай иложи йўқ эди. Хата беш метрга беш метр келадиган квадрат хонадан иборат бўлиб, иккита деразаси бор эди. Деразаларга ташқаридан темир тўсиқ билан қопланган бўлиб, кўчага кўриш имконсиз эди. Эшикни ўнг тарафида туалет ва чап тарафида чойхона деб аталадиган бир тумбочка бор эди. Бунинг устига кружкалар ва мискалар қўйилганди. Кичкина чой қайнатиш учун кипитилниклар ҳам бор эди. Хонада икки қаватлик темир каравотдан ўнтаси бор эди. Ўртада иккитаси бир бирига тегиб турарди. Икки четда эса, яна биттадан деворга тегиб турарди. Яна иккитаси эса, биттаси туалет ёнигача келиб турса, униси чойхона столигача тегарди. Расман бу хона шу каравотлар сонига қараганда ўн икки кишилик камера эди. Мен келганимда эса 1996 йил феврал ойи бўлиб, камерада ўттизтадан ошиқ маҳбус бор эди. Кейинроқ Наврўз байрами арафасида ҳамма районлардан КПЗлар бўшатилиб, одамлар турмага олиб келинди. Шунда 32 хатада 42 кишигача ётганмиз.

Хонада сигарета чекилганидан тутундан одам кўринмай қоларди. Хатада ичишга сув йўқ эди. Туалетга ҳам сув келмай қоларди. Баъзан ментлар пақирда сув улашарди. Сув муаммоси Қорақалпоғистонда катта муаммо бўлиб, тоза ичимлик суви етишмасди. Бу муаммо бугун ҳам ўз ечимини топган эмас. Шу хатада мен икки ойдан кўп ўтирдим. Мен бунча кўп ўтираман деб ўйламагандим. Буни сабабини кейинроқ тушундим. Хуллас, мен кириб, ассалому алайкум деб саломлашдим. Мени олдимга салом бериб чиққан кимсалардан бири Ҳамдам эди. Бу бола асли Қўқонлик солдат экан. У шу ерда Армияда хизмат қилаётиб кимнидир ўлдирган ва терговда ётарди. Бўйи икки метрга яқин ориқ бола эди бу солдат. Яна мен билан салом алик қилган озғин скелетга ўхшаб қолган Эсенғали деган бола эди. Солдат менга уни кўрсатиб шу бола хатага смотраший деди. Мен хатадаги ҳамма билан қўл бериб саломлашиб чиқдим.

Исмим Муҳаммадсолиҳ ўзим Тўрткўлданман деб, ўзимни таништирдим. Болалар аксари шимол районлардан келган қорақалпоқ йигитлар эди. Баъзан ичида корейслар ва руслар келиб қоларди. Лекин, ўзбеклар ҳар доим кам бўлган. Мен бу турмани қизил турма деб айтилишини ва бу турмада ментлар ҳукмронлигини КПЗда эшитгандим. Шунга қарамасдан бу ерда смотряший бор эди. У пайтларда гарчи баъзи турмалар арестантлар тилида қора турма деб аталсада, Ўғрилар ҳокимияти анча заифлиги сезилиб турарди.

Урганч турмаси ўша пайтда қора турма деб эшитганман. У ерда Ботир қозоқ смотряший эди. Аслида қора турмаларда смотряший бўлади. Шу камерада смотряшийларни тайинларди.

Нукус турмаси эса қизил турма эди. Камерадаги смотряшийлар шунчаки, номигагина эди. Уларни биров тайинламаган ва улар у бу кимни олдида масъулиятини билмайдиган кимсалар эдилар. Айтишларича, бу турмани совет даврида 80 йилларнинг бошида синдирилган экан. Ундан олдин қора бўлган экан.

СССР қулагач, бу турма янада баттар қизиллашган. Ментлар тўла ҳукмронлигини ўрнатганди. На қонун қоида ва на ўғри қоидаси бу ерда юрмас эди. Бу ерда қонунсизлик ҳукмрон эди. Ментлар қозоқ ёки қорақалпоқлар билганинча ваҳшийлигини қилишарди. Маҳбусларни оёғи тагига товонига дубинка билан уриш шу ерда пайдо бўлган одат эди. Мени ҳам икки уч марта товонимга дубинка билан уришган. Маҳбусни ерга ўтқазиб, оёғини устига ментлар этиги билан чиқиб босиб турарди. Бошқаси эса дубинкаси билан товонга урарди. Товон шишиб кетса юролмай қолар экан одам. Ҳар зарба тушганда одамни мияси зарқираркан. Кейинчалик 2000 йилда Нукусдан 300 км шимолда Уст Юрт чўлида Жаслиқ зонаси очилганда мана шу СИ (ТИ) 9 турмаси ходимлари бу қийноқларни ўша ерда қўллай бошлашади. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, мен Гуантанамо маҳбуслари шароитлари ва қийноқларини ва Жаслиқни ўзаро солиштирганда Жаслиқ даҳшатлироқ эканига амин бўлдим. Исроил турмаларидаги Фаластинлик маҳбуслар аҳволини ўрганганда уларга намоз ўқиш, рўза тутиш маън қилинмаганини ва турмадаги шароитлари бизникидан анчагина яхшилигига амин бўлдим. Жаслиқ ва умуман Ўзбекистон турмалари дунёдаги энг қаттиқ ноинсоний қийноқлар қўлланадиган жой эди. ТИ 9 Сталин даврида қурилган икки қаватлик бино эди. Ҳаво қаттиқ иссиқ июн ёки июл ойларида хонада нафас олиб бўлмасди. Кундуз кун эрталабки, олтидан кечки соат ўнгача каравотда ҳатто ўтириш ҳам мумкинмас эди. Тасаввур қилинг шунча одам тиқилишиб тор жойда терлаб пишиб полда ўтириши керак эди.

Кейинроқ худди шу тартибни Жаслиқда қўллашди. У ерга борган болалар айтишича, кундузи каравотда ўтириш мумкинмас экан. Мен ўшанда Нукус турмасини эсладим. Бу азобларни мен ўша ерда кўргандим. Худди шу Нукус турмаси ментлари Жаслиққа бориб, ишлашган ва шу тартибни у ерда ўрнатишганди. Клапа деган бир нарса бор экан. Шунақа чақардики, ҳамма маҳбуслар доим оёғи қўлини қашиб турар, баданидан қонлари оқиб турарди. Баданлар кир босиб сасиб кетганди. Ташқарида иссиқ бўлиб, ҳаво 30 градус бўлса бизнинг хоналарда 50 градусга борарди. Яна ҳамма сигарета чекиб ўтирар ва умуман нафас олиш имконсиз эди. Ҳамма ечинган трусиди ўтиришарди ва баданларидан тер билан қон ҳиди анқиб турарди.

Шу аҳволда кеча кундуз ўтириш керак эди. Эрталаб ва кечкурун текширув бўларди. Текширувга келган ментлар хатадан ҳаммани чиқариб, коридорда қўйиб санашарди. Кейин дубинкаси билан уриб киритарди. Битта маҳбус дежурний бўларди. У хатада қолиб, ментлар келиб хатани шмон қилганда у рапорт берарди. Рапорт қуйидагича бўларди. Салом алекум командир! 32 камерада 35 та маҳбус бор. Ҳамма нарса яхши. Жалоб йўқ, дейиш керак эди. Шикоят қилган одамни итдек калтаклашарди. Маҳбуслар шикоят қилмай қўйишганди.

Эрталабки текширувда баъзида сайрга олиб чиқарди. Сайр хонаси тўрт томони бетон девор усти очик бир хона бўлиб, устига сим тортилганди. Тепада ментлар юришарди. Маҳбуслар у ерда осмонни кўриши мумкин эдилар.

Озроқ бўлсада, тоза ҳаводан нафас олиш мумкин бўларди. Лекин, у ерга боргунча ва келгунча дубинка билан уриб бориб уриб келишарди. Нимага бундай муомала қилишларига ҳеч тушунмасдим. Ҳали у пайтларда 159 модда билан қамашлар йўқ.

Ва маҳбусларни алоҳида қийноққа солиш ҳақида ИАК тарафидан махсус кўрсатма бўлмаган даврлар эди. Ҳаётимда энг қаттиқ азобланган жой мана шу турма бўлади. Ҳатто, Тўрткўл милициялари тергов пайтида газга қарши асбобни (противогаз) кийдириб нафас олдирмай қийнаганлари ва уриб сўкканлари бу ердаги қийноқлар олдида ҳолва эди. Ҳафтада бир марта ҳаммомга олиб боришарди. Унга боргунча ва келгунча калтак еб бориб келардик. Эрталаб ва кечқурун перловка каша ва бир қусоқ нон берарди. Обидда шўрвалик овқат эди. Мен у пайтларда умуман овқат емасдим. Бу овқатлар гўштани ким сўйган ва у бисмиллоҳ айтганми йўқми деб емасдим. Мен Тўрткўлдалигимда бу гўшт масаласида кўп суриштирганман. Бизда қассоблар аксарияти гўшни бисмиллоҳ айтмасдан сўяр экан.

Баъзилари чўчка сўйиб сотишарди. Одамлар чўққани ҳам бемалол ейишарди. Мен бисмиллоҳни айтиб сўядиган қассобларни ҳам агар бенамоз бўлсалар гўштани емасдим. Сабаби, бенамозларни мўмин деб билмасдим. Мўмин бўлмаган одам сўйган гўшни эса, ейиш мумкинмас эди. Улар муртад ҳукмида бўлиб, улар сўйган мол гўштани ҳаромлигига фатволар бор. Шу сабабли мен турмада овқат емайдиган маҳбус эдим.

Товоқсойда ҳам емаганман. Навоийда эса, тошни ҳам ейдиган одамга айландим. Мен бу турмада фақат чойга шакар солиб нон билан еб ичардим. Бошқа нарса емасдим. Мева чевалар келиб қолса ердим. Сигарета чекмасдим. Лекин, кечаю кундуз тутунда ўтирардим. Ҳаммомда ечинганда трусиди ювинардим. Бошқалар қип яланғоч бўлиб ювинишарди. Мен улар орасида юришга мажбур эдим. Менинг тақводорлигимга қаттиқ зарбалар бўларди. Истайманми йўқми менинг бошқалар овратларига кўзим тушарди. Хатада ҳам ҳамма трусиди ўтирарди. Туалетимиз бурчақда бўлиб, унга кирган одамни кетидан ел чиқаргани ҳам ҳаммага эшитилиб турарди. Ҳамма шу ерга кирарди. Трубадан сув оқиб қолса, ўша ерда ювиниб олардик. Туалетга одам кирса, хонани ичи яна сассиб кетарди. Тер ва сигарета тутинлар билан бирга шу тезакни ҳидлари анқиб турарди. Иштаҳам бўғилганди. Тамоман нарса егим келмасди. Мен шу нонни ҳам зўрға ердим. Ҳатадагиларга динни ва намозни ўргата бошладим. Солдат у бу нарсани билар экан. У ёшлигида ёдлаган экан.

Бу бола ёш бўлсада, ўта кибрли ва блатной бола эди. У смотряший Эсенни ёрдамчиси бўлиб, унга чефир дамлаб бирга ичарди. Қаҳрамон Ҳамидовга қандайдир узоқроқ қариндошчилиги борлигини айтганди. У бола қанча йил ҳам муддат олиб қамалиб кетди. Орадан йиллар ўтиб, мен Товоқсойдан Навоийга борганимда карантин отрядда шу солдатни кўрдим. У энди гад бўлиб, келган маҳбусларни уриб калтаклаб юрарди. Шу ердан озодликка чиқиб кетди. Хатада ҳар каравотда бир киши ётса, ўн икки киши ётарди. Қолганлари ерга эски тўзиб чириб кетган матрасларни тўшаб ётишарди. Кечки, соат ўнда отбой бўларди.

Отбойдан кейин хонада ҳамма ётиши шарт эди. Шунга баъзилар полда ётарди. Мен борган кунимдан Эсен кўрсатган каравотда ётдим. Эрталаб олтида подём бўларди. Турганимиздан сўнг, ердаги матрасларни каравотлар тагига тикардик. Навбат билан туалетга кириб юз қўлни ювишга сув бўлса ювиб, бўлмаса ювмасдан нонуштани ердик. Мен таҳоратга сув тополмай қолардим. Баъзан, ичишга берган бир кружка чойга таҳорат қилганман. Сувни қадрни мен ўша ерда билдим.

Баъзида бир стакан сувга таҳорат қилардим. Баракотни қарангки, шу сув оёғимни ювишгача етарди. У пайтларда мен оёққа масҳ тортишни билмасдим. Оёғимни ечиб ювардим. Товоқсойда қаттиқ совуқларда оёғимдаги ботинкани ва носкини ечиб совуқ сувда оёқни ювардим. Шу менга жуда малол келарди.

Мен шуни қилардим. У пайтда оёқни ювишни шарт деб тушунардим. Носкига (Пайпоққа) масҳ тортишни мумкинлигини ўзим ўқимагунимча шундай қилганман.

Тор хатада пастдаги каравотларга ўтирмасак ерга ўтиришга жой йўқ эди. Дубахлар эшикдан қараганда каравотдан тушиб. Бошқа пайтда ўтирардик. Баъзида, дубахлар тешикдан қараб кўрар ва эшикни очиб сен ва сен чиқ деб ташқарига олиб чиқиб дубинкаси билан уриб киргизарди. Вақти вақти билан у бу кимни опер чақириб қоларди. Кимнидир режимник чақирарди. Баъзиларни калтаклаб олиб келишарди. Мени ҳам режимник чақирди. Дубах келиб олиб кетди. Қўлимни орқамга ушлаб режимни хонасига кириб бордим. Манғитлик Бобожонов деган майор режим бўлими бошлиғи экан. Бу манғитликлар ичида прокурорлар ва ментлар кўп эди. Улар ҳаммаси бир бирига қариндош уруғ бўлиб, ўзи борган ерга ишга бошқаларни ҳам оларди. Давлатназар деган бир прокурор Нукусда бош прокуратурада ишларди. Бу ментлар шунга яқин одамлар эдилар. Майор семиз жингалак сочли қора бола экан.

У мендан уч тўрт ёш катта эди. Унга мени исмим ёқмади. Сени исминг нега Муҳаммадсолиҳ деди у менга қараб. Сен анови ватан хоини Муҳаммад Солиҳга алоқанг борми? Уни танимайман командир дедим. Хоразмликлар у Эрк партияси раиси бўлган Муҳаммад Солиҳни яхши танишарди.

У ИАК билан бирга сайловда қатнашгани учун ҳам танилиб қолганди. Ўша майор мени у билан адаш бўлганим учун шунақа гаплар айтганди. Улар мени бир кўриб гаплашиб қўймоқчи бўлишган шекилли? Урмади сўкмади ва хатага қайтариб юборди. Муҳаммад Солиҳ ҳақида менда у пайтда маълумот деярли бўлмаганди. Сайловда қатнашганлигидан хабарим бор эди. Мен ўзим сайловда қатнашмаганман ва ҳеч кимга овоз ҳам берган эмасман. Мен шу ёшгача Ўзбекистонда бирорта сайловда қатнашган одам эмасман. Кейинроқ, эса у шахс ҳақида анча маълумотга эга бўлдим. Укаси билан бирга Навоий 46 да ўтирдим.

Менинг делом катта шов шув бўлганлигини бу ментлар билишарди. Шунга бу ким экан деб бир кўриб қўйиш учун чақирилган эди. Олим деган тезкор гуруҳ бошлиғи ҳам чақирди. У ичиб олиб маст ҳолда юрарди. Мени Нукусдаги ментлар ортиқча уриб қийнашмади. Лекин, уч марта калтак едим. Бу бошқа сабабга кўра бўлганди. Хата дераза тарафдаги девори тагидан узун иккита труба ўтганди. Бу труба қишда иссиқ сув айланиб хатани қиздириш учун қилинганди. Трубалар турмадаги барча хатадан ўтган бўлиб, бу орқали маҳбуслар ўзаро гаплашишарди. Ҳар хатани ўзини овозли аломати бўларди. Масалан, трубага овқат ейдиган темир қошиқ билан тақа тақа тақ. тақа тақа тақ. тақа тақаа тақ, деб, уч марта урилса, ва орасида қошиқни трубага ишқаб, шиғиллаган овоз чиқарилса, бу 32 хатани белгиси эди. Агар трубадан шундай белги эшитилса, бу дегани бизни қайсидир хата алоқага чақираётган бўларди. Труба ёнида ўтирганлар эшитиб қолса, Эсенга айтарди. Биттаси чиқиб, трубага сочиқни ўраб, унга оғзини қўйиб, гапирарди. Бу гапирувчини икки учтаси атас туриб тўсишарди.

Уни гапирган овозини ташқаридаги Дубах эшитмаслиги керак эди. Шундай қилиб, гапирганда нариги хатадаги одам овозни бемалол тушунадиган даражада эшитарди. Мен ўзим ҳам гаплашиб кўрганман. Жуда тушунарли гаплашганман. Шундай қилиб ҳар бир хатада трубага ўз овози бўлиб, ўша овозни бошқа хаталар билишарди. Шу овоз орқалик уни алоқага тортарди. Продолни нариги томонига эса, ҳаво тортадиган нарсга орқали алоқага чиқиларди. Буниси хавфлироқ эди. Дубахлар эшитиши ва кўриши мумкин эди.

Қайси хатадан кимдир шу иш билан қўлга тушса, шуни олиб чиқиб калтаклашарди. Арестантлар орасида ўзлари тушунадиган луғатлар бўлиб, булар совет даврида турмалар тизимида бир бирига ўтиб тарқалган атамалардир. Масалан каравотни шконка дейишлик Нукус СИ 9 да ўрганган бўлсам, Россияда турмаларида ўтирганимда ҳам уни худди шундай дейишини билдим. Кўзи қизиқ одамларни банзай дейишарди. Кўпроқ бу корейсларга ишлатиларди. Шу гап деразага тутиб қўйилган тўсиққа ҳам айтиларди. Россияда ҳам шу атама бор эди.

Бу Ўғри ақидасига доир атамалар бўлиб, бу тушунча совет даврида пайдо бўлиб, турмаларга тарқалган тушунчалардир. Булар бир қатор ахлоқий ҳатти ҳаракатларни «кодекс чести» деб ҳисобловчи кимсалардир. Шу кодексга зид амалларни қилишган одамларни ўз тушунчаларига кўра жазолашади. Булар ўзларини қонунига амал қилувчи жиноятчи одамлар эди.

Шунинг учун булар ҳеч қандай қонунга амалда қилмайдиган тоифани беспределшикларни ўзларига душман деб билишарди. Мен Нукус турмасида, ўғри ақидасига доир атамаларни ва баъзи тушунчаларни ўргана бошладим. Кейинроқ, эса, Товоқсойда ўтирганда, уларга тегишли кўп маълумотларга эга бўлдим. Россия турмасида Қонундаги ўғри билан бирга бир хатада ўтирдим. Бу кимсани исми Олег Иванов бўлиб, Олег Плотник дейишарди. Бу ақидани келиб чиқиши ва узоқ тарихи ва тушунчалари ҳақида, кейинчалик батафсил ўргандим.

Уларга тегишли бир нечта русча китобларни ўқидим. Бу китобда улар ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтилади.

Тўрткўл

КПЗ

Мен ва шерикларим икки ойдан кўпроқ шу Нукус турмасида (тергов изоляторида) ўтириб, кейин Тўрткўлга этап бўлдик. Борганда билдимки, менинг терговчим капитан Равшан ўрнига, прокуратурадан Ўринбой деган янги прокурор терговчи келибди. Терговни олиб бориш милициядан прокуратурага ўтказилибди. Сабаби, Қасддан одам ўлдириш моддаси 25 модда орқали қўйилган экан. Ўзбекистон Жиноят Кодексида одам ўлдиришлик моддаси 97 модда ҳисобланади. Бу жиноятга у пайтда ўлим жазоси бериларди. Ҳозир умрбод қамоққа алмаштирилган.

97-модда. Қасддан одам ўлдириш

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Менга шу 97-модда, 25-модда орқали қўйилганди. У эса, Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш деб номланади. Яъни, мен мулла жумабойни ўлдиришга уринган эканман. 97 моддани эса, прокуратура тергов қилар экан.

Терговчи мени чақириб, олдимга катталиги қозондек папкани қўйиб, шуни ўқиб танишиб чиқдим деб қўл қўйиб бер деди. Мен унга унда ўқиб чиқиб кейин қўл қўяман дедим. Қизиғи шундаки, менга адвокатни ментларни ўзлари тайинлашганди. У эса, менинг бирорта терговимда иштирок этмасган ҳолда, бу ердаги протоколларга мени иштирокимда тергов бўлди деб имзо чеккан экан. Бу аёл фирибгар эди. Қизиғи шундаки, унинг кичкина иккита боласи бўлиб, у болалар менинг масжидимга келар экан. Мен масжидга келиб таълим олган ҳамма болани ота онасини танимасдим. Уни ўзи айтиб қолди. Бу аёл эридан ажралган бўлиб, шу икки боласи билан адвокатлик қилиб яшар экан. Унинг болалари эса, кўчадаги бошқа болаларга қўшилиб, масжидга келиб дарс олишган экан.

Бу адвокат опадан, сиз нега бу қоғозларга қатнашдим деб имзо чекдингиз? деб сўрадим. У эса, турқини бузмасдан қайси қоғозга имзо чеккан бўлсам, шуни тагига ёзиб қўйинг деди. Мен атайин ўшаларни тагига адвокат қатнашган эмас, бу имзо хато деб ёзиб чиқдим. Умримда биринчи марта кўрган бу адвокат менинг ҳамма ишимни олиб бораётган одамга айланибди. Мен унга қараб, менга адвокат керакмас сиз кетаверинг дедим. Терговчи йўқ адвокат бўлмаса бўлмайди деди. Уйингдагиларга айт ўзлари ёлласин адвокат деди. Мен эса, йўқ уйдагиларни адвокатга берадиган пули йўқ дедим. Менга адвокат керакмас дедим. Лекин, афсуски, кейин билсам бу ифлос адвокат хотин уйдагилардан гўёки, мени ҳимоя қиламан Судга бераман деб, пул олган экан. Яна ҳатто, болангизни қамамасдан чиқариб юбортираман деб бир сигирни пулини олибди. У пайтда 70 минг сўм турадиган бу пул катта пул ҳисобланарди. Мен уйдагилар билан учрашолмасдим. Агар учрашсам ҳам улар менга айтишмасди. Мен уйдагилар бир тийин беришларини истамасдим.

Мен ўзим бошимга тушган бу балони охиригача боришга тайёр эдим. Менга пул бериб чиқиш кераги йўқ эди. Лекин, ота онам содда одамлар эдилар. Улар бу адвокат, Суд ва терговчиларни фирибгарлигини билмасдилар. Бу ифлосларнинг яхши гапларига ишониб боламни чиқарар экан деб пул беришган. Мен булардан беҳабар қолдим. Кейин билиб, аламим олти бўлди. Мен уларни пул беришларини истамасдим. Ҳаромхўр ментлар ва адвокат ва Судлар шундай қилиб, менинг содда ота онамни алдаб пулини олишди. Мени эса етти йилга озодликдан маҳрум қилишди. Аллоҳ у пулни қиёмат куни булар учун ҳасрату надомат қилсин. Кейин мен етти йил олганимдан сўнг, уйдагилар адвокатдан нега бундай бўлди? Деб сўрашганда, у безбет хотин Судя уни чиқармоқчи эди. Тошкентдан кимдир қўнғироқ қилиб, қамайсан деди. Кейин ноилож қамади дебди. Бу гаплар сафсата эди. Мен қамалишимни билардим. Шунга рози эдим. Ота онам қамалишимни исташмаган эканда. Шунга улар ўзларича мени қутқараман деб оввора бўлишган. Ота она фарзандини қийналишини истамас экан. Мен буни энди бугун билдим. Ўзим ота бўлганда боламни ўша мен кўрган кунларни кўришини асло истмаслигимни тушундим. Демак, менинг ота онам ҳам менга у кунларни раво кўришмаган эканда. Лекин, мен у кунларни ўзимга ўзим раво кўрардим. Тақдир ҳам менга шуни раво кўрган экан. Лекин, боламга раво кўрмайман. Бола дегани ўзини ўйламас экан. Ота она ўйлар экан. Буни эса мен энди тушунаяпман. Мен делони ўқий бошладим. Мулла шунақа нарсаларни ёзибдики, ҳайратда қолдим. Уни ўзи ўзича қилдими ёки унга кимдир ёз деб айтганми билмадим. Эмишки, уни ити заҳарланиб ўлибди. Уни мен қилган эканман. Эмишки, унга кимдир телефон қилибди ва қизига таҳдид қилиб қўқитибди. Қизи эса судда овозимдан таниганини айтди. Бунақа бўлмаганди. Мен умуман телефон қилмагандим. Яна уни уйда ухлаб ётганда ёқилгани, уни ўлдириш учун қилинган экан. Уни ўлдириш мақсади менда бўлмаганди. Лекин, булар делода бор эди. Мен демак узоқ йилларга қамалишимни тушундим.

Терговчига ёзган протоколимда, уни уйини иккичи эшиги борлигини, ва агар дарвозаси ёнган тақдирда ҳам ўша эшикдан чиқиб кетишлари мумкинлигини ва ўлим хавфи умуман йўқлигини ёздим. Бу нарса Судда менинг асосий аргументим бўлганди. Яна делода мени уч йил олдин уйланган хотинимдан олинган тушунтириш хати бор эди. Бу аёл у пайтда эрга тегиб, тошкентга кетган экан. Терговчи Равшан уни излаб топибди. Мени ўша пайтдаги жиноятим учун энди жазолашмоқчи эканлар. Лекин, у аёл энди бировнинг хотини ва ўз ҳаётини яшаётган кимса эди. Шунда ҳам бориб ундан шикоят хати олишга уринишган. Лекин, у негадир ёзган хатида менга қарши нарса ёзмаганди. Унинг онаси ҳам мен буни қонунга зидлигини билмагандим. Билсам милицияга ариза ёзардим деган гапларни ёзибди. Бу ишда жиноят йўқлиги учун прокуратура томонидан делодан олиб ташланди.

Делода яна Диний Бошқармадан келган бир хат бор эди. У хат Тўрткўл район Ҳокимига ёзилган бўлиб, тушунишимча, ҳокимнинг хатига жавоб эди. Унда ҳам Муфтий Абдуллоҳ Бухорий имзоси бор эди. Хат мазмунида айтилишича, мен дарҳақиқат Аламли Бобо масжидига имом қилиб Диний Бошқарма томонидан тайинланганим ва кейинроқ Бошқарма уставига амал қилмаганим учун ўз вазифамдан озод қилинганим ёзилганди. Хатни охирида эса, ҳокимиятнинг мустақилликнинг мустаҳкамлаш учун қилаётган ишларида муваффақиятлар тилаб тугатилганди. Бу Диний Бошқарманинг мактуби эди. КПЗда Тўрткўлнинг положенеси Эгам Рустамнинг гуруҳи келиб суд бўлиб кетганлигини эшитдим. Бу гуруҳдан иккитаси ўлим жазосига ҳукм қилинганди. Булардан бири Рустам ва бири Сапарбой эди. Сапар бошқа бир гуруҳ ишига ҳам алоқадорлиги учун ҳали КПЗда ётарди. Бу гуруҳ Суди давом ётарди. Сапарбой бир иши бўйича ўлим жазоси олган ва иккинчи ишда қатнашарди. Унга энди бу судда неччи йил беришлигини фарқи йўқ эди. У ўзи ўлимига рози бўлганди. Тезроқ ўлишни истарди. Сапарбойни армони мен билан озодликда танишмагани эди. У агар озодликда динни ўргансам бошқача одам бўлардим деб армон қиларди. Бу иши бўйича унга ўн икки йил муддат беришди.

Бу ўлим жазоси устига берилган муддат эди. Инсон зоти ажойиб махлуқ бўлади. Бошига оғир кунлар тушганда яхши инсонга айланади. Яхши кунларда эса, ўзидан кетади. Кибр ҳаво қилади. Мен бу динни инсониятга индирилганлигини моҳият мазмунини фикр қилардим. Бу дин инсониятни комил инсон қилиши керак эди. Шу вазифа бу динга юкланган. Пайғамбаримиз ҳам, мен макоримул ахлоқни камолига етказиш учун жўнатилдим деб марҳамат қилганлар. Агар динсиз инсон ўзи йўл топаолганда, бу дин тушурилмасди. Инсон ўзи йўл топаман деб турли йўлларга бошини уриб кўрди. Ҳалиям турли йўлларда юрганлари кўп. Тўғри динни топганлари эса, уни хурофотларга аралаштириб ташлади. Бу хурофотларни дин деб тарқатмоқдалар.

Мен КПЗда пайтимда орқа қуйруққа катта чипқон чиқди. Бу нарса одам танасида қон бузилса чиқар экан. Мен овқат емасдан нон билан чой ичиб кун кўрардим. Озиб тўзиб қолгандим. Шунда аҳволим жуда ёмон бўлди. Туалетгаям боролмай қолдим. Намозларни ўтириб ўқидим. Охири қимирлолмай қолдим. Бақириб дўхтир чақира бошладим. Ментлар дўхтир чақиринишга мажбур бўлишди. Дўхтир келиб кўриб, буни кесиб олмасак бўлмайди дейишди. Ментлар мени қўлимга кишан солиб, машинада дўхтирга олиб боришди. Уйдагиларга эса телефон қилиб, қандайдир укол дори олиб келишни айтишди. Ўшанда мен ментлар билан қўлимда кишан касалхонага бордим. Ўзи зўрға юрсамда, кишанни ечишга улар рози бўлишмади. Ўша ерда уйдагиларим билан беш ўн минутча учрашардим. Мени кўриб ота онам йиғлашарди. Мени кўриб касалхонадагилар раҳми келиб қарашарди. Мен қўлимдаги кишаним билан икки ментни орасида кириб операционний хонадаги каравотга чўзилдим.

Шу ерда менга укол қилиб орқамни кесиб чипқонни олиб ташлашди. Йирингни кавлаб олиб ташлаганда, орқа куйруқда катта тешик пайдо бўлиб қолди. Шунга пахта қўйиб, пластика ёпиштириб, ментларга энди бу болани ҳар куни перевязкага олиб келасизлар дейишди. Ментлар бошлиғига айтишганди. У олиб боринглар деди. Шунда мен бир ҳафта касалхонага қатнадим. Ота онам ҳам ҳар куни келиб, шу ерда кўришардик ва менга у бу нарса олиб келган бўлса олиб кетардим. Ўша ерга Гулдурсиндаги устозим Саид маҳмуд дада ҳам келганди. Мен унга ва дадамга қараб энди мендан рози бўлинглар. Мен кўп хатолар қилдим. Энди қамалиб кетаяпман. Қачон чиқаман ва чиққунимча ким бор ким йўқ Худо билади. Рози бўлинглар дегандим. Ўшанда дадам ва устозим розилашиб йиғлаб харйлашгандик. Шундай қилиб мен чипқон балосидан қутулдим.

Бошқа у нарса мени безовта қилмади. Нукусдаги турмага нисбатан, КПЗ анча тинчроқ эди. Бу ерда одам бемалол таҳорат қиларди. Камерада икки уч одам бўлиб, ёзда тош деворлар сабабли, камера салқин бўлиб турарди. Яна бу ерда ётганимизда уйдан ҳар куни овқат келиб турарди. Нукусда эса, камерада на сув бор? На мен ейдиган овқат бор? На тоза ҳаво бор? Камерада ўттиз қирқ киши иссиқдан сассиб сигарета тутинидан нафас ололмасдан намозларни зўрға бир амаллаб ўқирдим. Одам кўплигидан хонада намоз ўқишга жой йўқ эди. Шконкага эса ментлар чиқишга қўймасди. Бу учун калтаклаб жазоларди. Хуллас, КПЗда ўн кунча ётиб, яна Нукусга қайтдик. Шу билан турмада яна Судни кутиб икки ойча қолиб кетдик.

Нукус Турмаси

Турмадаги ҳаёт эса, кунлар қизиган сари оғирлашарди. Тор хонада одамлар кўплигидан жуда қийналардик. Хонада туалет унитазни орқали пастдаги вишкага ҳукм қилинганлар хатасига груз ўйнардик. Улар билан фақат бизни хата орқали алоқа бор эди. Уларга атаб бошқа хаталардан чой чекиш груз келарди. Бу грузни кундузи камералар орасига тортилган жилка орқали амалга ошириларди. Жилка бизни камера деразасидан қўшни камера деразасигача тортилганди. Груз ўйнаганда шунга ип боғлаб уларга юбориларди. Улар ипни бир учни тортиб олгач, унга грузни ўрнатиб қайтариб юборарди. Деворни мушт билан уч марта уриш бу торт деган сигнал эди. Шу тариқа грузлар хатадан хатага ўтиб бизгача келарди. Груз ўйнаганда ментларга запал бўлмаслик учун икки уч киши эшик олдида «атас» турарди. Баъзилар эса ўзаро баланд овозда гаплашиб туришарди. Мақсад груз ўйнаётганда чиқадиган овозни биров эшитмаслиги ва камера эшигидаги тешиқдан биров кўрмаслиги эди. Шу пайтда банзай (дераза) олдида ҳам икkitаси ўтириб, ташқарига қараб ўтиришарди. Бу иш пастда юрган ментлар хатадан хатага ўтаётган грузни кўриб қолмаслиги учун қилинарди.

Буларнинг бари рискованний ишлар эди. Қўлга тушган шахсни ёки хатани олиб чиқиб синдирадилар. Турма ментовский эди. Бизга келган грузни биз кечаси отбойдан олдинроқ туалет орқали пастга юборардик. Унитазни трубази пастдаги хатага ҳам тушган бўлиб, улар билан бизни хатамизда битта канализация трубази бор эди. Бу трубадан биз пастга ипни ташлардик. Бу ипни хатада у бу кимни жемперини бузиб, ипини олиб эшиб қилинарди. Шу ипни кундузи яшириб қўярдик. Мақсад уни ментлар топмаслиги керак эди. Топса олиб кетишарди. Хатадагиларни калтаклашарди. Бу ипга учига бир оғирроқ нарсани боғлаб, трубадан пастга юборардик.

Полимизни уч марта тепсак, пастдаги хата алоқага чиқарди. Улар унитаз орқалик биз билан ва рутма билан алоқа қилишарди. Улар биз юборган ипни олиб, бир икки силкиб олганлигини маълум қиларди. Кейин, биз унга грузни боғлаб, яна пастга тортиш ишорасини берардик.

Бу груз чой ва сигарета бўлиб, уни баъзан хатадан ва баъзан бошқа хаталардан олардик. Носкига солиб ипга боғланарди. Пастдагилар груз уларга боргунча ипни тортиб груз боргач, силкиб қўйишарди. Кейин биз ипни юқорига тортиб олардик. Баъзан шу пастки хатадан бошқа хаталарга малявалар чиқарди. Малява дегани кичкина парча қоғозга ёзилган хат бўлиб, ўғри оламида фақат шу малява ёзиш мумкин эди. Улар узундан узун мактублар ёзишмасди. Малявалар қисқа ва лўнда ёзилган хат бўлади. Шу хатага Тўрткўлдан Эгам Рустам ҳам вишка (ўлим жазоси) олиб келди.

(Ўлим жазоси олиб келиб ўтирди) Шунда мен у билан анча мунча малявалар ёзишдим. Уни ишига доир тафсилотларни сўрадим. Унга намозликни ёзиб юбордим. Ўзаро ёзишмалардан билдимки, Рустам бу жиноятда ноҳақ ўлимга ҳукм қилинган эди. Афсус, шу бола отиб ўлдирилди. Мен уни ноҳақдан ўлдирилди деган фикрдаман. Уни ўзи ҳам шуни айтганди. Мен у билан у ўлим хатасида ўтирганида алоқа қилган ягона одамман. У бошқа одамни кўрмади. Мен у ҳақида бор ҳақиқатни очиқ ойдин айтишим шарт эди. Шунинг учун бу ерда ёзаяпман. Ўшандай грузни бошқа хатадан бизга ўтказмоқчи бўлганимизда ипимиз ерга тушиб кетди. Қайси хатадан ип ерга тушса, ментлар ўша хатани жазолашарди. Ҳаммамиз даҳшатдан қотиб қолдик. Пастдаги ментлар уни кўриб камерага келишлари мумкин эди. Шуни кутардик. Ҳаммани чиқариб калтаклашадими ёки, бирорта одам айбни бўйнига оладими? Шуни ўзаро муҳокама қилардик. Мен бу ўғри ақидасига содиқ одам бўлмаганман. Бу ишларга гарчи қўлимдан келганча қарашиб турсамда, мен блатнойлардан эмасдим. Мен хатада ягона намозхон эдим. Бошқаларни ҳам намозга ўргатаётган одам эдим. Лекин, менга улар қилаётган бу ишлар замиридаги одамгарчилик маъқул эди.

Бошқа хатадан олинган груз бизнинг хатани тагида ўтирган ўлим жазосини олганларга жўнатиладди. Билишимча, ўлим жазосига ҳукм қилинганларга учрашув берилмасди. Бу дегани уларга чой сигарета келмасди. Улар умрини охирги кунларини шу нарсалардан маҳрум ўтказишга мажбур бўлишарди. Уларни ҳам маълум муддатдан кейин, Тоштурмага этап қилишарди. Тоштурмада эса булар учун ертўлада алоҳида камералар бўлиб, улар ўша ерда ўтириб ўлим жазоси ижро қилинишини кутишарди. Кейинроқ, тоштурмада ўтирганимда эшитдимки, ҳар куни шанба куни кечки ўн иккидан кейин, ўлим жазоси ижро этилар экан. Буни ўша ерда ўтирганлар айтишганди. Ўлим жазоси ижро этилган маҳбуслар жасади уйига берилмасдан номаълум ерга кўмиб юборилади. Уйига фақат кийимлари юборилар экан. Ўлим жазосини ижро қилувчи махсус гуруҳ бўлиб, бу ўша пайтдаги қонунда белгилаб қўйилганди. Ҳозир бу модда бекор қилиниб, бир умрлик қамоққа алмаштирилган. Олдинги қонунга кўра, маҳбусни уч кишидан иборат гуруҳ ўлдиради. Соқчилардан ташқари, ўша ўқ отувчи кимса ўқ отади. Доктор уни ўлганлигини текширади. Прокурор буларни тасдиқлаб рапорт ёзади.

Ўлим олдидан маҳбусни охирги илтимоси бажарилиши ҳам ўша қонунда ёзилганди. Мен ўлимга ҳукм қилинган маҳбусларнинг ўлим олдидаги ҳолатларини кўп кўз олдимга келтириб, уларга ачинганман. Мен бу маҳбусларга ўлим жазоси берилишини ноҳақлик деб тушунардим. Шунақа жазога маҳкум бўлганлар мен ўтирган камера тагида ётишарди. Уларга сигарета ва чой юбормоқчи бўлиб уринардик. Шу пайтда ипимиз ерга тушиб кетганди.

Хуллас, ўша ипни ерга тушгани учун камерага ментлар келишини кутардик. Мен бу ишларни қилишда фаол қатнашаётган солдатни ва бошқа бир иккита қорақалпоқларни шу йўлга содиқ жиноятчилар деб ўйлардим. Улар шу ишлар учун ҳар қандай оғирликни кўтаришга тайёр одамлар бўлишса керак дердим. Уларга ҳам жон ширин экан. Тушлиқдан кейин, камерамиз эшиги дарчаси тарақ туриқ қилиб очилди ва дубахни қисик кўзлари кўринди. Буни ким қилди? Деб сўради қорақалпоқ навбатчи мент кўлида ўша биз ерга туширган ипни кўрсатиб. Бу сизларни камерани тагига тушган ва сизлардан кимдир бўйнига олиб чиқсин деди у. Агар чиқмасанглар ҳамма камерани чиқариб калтаклаймиз деб таҳдид қилди мент.

Мен бу хатадаги блатнойларни бирортаси чиқиб калтак еб келсади деб ўйлагандим. Шунинг учун ҳам буларга қойил қолаётгандим. Лекин, ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда мен ментга қараб, командир мен айбдорман буни мен тушириб юбордим дедим. Мен блатной бўлмасамда, бу ишни зиммамга олиб, камерани қутқариб қолмоқчи эдим.

Қолаверса, бу ишни қилаётганлар ўзларининг шахсий иши учун, пастдаги ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг манфаати учун қилаётгандилар. Турма шунақа жойки, биров учун биров калтак еб жонини азобга қўйиб ёрдам беради ва кўмак кўрсатади. Ўғри ақидаси мазмун моҳияти шу эди. Арестантский солидарность тушунчаси бор эди. Шунда мен биринчи марта Нукус Турмасида калтак едим. Мени камерадан чиқариб, Режимниклар хонасига олиб киришди. У ерда навбатчи Асомиддин деган қорақалпоқ сержант эди. У ва иккинчи мент бирга мени ерга ўтқазишди. Оёқларимни чўзиб қўйиб, устига курсини қўйиб. Курсини устига қўлимни қўйишди. Курсидан чиқиб турган икки оёғимни мент ботинкаси билан миниб босиб турди. Асомиддин дегани дубинкаси билан оёғим тагига уришни бошлади. Аввал бир икки урганида унчалик билинмади. Мен улар шу дубинкаси билан орқамга урса керак деб кўрққандим. Лекин, ҳали судимиз бўлмаган терговдаги маҳбуслар эдик. Баданни кўкартиришлик буларга минус бўларди. Шунга шунақа товонимга уришган экан. Мен буни енгил жазо деб тушунгандим. Афсус, адашибман. Бештадан кейин оёқ тагида ўт ёнгандек бўла бошлади. Кейинги зарбалар шунақа сезиларли эдики, оёқ тагидаги нерв толалари калтак зарбини миямга юборарди. Тинмасдан бақирардим. Оёғимни тортиб ололмасдим. Мент босиб турарди. Тиззамни устида курси бор эди. Қўлим курсини устида бўлиб, мент уни ҳам босиб турарди. Оёқни тагига дубинка билан уриш маҳбусларга бериладиган қийноқларнинг катталаридандир.

Асомиддин уриб чарчади. Мен бақириб чарчадим. Улар тўхтаб бўлди тур деганда мен қимирлолмасдан қолгандим. Ментлар мени судраб кетишди. Хатага борганимда болалар судраб ерга ётқизишди. Оёқларим тагига латтани сувлаб босишди. Дод войлаб икки соат ётдим. Кейин қарасам товоним шишиб қизариб кетганди. Бир ҳафтача юролмасдан қолдим. Бу биринчи еган калтагим эди. Иккинчисида ҳам шунақа иш бўлди. Унисида мен ўзим чиқмадим. Мент мени чақириб чиқарди ва урди. Унда хатамиздаги солдат продолни нариги томонидаги хата билан гаплашаётганди. Бу ҳавони тозалаб турадиган труба орқали бўлади. Коридорда юрган дубах овозни эшитиши мумкин эди. Запал бўлмаслик учун биз атасда турардик. Эшикни дарчаси бирдан очилди ва мент атасда турганим учун мени кўрди. Мен жойимдан қимирламасдан унга у бу деб турдим. Бошқалар тезда тарқалишди. Мент овозни эшитганди. У бизни хатадан овоз чиққанини билаиб келганди. Шунда мент мени сен гаплашдинг деб камерани очиб ташқарига олиб чиқди. Мен унга мен гаплашмадим деяолмасдим. Бошқа одамни сотиш мумкин эмасди. Ўшанда мен коридорни ўзида шу ментдан калтак едим. У мени режимник олдига олиб бормади. Шу коридорни ўзида урди. Узун бўйли қозоқ экан узоқдан туриб этиги билан тепарди. Ўша ерда яхшигина калтак еганман.

Бу иккаласи ҳам терговдаги азоб эмасди. Бу махсус МХХ томонидан топширилган буйруқ асосида берилган азоб эмасди. Бу шу камерада у бу ишни қилиб запал бўлганим учун еган калтаклар эди. Бу арестантларнинг оғир ҳаётига кириб келаётган янги маҳбуснинг шуларга бирдамлик кўрсатиб чеккан азоблари эди. Айни дамда бу калтаклар менга қандайдир маънавий лаззат бағишларди. Мен тўғри иш учун калтак еяётганимни тушунардим. Бунга афсусланмасдим. Мен турмада диндор сифатида танилганим учун менга баъзи дубахлар тумор ёзиб беришни сўраб келишарди. Баъзи дубахлар Нукусдаги янги очилган Иегова Гувоҳлари черковига бориб насроний динига киришган экан. Улар келиб навбатчилигида мен билан дарча орқали узоқ суҳбатлар қилишарди. Улар менга ўзбек ва рус тилларида ёзилган насроний динига оид китобларни олиб келиб беришди. Бу китобларни улар бошқа камераларга ҳам тарқатишар экан.

Насроний дубах мени ўз динига даъват қиларди. Уни айтишича Исо алайҳиссалом умрида ҳеч уришмаган экан. Ҳатто уни урганларни ҳам яхши дуо қилган экан. Дин мана шундай бўлади дерди у. Умуман урушга йўл бермайди. Дунёдаги ёвузликни йўқ қилади дерди. Муҳаммад пайғамбар (алайҳиссалом) умри давомида кўп марта урушган. Шунинг учун ислом дини тўғри динмас дерди у. Мен унга Исо алайҳиссалом дини билан Муҳаммад алайҳиссалом дини орасида фарқ йўқ. Ҳамма пайғамбар алайҳиссаломлар бир ақидани якка Аллоҳга ибодат қилишни тарғиб қилишган. Лекин, насронийлик китоби инжилни ўзгартириб, Исо алайҳиссаломни Худонинг боласи деган сафсаталарни ёзишган. Бу ақида ботил ва Аллоҳнинг боласи йўқ дердим. Ўша пайтда мени ўйлантирган нарсаси шу эдики, мусулмонлар имомлари халқни сафсаталар билан алдаб динфурушлик қилиб юришсаю, насронийлар келиб, черковлар очиб ота бобоси мусулмон бўлган халқни насронийликка киргизаётган бўлсалар. Бу қандай бўлди? Нега бизнинг дин пешволари бу нарсани ўйлаб кўришмайди?

Бу динфуруш имомлар ваҳҳобий деб мусулмонларни қатағон қилгунча, мана шуларга қарши курашса бўлмайдимиз? Деб ўйлардим. Шу ерда ўтириб, Нукусдаги Ваис ҳожига бир мактуб ёздим. Бу киши Қорақалпоғистон қозиси лавозимидаги ёши ўтган чол эди. У Нукусдаги эски омборхонани масжид қилиб, очилган бир масжидда имомлик қиларди. Мен ўша омборхонадаги масжидига бориб у билан учрашгандим. Энди турмада ўтириб унга мактуб ёздим. Мактуб мазмуни қуйидагича эди.

Ваис ҳожи жанобларига

**Тўрткўлдаги собиқ масжид имоми
Муҳаммадсолиҳ Абутовдан мактуб**

Мен тақдир тақозоси билан турмада ўтириб шу хатни ёзаяпман. Бу турмада насроний дубахлар насроний динига оид китобларни тарқатмоқдалар. Баъзи маҳбуслар бу китобларни ўқишмоқда. Сиз Қорақалпоқ қозиси сифатида бунга масъулсиз. Нега сиз имомларни турмаларга юбориб даъват қилдирмайсиз? Нега буларга намозлик китобларни тарқатмайсизлар? Нега шу ишларни насронийлар қилади? Мен турмада ўтириб, маҳбусларга намозликни дафтар қоғозига ёзиб бераяпман. Бошқа камералардан ҳам илтимослар келаяпти. Агар сиз шу хатни олиб борган одамга китоблар бериб юборсангиз яхши иш бўларди. Камераларга тарқатардик. Бу иш ҳарбир мусулмон зиммасидаги вазифадир.

Сизда эса каттароқ масъулият бор. Мен эслатиб қўйдим.

Саломат бўлинг деб имзо. Сана.

Бу хатни бир мусулмон дубахга бериб, уни масжидга юбордим. У мактубни олиб бориб берибди. Келганида эса қўлида бир қанча намозликни ўргатадиган кичкина китобча ва бир арабча қуръон олиб келди. Бу менга Нукуслик қози бериб юборган китоблар эди. Кичик китобларни тарқатиб қуръонни ўзим ўқиб юрдим. Қози Тўрткўлдаги имомдан анча афзалроқ одам экан.

Кейин, мени бошқа камерага ташлашди. Унисида анча кичкина бўлиб, тўртта шконка бор эди. Олти киши яшардик. Одам камлиги учун сал одамга ўхшаганроқ ҳаётда яшадим. Бу хата олдингисидан кўра анча салқинроқ эди. Туалетига кўп навбат кутмасдик. Пақирда олиб қўйган сув крандаги сув тўхтаб қолганида ҳам то сув келгунича етарди. Бу ерда унисидан кўра анча яхшироқ вазиятда ўтирдим. Кейин бизларни Тўрткўлга судга олиб кетишди. Мени ишимни Нукусдаги Қорақалпоғистон Олий Суди Тўрткўлда кўрадиган бўлди.

Судга бизни Нукусдан ўн кишилик конвой кузатиб борди. Тўрткўл КПЗсига борганимизда ҳам бизни Нукуслик қўриқчилар кузатиб юришди. Тўрткўллик ментлар бизга қарамасди. Фақат Нукусдан келганлар олиб кириб олиб чиқишарди. Сабаби бизни ишимизни Олий Суд кўраётганди. Қорақалпоғистон Олий Суди эса Тўрткўллик Анажон деган аёл эди. Худди шу аёл бир пайтлар менга қудуқни кўмганим учун жарима солганди. Энди шу аёл Олий Суд аъзоси бўлган ва мени ишимни кўраётганди. Мени ишим Тўрткўлда эски Суд биносида бўлиб ўтди. Ҳозир Тўрткўлда янги Суд биноси қурилган. Мени суд бўлган бино бугун қандайдир идоранинг биноси бўлиб турибди. Мен уни 2005 йилда бориб кўрдим.

Суд

(Тўрткўл)

1996 йилнинг июн ёки июл ойида бизни Тўрткўлга Судга олиб боришди. Бу сафар бизни Нукус ментлари қўриқлаб боришди. Суд Ленин кўчасидаги эски бинода эди. Бу кўча энди мустақиллик кўчаси бўлсада, уни ҳалигача ҳамма Ленин кўчаси дерди. Аввалига ментлар бизларни қўлларимизга кишан солиб Бино олдида олиб боришди. Ўша ерда мен кўп сонли қариндош уруғларимни ва масжиддаги яқин дўстларим ва шогирдларимни ва уларнинг ота оналарини кўрдим. Мени ва икки шеригимни кўриб, улар ҳаммаси нигоҳларида афсус ва бизга ачиниш аломати зоҳир эди. Улар бизни ноҳақлик қурбони эканимизни англашарди.

Бу воқеа шаҳарда катта шов шувга сабаб бўлганди. Аввал бизни машинадан тушириб, одамлар орасидан олиб ўтиб, суд залига киритиб, тигрятникка қамашди. Йўлда одамларга қараб салом алик қилиб бошимни қимирлатиб бордим. Ичкарига киргач кишанларни ечишди. Курсига ўтирдик. Залга одамларни кирита бошлашди. Залга одам сиғмай қолди. Терпила тарафни ҳам одамлари келганди. Улар ҳам кирмоқчи эди. Ҳамма жойлашиб бўлгач судья кириб келди. Мен иккита шеригим билан бу ишни ўзим қилдим деб айтаман. Сизлар ўша куни меникига келгандинглар, мен сизларни мен билан юр деб олиб кетдим. Бир ерга боргач, сизларни шу ерда тўхтаб мени кутинглар деб, ўзим кетдим. Ва бир оздан кейин қайтиб келиб, сизлар билан уйга қайтдим.

Сизлар мени нима қилганимдан беҳабар қолгансизлар деб айтаман ва сизлар ҳам шуни айтишлар деб, келишиб олгандим. Судя аёл адвокатларни чақиртирди. Бизни уччаламизга ўша битта ментлар топган адвокат эди. Шерикларим ундан воз кечишди. Мен эса, менга ўзи адвокатни кераги йўқ дедим. Лекин, судя бу катта жиноий ишда адвокат бўлмаса бўлмайди дегач, ўша аёл қолаверсин дедим. Бу аёлни боридан йўғини фарқи йўқ эди. У ментовский адвокат эди. Менга уни кераги йўқ эди. Лекин, бошқани олсам унга пул бериш керак эди. Шунинг учун ҳам шуни қолдирдим. Дадамни гувоҳ сифатида залдан чиқариб юборишди. Чақирганда келиб гувоҳлик берасиз дейишди. Мен шунга афсусландим. Дадам нега гувоҳ бўлган ҳайрон бўлдим. Терпила мулла ҳам қизларию, хотини билан келиб ўтирди. Муридлари атрофидан жой олди. Судя аввалги сўзни менга берди. Мен туриб гап бошладим.

Судяга қараб сиз мени яхши танийсиз дедим. Сиз менга аввал қудуқни кўмганим учун жарима солгансиз. Мен гапни сал аввалдан бошлайман ва кейин шу жиноятга келаман дедим. Судя майли қисқароқ бўлсин деди. Залдагилар вужуди қулоқ бўлиб эшитишарди. Башарасини без қилиб, мулла Жумаовой ҳам ўтирарди. У семизлигидан курсига сиғмасди. Мен шу шаҳарда туғилиб ўсганман. Ҳамма қатори мактабда ўқидим ва Армияга бориб келдим. Мен диндор оилада ўсганим учун динга қизиқиб у бу ерга бориб таълим олдим. Тушундимки, юртимизда дин тамоман бузилган экан. Динфуруш мулла эшонлар халқни алдаб пулини олиш билан банд эканлар. Мен одамларга динни ўргата бошладим. Масжид қурдик. Болалар таълим олди. Халқ динни ҳақиқатини англай бошлагач, бу ишларим ўша динфурушларга ёқмади. Улар мени ваҳҳобий деб бошқа деб айблай бошлашди. Ўша динфурушлар халқни алдаб пулини олиб ўтирадиган эски қудуқни кўмганимиз учун сиз бизга жарима солган эдингиз. Кейин эса, бу динфурушлар бизни бадном қилиб милицияга айтишди. МХХга ёмонлашди. Масжидлигимизни бекитишди. Мен Диний Бошқармадан бориб масжидни рўйхатдан ўтказиб ҳужжат олиб келдим. Бу ҳужжатлар делода турибди. Лекин, барибир бизга имкон беришмади. Булар уч, етти, қирқ каби бидъат маросимларга бориб халқни алдаб юришади. Динда эса аслида бундай маросимлар йўқ. Булар мазорларга атаб қўйлар сўйиб, гўштини талашиб ейдилар. Динда эса мазорга атаб жонлиқ сўйиш йўқ. Булар динни тушунмайдиган оми халқни алдаб пулини олаётган фирибгарлардир халос. Ўша делода мен кўрган булар ёзган хатлар ҳам менга тўхматдир. Мен унинг итини заҳарлаганим йўқ. Ити борлиги билмасдим ҳам. Уйига телефон қилганим йўқ. Қизини танишлари кўп. Бирортаси учрашувга чақириб телефон қилган бўлса. Шуни мен деб ёзибди шекилли? Менда уни ўлдириш нияти бўлмаган. Мен уни қўрқитиб қўймоқчи эдим халос.

Бу одам шу шаҳарга келганидан бери дадам уни қўллаб қувватлаганлар ва ёрдам берганлар. Бу одам эса, шу яхшиликка қилаётган «рахмати» шу бўлади. Масжидимизни ёптиргани учун ва мени бадном қилиб ҳаммага ёмонлагани учун бу одамга нисбатан нафратим бўлган. Ундан қасд олиш учун уни уйига ўт қўйишга қарор қилдим. Шу пайтда бу икки ошнам келиб қолди. Мен уларга машинангизда бир жойга бориб келамиз дедим. Улар ҳўп дейишди. Мен йўлда бир ерда тўхтаб, аввал яшириб қўйган бензинни олдим.

Улар бунга эътибор беришмади. Кейин бир ерга бориб, уларга шу ерда тулинг дедимда ўзим кетдим. Бориб бензини дарвозага сепиб, ўт қўйиб кетдим. Машинага қайтиб келдимда, улар га уйга ҳайданглар дедим. Улар мени уйимга ташлаб ўзлари уйига кетишди. Бор гап шу дедим. Судя менга нимага сиз аввалги протоколда бошқача ва кейингисида бошқача кўрсатма бергансиз деди.

Мен унга мени ушлаб келгач, ментлар уриб киссамга наркотик модда ташлаб, бу ишни Худоёрни топшириғи билан қилганман деб ёз деб қийнашди дедим. Худоёр дегани Элликқалъани имоми. У бола билан бу мулла орасида келишмовчилик бор. Билмадим, ментларга буни ким айтган, улар мендан шуни ёзасан деб туриб олишган. Уришган. Мен уларга ўзим қилганман деб ёзаман сабаби ўзим қилганман дедим. Улар кўнмади ва бу икки ошнамни ҳам қўшишди. Хуллас, бу иш шунақа бўлган дедим. Гапим тахминан ўн беш минутча давом этди. Менга прокурор ҳам шу ишни қилганини тан оласанми? Деб савол берди. Ҳа ўзим қилганимни тан оламан дедим. Кейин, сўз навбати муллага берилди. У қисқа гапирди. Унда гапирадиган гапни ўзи йўқ эди. У фақат бу одам жиноятчи одам ва уни жинояти исботланган ва у жазосини олиши керак деди. Мени иккита шеригим эса, мени гапимни айтишди. Биз уни нима қилганидан хабаримиз бўлмади дейишди. Шу билан тушлик танаффус эълон қилинди. Мен КПЗда бир хат ёзиб, уни кичкина гугурт қутисига солиб келгандим.

Ойна очиқ экан, шу залда турган ошнамга кўз уриштириб, қутини кўрсатдим ва уни ойнадан ташқарига улоқтирдим. Биз иккинчи қаватда эдик. У бола мени нима улоқтирганимни сездида, бориб, кўчадан уни топиб олиб залга кирди. Менга қўлидаги қутини кўрсатди. Мен болаларнинг зийраклигига хурсанд бўлдим. Бу хатда уларга айтган илтимосим шу эдики, Худоёрни топинглар ва у судда келиб қатнашсин ва мени танишлигини лекин бу иккита болани танимаслигини айтсин. Ментлар нега мени уриб уни ҳам бу делога аралаштиришга уринганига ҳайронлигини айтсин. Шуни унга етказинглар деб ёзгандим. Бу хат унга етган ва у судни учинчи куни келди. Судя унга ҳам сўз берди.

У сўзга чиқиб. Мени танишини ва ёнимдаги икки болани танимаслигини айтди. Ўзини у бу ерда ўқиганлигини ва Элликқалъада имомлигини айтди. Мулла Жумабойга адовати йўқлигини айтди. (Ваҳолонки, бизнинг масжидга келиб. Уни йўқ қилсанглар мен келаман ва сизларга ёрдам бераман деган одам ҳам шу эди) Лекин. Нега уни номини делога киритиш учун ментлар ҳаракат қилганига ҳайратдалигини айтишни унутмади. Судни иккинчи кунида эса, дадам ҳам гувоҳ сифатида чақирилдилар. Судя у кишидан сизни болангиз қандай бола эди деб сўради. Менимча бу мулланинг менга қарши найранги эди. У дадамни судя сўроққа тутса мени ёмонласа керак деб ўйлаганди. Дадам судяга қараб мени болам намоз ўқиб рўза тутарди. Масжидда болаларга таълим берарди. Ароқ ичмайди. Наркотик модда истеъмол қилмайди. Ўғирлик қилмайди. Қани айтинг шундай бола хшими ёмонми? Деб судяга савол билан жавоб бергандилар. Аллоҳ раҳматига олсин. Судя индамай қолганди. Тўғрида, агар шу мезон билан қаралса, мен ёмон бола эмасдим. Қолаверса дадам мени жуда яқиндан тушунадиган кам сонли одамлардан бири эдилар. У киши мени шу ишимда ҳам айбламадилар. Кейин муллага қараб, болам учун мен узр сўрайман дедилар. шу болам қамалмасин деб ундан узр сўрадилар. мен йиғлаб юбордим. мен дадамни бу пасткашни олдида узр сўраганларига аламимдан йиғлагандим. мен қамалишга рози эдим. Узр сўрашга розимасдим. У киши мен учун шундай қилдилар.

У пайтларда ҳали мамлакат бўйлаб диндорларни оммавий қама қамалар бошланмаганди. Судялар диндор одамларни ёмон одам деб ўйламасдилар. ИАК тарафидан ҳали уларга диндорларни уруғини қуриштириш буюрилмаган пайтлар эди. Ўша куни мулла тергов давомида Равшан суратга олган видеони залда кўрсатишни талаб қилди. Унинг бир муриди видеоманитофон ҳам олиб келибди. Касетани қўйиб залга ўша видеони кўрсатишди. Унда мен шу уйга келиб. Бензин сепиб ўт қўйганимни айтганман. Бу айбимни исботи эди гўё. Мен эса, бу айтганимдан тонмаётгандим.

Мен шу ишни қилганман деб турардим. Икки шеригимни адвокати янгилиги учун улар дело билан танишиш учун бир кун керак бўлди. Икки кунлик суд мажлисидан кейин бир кун дам олиш бўлди. Танаффусда онам келиб, болам шу ишни сен қилдингми? Дедилар яна. Мен эса ҳа мен қилдим дедим. Терговчи олдида ҳам шу гапни сўраганда, шундай дегандим. Кейинчалик, орадан икки йил ўтиб Товоқсойга учрашувга борганларида, мен онамга мен қилмагандим дедим. Мен қилдим деб айтишим шарт эди шунинг учун айтдим дедим. Агар мен қилмадим деганимда, улар ҳам мен ҳам қамалардик. Яхшиси мени бир ўзим қамалганим яхшику дегандим.

Учинчи куни эса, Муллани уйини делодаги чизмасида, иккинчи эшик йўқ эди. Мен эса, бу чизмани хатолигини ва уни уйида иккинчи кириб чиқиш эшиги борлигини айтиб туриб олдим. Судя муллани ҳам бир оз саволга тутди. Уни уйини иккинчи эшиги бор йўқлигини сўради. У эшик борлигини тан олди. Буни инкор қилиш иложи йўқ эди. Унда нега бу уйни чизмасида йўқ? Деб сўради судя. Мулла нима дейишга гап тополмай қолди. Кадастр қилмаган бу уларнинг иши деди у. Кадастрни бошлиғини чақиришди. У эса, унга ҳеч ким ариза билан мурожаат қилмагани учун улар чизмани чизмаганлигини айтишди. Судя унга шу уйни тўлиқ чизмасини эратага олиб келинг деди. У эртасига, янги чизмани олиб келганда, унда дарвозадан ташқари эшик борлиги кўрсатилганди. Судя мулладан шу эшикни нега кўрсатмагансиз? деб сўради. У эса, бу эшик чизмага кирмай қолган экан деди. Ўша идоранинг масъул ходими эса, бизга уйдаги ўзгаришлар қилинганидан кейин, қайтадан чизма қилишга ариза келмагани учун қилмаганмиз деди. Биз буни кўриб кулиб ўтирардик. Шу билан бу уйда иккинчи эшик борлиги тасдиқланди. Натижада 25 модда орқали қўйилган 97 модда делодан олиб ташланди. Мен судда охириги сўзимда икки шеригимни бу ишга алоқаси йўқлигини ва бу ишни ўзим қилганимни айтдим. Бу иш учун менга бериладиган жазога тайёрман дедим. Икки шеригим эса, ундан кечирим сўрашди.

Дадам мендан сен ҳам кечирим сўра деб қайта қайта айтсаларда, мен ундан кечирим сўрамадим. Мен Аллоҳдан мени ва ота онамни кечиришини сўрайман. Мулладан эса мен кечиримни, бу дунёда сўрамайман. Охиратда эса, ВАЛЛОҲУ АЪЛАМ.

Адвокатим бўлмиш аёл бу сафар ҳам фирибгарлик қилди. У ота онамга судя бу болани мулла ноҳадан қаматмоқчи бўлаяпти. Бу болани қамамайман деб айтди деган. Улар хурсанд бўлиб келиб буни менга айтишди. Чиқариб юборади сени дейишди. Мен бунга унчалик ишонмадим. Мен МХХ бу ишни кузатаётганлигини ва бу иш осонликча ҳал бўлмаслигини ҳис қилардим. Шунча қори акаларни йўқ қилишдику булар, мени тинч қўйишармиди? Лекин, бир тарафдан балки. Чиқариб юборса. Яна яхши бўларди. Энди ота онамга хизмат қилиб яхши одам бўламан деб ўйлаб қолардим. Судя ҳукм ўқиганда икки шеригимга уч йил ва менга етти йил озодликдан маҳрум қилинсин деганда, залда турган яқинларим йиғлаб юборишди. Ҳатто, умрида бирор марта мени қўллаб қувватламаган катта акам икром ҳам йиғлади. Мен уни йиғлаганини шунда кўрдим. Кейин билсам, бу судя хотин ўша акамдан укангни чиқараман деб етмиш минг сўп пора олган экан. Лекин, етти йил срок бериб юборди. Мени адвокатим уйдагиларга айтишича, судя мени ҳам икки шеригимни ҳам чиқармоқчи экан. Лекин, унга қаердандир телефон бўлибди. Қамайсан дебди ўша телефондаги одам. Судя эса. Уни айтганини қилиши шарт экан. Менга ўн тўрт минг сўм жарима ҳам солишди. Бу унга етказилган зарар экан. Шундай қилиб, Суд тугади. Дадам олдимга келиб, болам энди қачон кўришамиз Худо билади. Мендан рози бўл дедилар. Мен шу гапга йиғладим. Дада ҳали иншааллоҳ чиқиб келаман. Аллоҳ насиб қилса ҳаммаси яхши бўлади дедим. Дадам шу гапни айтиб мени пешонамдан ўпиб йиғлаб чиқиб кетдилар.

Мен озодликни кутмаётгандим. Лекин, икки шеригимни озод қилишларини кутаётгандим. Шу ердан суд залидан озод қилишини кутардим. Ундай бўлмади. Биз яна Нукусга кетдик. Шерикларим муддати уч ва икки йил эди. Шу йил август ойида амнистия чиқди. Биз энди улар билан битта хатада эдик.

Суддан кейин поделникларни бир хатага қўйверади. Судгача қўймас экан. Ўша суддан кейин яна икки ойча ўтиргач, улар шу Нукус турмасидан озодликка чиқишди. Мен эса, Тоштурмага равона бўлдим.



Тоштурма

Ниҳоят икки ой кутганим этап куни келди. Мен Нукус турмасидан 1996 йил Сентябр ойида, поездда Тоштурмага этап бўлдим. Бизни Нукус турмасида ҳар биримизга биттадан буханка нон ва консерва бериб, Нукус турмасидан зековоз машиналарда вокзалга олиб келишди. Бу машина Зил автомашинаси бўлиб. Орқаси тўла темир қопланган эди. Шу машинага маҳбуслар миниб тиқилиб ўтиришарди. Ёзни иссиғида машина ичи одам чидаб бўлмайдиган дарада қиздирарди. Ўша аҳволда темир йўл вокзалига бориб кутиб турдик. Биз ўтирган машинани бир чеккадаги алоҳида турган вагонга яқин олиб келиб тўхтатишган экан. Вагонда эса, солдатлар бор эди. Машинани очиб битта маҳбусни фамилиясини ўқиб, шу одам мен деб айтгач, машинада тушириб, орқа олдига қарамасдан уни икки мент ушлаб югуртириб вагонга олиб боришарди. Вагонда турган ментлар эса маҳбусни ушлаб миндирарди ва вагон ичидаги камерага қамарди. Ҳар бир одам машинадан тушганда ва вагонга минганда бақириб санашарди. Атрофда эса бошқа қуролли ментлар итларни ушлаб қўриқчилик қилиб туришарди.

Шу тартибда биттама битта машинадан вагонга олиб ўтишди. Шу тартибда икки учта машина маҳбусни вагонга юклашди. Вагонда эса ҳар бир бўлак олдига темир сеткалар билан тўсилган бўлиб, ҳар бўлакка ўнтacha маҳбусни тиқишарди. Ташқаридан эса солдатлар қулфлаб қўйишарди. Ҳамма миниб бўлгач. Ментлар делоларни солдатларга топшириб ўзлари қайтиб кетишди.

Солдатлар эса, вақтинчалик хизмат қилаётган ёш болалар эди. Булар ички ишлар тизимида хизмат қилишар экан. Булар барибир мент эмасди. Булар билан гаплашиш мумкин эди. Вагонимизни Паровоз келиб тортиб кетиб, бошқа составга улади. Кейин кечга қараб поезд Тошкентга қараб йўлга чиқди. Бу составда олдинда оддий йўловчилар кетишарди. Охирги вагонда эса, биз маҳбуслар кетардик. Фарқи шуки, биз ўтирган вагонни ойнаклари очилмасди. Ичкаридан қараганда ташқари кўринмасди. Биз вагондан ташқарига чиқаолмасдик. Лекин, у бу ерга тўхтаганда ташқаридаги шов шувларни эшитиб турардик. Озодликдаги одамларнинг шовқин суронлари бизга ажиб туюларди. Биз уларга ҳавас қилардик. Шундай қилиб Урганчга ва ундан ўтиб. Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Тошкентга бордик. Тошкент вокзалидан яна бизни вагонни составдан ажратиб олиб бошқа бир чеккароққа олиб боришди. Ўша ердан яна ментлар келиб, санаб биттама битта зековозга юклашди. Зеквоз машинани арестантлар вораноғ дейишади. Бу ўғрининг оёғи деганидир. Ўғри шу машинада юргани учун шунақа дейишган бўлса керак? Яна атрофимизда ментлар итларини ушлаб кузатиб туришди. Куннинг иссиғида яна вораноғда, терлаб пишиб Тоштурмага бордик.

Ўзбекистонда жами 52 та ЖИЭМ (жазони ижро этиш муассасаси) ва Тергов Изолятори (ТИ) бор. Булар орасида энг катта қамоқхоналардан бири "Тоштурма"дир. Тоштурма дегани Тошкент турмаси сўзининг қисқартма шаклида ишлатилишдан пайдо бўлган атамадир. Бу турма биноси бири бирига туташ қурилган бир қанча уч қаватлик бинолардан ташкил топгандир. Турма майдони анчагина бўлиб, ўзи Тошкент шаҳарининг аҳоли зич қисмида қурилган. Турма атрофида тошкентликлар яшайдиган маҳаллалар жойлашган. Шунингдек, мен кейинроқ бориб кўрганим сангород деб номланадиган касал маҳбуслар даволанадиган махсус зона ҳам, шаҳар ичида жойлашган.

Бу турма ва зоналар советлар даврида қурилган эски биноларда жойлашган бўлиб, аслида ўша пайтларда бу ерлар шаҳардан ташқари ерлар бўлган бўлса керак? Кейинчалик шаҳар кенгайиб, бу турмалар атрофларида маҳаллалар пайдо бўлган. Энди бу турмаларни шаҳардан янада чеккароққа, Зангиота туманидаги янги қурилатган зонага кўчирилиши айтиляпти. Аммо, Тоштурма ҳозиргача Ўзбекистондаги мавжуд турмалар ичида, энг каттаси ҳисобланади. Бу турма уч қаватлик бинолардан иборат бўлиб, ҳамма биноларнинг қурилиш шакли бир хил қурилган.

Кейинроқ мен Россиядаги турмаларда ўтирганимда ҳам уларнинг қурилиши тоштурмага ўхшашлигини кўрганман. Булар ҳаммаси ўша пайтларда совет қурувчилари чизмасига биноан қурилган бинолардир. Ўртада тор коридор бўлиб, ҳар икки тарафда камералар жойлашган бўлади. Худди шу шаклда иккинчи ва учинчи қаватда ҳам камералар бор. Биринчи қаватда бинонинг марказида, арестантлар тилида вокзал деб аталадиган жой бор.

Одатда маҳбуслар машинада келиб шу ерга тушадилар. Кейин, шу ердаги бўш камераларга жойлаштирилади. У ердан чиқариб шмон қилиб. Текшириб, эни бўйини ўлчаб, тиббий кўрикдан ўтказиб камерага жойлаштирадилар. Бу ерга транзит билан келадиган маҳбуслар учун алоҳида корпус бор. Вилоятлардан этап билан келганлар транзит корпусдаги камераларга тушадилар. Ўша ердан бошқа ерга яна этап бўлишади. Шу ерда терговда ётганлар бошқа корпусда сақланадилар. Улар терговдан кейин, муддат олиб транзит корпусга ўтиб зонага кетишади. Подвалда ҳам тергов камералари бўлиб, у ерда одамларни қийнаш учун махсус камералар бор. У ерда ўтирган кўплаб одамлар билан суҳбатлашганман.

Тоштурмани аслида маҳбусларни сиғдириши, расман қонунда белгиланган миқдори минг кишидан иборат бўлиб, лекин, унда ҳар доим беш мингтадан кўпроқ маҳбуслар бўларди. Бешта одамлик камерада йигирма бештача одам ётарди. Ўн кишилик камераларда ўттиз қирқ одам бўларди. Тоштурмада аёллар бўлими бўлиб. Улар алоҳида бинода жойлашганди. Шу турманинг подвалларида ўлим жазоси берилган маҳбуслар учун алоҳида камералар бўлиб, улар шу ерда отиб ўлдириларди. Бундан бошқа ўлим жазосини ижро қиладиган ерни ўзи йўқ эди. Бу турмада яна бошқа бир қанча бинолар бўлиб, улар маъмурий маиший хизмат бинолари эди. Ошхона ва ҳаммом бор эди.

У ерда уч йилдан паст муддатга қамалган маҳбусларни этапга юбормасдан шу ерда ишлаш учун олиб қолиб ишлатишарди. Булар ошхонада ишлашар ва овқат ташувчи баландёрлик қилишарди. Бу ерда терговда ётган маҳбусларни ҳаммомга олиб боришарди. Тоштурманинг санчасти ҳам ичида эди. У ерда пули кўп бойлар ойлаб ётишарди. Бу турмада юзлаб ментлар ишлашарди. Улар орасида аёллар ҳам бор эди. Ҳар куни бу ерга ўнлаб вагонда турли вилоятлардан маҳбуслар келар ва шунча маҳбус этап билан у бу зоналарга жўнатилинарди. Ҳар куни терговда ётганларни адвокатлари ва терговчилари келиб маҳбуслар билан учрашувлар ўтказишарди. Айни шу турмада кўплаб маҳбусларни қийнашган ва терговда гадларни олиб кириб азоблашган. Бу ерда подвалдаги камераларда махсус гадлар гуруҳи бўларди. Улар ментлар томонидан у бу маҳбусни қийнаб айбига иқдор қилдириб бериш каби иш билан шуғулланишарди. Тоштурмада положенец бор экан. У ўша пайтда Абду деган одам эди. Асли исми Абдуваҳҳобми ёки Абдурахмонми деган бу кимсани кейинроқ отиб ўлдиришди. У ўша пайтда тоштурмага қарарди. Ҳар бир продолга қарайдиган масъул бор эди. Коридорни маҳбуслар «продол» дейишади.

Продолга қарайдиганлар тўрт бешта бўлиб, улар ўша продолдаги барча камерага қарашарди. Мен тушган камера каттагина бўлиб, транзит копрусдаги иккинчи қаватда жойлашганди. Камерада йигирматача бола бор эди. Каравотлар сони ўн иккита эди. Хона эса бурчак хона бўлиб, айлана шаклда эди.

Бу хонада деразалар кўп бўлиб, бу деразалар биттаси бу тарафга қараса, бошқа у тарафга қарарди. Хона катталиги ва одам камлиги учун Нукус турмасига солиштирганда бу хона анча тоза ва нафас олиш бемалол эди. Яна бу ерда кранидан келадиган сув тоза ва ширин бўлиб, Нукусдаги каби шўр эмасди. Бу сув умуман тўхтаб ҳам қолмасди. Туалетга кириш ҳам бемалол эди. Асосийси эса, бу ерда Нукусдаги каби отбой подём режим йўқ эди. Болалар каравотларда ухлаб ётишарди. Мен кирганимда каравотларда ухлаб ётганларни кўриб ҳайрон қолганман. Тоштурма Нукус турмаси каби, қизил ментовский турма эмасди. Тоштурма қора турма эди. Бу ерда ўғри ақидасига озроқ бўлсада амал қилинарди ва шу бўйича ҳаёт давом этарди. У пайтларда ўғри ақидасига қарши ИАК бошлиқ режими қаттиқ курашлар бошлаганди. Тошкентда пайдо бўлган рэкетчилар ва бошқа беспределшиқ гуруҳларни ва уларга қўшиб, Ўғри ақидасидаги кўзга кўринган шахсларни ҳам йўқ қила бошлашганди. Баъзи турмаларда авторитетларни бошқа қизил хонага этап қилиб синдиришарди. Қаршидаги ва Навоийдаги қизил зоналар мана шундай блатнойларни синдирадиган қизил зоналар эди. Тошкентдаги ва унинг атрофидаги аҳоли яшайдиган маҳаллалар орасида қурилган зоналарда ўғри ақидаси мавжуд эди. Навоий ва Қашқадарё каби чўлдаги зоналарни синдириб қизил зонага айлантиришганди. Бу жараён давом этаётган эди.

Бугунга келиб Ўзбекистонда қора зоналар деярли қолмаган. Лекин, у пайтда ҳали бор эди. Сангородда Ҳасан Бобо (Дед Хасан) деган Самарқандлик Қонундаги Ўғри ўтирарди.

Вахтанг деган армани миллатига мансуб ўғри ҳам, асли таги Россиялик бўлишига қарамасдан Сангородда (64/9 зонада) ўтирарди. Шунингдек, у пайтда Йўлдош Ғазалкентский ва Таро Ташкентский деган грузин Ўғри ҳам ўтирган. Уни кейинроқ Россияга этап қилишади. 1991 йилда ҳибсга олинган Тошкентлик Ёдгор ҳам икки йилча шу тоштурмада ётиб, ўлим жазоси берилиб шу ерда отиб ўлдирилганди. Мен Тоштурмага борганимда Ёдгорни кўрган болалар бор эди. Ёдгор беспределшикларга қарши кураш қурбонларидан ҳисобланади. Уни болаларини ва катта акасини ҳам қўшиб рэкетчилар гуруҳи бир тўқнашувда отиб ташлашган. Уларни ушлаб суд қилаётганда, Ёдгор суд залига кириб, судланаётган жиноятчиларни ўтирган ерида отиб ташлайди. Ёдгор шу ерда бирорта ментни ва ёки Судяни отмаган. Аксинча уларга қараб, бу одамларни биз жазолаймиз ўзимизнинг тушунчамиз билан деб отиб ташлайди. Бу иши учун унга ўлим жазоси берилади. Уни шу Тоштурмада отишган. Ўша пайтларда озми кўпми ҳали Ўзбекистонда ўғрилар нуфузи ва таъсири бор эди. Ғазалкентда Йўлдош деган қонундаги Ўғри бор эди. 1998 йилда эса Бахтишка янғабадский Сангородда короноват қилинди. У пайтда мен Товоқсойда эдим. Буни ўша ерда пайтим эшитдим. Салимбойвачча ва Ғафурбойвачча каби мафиозлар ўғри ақидасига мувофиқ яшаган одамлар эмасди.

Улар вазиятга қараб ўзгариб турувчи сиёсий зийрак кимсалар эдилар. Улар ўғрилар нуфузи катта пайтида уларга яқинлашиб, улар билан ўз бизнес ишида ҳамкорлик қилишган бўлсалар, кейинроқ, беспределшиклар пайдо бўлганда уларга ҳам пахта қўйишга бошлашган. Кейинроқ эса, ИАК ҳукуматни тўла ўз қўлига олиб, ўғри ақидасига алоқадор авторитетларни ва беспределшикларни ҳам йўқ қилгач, булар ҳукумат билан ҳамкорлик қила бошлашди. Булар вазиятга қараб ўзгарувчи буқаламунлар эди. Булар мустабид ИАК режими қатағонларидан омон чиқиб, айна дамда ўз бойликлари ва пулларини сақлаб қололган «уддабурон» кимсалар эди. Агар шундай бўлмаганда, юқоридаги икки гуруҳ вакиллари каби, йўқолиб кетган бўлардилар. ИАК даврида фақат унга мойил бўлган ва итоат қилган кимсаларгина жон сақлаб қолишди. Унга муҳолиф бўлганлар диндорми, демократми, сиёсатчими, ёзувчими, журналистми, ҳуқуқбонми фарқи йўқ баробар қатағон қилинди.

Мен Тоштурмага борган пайтимда эса, ўғри ақидаси ҳали озми кўпми ўз нуфузини сақлаб турарди. Хаталарга шанба кунлари братвадан деб чой, чекиш тарқатиларди. Наркоманларга тўла камераларга дубахлар орқали наркотик моддалар кириб келарди. Героин деган нарса ўша пайтда янги чиққан бўлиб, наркоманлар шуни камерада бир бирларига укол қилишарди. Булар Тошкентлик ёш ёш болалар бўлиб, на ақидага ва на бир ғояга эргашмаган ва наркоман бўлиб кетган кимсалар эдилар. Хатада ўтириб мен буларга ментлар героин ва шприц олиб келганига гувоҳ бўлганман. Ментлар ҳам бу ишни қўрқмасдан очиқчасига қилишарди. Демак, бу ишлардан турма раҳбарияти хабардор бўлиб, унга кўз юмаётган эди. Пули борлар учун турмада ҳам кўп имкониятлар бор эди. Тоштурмада кечаси билан маҳбуслар ухлашмас экан. Кечаси ҳамма оёқда юрар ва у хатадан бу хатага груз ўйнашарди. Биз ўтирган хатада ҳар икки томондан груз ўйналарди. Бизда иккита дераза ва иккита ип ва икки тарафда туриб ишлайдиган васёклар гуруҳи бор эди. Бу ерда Нукус турмасидаги каби ментлар ушлаб олса урмасди. Ментлар ҳам кечаси груз ўйналишини билишарди. Бу ерда ҳам икки марта эрталаб ва кечқурун текширув бўларди. Бу текширувда баъзилар ўрнидан турмасдан ухлаб ётишарди. Ментлар уни шу ётган ерида санаб кетарди. Нукус турмасида эса буни тасаввур қилиш имконсиз эди. Бу ерда хатага дежурний қилиб бировни тайинлаб кетилмасди. Хатага қарайдиган бола ментлар келганда бир оз гаплашиб оларди. Текширув пайтида ҳаммани коридорга чиқаришарди.

Ўша ерда санаб яна қайта камерага киргизишарди. Бу ерда ўтирганлар турли вилоятлардан келган ва аксарияти ўғирлик билан тушган болалар эдилар. Шунингдек, бошқа жиноятлар ҳам бор эди.

Лекин, у пайтларда ҳали 159 модда билан қамашмасди. У пайтда 169 модда ўғирлик билан қамашарди. Орадан тўрт йил ўтгач 159 модда машҳур бўлиб кетди. Лекин, бу энди анча кейинги йиллар воқеъаси эди. Тоштурмани овқати Нукусдагидан кўра анча тузукроқ эди. Нукусда перловкани сувга қайнатиб беришарди. Уни еган одам ичи дамлаб шишиб кетарди. Таъми йўқ бир овқат эди.

Бу ерда ҳам шу перловкани беришарди. Лекин, буниси ранги оппоқ эмас эди. Буниси сувлироқ ва ранги қизил бўлиб, таъми бор эди. Одам еса бўладиган овқат эди. Уни ҳам ҳамма емасди. Бу ерда уйи яқинларга передачилар келарди. Хатада ҳаммага тақсимлаб бирга ейишарди. Сигарет ва чойини ўша одам ўзи олиб қўярди. Бу ерда уч тўрт бўлакка бўлиниб овқатланардик. Овқатларни истаганча олиш мумкин эди. Баландёрлар истаганча овқат бериб кетишарди. Бу ерда тўкинлик бор эди. Бу ерда нисбатан хотиржамлик бор эди. Нукус турмасидан келганларгина бу фарқни кўра оларди. Шу ердагилар эса, буни англамасдилар. Асосийси эса, бу ерда Нукус турмасидаги каби клапа йўқ эди. Бу клапа чаққан ери битмай кетар экан. Уни чаққан ерини болалар қашиб қашиб яра қилиб ташлашарди. Менинг ҳам баданимда шу яралар ҳали тўла битмаганди. Тоштурмада шу нарса йўқ экан. Лекин, бу ерда ҳам одам кўп ва ҳаммага жой етишмасди. Жой етмаганлар кундузи ухларди. Баъзилар кечаси ухламасдан кундузи ухлашарди. Бу ерда амаллаб кун кўриш мумкин эди. Нукус турмасида эса, отбой бўлгач ҳамма ухлаши шарт эди. Жой етмаганлар ерда ухлашарди. Чириб кетган матрасларни ерга ташлаб ухлашга мажбур эдилар. Тоштурмада ҳам матраслар чириб кетган бўлсада, бу ерда ерга ташлаб ухлашмасди. Деворлар қалинлиги ярим метрдан ошиқ бўлсада, уни тешиб қўшни камерага йўқ очишганди. Бу йўлдан кечаси грузлар келарди. Кундузи бу тешикларга пахта тиқиб қўйиларди. Тешиклар катта нарсалар ўтадиган даражада катта ҳажмда эди. Пастки хатага ҳам йўл бор эди. Бу ерда ҳамма хата бир бири билан яқин алоқада турарди. Нукусда эса бунга қараганда аҳвол анча оғирроқ эди. Мен Тоштурмада кўп ўтирмадим. Бу ердан ҳар куни у бу ерга этаплар жўнаб кетарди. Маҳбуслар қайси куни қаерга этап кетишини билиб туришарди. Душанба куни этапга чақирса, Қаршига кетар экан. Сешанба куни Навоий зоналарига кетар экан.

Жума кунги этап Тошкент атрофига экан. Бу ерга келганимга бир ой бўлмасдан мени этапга чақирди. Бу жума куни эди. Мен Тоштурмадан бошлаб ўғри ақидасига доир маълумотларни ўргана бошладим. Булар кимлар ва бу ақида қаердан келиб чиққани мени қизиқтириб қўйганди. Хатадаги болалардан уни буни сўраб суриштирдим. Улар ҳам тузукроқ тушунтиролмасдилар. Кейинроқ Товоқсойга бориб, бу ақидага доир кўпроқ маълумотларга эга бўлдим. Ундан кейинги йилларда эса, булар ҳақидаги маълумотларим янада ошиб борди.

Ўғри ақидаси

Тан олиш керакки, ўғри ақидаси узоқ вақт давомида тизимли равишда шаклланди. Шунинг учун уни система дейилади. Уни Сталин даврида миллионлаб одамлар қамалиб, турмалар ва зоналар одамларга тўлиб тошган оғир даврларда зоналарда кенг тарқалгани айтилади. Ўғри ақидаси одамларга ўша даврдаги оғир кунларни ўтказишда катта таъсир кўрсатган.

Улар шунчаки оддий жиноятчилар эмас, маълум ғояларни ушлаган ва шу ғояларга бир умр содиқ қолган кишилардан ташкил топган. Аввал бошдан айтиш лозимки, бу системага кириш учун кишида қуйидаги шартлар топилиши керак.

1. Давлат корхонасида расман ишламаган фақат ўғирлик билан кун кўрган бўлиши шарт. Ўғирлик қилиш шarti, бойларни пулини ўмариш ва шу пулдан обшакни тўлдириши керак.
2. Ҳукумат органлари билан ҳамкорлик қилмаслиги шарт.
3. Ҳарбий хизматга бормаган бўлиши ва погон тақмаган бўлиши шарт.
4. Коммунист, комсомол каби совет даври партиявий органларга аъзо бўлмаслиги шарт.
5. Ҳужжати, паспорти ёки дипломи бўлмаслиги лозим.
6. Оила қурмаслиги шарт.
7. Шахсий мол мулки ва уйи бўлмаслиги шарт.

Бу каби шартлар аввал қатъий талаб қилинган бўлсада, кейинроқ талаб нисбатан юмшаган. Паспорти бўлиши ёки оила қуриши айб ҳисобланмаган. Бу ғоянинг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар юради. Совет ҳокимиятига қарши қатлам вакиллари томонидан ташкил қилингани аниқ. Маълумки, Николай Подшоҳ тахтдан ағдарилгач, болшевиклар томонидан кўплаб одамлар қулоқ қилинган қамалган ва ўлдирилган. Баъзилари қочиб кетишган. Келиб чиқиши дворянлардан бўлган кимсалар қизиллар ҳокимиятига нисбатан ўз нафратларини мана шу ақидага сингдирганлар. Юқоридаги шартларга эътибор берилса, совет ҳокимиятига умуман қарши шахсни тарбиялашга урингани кўриниб туради. Бу ғоялар вақтлар ўтиши билан ўзининг илдизидан узилиб қолган. Кейинги даврдаги ўғриларда бу ғоянинг сиёсий жиҳатлари кўринмайди. Лекин, бу ақида зоналарда ва озодликда ҳам паст табақа орасида ривожланади. СССР давлати ташкил топиб, тугаб битгунича бу ақида мавжуд бўлиб турди. Ундан кейин эса, замона зайлига мослашиб кетди. Бугун қонундаги ўғриларда юқоридаги шартларнинг баъзилари топилмайди. Бугунги кунда булардан жуда оз қисмигина шу шартларни ушлаб келишади.

Ўзбекистон СССР таркибидаги Республика бўлгани учун бу ақида биз тарафларга ҳам ёйилди. Зоналарни эса, ўғрилар ва ёки, улар тайинлаган кимсалар назорат қилишди. ИАК даврига келиб, булар таъсири жуда пасайди. Қонундаги ўғрилар деярли қолмади. Ўғри ақидасига кўра, Ўғри жиноят оламининг идеалидир.

Ўғрига бу мақомни беришлик ҳам, ўзига яраша маросим ҳисобланади. Ўғри тилида сходняк деб аталадиган йиғилишларда у бу кимсани қонундаги ўғри деб расман эълон қилинади. Буни Тож кийдириш маросими дейилади. Русчада короноват қилинди дейилади. Тож кийдиришлик ҳам вазиятга қараб турлича бўлган. Одатда катта сходнякларда тож кийганлар каттароқ ҳисобланади. Бутун иттифоқ Ўғрилар сходнягида тож кийган Ўғрини, бу мақомини, шу каби сходняк бекор қилиши мумкин. Лекин, вазиятга қараб камида учта ва ундан кўп қонундаги ўғри иштирокида, у бу кимни короноват қилишлари ҳам мумкин. Булар нисбатан нуфузи пастроқ Ўғрилар саналган. Ўғрилар у бу кимни короноват қилишганда, уни келиб чиқишига эътибор беришган. Юқоридаги шартлар топилган шахсина бу мақомга муносиб топилган. Кейинроқ, Қонундаги Ўғрилар орасида турли хил келишмовчиликлар пайдо бўлади.

Бу ихтилоф манфаатлар нуқтаси кесишганда ва баъзан миллий низолар асосида келиб чиққан. Натижада, авваллари кузатилинмаган ҳолат пайдо бўлди. Ўғри ўғрига қарши урушга кириди. Ёки, Ўғриларнинг бир гуруҳи бошқа гуруҳга қарши урушга кирди. Бу уруш қуролли ва қонли уруш эди.

Кўплаб ўғрилар бу ўзаро урушда ўлдирилдилар. Бу ақида пайдо бўлганидан бошлаб то шу кунгача, чечен ва циганлардан Қонундаги Ўғри чиқмаган. Айтишларича, шу икки миллат билан аввалги Қонундаги Ўғрилар келишмаган эканлар. Бошқа СССР таркибидаги барча миллатлардан Қонундаги Ўғрилар чиққан. Бу ақидада одамни миллати кимлиги ва келиб чиқиши кимлиги эътиборга олинмайди. Динга нисбатан қаршилик қилинмайди. Коммунистик ғояга нисбатан қаршилик қилишади. Буларнинг тушунчаларида Ўғрилар жиноят олами қироли ҳисобланади. Уларга нисбатан братан деган ибора ишлатилади. Крадунлар эса, улардан кейинги ўриндаги шахслардир. Пацан деб ўғри ақидасига эргашувчи амал қилувчиларга айтилади. Мана шулар орасидан зоналарда у бу ишларни бажарувчи васёклар чиқади. Мужиклар эса, улардан кейинги мақомда бўлиб, улар «Ўғрининг таянчи» дейилади. Булардан пастроқда «бош оғриғи» борлар туради. Уларни головнякка кирган мужиклар дейилади. «Бош оғриқ» дегани, порядочний мужикка (неподобающий) тўғри келмайдиган амални қилган кимсаларга бериладиган жазодир. Бу жазо зонага қарайдиган назоратчи томонидан берилади. Бу жазо муваққат бўлиб, маълум муддатдан кейин у жазо бекор қилиниши мумкин.

Баъзида эса, жазо бекор қилинмайдиган бўлади. Отрядда дневальный ёки бригадир бўлганлар бош оғриғи бор мужиклардир. Улар чёрт дейилади. Улар ментларга хизмат қилгани учун порядочний мужик ҳисобланмайди. Улар билан мужиклар қўл бериб кўришиши яхшимас ҳисобланади. Бирга чой ичишлик маън қилинади. Битта кружкадан чой ичган мужик эса, ўзи ҳам «бош оғриққа» кириб қолади. Қимордаги қарзни тўполмаган кимсага ҳам қаттиқ қаралади. У ҳам бекор қилинмайдиган «бош оғриққа» кириб қолади. Чётлардан пастроқда эса, гейлар ёки пинчлар туради. Булар мужик дейилмайди. Буларни қора зоналарда петух деб масхара қилишади. Булар мужиклардан алоҳида отрядда яшашади. Булар занадаги туалетларни тозалаб, юришади. Мужикга туалет тозалаш мумкин эмас. Бош оғриғи бор мужик ҳам туалет тозаламайди. Унақаларни, бошқа тозароқ ишларга буюришлари мумкин. Улар баракни оҳаклаб, краскалаб юришади. Порядочний мужиклар зонада ишлашади. Улар мужик работяга дейилади. Зонада маҳбусларга иш нормалари берилади. Шу нормани бажариш мужик работяга учун шарт.

Бродяга ёки блатной мужиклар ва пацанлар ишламайдилар. Улар учун ишлаш западло ҳисобланади. Порядочност деганда ҳам маълум стандартлар бор. Бировга қўл кўтармаслик ва сўкмаслик ва биров унга нисбатан сўкиши ва уришига йўл қўймаслик порядочний мужик бўлишлик шартидир. Мужиклар бу тартибни бузганда, калтак ейиш билан жазоланишади. Баъзан уларни «бош оғриққа» киритишлари мумкин. Зонада ўғирлик қилиш асло мумкинмас. Булар ўғрилар бўлсада, зонадаги ўғирликни ўғирлик деб аташмасди. Уни крысалик (сичқонлик) қилиш дейишарди. Крысалик қилганлар шубҳасиз «бош оғриққа» кирарди. Улар мужиклар билан бир ерда ўтириб чой ичиб ўтиролмайдиган паст табақага айланишарди. Ўғри ақидасида ментлар ишлатадиган ибораларни ҳам ишлатиш мумкинмас. Улар барча нарсага алоҳида терминлар топиб олишган. Ментларни мусор дейилади. Свидетел деган сўзни мужиклар бир бирига айтиш мумкинмас. Свидетел Судда келиб кўрсатма берган одамга айтилади. Унга ўхшаб қолмаслик учун зонада мужиклар бир бирига, у бу нарсани кўрган демоқчи бўлса очивидец дейишади.

Ўғри оламида, шикоят ёзилмайди. Суд ҳукмини устидан касация ёзилмайди. Бирорта қоғозга имзо қўймайди. Муддатидан олдин озодликка чиқарадиган УДОга (Условно досрочный освобождения) ёки жазосини енгиллаштириб чиқариладиган, колоний поселенияга чиқмайдилар. Оддий мужиклар буларга чиқиши айб ҳисобланмайди. Ўғрининг умри давомида амал қиладиган тўртта нарса бор.

1. Ҳеч кимга ишонмаслик.
2. Ҳеч кимдан қўрқмаслик.
3. Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамаслик.
4. Ҳеч кимга ҳеч нарсадан шикоят қилмаслик.

Бу шартларга амал қилиш Ўғрилар блатнойлар учун шартдир. Бу система зоналарда тарқалиб, мужикларнинг зеҳниятига ўрнашар экан, табиийки, шу тартибда зоналарда табақалар пайдо бўлади. Бу табақа юқоридаги шартлар асосида бир неча қисмга бўлинади. Ҳар табақа вакилини эса, ўзига яраша ҳақ ҳуқуқи ва мажбурияти бордир. Энг катта ҳуқуқ Ўғриникидир. Энг қуйида петухлар туради. Петухлар чест и достоинстваси йўқ шахслар ҳисобланади. Чёртлар эса, чести бору. Достоинстваси йўқ ҳисобланади. Мужикларда бу ҳар иккаласи бор ҳисобланади. Пацан ва крадунларда эса, шулар супер даражада мавжуд дейилади. Ўғри эса, шу сифатларда энг баркамол инсон ҳисобланган. Тан олиш керакки, бу Ўғри ақидаси, шунчаки оддий жиноятчиликдан анча катта нарсадир. Булар сўзидан қайтганни ва ваъда бериб бажармаганни порядочний одам ҳисоблашмайди. Одам сўзида туриши буларда қатъий шартлардан биридир. Фирибгарлик қатъан қораланади. Бунга алоҳида «поступка» бор. Булар гарчи динимиз исломда ҳам шарт қилинсада, бугун кўп мусулмонларда бу сифатлар топилмайди. Булар одам ўлдиришни қоралашади. Аёлларни зўрлашга қаттиқ қарашади. Ёш болаларни зўрлаганларни эса, зонада петухлик ҳаёти кутади. Шунинг учун ҳам қора зоналарга келган этапни братка кутиб олиб, ҳар бир мужик билан алоҳида суҳбатлашиб чиқишарди. Унинг орқасида «думи» бор йўқлигини суриштиришарди. Бу дум эса, шу ўғри ақидасига зид амалларни қилган қилмаганлиги эди. Айтиш мумкинки, булар баъзи бир жиноят турларига қарши курашадиган жиноятчилардир.

Судда у бу кимга қарши гувоҳлик берганлар қамалса, порядочний мужик ҳисобланмайди. Наркотик моддалар сотганларни эса, зонада «бош оғриққа» тиқишади. Ўғри ақидаси наркотик моддага қарши турган. Уни сотганлар баррига деган поступка олишади. Охириги пайтларда наркотикага қаршилиқ деярли йўқолиб кетган. Ўзбекистондаги Ўғри Бахтишка ўзи наркоман бўлгани айтилади. Мен Россия турмасида кўрганим Олег Плотник ҳам наркоман эди. У ўзи билан хатага бир кило наша олиб кирганди. Ўзи эса, героинни ўзига ўзи укол қиларди. Бу эса, Ўғри оламидаги принципларни бузилганлигига яққол далил эди. Олдинги Ўғрилар бу нарсаларга қаттиқ қарашган. Мана шундай одамлар эди бу ақидани ушлаганлар. Улар шу ақидасига садоқат кўрсатиб ўлиб кетишгача боришарди. Мен буларни аксарини оддий жиноятчилар эмас, юксак маънавиятли мард ва тўғри сўз одамлар экан деган фикрга келганман.

Албатта. Орасида ундай бўлмаганлари ҳам кўп эди. Ана шу маънавий юқоридагилари кейинчалик зоналарга ислом кириб келганда динга кириб кетишди. Булар орасидан қўрқмас ва мард диндорлар қатлами пайдо бўлди. Баъзи блатнойлар шу ақидада тоза бўлиб қолиш учун, қизил зоналарга этап қилинганда, ломкадан ўтмасдан калтак еб ўлиб кетишган. Ботир қозоқ билан Бахтишка голубойглаз Навоий 46 да ўлган. Бу иккаласи ҳам гадлар калтагидан ўлиб кетишди. Улар зонага киришдан олдинги мажбурлаб қилдирадиган ломка деб, аталадиган амалларни қилишдан бош тортишгани учун калтакланишди.

Охири шу калтаклар оқибатида ўлиб кетишди. Мен бошқа ўнлаб блатнойларни ўз ақидасидан қайтиб, ментларга хизмат қиладиган гадларга айланганини ҳам кўрганман.

Булар ўғри ақидаси бўйича синган одамлар эди. Улар ёвуз кимсаларга айланиб, маҳбусларни калтаклаб ўлдиришгача борардилар. Булар ўзлари ҳам синган ва бир пуллик одам бўлганликларини тан олишарди. Оз сонли гадлар одамгарчилик сақлаб қолишганлар халос. Мен буларни барчасини у пайтда билмаганман. Буларнинг барчасини Товоқсой ва Навоийда ўтказган кейинги йиллар давомида англаб етгандим.

Биринчи қисм тугади.

II - Қисм

Товоқсой

1996 йил Сентябр ойи охирларида ёки октябр ойи бошларида элликтадан ортиқроқ маҳбуслар учта машинада Тоштурмадан этап билан Товоқсой зонасига келдик.

Бу ер Тошкент Вилоят Ҳазалкент туманига қарашли Товоқсой деган қишлоқда жойлашган ЖИЭМ (Жазони ижро этиш муассасаси) эди.

Маҳбуслар тилида бу зона «қора зона» дейиларди. Қаршидаги зоналар каби қизил зона эмасди. Бу ерга келишлик учун кимлардир ментларга пул тўлаб келишар экан. Мен буни кейинроқ билгандим. Бу зона умумий режимли зона эди. Товоқсойдан унча узоқ бўлмаган Чирчиқда ҳам қора зона бўлиб, у қаттиқ режимли зона эди. Мен биринчи хотка бўлганим учун умумий режимли колонияга юборилгандим. Зековоз машина эса, советлар давридан маҳбуслар тилида «Вора ног» (Ўғрининг оёғи) деб аталарди. Кузови темир билан махсус қопланган Зил машиналарига маҳбусларни уриб тиқиб миндиришарди. Иккита тор бир метрлик йўлакчада турган тахта курсига маҳбуслар ўтиришарди. Бу машиналарда дарча бўлмагани учун ташқари кўринмасди. Одам кўплигидан қимирлашга жой қолмасди. Ҳаво иссиғида ва одамлар дамида қизиган темирлар баданга ўтдек ёпишарди.

Бу машинада ёзда этап бўлиш азобнинг каттаси эди. Лекин, Тоштурмадан бу ерга узоқ бўлмагани учун икки соатча сабр қилиб ўтирдик. Бошқа илож ҳам йўқ эди. Терлаб сувга пишган маҳбусларни бирин кетин санаб пастга тушира бошлашди. 8 ой деганда, очиқликка чиққанимга хурсанд эдим. Машинадан тушишда зеклар тилида Дубах деб, аталадиган соқчилар қўлларида дубинка ушлаб, тушган маҳбусни уриб, бақириб тез бўл деб, изоляторга ҳайдарди. Мени мўйловлари сабза урган қорача лейтенант зобит Быстрее! Быстрее! деб бақирганича орқамга қўлидаги дубинкаси билан бор кучи урди. Жонимдан ўтган оғриққа қарамасдан югурганча изоляторга кириб кетдим. Йўл бўйи яна бир икки дубинка тегди. Лекин, биринчиси каби қаттиқ бўлмади. Бу лейтенантни исми Халил эканини ва янги ишга келганлигини кейинроқ билдим. Қўлимиздаги «весмешок»ларни машинадан тушиб, шу ерга чеккага улоқтириб кетардик. Уларни ўзимиз билан олиб киришга қўймасди. Шмон қилиб кейин берар экан. Сумкаларни ичидаги чой сигаретларни ментлар талаб олиб кейин сумкаларни шу ерда юрадиган дневалниклар (Изоляторда тозалikka масъул Маҳбуслар) камераларга келтириб беришди.

Шу аҳволда бизни Товоқсойнинг Изоляторидаги камераларга қамашди. Бу ерга мен билан келган маҳбуслар бу ерни қора зоналигини ва бу ерга положенец қарашини айтгандилар. Лекин, ментлар негадир бизни уриб кутиб олишди.

Камерада кириб ётганимизда, бир бола келиб, камеранинг дарчасини очиб, бизга далда берган бўлди. Бир икки кунда зонага чиқасизлар деди у. Мен Изоляторга қарайдиган Ғайрат Ташкентскийман. Положенияда Одил Ташкентский деди. Братвадан салом айтишди. Озроқ чекиш тарқатишди. Ўтирганлар ҳаммаси тутата бошладилар. Мен эса у пайтларда тақводор эдим, чекмасдим.

Хуллас, шу билан бизга маҳбуслар тилида баланда дейиладиган, кечки овқатни, перловкани қайнатиб бир чўмичдан тарқатишди.

Товоқсойдаги овқат ҳам жуда бемаза бўлар экан. Бундан таъмсиз тузсиз бемаза нарсани умримда емагандим. Тоштурманинг овқатлари яхшироқ эди. Нукус турмасида ҳам умуман турманинг овқатини емаган эдим. Бунга сабаб ўша пайтдаги «тақводорлигим» бўлса, иккинчиси турмага передача кириб турарди. Ташқаридан келган овқатларни кунда кун ора еб туриш мумкин эди.

Бу бемаза овқатни ҳали кўп йиллар ейишимни ҳали у пайтда билмасдим. Эрта индин зонага чиқаришар экан дейишди. Тезроқ чиқарса, қуёш нурини кўрмаганимга 8 ой бўлганди. Ташқарини соғингандим. Изолятори тор жой экан. Этапни тикқанда кимирлашга жой қолмаганди. Тушлиқдан кейин бизни чиқариб, сафга тизиб туриб. Кийимларимизни ечинтиришди. Бу ечинтириш жараёни изоляторга кираверишдаги ҳовли ичида бўлди. Ўнтадан ошиқ мент дубинкаси билан ҳар бир маҳбусни биттама битта ечинишига қараб назорат қиларди. Бақариб туриб қўлида дубинкасини айлантириб у бу кимни уриб ҳам туришарди. Кийимларни ечиб қип яланғоч бўлган маҳбусни кийимини бир чеккага улоқтириб, унга янгидан зонанинг уст бошини беришарди. Кейин маҳбуслар ўша янги кийим бошни очиб кийинишарди. Муаммо шундаки, бу кийимлар ҳаммаси бир размерда бўлиб, тўғри келсада келмасада кийиш шарт эди. Мен шу ерда яна бир марта бошқа кўплаб маҳбуслар билан бирга ечиндим. Бу зона қора зона бўлсада, бизни мана шунақа қилишга мажбурлашди. Изоляторга қарайдиган Тошкент Ғайрат ҳам шу ерда юрарди. У ментларга қўй урма демасди. Ментлар ҳам уни изолятордан чиқариб юборишмасди. Мана шу фактнинг ўзи ҳам братванинг кучи нисбатан заифлигини кўрсатарди. Мен положенец бор бўлган зонада гадлар маҳбусларни урмайди деб эшитгандим. Ростдан ҳам гадлар бу ерда йўқ эди. Лекин, бизни ментлар ураётганди. Мен ўйлагандимки, братва бор ерда ментлар маҳбусларни урмайди деб тушунгандим.

Ҳаммамизни сочимизни сартарошни чақариб машинкада қиртишлаб ташлашди. Зонада соч қўйиш мумкинмас экан. Аммо, братвада соч бор эди. Демак, бу қонун блатнойларгамас оддий маҳбусларга чиқарилган экан. Ҳаво совуб бошлаган ва ташқарида одам совқотарди. Қуёш нурлари чарақлаб кўзларни қамаштирарди. Анчадан бери қуёш кўрмаганим учун бунақа очиқ жойда юришни орзу қилардим. Зонада барибир одам қуёш кўради. Очиқда юрарди. Мен турмада ўтиравериб зериккандим. Зонага чиқишни истардим.

Зонада турмадан кўра анчагина кенгчилик бор эди. Ташқарида юриш қуёшда исиниш имкони бор эди. Мен қуёшни соғингандим. Мен озодликка чиқишни эмас, балки, шу зона ичига тезроқ чиқишни истардим. Қорақалпоғистон Олий Суди ҳукмига кўра, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эдим. Бу муддатни тўртдан бир қисми 1996 йил 6 августдаги мустақилликнинг 5 йиллиги муносабати билан чиқарилган Амнистия ҳақидаги фармонга кўра қисқартирилган эди. Мен у Амнистия чиққан пайтда Нукусдаги 64/9 Сонли тергов изоляторида ўтиргандим. Шерикларим шу фармонга биноан озодликка чиқишганди.

Қамоқда қолаётган муддатимни қўшганда бу етти йиллик муддат икки йилга камайганди. Изоляторда ўтирганимда эса, ўша қолган 5 йиллик муддатимни ўтаб чиқаман ёки, кейинги йилдаги амнистияга тушсам муддатим яна қисқарса, узоғи билан бир икки йилга чиқиб кетаман деб ўйлардим. Мен у пайтларда МХХ назоратидаги маҳбуслигимни ва бунақалар Амнистияга тушмаслигини, Нукусдаги пайтимда эса, адашиб амнистияга тушиб қолганимни ва шу сабабли муддатим камайтирилганини ва бу муддатни тўла ўтирганимдан сўнг, янги муддат қўшиб беришларини албатта билмасдим.

Бу ҳали энди зонага келаётган одамларда бўладиган, қачон амнистия чиқадию, мени муддатим қисқаради ёки озодликка чиқар эканман деб хаёл сурадиган маҳбусларга хос одат эди. Бу ҳали сиёсий жиҳатдан ғўр ва ҳаётӣй тажрибаси йўқ одамнинг хом хаёллари эди.

Мен маҳбуслик ҳаётига, жиноят оламига кириб келаётган 26 ёшга қадам қўйган йигит эдим. Ўз диний тушунчаларига содиқ, ўзи тўғри деб билганидан қайтмайдиган ва ўз йўлини тўғри деб ҳисоблайдиган ҳаётӣй тажрибаси йўқ ғўр ва содда кимса эдим. Мени бу ҳаёт қаергача олиб боради ва қанақа қилиб тарбиялайди билмас эдим. Менда барча ёшларга хос идеалист қарашлар ва хаёлпарастлик бор эди. Гарчи мен шу турмадаги саккиз ой ичида ҳам, ўз бошимдан ўтган баъзи воқеълаларни эслаб, хато қилган эканман деб, афсуслана бошлаган бўлсамда, ҳали кўп масалаларда ўз қарашларимда қаттиқ турардим. Мени ўзим тўғри деб, билган ҳаётдан бошқа ҳаётга мажбурлаш имконсиз эди. Мен ўлимдан кўрқмас эдим.

Мен ўзим тўғри деб билганимга номувофиқ ҳолда яшашга кўрқардим. Бу ўша ҳолатдаги муайян бир руҳий ҳолат эди. Бунинг давоси эса вақт экан. Мен буларни ўша пайтимда билмагандим. Буларни билиш учун эса, менинг олдимда узоқ йиллик қамоқ муддатлари бор эди. Янги маҳбуслар кийимларини кийгач, бизни яна изолятордаги камераларга тиқишди. Ўша куни кечаси Изоляторга положенец кирди. Уни ёнида бир нечта болалар бирга келиб. У бу камерани дарчасини очиб озроқ салом алик қилишди. Чой ва сигарета тарқатишди. Буханка нонни бир четини кесиб олиб, ичидаги бўш ерини олиб ташлаб, ичига картошкани гўшт билан қовуриб солиб, устига ўша кечилган еридаги бўлакни қопқоққа ўхшатиб ёпиб, сумкаларга солиб келишган экан. Братвани васёклари ҳар хатага иккитадан буханка тарқатишди. Бу маҳбуслар овқати эмасди. Бу столовойга қарайдиган болани положенец топшириғи билан таёрлаб олиб келган овқат эди. Бизни хатага положенец келмади. Лекин, уни ёнидагилардан кимдир дарчани очиб бошини суқиб озроқ гапирди. «Қандайсизлар мужиклар? Ҳаммаси мазёвами? Проблемалар йўқми? Одил братан шуттала. Одил ака зонага қаравоттила. Нима гап сўзла бўлса айтавурасла. Биза шуттамыза» деди у. Булар положенецни ёнида юрган Тошкентлик блатнойлар эди. Шундай қилиб изоляторда икки кун бўлдик. Учинчи куни бизни штабга чақириб, ўша ердан отрядларга тақсимлашди. Бу тақсимлашда ким қайси отрядга тушган бўлса, ўша отрядни дневалнийси келиб, мужикларни ўша баракка олиб кетар экан. Мени бешинчи отрядга жўнатишди. Бошқалар ҳам ким қаерга тушган бўлса, ўша ерга кетишди. Товоқсой зонасига чиқиб, зона қандай бўлишини кўрдим.

Бу зонадаги отрядлар икки қаватли қилиб сариқ ғишдан қурилганди. Изолятордан чиққанымиздан шу ердаги биринчи бино штаб экан. Уни ёнида эса столовой бор эди. Шу столовой олдида бир йўл ўтган бўлиб, у промзонага кетар экан. Шу штаб олдидан тўғрига юрилса, ўнг тарафда биринчи сектор келади. Бу сектор дегани иккита икки қаватли бино бўлиб, бу биноларни нариги томонида туалет билан тўсилган ва олдига темир тўсиқдан қилиб қўйишганди. Ўша тўсиқни темирдан икки тарафга очиладиган эшиги ҳам бор эди. Бу тўсиқ доим очиқ ётарди. Баъзида зонага қандайдир комиссия келганда, секторни ичига маҳбусларни қамаб, шу эшикни бекитиб қўйишарди. Бу сектордаги иккита бино икки қаватлик бўлиб, уни икки бурчагида биттадан эшик бор эди. Ўша ҳар бир эшик бир отряд эди. Битта бинода иккита отряд жойлашганди. Иккита бинода тўртта отряд бор эди. Мени Серпуховда Армияда бўлганимда кўрганим казармалар ҳам шунга ўхшаш эди. Иккинчи секторда ҳам шунақа иккита икки қаватлик бинода тўртта отряд бор эди. Учинчи секторда ҳам шунақа иккита икки қаватлик бинода, тўртта отряд бор эди.

Ундан нарида тўртинчи секторда эса, ўн беш ва ўн олтинчи иккита отряд бор эди. Бу секторларга кирадиган йўлак штабни олдидан бошланарди. Тўртинчи сектордан кейин, зонани стадиони бошланар эди. Бу ерга маҳбуслар текширувга чиқишарди. Шу стадионни бурчагида алоҳида атрофи темир тўсиқлар билан ўралган 14 отряд бор эди. Бу бешинчи сектор эди. Бу петухлар ёки пинчлар отряди эди. Улар мужиклардан алоҳида яшашарди. Ўша секторларга кетадиган йўлакнинг чап тарафида эса, штабнинг олдида ёзги клуб бор эди. Ўша клуб ёнида штабда ишлайдиганлар ва ошхонада ишлайдиганлар «бош оғриғи» борлар учун алоҳида отряд бор эди. Буларни чётларнинг отряди дейишарди. Улар мужиклардан алоҳида туришарди. Отряддаги дневалнийлар ва бригадирлар ҳам чёт дейилсада, улар отрядда мужиклардан алоҳида ерда ётишарди. Бу ёзги клубда баъзида кино олиб келиб, маҳбусларга кўрсатишарди. Бу кино машинада ташқаридан келарди. Кўпинча шанба кунлари кино қўйишарди. Ундан нарида санчасть ва ҳаммом ва санчастьни орқасида яна иккита бир қаватли бинода, иккита отряд бор эди. Бу бинолар олдин қандайдир мактаб бўлган экан. Совет даврида бу ерда маҳбусларни нимагадир ўқитишган экан. Энди мустақиллик замонида бу мактаблар ҳам отряд бўлиб кетганди. Одам кўплигидан промкадаги бир цехни ҳам отрядга айлантириб, у ерга ҳам иккита отрядни жойлаштиришганди.

17 ва 18 отрядлар ана шу промкада яшашарди. Зона совет даврида минг кишига мўлжалланган бўлиб, эндиликда беш минггача маҳбус бор эди. Отрядларда шконкалар икки яруслик бўлиб, айтишларича олдинлари бир яруслик бўлган экан. Отрядларда олдинлари Ленин комнатаси деб аталган алоҳида хоналар бўлиб, улар ҳам ҳозир каравотларга тўла ётоқхона эди. Армияда мана шундай Ленкомната деган хонада, солдатлар ўтириб у бу нарсга ўқиши учун стол курсилар қўйиб, устига газета ва журналлар ташлаб қўйишарди. Деворларида «Организация Варшавского Договора Стражи Социализма» деган, мафкуравий плакатлар осилган бўларди. Бу зоналар ҳам деярли шунга ўхшаш эди. Фақат энди бу ленкомнатада маҳбуслар ётишарди. Мафкуравий дарслар ўқитилмасди. Совет мафкуриси ўлганди. Янги мафкура эса ҳали туғилмаганди. Лекин қизиғи шундаки, бу хоналарни ҳалигача маҳбуслар ленкомната деб аташарди. Мен ҳам ленинни комнатасида анча яшаганман. Бу энди кейинги воқеълалардир. Худди шунақа ленинни комнатаси Учинчи сектордаги тўртинчи отрядда, масжид қилиб қўйилганди. У ерда деворларига масжидга ўхшаб ишланган ва қибласига меҳроб ҳам чизилганди. Бу ерда маҳбуслар беш вақт намозни ўқишар экан. Бу жил зонамиз эди. Шу ерда маҳбуслар яшашарди. Эрталабки текширувдан сўнг промкага ишга чиқиб кетишарди. Кечки текширувдан кейин жил зонага қайтишарди. Бу иш дегани пиёз солиш учун ипдан тўр сетка тўқишлик эди. Уни ҳам ҳаммага эмас, иккита отряддаги озгина одамга юклатилганди. Аммо, промкага барча маҳбусларни чиқаришарди. Промкада бир биридан алоҳида қурилган икки қаватлик бинодан ўнтгача бор эди. Булар қачонлардир қандайдир цехлар бўлган экан. Аммо, мустақиллик шарофати билан озодликдаги одамлар ишсиз қолишганди. Бу ердагиларга эса умуман ишни ўзи йўқ эди. Давлат маҳбусларни ишлатиб фойдаланишни билмасди.

Шунга кўра уларни озодликка қўйиб юбормасди ҳам. Уларни бу ерда сақлаб туришлик эса давлатга турган битгани зарар эди. Шунга қарамасдан ИАК зоналарни доимо тўлдириб ушлаб турди. Бу унга ўз ҳокимиятини сақлаш учун керак эди. Промкага келган маҳбуслар ўша цехларга тарқалиб кетишар ва то тушликкача учта тўрттадан бўлиб, проходларга бўлиниб олиб суҳбатлашиб ўтиришарди. Проход дегани ўша цехларни ҳар бирига қарайдиган бола томонидан у бу маҳбусга ажратиб берилган парча жой. Жил зонада ҳар проходда бир семейка бўлади. Бу семейкани бир киши каттаси ҳисобланади. Ўша семейкага ўша ответда бўлади.

Ўша семейка промкага борганда ҳам битта ерда ўтириб чой ичиши учун улар цехга қарайдиган боладан ўзларига проход олишади. Бу учун унга чой сигарета узатишади. Бу проходи бўйига икки метр ва энига ҳам ё шунча ё ундан кичикроқ бўлган ердир. Уни олган одам темир терсақдан қозиқ қоқиб, унга латта ўраб, шуни алоҳида қилиб ажратиб олади. Кейин шу ерга ўзини семейкаси билан бирга ўтирадиган курси қилиб, шу ерда эрталабдан кейгача ўтиришади. Бу ерда ўтирганлар иши сигарета топиб чекиш ва чой топиб чефир ичишдан иборат бўлади. Тушлик бўлганда семейкадан кимдир кострюлни кўтариб ошхонага боради ва ҳамма ўз отряди учун ажратилган столдан ўзини нон ва овқат пайкасини олиб келади. Бир киши семейкасидаги бешта одамни пайкасини олиб келиши мумкин. Овқатни ҳеч ким столовойда ўтириб емайди. Бу ошхонага бу маҳбуслар сиғмасдиям. Ошхона икки юзта маҳбусни сиғдирадиган бўлиб, беш мингта маҳбус у ерда овқатланиши имконсиз эди. Овқатни олиб келиб ейиш маҳбуслар учун ҳам қулай эди.

Эрталабки ва кечқурунги перлова кашани шундай еб бўлмасди. Уни ким имкон топса ёгда қовуриб ичига у бу нарса қўшиб ширинроқ қилиб ерди. Ҳар бир проходда «машка» деб аталадиган, токка улаб ишлатиладиган спирал бор эди. Ҳар бир проходда ток улайдиган розетка бор эди. Шунингдек, ўша спирал симни жойлашиб турадиган махсус, ичи ўйилган ғиштлар бўларди. Бу нарсаларни мужиклар у бу кимдан пулга, ёки чой ва сигаретга сотиб олишарди. Шунингдек, у бу нарсага алмаштиришарди. Ментлар запал қилса, олиб кетарди. Кейин ўша ментдан яна сотиб олиш мумкин эди. Битта спирал беш ўн марта, ундан бунга ўтиб айланиб юрарди. Промкада ҳам мужиклар овқатни олиб келиб, озроқ у бу нарса қўшиб ейишарди. Тушлик овқати шўрва бўлиб, уни овқатга ўхшайдиган таъми бор эди. Кашасини умуман еб бўлмасди. Баъзида эса ошхонада маҳбусларга биттадан кичикроқ балиқча тарқатишарди. Аслида улар буни ўзлари пишириб бериши керак эди. Лекин уни хомлигича тарқатишарди. Бу эса зона бошлиғи билан положенец орасидаги келишувга биноан бўларди. Мужиклар уни ўзлари ёгда қовуриб ейишарди. Шанба кунларида братва томонидан сотувга продукта чиқарди. (Буни йшлда продукта чиқди дейишарди) Йўлга қарайдиган мужик проходма проход юриб, йўлда картошка бор, ёки пиёз бор деб, айтиб чиқарди. Зонада пул айланарди. Мужиклар пулига продукта сотиб олиб пишириб ейишарди. Шунингдек, йўлга ароқ ва яна бошқа нарсалар ҳам чиқарди.

Наркотика зонага кирарди ва наркоманларга братва томонидан тарқатиларди, лекин сотувга чиқмасди. Наркотани сотиш ўғри ақидасида мумкинмасди. Лекин, у зонага турли йўллар билан келар ва зимдан пулланарди. Зонада пулга ҳамма нарса топиш мумкин эди. Зонага Одил деган положенец эди. Ҳар бир секторга яна бир смотрящий бор эди. Ҳар бир секторда тўртта отряд бўлиб, уларни ҳар бирида биттадан барашник бор эди. Изоляторга ва ошхонага ва промкага ва у ердаги фонарга ответдаги шахслар бор эди. Шулар зонани бошқарувчи братвалар эдилар. Фонар дегани промканинг бурчагидаги бир цех бўлиб, уни томига васёклар чиқиб, ташқаридан зонага груз ўйнашарди. Бу ментлар билан келишилган ҳолда амалга ошириларди. Пастдаги постовойлар запретка устидан ўтаётган грузга тегмасдан туришарди. Буни эвазига у бу нарса олишарди. Вишкадаги солдатлар ҳам бундан фойдаланишарди. Запреткани устидан васёк пастдаги деворни нариги томонига узун симни ташлайди. Унга кўчадаги васёк у бу одамлар берган грузни боғлайди. Уни бу томдагилар тортиб олишади. Шуни фонар дейишарди. Бу ердан зона ичига учрашув хонасидан кирмайдиган нарсалар кирарди. Ва зонадан ҳар хил шкатулкалар ва пичоқлар ва бошқа маҳбуслар ишлаган ширпотреблар чиқиб кетарди. Бу ерда ширпотребда ишлайдиган маҳбуслар гуруҳи бор эди.

Улар братва томонидан чой чекиш ва бошқа нарсалар билан таъминлаб туриларди. Шулар ҳар хил нарда ва бошқа нарсаларни ишлашар ва братвани закази бажариб, мужикларни ҳам закази бўлса бажариб, у бу нарса ишлашарди. Улар орасида қўли гул усталар бор эди. Чиройли нақшлар қўйиб қутичалар ҳассалар ва бошқа нарсалар ишлашарди. Зонада ментлар томонидан ҳар бир отрядда бригадир ва дневалнийлар бор эди. Шунингдек штабда ишлайдиган маҳбуслар бор эди. Булар қизил зоналарда катта ваколатга эга кимсалар бўлиб, Зонани ётқизиб турғизишарди. Мен буларни кейинроқ Навоий 46 да кўрганман. Аммо, Товоқсойда буларда ҳеч қандай ваколат йўқ эди. Улар ментлар айтган ишларни қилиб юришарди. Мужикларга уларнинг кучи етмасди. Янги этап билан келганларни ҳаммасини братва меҳмон қилар экан. Шу меҳмондорчилик бешинчи отрядда бўлар экан.

Шу ерда ҳамма билан братвани болалари келиб, бирма бир сўраб суриштириб ким нима билан қамалган ва орқасида думи борми йўқми? сўраб чиқишди. Зонадаги тартиб билан таништиришди. Чой ва сигарета тарқатишди. Шу ерда ким озодликда мент бўлиб ишлаган бўлса, ёки бошқа бир проблемаси бўлса ҳозир очиқ айтсин дейишди. Агар кейинроқ у бу проблемаси бўлгани очилиб қолса, кейин ёмон бўлади дейишди. Терпила бўлганлар бўлса ҳам айтсин дейишди. Бировни ментга ариза ёзиб қаматиб кейин ўзи ҳам қамалган одам терпила бўлар экан. Уларнинг миска товоғи ўша заҳотиёқ мужиклардан алоҳида бўлар экан. Барригалар бўлса уларга ҳам шундай жазо бор экан. Бунақалар бизнинг орамизда йўқ эди. Шу сабабли меҳмондорчилик тоза ўтди. Ва барашик ҳар бир янги келганга кўрсатган жойга ўрнашиб олди. Зонада соат ўнда отбой бўлар ва звонок чалинар экан. Лекин, ҳеч ким ухлмасди.

Эрталаб олтида подём бўлар экан. Ҳеч ким турмасди. Соат тўққизда текширувга туришарди. Семейкадан кимдир бориб, маҳбусларни пайкаларини олиб келиши учун турарди. Гарчи бизга маҳбуслар кийимини кийдиришган бўлсада, зонада аксар маҳбуслар гражданский кийимларда юришарди. Кейин билсак ўша биздан ечинтириб олган кийимларни зонага олиб чиқиб сотишар экан. Зонанинг бошлиғи Мирмаҳмудов деган полковник эди. Режим бошлиғи Зиёвуддин деган капитан эди. Опер гуруҳ бошлиғи ва бошлиқни ўринбосари Улуғбек деган тожик майор эди. Тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари семиз катта лейтенат эди. Отряд бошлиқлари кўпи маҳаллий қозоқ ва тожиклардан иборат эди. Товоқсой Тошкентдан 60 км. узоқликда жойлашган тоғлик район бўлиб, Ғазалкент районига қарашли қишлоқ эди. Мен шу зонада қарийб беш йил ўтирдим.

Товоқсой зонаси ўша пайтда қора зона бўлиб, ундан унча узоқ бўлмаган Чирчиқ ҳам қора эди. Олмаликдаги умумий режимли зона ҳам қора эди. Сангород ва уни ёнидаги 9 зона ҳам қора эди. Зангиотадаги 64/51 зона ҳам қора эди. Ўша пайтда Бекободдаги зона ҳам қора эди. Навоийдаги ва Қаршидаги зоналар қизил эди. Зарафшондаги қаттиқ режимли зона ҳам қора эди. ИАК даврида мана шу қора зоналарни синдириб қизилга айлантиришди. Бекобод қаттиқ режимли зона эди. нг положенеси Бахти голубойглаз лақабли бола эди. Бу зонани ҳаммасини Навоийга 46 этап қилиб, Бахтини уриб ўлдирдилар. Бекободни ментовский зонага айлантириб, у ерга ментларни ва судяларни қамайдиган бўлишди. Тоштурмада ҳам ментовский зона алоҳида эди. Қизилтепадаги особий режимлар зонаси ҳам қора эди. У ерда рецидивистлар жазо ўташарди. У пайтда Андижон турмаси ҳам қора эди. У критий режим бўлиб, у ерда положенец бор эди. Бу турма 2005 йилда Андижондаги акрабийлар қўзғолонидан сўнг синдирилди. Булар кейинги давр воқеъларидир. Товоқсойда положенец Одил эди. У табиатан қўрқмас жасур бола эди. Ўзи бўйи пастгина бўлиб, Тошкентлик кўчада ўсган понятиялик бола эди.

У бир маслакратни Комил исмлик боласини, қайсидир айби учун уриб, тара мискасини алоҳида қилиб, уни 12 отрядни ленкомнатасига ташлаган экан. Бу блатнойлар орасида ҳам ўзаро адоват ва ҳасад бор эди. Ўша пайтда Комил 4 отрядда жойлашган масжидга чиқиб, намоз ўқиб бошлади. Комил қандайдир бойваччани боласи бўлиб, уни уйидагилар Йўлдош Ўғрига бориб, уни бош оғриғини утричат қилишади. Йўлдош Ўғридан зонага прогон келган деб эшитдик. Унда Комилни оқлаб яна братва сафига қайтариш талаб қилинганди. Ўғрини гапини положенец Одил бажаришга мажбур эди. Комил яна братвалар отрядига ўтди. Улар 6 отрядда макон қуришганди. Кейин вазият ўзгарди. Энди братва Одилни бир нимада айблаб уриб, тара мискасини алоҳида қилиб, бош оғриққа тиқиб ташлашди. Ўрнига Комил положенец бўлди. Одилни эса, Комил ўтирган 12 отрядни ленкомнатасига тиқиб қўйишди. Одил билан гаплашиш маън қилинди.

Зонага прогон тарқатиб, унга ҳеч ким ҳеч нарса бермасин деб эълон қилинди. Комил Одилдан қасд олганди. Пул жинойт оламида ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Одил ҳам ўша пайтда намоз ўқиб бошлади. Мен бешинчи отрядда рўйхатда турсамда, ўзим 4 отрядда яшай бошладим. Масжид шу отрядда эди. Масжидда Яъқуб деган Янгийўллик бола имомлик қиларди. Унинг ўзи мени имом бўлганимни эшитиб, олдимга келди. Гаплашиб ўтирдик. У менга ўзи билан семейка бўлишга таклиф қилди. У зонадаги блатнойларга ўхшаб кийиниб олиб қўлида бир нарсани айлантеририб юрарди. Бу нарса зонадаги маҳбуслар томонидан ишланадиган ва бармоқлар орасида айлантеририб юрадиган нарса эди. Мен уни ўрнига тасбиҳни айлантериришни ўрганиб олдим. Шу одатим ҳалигача мени тарк этмади. Хуллас, мен Яъқубни олдида келиб, уни прохотида яшаб бошладим. Текширувдан эса ўзимнинг отрядим билан ўтардим. Бу ерда ҳамма маҳбуслар, ким қаерда яшаса яшайверарди. Текширувда ўзини отрядида ўтириши керак эди. Яъқуб қуръондан озроқ ёдлаган бола эди. У машина ўғирлаб қамалган экан.

Ёшлигида ҳужрага қатнаб қуръон ёдлагани учун ҳам у зонада имом эди. Мен бу отрядга келиб яшай бошлагач, у имомликда давом этди. Мен хуфтондан кейин болаларга дарс бера бошладим. Бу ердаги шароит озодликда йўқ эди. Атрофимда юзлаб маҳбуслар бор эди. Улар турли вилоятлардан бўлиб, ўғирлик билан ва бошқа жинойтлар қилиб қамалишганди. Булар диний таълимга чанқоқ ва бу таълим олиш имкониятидан маҳрум ўсган одамлар эди. Мен эса Тўрткўлда одамларга тавҳиддан ва ақидадан дарс бериб тажриба ҳосил қилгандим. Бу ерда ҳам болаларга аввалига маъруза шаклида дарс ўта бошладим. Бу дарслар мавзуси тавҳид эди.

Аллоҳни тўғри таниш ва унгагина ибодат қилишлик эди. Масжидда бемалол ўтириб дарс қилардик. Братва буни қўллаб қувватларди. Улар ҳам онда сонда келиб дарс эшитишарди. Рамазонда тунги таровиҳлардан кейин ва қадр кечаларида эрталабгача ухламасдан дарс қилиб чиқардим. Шу пайтларда братвалар ҳам келиб, дарс эшитишарди. Комил мендан беш ёш кичик бола эди. У мутакаббир ва ўзининг лавозимига мағрур бола эди. У намозга чиқсада, кибру ҳавоси билан келиб, кибру ҳавоси билан кетарди. Ёнида уч тўртта бола югуриб юрарди. Таҳорат қилганда ёнида кимдир сочиқ кўтариб юрарди. Уни ёнида Қорақалпоғистонлик Бовуржон деган қорақалпоқ бола ҳам бор эди. У санчастига қарарди. Комилни ёнида юриб у ҳам намоз ўқирди. Мен у бу кимдан маҳбуслар киядиган қора матодан тикилган тузукроқ кийим олиб, маҳбуслар кийимини ташлаб сал одамга ўхшаб кийиндим. Яъқуб мени шундай блатной бўлиб кийинишга ўргатди. Уни ўзи блатнойликда положенецдан қолишмасди. Булар кийимда ҳам кибру ҳаво қиладиган кимсалар эдилар. Имом бўла туриб, бундай кийимда юриш яхшимас деди Яъқуб. Мен у бу кимдан олган кийимларни кийиб, биркамни чиройли қилиб ёзадиган одамга ёздириб киядиган бўлдим.

Бирка тақиш маҳбусларга мажбурий эди. Братва бирка тақмасди. Оддий маҳбуслар тақишарди. Биркада маҳбуслар исми шарифи ва отряди нумери ва бригадаси нумери ёзиларди. Армияда ҳам маҳбусларга ўхшаб бирка тақиларди.

Унда отряд нумери ва исми шариф ёзиларди. Турмалар билан армия тартиби деярли бир хил эди. Одил бош оғриқда пайтида намоз ўқишга масжидга келарди. У менга домла қалайсиз? деб саломлашарди. У билан салом алик қилиш мумкинмас деган прогон бўлсада, мен у билан қўл бериб саломлашардим. Унинг кўзлари шишиб кетганди. Мушт кўзларига тушгани учун кўкариб кетганди. У қўлига латта олиб кўзини бекитиб юрарди. Ярим ўзбекча ва ярим русча гапирарди. Время доктор дерди у, ўзини аянчли аҳволига шама қилиб. Унинг духи синмаганди. Уни кейин бошқа зонага этап қилишди. Кейинроқ уни ҳам бош оғриғи утрицат бўлди деб эшитдик. Уни ўғри оламида нуфузи катта эди. Кейинроқ, уни озодликда кимдир пичоқлаб ўлдириб кетибди деган хабар зонага тарқалди. Одилни маҳбуслар орасида ҳурмати бор эди. Уни кўпчилик ҳурмат билан эслар эди.

Мен мансуб бўлган 5 отрядда Нукус Трумасида мен билан бирга 32 хатада ўтирган, ёши каттароқ бир киши бор эди. Миллати қозоқ бўлган бу киши Нукус районида бўлиб, кимнидир учта товўғини ўғирлаб қамалганди. Уни ушлашганда у товўқдан бирини сўйиб еган экан. Қолган иккитасини эгасига қайтарибди. Шу битта товўқ учун уни олти ой тергов қилиб, суд қилиб, беш йилга озодликдан маҳрум қилишганди. Шу киши Тovoқсойга келиб, мен тушган бешинчи отрядга тушибди. Ёши элликдан ошган ва жуда камсуқум хокисор киши эди. Мен бу товўқ ўғирлаган кишини ҳеч унутолмайман. У менга агар озодликка чиқсам ўралмон бўлиб Қozoғистонга кўчиб кетаман дерди. Қozoғистонда янги Астана қуриляпти. Ўша ерга ишга бориб ишлайман дерди. Қozoғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўша пайтларда ўралмонларни Қozoғистонга келишга чақириб бошлаганди. Қозоқ миллати Қozoғистонда камчилиқни ташкил қилар экан. Бу давлатни сақлаб қолиш учун улар бутун дунёдан қозоқларни чақириб, уларга уй жой ва иш ва гражданства берар экан. Бу киши ҳам миллати қозоқ эди. У ҳам ўша ерга кетмоқчи эди. Мен бу ҳукумат, бир товўқ ўғирлаган одамни, нега беш йилга қамашига тушунолмасдим. Ахир бу товўқ нархи минг сўм бўлса, уни беш баравар қилиб тўлатиб, қўйиб юборса давлатга ҳам фойда ва бу кишига ҳам фойда ва товўқни эгасига ҳам фойда бўлмайдими? Нега уни олти ой тергов қилиб, у ёқдан бу ёққа судраб юришади? Нега уни беш йил озодликдан маҳрум қилиб Тovoқсойга олиб келишади?! Бу учун давлатнинг қанча пули сарф бўлади? Шу нарса давлатга керакми? деб ҳайрон бўлардим. Ҳали у пайтларда ИАКнинг қизлари миллилардалаган долларларни ўғирлаб чет эллардаги банкларга яширганлигини билмасдим. Бу қизларда ўнлаб саройу қасрлар борлигидан ҳам хабаримиз бўлмаганди.

У киши столовойда ишлай бошлаган экан. У ерда картошка тозалаш ва пиёз тозалаш каби, ишларни баъзи маҳбуслар ўз ихтиёри билан бориб қилишарди. Бу киши ҳам ўша ерда ишлар экан. У мени проходилага чойга таклиф қилди. Мен у билан чой ичдим. Шундан кейин мени барашник чақириб, домла бу одам столовойда ишлайди. У билан паласкатса қилманг. Агар яна кўрсам братвага олиб чиқаман деди. Мен бу кишини бош оғриғи йўқку дедим. У эса, ҳа унга поступка берилмаган. Лекин, у ерда ишлаган мужиклар уже порядочний бўлмайди. Улар билан қўл бериб саломлашиш мумкинмас деб менга тушунча берди. Мен бу фикрга қўшилолмадим. Лекин, унга қарши чиқишга ҳам ожиз эдим. Қозоқ амакига эса, куке энди сиз билан бирга ўтирсам бўлмас экан, тўғри тушунинг мени дедим. Кейин, у киши мендан узоқроқ юрадиган бўлди. Шу одам икки йил ўтириб иккита амнистияга тушиб чиқиб кетди. Икки йил зонада бирорта иш қилмади. Зонада конкрет ишни ўзи йўқ эди.

Давлат маҳбуслардан фойдаланишни билмасди. Шу кишини кейинчалик ҳам одамларга кўп гапириб юрдим. Ўзи мустақилликдан кейин ишсиз қолган бечора, битта товуқ ўғирлик қилиб салкам уч йилча зонада юрди. Бунга давлат қанча пул сарфлади Худо билади. Шу система бизга керакми? Шундай давлатни келажаги буюк бўладими? Мен шунга тушунмасдим.

Имон асослари китобининг ёзилиши

Мени ўша пайтларда янги дарс бошлаб мужикларга таълим бериб юрганимда, масжидга мени олдимга бир бола келди. У кўзлари қисик бўлиб қозоқларга ўхшарди. Домла сизни бир меҳмон қилмоқчиман деди у. Мен унга сиз қаердансиз? деб сўрадим. Қашқадрёданман деди. Ўзбекмисиз ё бошқа миллатданмисиз дедим. Ўзбекман бизлар қўнғиротмиз уруғимиз деди кулиб. Мен унга бўпди, мен ужиндан кейин бораман дедим. У қайси отрядда яшашини айтди. Кейин бордим. У проходада бир ўзи яшар экан. Ёнидагилар билан семейка эмас экан. У мени олдимга столовойда бериладиган қайнатилган картошкадан бир кастролни қўйди. Картошкани олиб келиб пўстини тозалаган экан. Туз билан картошкани едик. Чой ичиб озроқ суҳбатлашдик. У киши ёши мендан икки ёш катта эди. Ўзи ёшлигида бобосидан у бу нарсалар эшитган ва қуръонни ўқий оладиган саводли бор экан. Ўғирлик қилиб қамалган экан. Мени маърузаларимни тинглаб бу динни мазмун моҳиятига тушуна бошлаганини айтиб хурсандлигидан оғзи қулоғида бўлиб куларди. У қишлоқи содда, беғубор инсон экани кўриниб турарди.

Бундайлар сон мингта эди. Булар дин ҳақиқатини англашса ўзгариши ва олийжаноб инсонларга айланиши мумкин эди. Саҳобалар ҳам худди шунақа инсонлар эдилар. Улар шу дин таълимоти билан буюк инсонларга айланишганди. Бу кишини исми Абдураззоқ эди. Мен у билан биринчи учрашувим шундай бўлганди. Кейинчалик у доимий дарсимиз қатнашувчисига айланди. Бундан ташқари бошқа яна илм олишни истовчилар бор эди. Муаммо шундаки, зонада китоб йўқ эди. Масжидда қуръон китоблари бор эди. Бу болаларга муаллимуссоний керак эди. Ақидани ўрганиш учун алоҳида китоблар керак эди. Мен уларга қуръонни очиб у бу оятини ўқиб, шунга боғлаб ҳаётдаги баъзи хато амалларни ва ақидавий масалаларни гапирардим. Бу маърузаларда тавҳид ҳақиқатини англаш мумкин эди. Лекин, бу талабага таълим олиш учун манба қўлланма бўлолмасди. Шунда мен махсус китобга эҳтиёж сездим. Унақа китоб ўзбек тилида ҳали мавжуд эмасди.

Шунда мен ўзим ўқиган билганларим асосида бир қўлланма ёзишга қарор қилдим. Бу рисола ақидани ўрганиш учун қўлланса бўладиган бир китоб бўлишини мақсад қилгандим. Шунинг учун китоб устида ўйлай бошладим. Мен тавҳидга доир ва бошқа ақидага доир турли китобларни ўқиб умумий тушунча ҳосил қилгандим. Тавҳижотил исломийя китоби ва китобут тавҳид китоблар асосида ва Абдували қори аканинг дарслари асосида ҳосил бўлган мумумий тушунчани, шу нарсаларни ўқимаган ва эшитмаган одамларга ўргатадиган китоб керак эди. Зонада маҳбусларда имоми Бухорийнинг саҳиҳ тўплами, Тошкентда босилган тўрт жилдлик китоб бор эди. Алоуддин Мансурнинг қуръони каримнинг ўзбек тилига қилган таржимаси бор эди.

Бу иккитаси асосий манба бўла оларди. Энди мен ақидага доир масалаларни тартибга солиб, оят ҳадисларни жой жойида ишлатиб, китоб шаклида ёзиб чиқишим керак эди. Мен китоб ёзишга киришдим. Китоб мундарижаси шундай эди.

1. Аллоҳга имон келтириш шартлари.
2. Фаришталарга имон келтириш шартлари.
3. Аллоҳ нозил қилган китобларга имон келтириш шартлари.
4. Пайғамбарларга имон келтириш шартлари.
5. Тақдирга имон келтириш шартлари.
6. Қиёмат кунига имон келтириш шартлари.

Энди шу олтита бўлимнинг биринчисида Аллоҳга имон келтиришда нималар шарт деб билинса шуларни келтириб, ояту ҳадислар билан тўлдириб шарҳлаб кетдим. Айни шу бўлимда уламолар таъкидига кўра, тавҳиднинг уч қисмдан иборатлиги ва бу уч қисм Рубубият тавҳиди ва улухийят тавҳиди ва асмой сифот тавҳиди деб номланишини ва буларнинг ҳар бирини алоҳида шартлари ва шакллари тўлиқ тушунтирилди. Ширк турлари бирма бир гапирилиб, уларни тавҳидга зидлиги айтилди. Шу тариқа иккинчи бўлимда ҳам қатор шартлар борлиги ва шу шартлар асосида имон келтирилмаса, бу имон дуруст бўлмаслигини шарҳлаб ёздим. Фаришталар нурдан яралгандирлар. Улар эркак ёки аёл каби жинсга ажралмайдилар. Лекин, эркак киши кўринишида Пайғамбарларга учраганлар. Шу каби фаришталарга оид маълумотларни жамладим. Шу тариқа бошқа барча бўлимларни ёздим. Қиёмат кунига имон келтириш шартлари бўлимига қиёматда қайта тирилишни қўшиб кетдим. Яна шу бўлимга жаннат ва дўзахни мавжудлигига имон келтиришлик ва бошқа қатор масалалар ҳам қирди. Бу китобни ёзиш жараёни бир ойдан ошиққа чўзилди.

Эрталаб дафтаримни олиб, отряд билан промкага ўтиб кетардим. У ерда ўтириб китоб ёзардим. У бу кимдан ручка олиб ёзганман. Ўзбекча қуръондан ва саҳиҳ тўпламдан фойдаландим. Бошқа фойдаланадиган манба йўқ эди. Китоб шу олтита имон шартини ўз ичига олиб, нисбатан муфасссал баён қиладиган бир қўлланма шаклига келди. Кейин, мен бу дафтарни болаларга бериб, ундан нусха кўчиринглар дедим.

Улар дафтар топиб ўзларига, бирма бир кўчириб ёзиб чиқишди. Шу тариқа бизда бир қўлланма пайдо бўлди. Муаллимуссоний ўрнига дафтарга араб ҳарфини ёзиб ўқитардим. Шундай қилиб, бир дарс қуръон ўқиш бўлса, бир дарс ўша дафтардан ақида масаласини ўрганиш бўлди. Ҳар куни шу тартибда ўқиш бошланди. Аллоҳнинг нусрати билан, тез орада ўғри болалардан қуръонни арабча ўқий оладиган ва ақида масаласини тўғри тушунган мусулмонлар гуруҳи пайдо бўлди. Бу дарсларнинг биринчи босқичидаги ҳолат эди. Кейинроқ эса, ўқишлар янада авж олиб кетди. Энди қуръондан бир икки пора ёдлаган ва ўша дафтардаги имон келтириш шартларини, ояту ҳадисларигача ёддан айта биладиган болалар пайдо бўлишди.

Бу болаларга ўртага чиқиб у бу мавзуда маъруза қилишни таклиф қилардим. Биттама битта чиқиб гапириб маъруза қилишарди. Биз ўтириб эшитардик. Шундай қилиб бир йил ичида ояту ҳадисдан гапириб маъруза қиладиган воизлар гуруҳи етишиб чиқди. Оятларни арабчасини айтиб, кейин мазмунини айтиб, шарҳ бериб гапиришарди. Мени ҳайратга солгани шуки, бу болалар мендан кўра қобилиятли воизлар эдилар. Мендан кўра тақводорроқ эдилар. Кечалари таҳажжуд ўқийдиган ва кундузлари нафл рўзалар тутадиган йигитлар эдилар. Уларни кўрган одам, булар кечаги ўғрилар деб, асло ўйламасди. Мана бу эса ислом динини инсоннинг ўзгартиришга яққол мисол эди. Зонада ўқувчилар ва тарафдорларим кўпайгандан кўпайиб борарди. Буни эса штабдагилар ва братвалар сезмаслиги имконсиз эди.

Разборка

Товоқсойга келганимга бир йилдан ошган бир пайтлар эди. Тахминан 1997 йил октябр ойида бўлса керак, Промкадаги масжидда бир воқеъа бўлди. У ерда бир электр цехи деб аталадиган бинони бир хонасини масжид қилиб ичига палос ташлаб қўйилганди. У ерда промкада пайтимизда намоз ўқирдик.

Исмоил шу масжидга норасмий масъул эди. Ўша ерда масжидни тепасида бир қўлбола душ қилинган бўлиб, уни ҳам маҳбуслар ўзлари қилишганди. Тепага бир катта темир идишни қўйиб, уни ичига пақирда сув солиб, темирдан қилинган қўлбола кипитилникни тоққа улаб, шу ерда чўмилишарди. Промкада бошқа чўмилиш имкони йўқ эди. Жыл зонага бориб чўмилиш керак бўларди. Зонадаги маҳбуслар ҳафтасига беш кун промкада юргани учун, у бу кимга шу ерда чўмилишга эҳтиёжи бўлса. Ўша ерда чўмилиш учун Исмоилдан рухсат олиши керак эди. Бу болани ҳеч ким ҳаммомга ҳоким қилиб қўймаган бўлсада, у ўша масжидда имом бўлгани учун, беихтиёр ҳаммомга ҳам хўжайин бўлиб қолганди. Уни ўша ерда кундузи турадиган хатаси бор эди. Электр цехини Музаффар деган бола қарар эди. У ерда кичкина хоначалар бўлиб, у бу кимга шу хаталардан братва томонидан берилганди. Исмоил Юсупов эса братишқалари билан шу хатада яшарди. Ўша ҳаммомда у бу ким чўмилай деса, Исмоилини братишқалари рухсат бермасди. Шунга намозхонлар орасида гап сўз чиқди. Улар бу душ Исмоилни шахсий души бўлмаса. Нега у ерда фақат у ва у рухсат берган одамлар чўмилади? деб масжидда норозилик билдиришди. Шу воқеъани мен кечқурун отрядга борганда Карим акага айтдим. Карим бу Зарафшонда положенияга қараган ва Товоқсойда положенец Комилни ёнида юрарди.

У кечаси ётишга шу ерга промкадаги отрядга келарди. Бу отрядлар туббарак деб номланарди. Айтишларича бу ерда олдинроқ тубиклар яшашган экан. Ўша ерда Карим ўзига бир кичкина хонани ясаб олганди. Уни хонаси худди озодликдаги одамлар уйига ўхшаб ясатилганди. Мен шу отрядда ўзимнинг семейкам билан яшардим. Карим ака мендан ўн ёш тахминан катта одам эди. У менинг дадам билан учрашув хонасида учрашганимиздан бери, мени танир ва яхши муомала қиларди. Мен унга шунақа, бугун промкада намозхонлар орасида озроқ норозилик бўлди. Душда чўмилишга рухсат беришмагани учун жанжал чиқди дедим. У эса. Эртага промкага ўтаман, сиз ўша болаларни тўпланг гаплашамиз деди. Кейин, эртасига Карим ва Комил ва бошқалар, промкани айланишди. Охири келиб масжидга киришди.

Шу ерда тўпланиб турганлар братвага душ масаласида ўз эътирозларини айтишди. Карим туриб Исмоилдан нега душни шахсий қилиб олиб, бошқаларга ювинишга рухсат бермайсан? деди. Исмоил қўрқиб у бу деб гапиролмай қолди. Мени душга алоқам йўқ, истаган чўмилиши мумкин деди. Хуллас, шу ерда Карим менга қараб, сиз шу ерда тартиб ўрнатинг деди. Бу гапни Комил ҳам тасдиқлади. Мужиклар недоволний бўлмасин деди у. Братва сизлар учун ҳамма шароитларни қилаяпти. Бу ерда ҳеч ким у бу нарсани ўзича хўжайини бўлиб олмаслиги керак деди. Шундай қилиб улар чиқиб кетишди. Бу дегани промкани масжидига «ответда» мен бўлиб қолгандим. Бу нарсани кутмагандим. Буни менга кераги ҳам йўқ эди. Лекин, шундай бўлди. Мен Исмоилни хатасига кирдим.

Мен унга воқеъа бундай бўлишини билмагандим. Сиз буни бошқача тушунманг дедим. У мендан хафалиги кўриниб турарди. У билан ёшимиз тенг эди. Мен унга Карим ака билан учрашув хонасида уйдагилар келганда учрашганимизни ва у мени ўшандан бери танишини айтдим. Туб отрядда бир жойда эканимизни ва у мени подержка қиламан деб айтганлигини айтдим. Бу гаплар очиқ ва самимий гаплар эди. Карим ака менга, домла мен сизни подержка қиламан деганди. У бу гапни бу душ масаласида эмас, умумий айтганди. Мен унга оз моз, у бу ўргатишга ҳаракат қилаётгандим. Мен Исмоилга шуни айтдим. Бу кимса анча ичидан пишган одам эди. У братвага қандай подход қилишни биларди.

Ўша гапдан кейин мен уни олдидан чиқиб кетдим. У эса жыл зонага бориб, Комилни олдида юрадиган биттасига, менга Абутов шундай деб айтди. Карим ака мени подержка қилади. Шуни учун бугун сени ўрнингга мени тайинлади деди, дебди.

У бола бу гапни положенецга айтибди. Комил ғазабланиб ҳаммамизни разборкага чақирди. Васёклар келиб мени туббаракдан олиб, олтинчи отрядга олиб боришди. Бу Комил ўтирадиган отряд эди. Бу ерда шанба кунлари эрталабгача разборкалар бўларди. Мужиклар орасида у бу масалаларни шу ерда каптёркада ўтириб Комил қозилик қилиб, ўзича ҳал қиларди. У бу кимни жазолаб, у бу кимга скачуха берарди. Скачуха берилгани бу авф этгани эди. Мени разборкага олиб киришганда, у ерда Карим ака ва Исмоил ва бошқа бир қанча намозхон чоллар бор эди. Яна братвани болалари бор эди. Комил курсида ўтирганди. У менга бу ёққа кел деди бақириб. Индамай олдида бордим. Мен нима гаплигига ҳайрон эдим. Сен нималар дегансан Исмоилга деди у менга қараб, башарасини бужмайтириб. Сени Карим ака подержка қиладими? Сени шуни учун бугун буни ўрнига қўйишганми? деди. Мен нима дейишимга ҳайрон эдим. Мен бу ерда нима айб қилганимга тушунмаётгандим.

Мен Исмоилга бугунги жанжалдан кейин, олдида кириб унга бу ишни тушунтирдим дедим. Мен унга айтганим шуки, мен сени ўрнингга ўзим бўлиш учун бу ишни қилмаганман. Бу иш бундай бўлишини ўйламагандим деб, тушунтирмоқчи бўлдим дедим. Карим ака мени подержка қиламан деганини айтдим дедим. Лекин, у бугунги масалада эмас, олдинроқ бу гапни айтганди дедим. Карим ака ўзи гапга қўшилиб, ҳа мен унга шундай деб айтганман деди. Комил эса, қизариб бўзариб, бу ерда мени айтганим бўлади тушундингми? деди менга қараб. Мен подержка қилсам бўлади, мен қилмасам бўлмайди тушундингми? деди бақириб. Мен шунда тушундимки, Комил билан Карим орасида ўзаро рақобат ва адоват бор экан. Карим подержка қилгани учун, Исмоилни четлатиб, мени тайинлашгани уни ғазаблантирганди. Исмоил ичи қора одам эди. У Братва орасидаги адоватни ўз фойдасига ишлата олганди. Мен унга Каримни гапини самимий айтгандим.

Бу гапни ўзимга қарши ишлатишини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Бу мени биринчи марта разборкага киришим эди. Бу ерда айтайлик бирор айбни ўзи йўқ эди. Комилга эса, шу Карим мени подержка қиламан дегани, ёқмаганди. У бу ерда ким хўжайинлигини кўрсатиш учунгина мени разборга чақирганди. Комил менга қараб, сенга скачуха бераман, бу биринчи марта ва охирги марта деди. Агар яна бирор гап бўлса, кейин ўзингдан кўр деди. Исмоилга қараб, ўша ерда сен ўзинг ответдасан деди. Қараб юр, мужиклар недовольний бўлмасин деб қўйди. Шу билан биз чиқиб кетдик. Шундай қилиб тушда мен масъул бўлган ерга, ужинда яна Исмоил масъул бўлганди. Бу масъул бўлган ер, ўша душхона ва намозхона эди халос. У пайтларда намозхонларга ҳамма шароитлар бор даврлар эди. Мен Исмоилни ишидан қаттиқ ғазабланиб, ўзимни отрядимга қайтдим. Мени ўз гапимни, ўзимга қарши ишлатган эди.

Штрафной Изолятор (ШИЗО)

Мен ўшандан кейин ундан узоқроқ юрадиган бўлдим. Шу пайтгача унга холис ва самимий бўлган бўлсам, энди унга адоватда бўладиган бўлдим. Энди унга повод бермасликка ва уни олдида душман олдида тургандек ҳушёр туришга ҳаракат қиладиган бўлдим. У эса бутун умри шу ҳушёрликда яшарди. У ҳеч қачон ҳеч кимни олдида, ўзини бемалол тутмасди. Бу тоифа одамлар доим эҳтиёткор бўлиб яшашади. Чунки, уларда дўстни ўзи бўлмайди.

Бу менинг биринчи марта разборкага киришим эди. Бошқа сафар яна кирганман. Унда Комил озодликка чиқиб кетган ва ўрнига ёнида юрадиган Файзи деган бола положенец бўлганди. Бу воқеъа 1998 йил ўртасида юз берганди. Ҳозир эса ҳали 1997 йил декабр ойи эди. Янги 1998 йилга бир ой қолганди. 8 Декабрда Конституция кунига атаб амнистия чиқиши кутилаётганди. Шу амнистиядан олдин зонада назоратда турадиган маҳбусларни изоляторга қамаш бошланарди. Бу одатий ҳол бўлиб, буни зонадаги ҳамма маҳбуслар билишарди. Мен ўзимни ҳам назоратдаги маҳбуслигини билмасдим. Мен зонада назоратдаги маҳбусларни кўрганман. Улар Салимбой билан Ғафурбойни йигитлари бўлиб, улар Тошкентда дендрапаркда ўзаро разборка қилиб, бир бирини отишган. Шунда милиция махсус гуруҳи уларни ўраб олиб, таслим бўлишга чақирган. Кимлардир шу ерда қочиб кетишга улгурган ва кимлардир қўлга тушган экан. Шулар бу ерда МХХнинг назоратида туришар эдилар. Ғафурбойни болаларидан Равшан ва Акмал деган иккита боксёрни танирдим. Улар ҳар йили байрам олдида изоляторга тушишарди. Уларнинг шунча пули ва адвокати ва ташқаридан подддержкеси бўлсада, барибир изоляторга тушмасдан иложи йўқ эди.

Ментлар уларга икки уч кун ўтириб чиқмаса бўлмаслигини тушунтиришарди. Бу юқоридан буйруқ, буни қилмасак бўлмайди дейишарди. Самарқандлик беспределшик рэкет Тўлаган Ахатовнинг икки акаси ҳам назоратда эди. Булар бири Озод ва бири Парда Ахатовлар эди. Бу иккаласи промкада хатада яшашарди. Булар братвага аралашмасдилар. Лекин, братва ҳам уларга тегмасди. Булар Самарқандлик катта мафия аъзолари эдилар. Бу мафия асосан одамларни ва машиналарни ўғирлаб, пул эвазига қайтариб бериш каби жиноят билан шуғулланишган. Уларнинг ҳаммаси бир оила аъзолари бўлиб, каттаси чой фабрикасида директор бўлган.

Биттаси Самарқанд Университетида ўқитувчи бўлган. Бошқалари эса кўчада ўсган хулиганлар эди. Шулар 1990 йилларда Самарқандда шаҳар аҳолисини қақшатган гуруҳ бўлган. Гуруҳни каттаси Тўлаган Ахатов ва Раҳмон Ахатовлар эди. Тўлаган гуруҳи Қонундаги Ўғри Ҳасан Бобога (Деб Ҳасан) қарши кетади. Ҳасан бобони кругидаги Нуров Ашопни деган болани отиб ташлашади. Ўғри дед Ҳасан Тўлаганни ўлимга ҳукм қилади. Дед Ҳасан асли Навоийнинг Нурота районида туғилган. Миллати татар бўлиб, СССР даврида 1974 йилда короноват қилинган Ўғри эди.

Ҳасан бобо 1995 йилда Сангородда вафот этади. Ўғрига қарши чиққани учун ва братишқасини ўлдиргани учун Ҳасан Бобо ёки дед Ҳасан, Тўлаганни ўлимга ҳукм қилганди. Ўғрини одамлари мафиозлар кетаётган машинани ортидан тушиб, Тошкент Самарқанд йўлида Тўлаган ва унинг мафияси кетаётган жигулини ўққа тутишади. Тўлаган шу ерда ўлади. Парда ва шофер бола яраланади. Бу жиноий гуруҳ ҳамма аъзоси қўлга олинади. 1994 йилда уларнинг Суди бўлади. Раҳмон Ахатов ва Абдулҳамид Ҳакимов ва Алишер деган болага ўлим жазоси берилади.

Тўлаган олдинроқ ўлгани учунгина ўлим жазосидан қутулиб қолди. Уни бошқа акалари Пардавой ва Озод турли муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Университетдаги акаси қамалмасида ишдан бўшатиб юборилади. Ўғрига қарши чиққан рэкет гуруҳининг вакиллари, энди ўғри ақидаси юрадиган қора зонада яшашарди. Уларнинг ҳам байрамларда изоляторга қамашарди. Ўғри рэкетга ким кучлироқ эканини кўрсатиб қўйганди. У пайтларда ўғрилар ва рэкетлар орасида турли хил каттаю кичик тўқнашувлар бўлган. Домбрабадский Шуҳрат ҳожи ҳам рэкетчи бўлган. У ҳам машина ўғирлаб, кейин эгаларига қайтариб пул олиб юрган. Уни болалари Тошкентдаги қайсидир ҳарбий бўлимга кириб, солдатлардан танкни олиб Тошкент кўчасига ҳайдаб чиққан.

Дендрапаркдаги разборкада Шуҳрат Домбрабадский болалари Ғафурбойваччага болалари билан тўқнашган. Танкни ҳайдагани учун у 23 йил қамоқда ўтириб чиқди. «1993 йили Тошкент шаҳар суди тарафидан уюшган жиноятчиликда айбланиб, 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва "раскрутка" лар билан 23 йил қамоқда ўтирган 59 яшар Шуҳратилла Носиров 18 август куни Жазони ижро этиш бош бошқармаси қарори билан, муддати тугагани боис қамоқдан озод қилинди.» деб ёзди у ҳақида Озодлик Радиоси 2016 йилда. Ўғрига қарши чиқмасдан лекин, талончилик билан шуғулланганлардан яна бири Салимбойвачча билан Ғафурбойлардир. Буларни ўғрига ва ҳукуматга қарши чиқмасдан, шу пайтгача жонини омон сақлаб келишмоқда. Ҳусан Московский ҳам шу тоифадан ҳисобланади. Булар қонундаги Ўғри Йўлдош ва кейинроқ Ўғри бўлган бахтишқаларни греф қилиб турган кимсалардир. Буларнинг ҳаммаси Россиядаги дед Хасан лақабли миллати курд Аслан Усоян кланидаги одамлардир. Бу рэкетчилар ва талончилардан ўғрига ва ҳукуматга қарши кетганлари, узоққа бормасдан ўлиб кетишди.

Товоқсойда ҳар сафар қандайдир байрам яқинлашганда келганда изоляторга қамаладиганлардан бири Ғулом Сармисоқов ва унинг шериги эди. Шунингдек, Қўқонлик Маҳмуд акани ҳам гейлар отрядига ўтиб кетсада, изоляторга қамашарди. Мен эса ҳали ўзимни МХХ назоратидаги маҳбуслигимни билмасдим. Дубахлар менинг фамилиям ёзилган қоғозни кўтариб, мени излаб отрядга кириб Абутов ким? деганда, мен деб, чиқдим. Сенга гап бор юр деб, олиб кетишди. Изоляторга олиб бориб, нулевой комнатага қамашди. Изоляторда камераларни нумерлари бор. Нулевойга ҳали бошлиқни суҳбатидан ўтмаганлар вақтинча қамалади.

Бу ерда тахтадан поли бор камера эди. Бошқа камераларда поли бетондан эди. Ўша ерда бошқа қамалганлар ҳам ўтирганди. Мен ҳам эрталабгача совуқда қалтираб ўтирдим. Ифлос полда бушлатларга ўралиб думалаб тонг оттирдик. Кечки овқатни тарқатганда бошқалар ейишди мен емадим. Мен ҳалол овқат ер эдим. Бу овқатларни ҳалоллигига шубҳам бор эди. Эртасига Изоляторга Бошлиқ кирди. У бирма бир камерадагиларни чақириб, ким нима қилганига қараб уч, беш ё ўн кунга изоляторга қамар ва ёки зонага қўйиб юборарди. Мени олиб киришганда у менга қараб, сен тўғри тушунгин, биз сени қамамасак бўлмайди деди. Мен унга начальник мени айбим нима ўзи? дедим. У эса, сен шу қоғозга қўл қўй деди. Унда мени ёнимда лезвия сақлаганим ёзилганди. Сен тўғри тушун, сени қамамасак бўлмайди деди. Мен мана шунда ўзимни ҳам назоратдаги маҳбуслигимни англагандим. Бошлиқ мени қамаётган баҳонаси бу зона шароитида кулгули эди. У шунинг учун ҳам ўзи тан олиб тўғри тушун деяётганди. У менга МХХ айтди деб айтолмасди. Менга уч кун изолятор берди. Шундай қилиб Товоқсойда биринчи марта изоляторда ўтирдим. Чиққанимдан кейин яна беш кунга қамашди. Совуқда ўтирганимга аъзои баданим совқотиб қақшаб кийналиб ўтирдим.

Шундай қилиб деломга тартиббузар деган иккита изолятор ёзилди. Одатда Амнистияга фармони чиққанда, унга зонадаги ички тартибни ашаддий бузувчилар тушмайди деб ёзиларди.

Ашаддий бузувчи эса, йилига икки марта изоляторда ўтирган маҳбус бўларди. Шунинг учун ҳам назоратдагиларни йилига икки марта изоляторга қамашарди. Бу назоратни МХХ назорати дейиларди. Баъзилар эса, буни президент назорати дейишарди. Менимча аввалгиси тўғрироқ бўлса керак валлоҳу аълам. Бу тадбирдан мақсад назоратдаги маҳбуслар амнистияга тушиб, озодликка чиқмаслиги учун эди. Мен ҳам шу назоратда эканимни англадим. Амнистия чиққанида эса, бу сафар менга таъсир қилмади. Ўтган йилги Амнистияга эса тушгандим. Муддатимдан тўртдан бир қисми камайтирилганди. Шундан кейин мен бошқа Амнистияга тушмадим. Аниқроғи тушуришмади.

Мен ҳам ашаддий жиноятчилар каби, давлат ва жамият учун хавфли маҳбусга айлангандим. Бунақаларни эса, муддати тугаса ҳам озодликка чиқаришмасди. 221 модда билан раскрутка қилишарди. Мени ҳам келажакда шундай қисмат кутарди. Лекин, мен у пайтда буни ҳали англамасдим. Янги 1998 йил кирганда Зонани бошлиғи ўзгарди. Полковник Мирмаҳмудов ўрнига, полковник Саидазизов деган киши келди. Униси Чирчиққа кетди деб эшитдик. Ўша йил қиш совуқ бўлди. Мен эса таҳорат қилганда доим оёғимни ювардим. Ботинкани ечиб совуқ сувда оёқни ювиш малол келарди. Мен эса ювардим. Ўша пайтда Аллома ибн Солиҳ ал Усайминнинг бир кичкина брошюраси зонага келиб қолди. Уни Фонардан киргизишганди. У китоб арабча бўлиб, Саудияда чоп қилинганди. Мен шу китобда таҳорат қилганда оёқни ювмасдан носкига масҳ тортиш мумкин деган фатвони ўқидим. Бунгача мен ўзим, ўз кўзим билан бу фатвони кўрмагандим.

Ўшани ўқигач, алҳамдулиллоҳ деб, ҳамма болаларга масҳ тортиш мумкин экан деб прогон бердим. Ўшандан бери то шу китобни ёзаётган кунимгача, носкига масҳ тортиб келаман.

Шайх Усаймин ўша китобда унга берилган бир саволга жавобида, бу носки қалинми йўқми, пахтадан қилинганми ёки синтетик моддаданми фарқи йўқ, масҳ тортиш жоиз деганди. Бу китобча турли хил саволларга шайхнинг жавоблари эди. Мен Ибн Боз ва Усайминларни ва Аллома Албонийни ўша пайтлардан ҳурмат қилардим. Бу ҳурматим ҳалигача йўқолмаган. Мазҳабчилар эса, мени носкига масҳ тортишимни кўриб тўполон қилишарди. Айниқса 4 отряддаги афғон чолга бу нарсга ёқмасди.

Бу чол афғонларни кимлигини менга ўша пайтдаёқ англатганди. Мен олдинлари, афғонлар илмми ва диндор халқ деб ўйлардим. Ўшанда афғонларни кўрдим. Зонада яна икки учтаси бор эди. Улар намоз ҳам ўқишмасди. Умуман динсиз кимсалар эдилар. Москвада ҳам ва Швецияда ҳам уларни кўп кўрдим. Шунинг тушундимки, афғонлардан кўра диндан узоқроқ халқнинг ўзи йўқ экан. Менинг ўша пайтда тушунмаган ва кейинроқ тушунган, яна бир муҳим нарсга шу эдики, мен у ёки бу ширк амалини қилаётган одамни кўрсам. Уни шу ишдан қайтарардим. Ва у қайтмаса уни мушрик кофир деб эътиқод қилардим. Аммо, аллома Усаймин мана шундан қайтарган экан. Мен буни у пайтимда билмагандим.

Шайх Ибн Усаймин айтадилар: «Бирор кимсани қилган амали учун мушрик, кофир ёки лаънатланган дейиш мумкин эмас. Чунки бу масалалардаги ҳукм ўзининг шартлари ва таъқиқи мавжуд. Биз рибо билан шуғулланаётганни лаънатланган демаймиз. Чунки у лаънатга дохил бўлишига тўсқинлик қилувчи бирор сабаб бўлиши мумкин. Масалан, илмсизлик ёки шубҳа ва бошқа нарсалар.

Ширк билан боғлиқ масала ҳам шунга ўхшайди. Биз маълум шахсни ширк қилаётган амали учун мушрик демаймиз. Чунки у билан бирга яшовчи уламоларнинг масъулиятсизлиги сабабли унга ҳужжат етиб бормаган бўлиши мумкин. Ўлганлардан бирор нарса сўрашлик ширқдир. Бироқ маълум шахсни шу каби амални содир этгани учун мушрик дейиш мумкин эмас, ҳатто бизга унга ҳужжат етиб боргани аниқ бўлмағунича»

(«ал-Қовлул-муфид шарҳ Китабит-тавҳид»)

Мен бугун ширк амалини қилувчини, гарчи у амални ширк деб билсамда. Уни ўзини кофир деб айтмайман. Аммо, у пайтларда айтар эдим. Ёки, уни ўзига айтмасамда, шунга лойиқ муомаласини қилардим.

Иброҳим қисмати

Мен изоляторда ўтириб анча мазам қочиб қолдим. Товоқсойда изоляторда уч кун ўтирдим. Иккинчи мартасида беш кун ўтирдим. Ҳар сафар бошлиқ у бу айб қилди деб ёзилган қоғозга қўл қўй деб тўғри тушун бун юқоридан айтишган деб қамеди. Ўғри ақидасига содиқ васеълар ҳам қамалишганди. Улар қоғозга қўл қўйишмасди. Уларга қўл қўйишлик западло эди. Мен қўл қилмаган айбни қилдим деб қўл қўйгандим. Аслида бу ментлар айб топадан деса, айб бўлиб ётарди. Пичоқни ҳар бир прохода тумбочкада турарди. Ваҳолонки, пичоқ қонунга кўра мумкинмас эди. Лезвигар ҳам кўп эди. Сабаби сочи олишлик маҳбуслар учун асосий шарт амаллардан эди. Ҳар икки уч ҳафтадан сочи проверкаси бўларди. Текширувдан қайтаётганда режимниклар бошимиздан шапкаларни ечириб бирма бир қараб чиқишарди. Кимни сочи қорайган бўлса изоляторга олиб кетиб ўша ерга сартарошни чақириб қирдиарди. Ёки, ментлар у бу ерини қирқиб қўярди. Маҳбус ўзи қирдиришга мажбур бўларди. Бошқа минглаб қонунга зид нарсалар бор эди. Ўзи зонада қонунга мувофиқ нарсани ўзи йўқ эди. Бун ментлар яхши билишарди. Мен бу қоғозга қўл қўймасамда улар қамашлари учун баҳона топиладди.

Менга қамалишим керак экан қандайдир айб қилдимми йўқми, аслида фарқи ҳам йўқ эди. Мен энди Амнистияга тушмайдиган маҳбуслигимни англагандим. Мен энди шу муддатимни охиригача ўтириб чиқиб кетарман деб ўйлардим. Бу муддат тугашига эса ҳали анча бор эди. Изоляторда васеълар ўғри ақидасига содиқ болалар билан ўтирдим. Уларга изоляторга қарайдиган васеълар тунда кириб чой сигарета тарқатарди. Буханкани ичига картошка ва гўшти қовуриб солинган овқатни тарқатарди. Шу буханкадан зонага янги келганимда ҳам тарқатишганди. Изоляторда баландёрлар берадиган овқатлар ейилмасди. Кечаси чой чекиш ва овқатлар кирарди. Бу ўғри системаси йўлга қўйган ва мужикларга енгиллик қилиш учун қилинадиган амаллар эди. Бу ишларни васеълар изоляторни деворидан олиб кириб камерани ментга очдириб тарқатишарди. Ўша ерда ўтирганда хонанаи совуқлигидан бурним тикилиб оғиздан нафас олиб анча қийналдим. Оғиздан нафас олсам тишларимни милки оғир эди. Ҳозир ҳам шу касалим бор. Изолятори менга Тўрткўлни КПЗсини эслатди. У ерда ҳам кичикна хатада туалет ва кран бор эди. Хона ичи салқин бўларди. Тепада кечаю кундуз чироқ ёниб турарди. Изоляторлар КПЗ билан бир хил жой экан. Бу ердан чиққач анчагача касал бўлиб юрдим.

Ҳаво совуқлиги учун қийналдим. Отрядга бориб, анча вақт даволаниб ўзимга келдим. 8 декабр келди. Амнистия чиқди. Кимлардир тушди. Кимларнидир муддати қисқартирилди. 1998 йил кирди. Мен ҳам промкада хата олиб, кундузи ўша ерда болалар билан бирга овқатланардим. Кечаси отрядга қайтиб текширувдан ўтиб чой ичиб гурунглашиб ўтирардик. Дарсларимиз кундузи бўларди.

Ўша пайтларда бизга қўшилишни истаганлар кўпайиб борарди. Сурхондарёлик икки ака укалар ҳам бизга қўшилишди. Каттаси Жума ака деган киши эди. У мендан беш ёш катта эди. Кичиги исми Олтибой эди. Биз унга Иброҳим деб ном қўйдик. Шу иккаласи Термизнинг қайсидир қишлоғидан бўлиб, наркотик модда сотгани учун қамалишганди. Мактабда ҳам тузук қуруқ ўқимагани учун бу иккаласи ҳам. дарсларни яхши ёдлаб ўқий олмасдилар. Иброҳим жуда тиришқоқ бола эди. Бу бола жуда қийналиб муаллимуссонийни битирди. Кейин, ақида китобидан ҳам тўлиқ тушунча олди. Лекин, у ояту ҳадисларни ёдлаши қийинроқ эди. У бир йилгача биз билан бўлди. Қуръонни 30чи жуъини ёд олди. Акаси муаллимуссонийдан ўтолмай қолди. Кейин бу иккаласи ҳам озодликка чиқиб кетишди. Шундан кейин улардан хат хабар бўлмади. Орадан йиллар ўтиб, Товоқсойдан раскрутка бўлиб, Навоийга бордим.

У ерда уч йилу олти ой ўтириб, кейин озодликка чиқдим. Кейин олти ой уй қамоғида ўтириб, кейин Останага ишлагани кетдим. Бир йил ишлаб қайтиб келиб яна кетдим. Ўша ерда мени ментлар излаб уйга келганини эшитдим. Кейин улардан узоқроқ бўлай деб Останадан Москвага кетдим. Москвада тўртта мент Ўзбекистондан келиб, мени ушлаб, Красногорск район КПЗсига олиб боришди. Ўша ерга қамаб бир ҳафта ичида Ўзбекистонга борасан деб кетишди. Мен эса у ерда узоқ қолиб кетдим. Можайск турмасида бир йил экстрадиция бўлишимни кутиб ўтирдим. Шунда Россияда ўтирганимда, менга Ўзбекистон тарафи нимада айблашаётгани ёзилган ҳужжатни беришганди. Унда айтилишича, мен 1997 йилда Товоқсой Зонасида жазо ўтаётганимда, "Аҳли Тавҳид" номли террористик ва экстремистик ташкилот тузган эмишман.

Бу ташкилот мақсади Ўзбекистондаги "Конституциявий режимни ағдариб, ўрнига халифат қуришлик" экан. Қоғозда ёзилишича, шу террористик ташкилотга Сурхондарёлик Олтибой Ҳақбердиев деган йигит аъзо бўлган экан. (Биз уни исмини зонада Иброҳим деб атардик.) Кейин эса, "у Афғонистонга кетган ва у ердан гўёки, менинг топширигимга биноан Термизга қайтиб келган" экан. Мен унга "Термиздаги Германия ҳарбийлари жойлашган базани портлатишни буюрган эмишман". Улар шу ишни бажармоқчи бўлган пайтида, МХХ хушёрлиги сабабли пайқаб қолишибди. Ва катта жиноятнинг олдини олишган экан. Шу муносабат билан ўша Иброҳим ва акаси Жумани ва яна яқинларидан беш ўнта диндорни қамашган. Мен эса уларни раҳбари сифатида қидирувга берилган эканман. Ва ҳаказо...

Бу гаплар катта ёлғон эди. Ўзбекистонда конституциявий режим мавжудлиги ҳам ёлғон эди. Менинг Ташкилот тузганим ва Халифат қурмоқчи бўлганим ҳам ёлғон эди. Булар ИАК режимининг катта ёлғони эди. Бу ИАК режимининг ва виждонсиз МХХ амалдорларининг мусулмонларга нисбатан макру ҳийласи эди. Мен Иброҳимни (Олтибой Ҳақбердиев) кўрмаганимга 10 йилдан ошганди. Кейинчалик билсам, у турмадан чиқиб, уйига боргач, ментлар унга ҳам, "вахҳобий" дея тазйиқлар қила бошлаганлар. Уйланиб бир ўғил кўрган экан.

Охири қамалиш хавфи аниқ бўлгач, Россияга кетади. У ердан уни ушлаб, поездда олиб келишаётганда, Ўзбекистон ичида қандайдир йўл билан поезддан тушиб қочади. Ва Амударёдан сузиб ўтиб, Афғонистонга кетади.

У пайтларда Толиблар иқтидорда бўлган ва ЎИХ ҳам шуларнинг паноҳида фаолият қиларди. Иброҳим ўзбек бўлгани учун, ЎИХга қўшишган. Барча ўзбеклар ўша пайтда ЎИХга қўшилар экан. Ва улар сафида анчагача бирга бўлган. Салафий ақидада бўлган Иброҳим мазҳабпарастлар билан келишолмай қолган. Ва оқибатда улардан ажралиб, салафий араблар жамоасига қўшилган. Хуллас, шу 2007 йилда уйига қайтиб келган экан. Уни ушлаб, у билан бирга бир неча қўшнилари ва акасини ҳам қўшиб қамашган. Мансабини ошириш пайида бўлган МХХ, унга "ҳарбий базани портлатмоқчи бўлгансан" деб, айб қўйишган.

Ва ўша гуруҳни каттаси қилиб, мени ҳам қамашмоқчи бўлганлар. Кейин эшитишимча, Иброҳимни тергов давомида Амударё бўйига олиб боришади. Уни видеога туширмоқчи бўлишади. Ва ўша ерда Иброҳим ўзини ушлаб турган ментларни қўлидан, бир амаллаб қўлидаги кишани билан қочади. Ва ўзини дарёга сувга ташлайди. Ментлар эса уни, ушлаш ўрнига отиб ташлашади. Шаҳид кетган мазлум биродарни ўлигини қари отасига қайтиб беришган. Қолганларни эса, узоқ йилларга озодликдан маҳрум қилишган. Шу йигитни ёшгина ўғилчаси отасини дийдорига тўймай етим қолиб кетди. Бунга ўхшаган қанча диндор йигитларни фарзандлари отасини дийдорини кўришдан маҳрум бўлишди?! Аллоҳдан шу биродаримни раҳматига олиб, шаҳидлар жумласидан қилишини сўраб қоламан. Булар кейинги йиллар воқеъларидир. Биз ҳали 1998 йилни бошида эдик.

Хоразмлик диндор йигитлар

Бизнинг отрядга Хивалик Омон дўхтир деган киши келди. Уни семейкага олдик. У Хивани Қосимобод деган посёлкасидан эди. У киши ёши эллик атрофида бўлиб, ўзи касби тиш дўхтири экан. У отаси вафот этганда Зафар деган диний саводи бор, бир болани чақириб, жаноза ўқитган. Зафар эса, Хивада «ваҳҳобий»лиги билан танилган бола экан. Кейин бу киши ўша жанозада келган одамларга мен уч, етти, қирқ каби бидъат маросимлар бермайман. Меникига келманглар бошқа дебди. Хуллас, бу воқеъа Хивада шов шув бўлган экан. Кейин ментлар Зафарни ва омон дўхтирни ва Мухаммадсафо деган бир шериги билан бирга қамашади. Буларга наша ташлаб қамашган. У пайтларда диндорларни ё наша билан қамарди ёки патрон ташлашарди. Ҳали 159 модда қўйиш мода бўлмаганди. Мен шу ерда бу Хивалик Зафар ҳақида эшитганман. Кейинроқ эса, Омон акани бошқа зонага этап қилишди. Ва Товоқсойга Зафарни ўзи келди. Бу энди бир йилдан кейинги воқеъа эди. Зафар шу ерда то муддати тугагунича қолади. Уни Жасликқа юборамиз деб, бир этап қилиб Тоштурмага олиб кетишганди. Орадан икки ой ўтиб яна қайтариб олиб келишди.

Хоразмлик диндорлар ҳам Жасликқа яқинлиги учун у ерга юборилмасди. Ўша пайтларда Хивада ва ўша Қосимобод посёлкасида кўплаб ёш йигитлар ваҳҳобийликда айбланиб, ментларни назоратига тушиб қолишганди. Улар ўзлари тушунган шаклда динга амал қилишни истаган йигитлар эдилар. Улардан баъзилари 1996 йилда фуқаролик уруши бўлаётган Чеченистонга боришганди. Уруш Хасавюрт сулҳи билан тугагач, улар орқага қайтишади. Эшитишимча улар у ёқдаги урушларда иштирок этишган эмас эканлар. Ҳарбий лагерда бир икки ой бўлиб, ҳарбий тайёргарликдан ўтиб озроқ таълим олиб орқага қайтишган эканлар. Менимча у болаларда конкрет мақсадни ўзи бўлган эмас.

Улар ватанида тазйикдан қочиб ўша ерга бориб қолган болалар эдилар. Ўша қайтганлар кейинчалик ментлар томонидан ушланиб қамалиб, аксарига ўлим жазоси берилади. Қосимободлик Якубов Шихназар Машарипович 1974 йилда туғилган бола эди.

Уни 16 феврал воқеъасига алоқадорликда айблаб 1999 йилда Тошкент Вилоят Суди мол мулки мусодара қилиниб ўлим жазосига ҳукм қилади. Ваҳолонки, бу болани 16 феврал портлашларига алоқаси йўқ эди. Унинг шериги Юсупов Ўткир ҳам 16 феврал портлашига алоқадорликда айбланиб, мол мулки мусодара қилиниб отиб ўлдириш жазосига ҳукм қилинади. Хивалик Ҳасанов Ўткир Баходирович ҳам 1999 йили отиб ўлдирилган. Унинг отаси Ҳасанов Баҳодир эса, 20 йилга қамалганди. Шунингдек мен билан Хоразмдаги 1992 йилда янги очилган мадрасада бирга ўқиган Ҳазораспик Рўзметов Уйғун ва акаси Рўзметов Ойбеклар ва Рўзметов Мақсудлар ҳам қамалади. Худди шу Ойбек мен 1996 йилда январида қамалишимдан бир оз олдин уйига борганимда, ИАКни мақтаб менга у бу гапларни гапирганди. Тақдирни қарангки, улар мени ментлар юборган одам деб ўйлаб, мени олдимда ИАКни мақтаб гапиришган экан. Аслида эса, мен улар ўйлаган одам эмасдим.

Масжиддаги расмий имомлардан булар эҳтиёткор бўлишарди. Улар ҳам, мен ўйлаган ИАКпарастлар эмас экан. Оқибатда мен қамалиб кетдим. Улар эса икки йилдан кейин қамалишган. Ойбек ва Уйғунга ўлим жазоси берилган. Мақсуд узоқ йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Буларни ҳам ягона айби, Чеченистонга боргани эди халос. Кейинроқ маълум бўлишича, Хоразмдан Чеченистонга кетганлар орасида ментларни жосуси бўлган. Ўша жосуслар қайтиб келиб, у ерга кимлар борганлигини айтган. Шундай қилиб бу болалар қўлга тушишганди. Аллаёров Сардор Собирович Хоразмлик бола бўлиб, у ҳам ваҳҳобий ва чеченистонга бориб келганликда айбланиб ўлим жазоси берилган. Унга Ҳазораспда ментларни ўлдирганликда қатнашганлик айби қўйилган.

Булар учтаси машинада кетаётганда ментлар машинасини қувиб келиб тўхтатмоқчи бўлган. Орасида бир корейс ҳам бор экан. Бу корейс ҳам Чеченга бориб келган бола экан. Буларда пистолет бўлади ва машинани тўхтатиб, ментларни отиб ташлаб, яна йўлда давом этишади. Бу воқеъадан кейин уларни излаб топишади. Отишмада корейс ва яна биттаси ўлади. Буни эса, ушлаб ўзлари ўлимга ҳукм қилишади. Буларнинг ҳаммасининг каттаси. устози Отамуротов Ҳурматбек Шомуродович эди. Шу бола Андижонда ҳужрада таълим олганди. Бу болани ҳам Қозоғистондан тутиб келиб, 16 феврал портлашларига алоқадорликда айблаб ўлимга ҳукм қилишади. Бу бола ҳам Хивалик эди.

Яна қанча Хиваликлар ва умуман Хоразмликлар, ИАК зулмидан қочиб, аввал Тожикистонга ва кейинроқ у ердан Тоҳир Йўлдош гуруҳи билан Афғонистонга ўтиб кетишади. Баъзиларини эса, Тоҳир Йўлдош тарафидан отиб ташланади. 17 та Хоразмлик бола, орқага қайтамиз деб Тавилдарадан Ўзбекистонга қараб йўлга чиққанида уларни ортидан Тоҳирни одамлари қувиб келади ва отиб ташлашган. Бу воқеъа ҳали Тоҳир Йўлдош гуруҳи Тожикистонда, Тавилдарада турган пайтида содир бўлганди. Булар ҳақида мен «ЎИХнинг жиноятлари» номли китобимда, батафсил ҳикоя қилганман. Булар ҳаммаси Хоразмликлар ва биттаси Навоийлик бола бўлган эди. Водийдан ва Тошкентдан ҳам, бир қанча йигитлар ҳам шулар каби, ноҳақлик қурбони бўлишганди. Тошкент портлашлари улкан фалокатлар олиб келганди. Шу портлашдан кейин ИАК, минглаб ёш мусулмонларни ўлим жазоси бериб отиб ўлдирди. Бола чақасини етим ва аёлларини бева қолдирди. Аллоҳ ўша йигитларни мағфиратига олсин ва ИАКни ва унинг жаллодларини жаҳаннам ўтида азобласин. Аммо, ҳали бу воқеълар олдинда эди. Биз ҳали Товоқсойда 1998 йил бошида эдик.

Зонадаги дарслар

Зонада мужиклар одатда камида икки ва кўпи билан тўрт ё бешта киши бирлашиб семейка бўлиб яшашиди. Мен эса, бу тартибни тамоман бузгандим. Менинг семейкам қирқтадан ошиқ эди. Тўғри булар битта проходда яшашмасди. Лекин, бир майизни қирқ бўлиб ейдиган катта семейка эдик. Биз диний биродарлар ва устоз шогирдлар эдик.

Менга ошхонадан сухой продукта бериларди. Ошхонадан овқат емасдик. Лекин, бу продукта мени семейкамдаги уч тўртта одамга бериларди. Биз эса қирқдан ошиқ одам эдик. Буни келганимдан кейин бир оз ўтгач, братвага айтиб ола бошлаганмиз. Ошхонага қарайдиган Шухрат деган бор эди. Шу орқалик продукта оладиган бўлдик. Ҳаммамиз бир хил овқат ейишимиз учун, бу продуктани тақсимлардик. Яна йўлга чиққанда, сотиб олардик. (Зонада братвани ўзи сотарди. Шунингдек, балки братвадан дейилади) У бу ким учрашувга чиққанда продукта олиб чиқарди. Барибир ҳаммага етишмасди. Ҳалол овқат ейишлик эса, бизнинг тушунчадагиларни ҳаммасига шарт эди. Ўша пайтда промкада блок қуядиган бир аппарат олиб келиб, шу ерда ишлашга мужикларни чақира бошлашди. Мен ёнимдагилар билан маслаҳат қилдим. Агар шу аппаратни биз олсак, ва ўзимизни болаларни шу ишга жалб қилсак, бу учун оз миқдорда бўлсада, ҳисобимизга пул ўтказишарди. Шунингдек, балки братвадан илтимос қилиб, яна кўпроқ продукта олардик дедим. Бу ишни Жиззахлик болага топширдик. У ўша цехни каттаси пропаршик билан гаплашиб, бу цехни менга берсанг, ўзим болаларни олиб келиб ишлатаман дебди. Бизникилар яхши ишлашади. Чекмайди ичмайди, хуллас яхши болалар дебди.

Пропоршик бўпди деган экан. Улар бориб ўша аппаратда ишлай бошлашди. Биринчи кундаёқ ҳамма олиб келган цементу шағални ўша аппаратдан блок қилиб чиқариб ташлашибди. Бу блоклар узунлиги эллик сантиметрча, энига йигирма сантиметр ва қалинлиги ҳам йигирма сантиметр келарди. Буни уй қурганда ғишт ўрнига ишлатса баракали нарса эди. У майда шағал ва цементдан қилинарди. Аппарат эса буни қолипга солиб чиқариб берарди. Болалар унга раствор солиб туриши керак эди. Бизнинг катта семейкамиз у ерга ҳаммаси бормаганди. Баъзилари тикув цехида ишлашарди. Бошқаси яна қаерда ишларди. Йигирматача бола, ўша блок қуйишга боришди. Бу ажойиб йигитлар ҳаммаси намозхон ва ҳаммаси куръон ўқишни биладиган ва ҳаммаси тавҳиддан хабардор йигитлар эдилар.

Улар бу ишни топилганидан хурсанд эдилар. Сабаби, шу иш учун уларга хата берилган ва уларга мент томонидан ошхонадан продукта олиб бериладиган бўлиб келишилганди. Ментлар ошхонага қарайдиган болага айтиб, шу бригадага продукта бер деса, улар буни қилишарди. Ментлар билан братва келишиб ишлашарди. Келишмаса бу иккаласи учун ҳам мутлақо кераги бўлмаган, катта тўқнашув келиб чиқиши мумкин эди. Ментлар кучи борлигини баъзан кўрсатиб туришарди. Ўша ерда бир гуруҳ ишга киргач, бизнинг озиқ овқат муаммомиз анча яхшиланди. Улар ташқаридан қараганда ўзлари ишлаётган одамларга ўхшасада, ичкаридагилар, буларни ҳаммаси яхлит бир жамоат эканлигини яхши тушунишарди. Бизда байъат деган нарса йўқ эди. Бизда братуха ва братишка калимаси ишлатиларди. Шу тартибда зонада бошқалардан ажралиб турмасдик. Ҳамма болалар ўз братухасига итоат қилишарди. Братухалари билан эса, мен шўро қилардим. Шундай қилиб атрофимиз тўла душманлар ичида, ўз муаммоимизни силлиққина битириб, тинчгина ибодатимизни қилиб яшардик.

Бизда ўзимизни обшяк бор эди. Зонада ҳар бир баракда обшяк бўлади. Положенецни ҳам обшяги бор. Бу ерга йиғилган пуллар ўша умумий эҳтиёжга сарфланарди. Машка деб аталадиган спираллар ментга запал бўлса. Уни қайтариб олиш учун ментга пул бериш керак эди. Ёки, янги машкалар сотиб олиш учун пул керак эди. Продукта учун ҳам, пул ишлатардик. У бу кимга янги проход олиш керак бўлса, барашникларга баракка ишлатасан деб, пул узатардик. Шунинг учун ҳам бизнинг, ҳар бир отрядда икки учта проходимиз бўларди. Проход дегани иккита икки қаватлик тўртта одам ётадиган шконка ва ўртасидаги йўлак ва бурчакдаги тумбочкадан иборат ер эди. Бу ерни тўлиқ олиш учун барашник, у бу кимларни кўчириши керак эди. Кейин, шу ерга бизларга тегишли мужиклар келиб жойлашарди. Булар бирга еб ичиб, дарс қилишарди. Шунақа проходлар эса деярли ҳамма отрядда бор эди. Товоқсойда ҳам шеър ёзиб турардим. Қуйидаги ғазални ўша ерда ёзганман.

Не саодат, ҳар кимни жуфти ҳалоли бўлса,
Итоатли, муслима, шарму ҳаёли бўлса.

Маъноли боқса доим, ақл берган Худойим,
Ширин сўзли, мулойим, нозик иболи бўлса.

Жилмайиб кулганида, гулдек очилганида,
Ҳусн қўшар ҳуснига, лабларда холи бўлса.

Бўлса мушфиқ, меҳрибон, дилингда қолмас армон,
Ет қадрига, ул жонон, диннинг камоли бўлса.

Ўйланиб юрма ўртоқ, қилгил ўзингдан узоқ,
Ўтганинг яхши бўйдоқ, умринг заволи бўлса.

Ҳақ амрин айлар канда, эрни қилар шарманда,
“Кирмас жаннатга банда, кибру ҳаволи бўлса”!!

Дўстлар ўқиб бу шеърни, айб айламанг Саҳвийни,
Шундай гўзал парини, топмоқ ҳаёли бўлса.

Бу шеър ҳамма болаларга маъқул келиб. Деярли ҳаммаси ёдлаб олишганди. Уйланмаган йигитлар бўлгани учунми, билмадим, бу шеърдаги мазмун уларнинг қалбига яқин бўлиб туюлганди. 1998 йил феврал ойида мен билан қисқа учрашувга укам Абутов Саидкамол келди. У аммамни Тўрткўлдан, Тошкентда яшайдиган қизини уйига олиб келган экан. Аммамни қизи эса, ўша менга қарши чиқиб, ваҳҳобий деб, сўкиб юрган эшонга тушганди. Аммам шу ерга келиб мени кўрмасдан кетмай деб, Тovoқсойга ҳам келган экан. Ўша пайтда менга икки соатлик қисқа учрашув беришди. Бу менинг Тovoқсойдаги иккинчи учрашувга киришим эди. Ўтган йили февралда ота онам ва катта акам келганда киргандим. Тақдирни тақозосини қаранги, мен доим учрашувга февралда кирганман. Навоийда ҳам учрашувга февралда киргандим. Ўша ерда аммамга қараб, мендан рози бўлинг энди, бу ҳаёт омонат, ким бор ким йўқ, қайта учрашамизми йўқми, Худо билади деб, розилик сўрагандим. Аммам 2009 йил мен Швецияда пайтимда, 92 ёшида вафот этдилар. Табиийки, мен барибир бошқа розилаша олмадим. Аллоҳ уни мағфиратига олган бўлсин. Уни қизи эса, мени кўришга ҳеч қачон келган эмас. Мен ҳам уни ва эрини кимлигини билганим учун уларни келишини кутган эмасдим.

Толиб Мамажонов воқеъаси

Ўша пайтларда ташқарида содир бўлган баъзи воқеълар, зонага ҳам жиддий таъсир қилганди. Наманганда Тоҳир Йўлдош чет элга чиқиб кетганидан кейин, унинг чет элга чиқмай қолган баъзи шериклари томонидан ҳукумат куч ишлатар тизимларига нисбатан суиқасдлар содир қилинган. Шулардан бири Мамажонов Толиб Акбаржонович гуруҳининг ишидир. Бу гуруҳни тавба гуруҳи деб ҳам аташади. Қуръондаги тўққизинчи суранинг номини ўзларига қўйиб олган бу гуруҳ, ўзларича ўша сурадаги жиҳод оятларига амал қилаяпмиз деб, ҳукумат амалдорларини ўлдириш ва террор қилиш йўли билан кураш олиб борарди. Бундай гуруҳни расман ислом оламида мавжуд бўлгани маълум эмасди. Лекин, мен ментларга қўлланма учун ГУИН тарафидан берилган ва ичида диний гуруҳлар ҳақида маълумотлар берилган бир кичик брошюрада, бу гуруҳ ҳақида озроқ маълумотни ўқигандим. Унда бу гуруҳни Озарбайжонда ташкил топган гуруҳ деб, радикал услубда курашадиган ўта экстремист диний гуруҳ деб таърифланганди. Мен Толиб Мамажоновни айнан шундай гуруҳга алоқадор бўлганми йўқми буни билмайман. Лекин, у ментларга қарши қурол билан курашгани аниқ эди. Бу воқеъа тафсилотларини Ўзбекистон телевидениясидан кўрсатишганди.

Мен Товоқсойда ўтириб кўргандим. Уни ушлашга келганда, ментларга қуроллик қаршилиқ кўрсатгани айтилади. Граната ташлаб уни беҳуш қилиб, кейин қўлга олишган экан. Унга бешта кишини ўлдирганлик айби қўйилади. Булардан бири Наманган автоинспекцияси бошлиғи бўлган бир мент экан. Толиб Мамажонов ментни ўлдириб, бошини кесиб олиб, уни қудаси бўлган бошқа бир ментни уйини эшигига осиб кетган. Бу шубҳасиз қўрқитиш акти эди. Бу ментларга чақириқ эди. Бу катта хато иш эди. Бу ишни диний жиҳатдан хатолигини тушуниш учун ҳам озроқ диний савия лозим бўлади.

Бундай савия эса, у пайтда на Толибда ва на унга ўхшаганларда йўқ эди. Табиатан жасур бўлган аксар йигитлар диндан узоқ бўлса, ўғри ва талончи бўлади. Ёки, динга кирса, жиҳодчи бўлиб, у буни ўлдиришга бошлайди. Бу аслида инсонлар табиатига мувофиқ йўлга кетишини исботидир. Албатта, баъзида у тарафга ҳам ва бу тарафга ҳам, табиати номувофиқ бўлган шахслар адашиб кириб қолишади. Бундайлар агар бирор фалокатга йўлиқиб ўлиб кетишмаса, тезда бу йўлдан қайтишарди. 1998 йил кузида мен Сангородда, Жума Намангонийнинг амакисининг ўғли, Абдурахим Ҳожиев билан бирга бўлдим. У менга гапириб беришича, Толиб Мамажонов бошини кесган мент ҳам, энди динга кирмоқчи бўлиб юрган экан. Бу киши таблиғчи бўлган ва уни даъват қилган экан. Бу воқеъа сабабли, Толиб Мамажоновни ака укалари ва қариндош уруғлари ва дўст ошноларидан, элликтадан ортиқ киши қамалган экан. Толиб Мамажоновга ўлим жазоси берилган.

У судда ўзини тўғри иш қилганлигини айтиб, ҳеч кимдан узр сўрамаслигини ва ўлимга тайёрлигини айтганди. Журналистлар уни қари онасидан ҳам интервью олишган экан. Шуни ҳам кўрсатишганди. Унда қари кампир йиғлаб, ўғлимни оқ қилдим. У одамларни ноҳақ ўлдираган деганди. Бу воқеъани биз телевизордан кўргандик. Бечора онага ачингандим. Бу видеони Судда Толиб Мамажоновга кўрсатишганди. Шунда у онам динни тушунмайдилар. Мен хато иш қилмаганман. Онам буни тушунмайдилар. Агар тушунганда бу гапларни айтмаган бўлар эдилар деганди. Мен Толибга ҳам ачингандим. У ўз тушунчасини тўғри деб биладиган фанат эди. Аммо, у мард эди. У ўзи ишонган нарсага содиқ қолиб кетди.

Унга нима тўғри ва нима нотўғри эканини биров ўргатган эмасди. Бу ўлиб кетган ментларга ҳам ачингандим. Улар ҳам диндан беҳабар кимсалар бўлиб, уларни тарғиб қилинса, кўпчилиги яхши инсонларга айланиши мумкин бўлган кимсалар эди. Афсуски, у даврда ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмасди. Бу воқеъа катта шов шувларга сабаб бўлганди.

Зонадаги тазйиқлар

Толиб Мамажонов воқеъасидан кейин зонада, диндорларга тазйиқлар бошланди. Янги келган бошлиқ полковник Саидазизов бўйи калта, ўртача семизроқ, юзлари оппоқ бошига Чапаевни шапкасидан кийиб юрадиган одам эди. У мени бир куни штабга чақирди. Штабни дневалнийси келиб, сени хозияин (бошлиқ) чақиряпди деди. Одатда қайси маҳбусни штабга ментлар чақирса, братвани курсга қўйиш ва яна бир маҳбусни ҳамроҳ қилиб, олиб кетиш керак эди. Бу братвани қўйган тартиби эди. Кейин эса келиб, барашникка у ерда нима гаплар бўлганлигини айтиш керак эди. Братва ҳам мужикларни штабга боришини истамасди. Лекин, штабга борганда ҳам, улар ментга сотадиган сирли нарсанинг ўзи йўқ эди. Зонада қонунни ўзи йўқлигини ва қонунга зид ишлар сон мингта эканлигини, ментлар ҳам яхши билишарди.

Улар ўзлари шундай тартибни тутиб туришидан моддий манфаатдор эдилар. Мен штабга боргач ҳамроҳим кабинет олдида қолди ва мен ичкарига кирдим. Полковник кулиб турган, истараси иссиқ одам эди. У менга қараб Муҳаммадсолиҳ Абутов сизми? деб сўради. У мени ҳурмат қилиб сизлаб гаплашрди. Ҳа дедим. Яна бошқа Муҳаммадсолиҳ дегани борми? Зонада, деди у. Мен унга, мен эшитмаганман дедим. Кейин мени столининг бурчагидаги курсига ўтиришга таклиф қилди. Мен сизни узун бўйли ва соқолли, саллада юрадиган одам деб ўйлабман деди кулиб.

Мен унга начальник зонада, соқолда ва саллада юриб бўлмайдикун дедим. Бошлиқ мақсади мен билан бир гаплашиб қўйишлик экан.

У гапни узоқдан бошлаб, мени қўрқитиб қўймаслик учун бўлса керак, секин саволлар сўрарди. Мени қаерданлигимни ва қаерда таълим олганимни сўради. Мен унга Тўрткўлликман ва у бу ҳужраларда таълим олганман ва лекин, менда диплом йўқ дедим. У ўзини ота боболари Ўшдан эканлигини ва лекин, у Тошкентда яшашини ва ўзи сайидлар авлодидан эканлигини айтди. Худога ишонишини ва Ўзбекистон мустақил бўлгач, дин ривожланганини ва келажакда яна яхши бўлишини айтди. Яна у мендан Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ҳақида нима биласиз деб сўради. Мен уни ҳақида, у бу ерда ўқиганман тўлиқ маълумотим йўқ дедим. Хозияин менга унинг тарихини узоқдан гапира бошлади. Уни инглизларга хизмат қилгани ва сиёсий мақсадларда Англий Туркияга қаршилиги учун, бу шайхдан фойдалангани ва Туркияга қарши чиқишлик учун, у шайхга инглизлар бу ваҳҳобийлик ғоясини ўйлаб топиб беришганини гапирди. Шунинг учун у шайх, туркларни қилаётган ибодатларини хато деган ва унга қарши бошқа шаклни ўйлаб топганмиш. Омин дейишлик ва қабрларга бориб ибодат қилишлик барчаси тўғри экан. Шайх эса, Англияга хизмат қилиш учунгина, буларни инкор қилган экан.

Бугунги одамлар эса, бу нарсани билмаслигини ва уни китобларини ўқиб, шу дин деб юрганлигини гапирди. Полковник ўзини катта бир кашфиёт қилган одамдек тутарди. У менга қараб сиз мени гапларимдан ҳайратдамисиз? деб сўради. Мен унга қараб, сиз ҳақиқатдан ҳам анча нарсани биладиган одам экансиз начальник дедим.

У ўзини билимдон қилиб тутарди. Сизда қуръон ва ҳадис борми? Ўқиб турасизми? дедим. Полковник ўрнидан туриб, менга шкафдаги арабча қуръонни олиб кўрсатди. Буни мен ўқиёлмайман деди у. Лекин, мен мана буларни ўқияпман деб, қуръони каримни Алоуддин Мансур таржимасида Тошкентда босилган китобни ва Имоми Бухорийнинг саҳиҳ тўпламини тўртта жилдини кўрсатди. Мен унга сизга бир иккита нарсa кўрсатайми? дедим. Майли деди, бошлиқ. Мен унга ваҳҳобийлар ўйлаб топган ва динда йўқ нарсa деб, айтиладиган, Оминни овоз чиқариб айтишлик ҳақидаги ҳадисни очиб кўрсатдим. Икки қўлни рукуъга ва саждага кетаётганда кўтариб қўйиш ҳақидаги ҳадисни китобдан ўша бетини очиб кўрсатдим.

Полковник очкини тақиб олиб, ўқиб чиқди. Афтидан уни вақти бемалол бўлиб, у мени яхшироқ танишга уринарди. У шошилмасди. Мен ҳам шошилаётганим йўқ эди. Қуръондаги якка Аллоҳга ибодат қилишга доир оятларни кўрсатдим. Ўша пайтларда шу китоблар ментларни хонасида бўларди. Бизни эса далилимиз айнаи шу иккита китобдан эди. Қуръон ва саҳиҳ ҳадислар бизга кифоя эди. Ментлар шу китобларни хонасида сақлаб, лекин ўзлари тушунишмасди. Улар ваҳҳобийлик деб инкор қиладиган нарсаларни мен шу китоблардан топиб уларга кўрсатардим. Ментлар билан диний масалада кўплаб тортишувлар бўларди. Шунақа тортишув пайтида, мен уларга ўша китобдан у бу ерини очиб кўрсатиб қўярдим. Бу ҳолат опер гуруҳ бошлиғи билан ҳам бўлганди.

Бошлиқ мени кўрсатган ҳадисларни ўқиб, бу нарсаларни англизлар ўйлаб топган деб, ўзи гапирган сафсатани ёлғонлигини ўзи англаганди. Мен унга ҳеч нарсa демадим. Мен унга шу у тан олган китоблардан у бу ерини кўрсатдим халос.

Полковник менга ГУИНдан комиссия келаётганлигини ва зонани қаттиқ текширишини айтди. Шунга имкон қадар шмонда запал бўладиган нарсалар бўлса, йўқ қилишни тавсия қилди. Мен унга начальник, менда шу сиздаги китоблардан бошқа китоб йўқ дедим. Шу китоблар тўғри бўлса, демак тўғри. Агар шулар хато бўлса, унда демак, мени китобларим ҳам хато экан дедим.

Бу китоблар Тошкентда босилган ва булар тўғри деди у. Ментлар у пайтларда довдирарди. Улар қайси китоб тўғрию, қайси нотўғри тушунишмасди. Арабистонда босилган бўлса нотўғри ва Тошкентда босилган бўлса тўғри деган содда мезон бор эди. Шу билан мен уни олдидан чиқиб баракка бориб аср ўқидим. Барашникка эса, у билан бўлган суҳбатни мазмунини қисқача гапириб бердим. Ўша пайтда мен штабга Самарқандлик Абдуҳолиқ деган йигит билан бирга боргандим. Бу йигит асли исми Фармон эди. Унга Абдуҳолиқ деб исм қўйдик. Ўзи тожик бўлиб, ўзбекчани зўрға гапирадиган бола эди. У бола ўз вақтида катта мардлик қилиб, менга садоқатини кўрсатган бола эди. Уни воқеъасини алоҳида ўз ўрнида ҳикоя қиламан.

Шу бошлиқ даврида Товоқсойдаги 4 отряддаги масжид бўлиб турган ленкомнатага каравотлар киритилиб, ётоқхонага айлантирилди. Энди у ерда намозхонларга намоз ўқишга имкон қолдиришмади. ГУИН (Жазони Ижро этиш бош бошқармаси) дан келадиган комиссия шуни текширади деди у. Шунга қарамасдан намозни ўқишга қаршилиқ ҳали йўқ эди. Положенецлар бошлиқ билан гаплашиб чиқиб, Масжидда намозхонлар олдида сходняк қилишди. Бу ерга каравот киргизмасак бўлмас экан деди положенец. Ментлар шуни талаб қиляпдилар. Бу дегани зона синди деганимас лекин, бошқа ҳамма нарсa аввалгидай давом этаверади. Шу намозхонани бекитмасак бўлмас экан. Тўғри тушунинглар мужиклар деди. Бу масжидни ёпишликни ГУИНдан комиссия келаяпди, улар текширар экан деб ёпишди. ГУИНда ўша пайтларда Генерал Ражаб Қодиров бошлиқ эди. Уни режим бўйича муовини, майор Карим Шодиев эди.

Карим Шодиев у бу зонага вақти вақти билан бориб текшириб турарди. Бу касофат Товоқсойга ҳам бир икки марта келганди. Уни келишидан олдин положенец томонидан зонага прогон тарқатиларди. Бу прогонни барашниклар проходма проход юриб, ҳаммага айтиб чиқишарди. «Мужики братвадан прогон келди, ментларга повод берилмасин. Кимки повод берса физический спрос бўлади» деган прогон айланарди. Ўшанда проходдаги запал бўладиган (Қонунда мумкин бўлмаган пичоқ, лезви каби) нарсаларни мужикларнинг ўзлари йиғиштириб, у бу ерга яширишарди. Одатда ойда ёки икки ойда бир одатий шмонлар бўлиб турарди. Зонани ментлари шмон қилишарди. Баъзан бошқа зонадан ментларни олиб келиб, бизни шмон қилдиришарди.

Бизни ментларни бошқа зонага олиб бориб, уларни шмон қилдиришарди. Ўшанда братвадан проходда диний китобларни ҳам қўйилмасин деган прогон бўлганди. Бунақаси биз учун ажабланарлик иш эди. Китобларни ва қўлёзмаларни промкага олиб бориб у бу тешикка яширгандик. Назаримда ўша пайтдан ИАК деган бадбахт томонидан, мамлакатдаги диндорларга нисбатан тазйиқлар бошлаш режаси тузилганди. Бу режага кўра, давлат томонидан аста секин, барча назоратга тушган диндорлар қамалиши ва ёки йўқ қилиниши керак эди. Зоналарда ҳам диндорларга тазйиқлар қилиниши назарда тутилганди. ИАК кофир ва дин душмани эди. Улар ўзлари ният қилган нарсаларига кейинроқ эришишди.

Шодиев билан учрашув

Ўша пайтларда чегаралар очиқ бўлиб, Чеченистонга бориш бемалол эди. Йўлда кирган чиққанни биров текширмасди. Абдували қори ўғирлангач, мамлакатдаги «вахҳобий» деб ҳисобланган масжидлар аста секин ёпила бошлаганди. Ваҳҳобий деб ҳисобланган имомларга ҳам тазйиқлар бошланганди. Шу сабабли баъзи ёш ва қизиққон диндорлар ўша пайтда ё Тожикистон орқали Афғонистонга ва ёки Чеченистонга қочиб кета бошлашди. Мана шу қатламни баъзилари ватанга қайтишганда, МХХ уларни ушлаб у бу айблар билан, суд қилиб, ўлим жазосига ҳукм қила бошлади. Ўзбекистонда гарчи Суд деган ташкилот мавжуд бўлсада, МХХ нимани буюрса, улар шуни қилишарди. МХХга эса, ИАК ҳукмронлик қиларди. Менимча Чеченистонга бориб келганларни ҳаммасини ушлаб ўлдиришга, МХХ ва судларга яширин ички буйруқ бўлганди.

Кузатишларим шуки, ўша ерга бориб келган кимни ушлашса, кейинчалик 16 феврал портлашларига алоқадорликда айблаб қаттиқ қийноқларга солиб, кейин ўлим жазоси бериб отиб ташлашган. 1999 йилда ўлим жазосига ҳукм қилинганлар сони жуда кўп бўлган. Одатда ўлим жазосига ҳукм қилинганларни, бир икки йил қўйиб, кейин ҳукмни ижро қилишарди. Аммо, бу диндорларни ўша пайтда ўзидаёқ отиб ташлашган. Диний маҳбусларни узоқ сақлашдан маъно йўқ эди. Чунки, уларни ишини Судлар қайта кўриб, ўлим жазосини барибир бекор қилишмасди. Истасалар ҳам қилишолмасди. Чунки, судлар МХХ қўлидаги қўғирчоқлар эдилар халос. 1999 йил ўзбек диндорлари учун қатли ом йили бўлганди. Аммо, ҳали 1998 йил эди. Тошкентда Обид қорига тазйиқ бошланади. Уни ҳам Диний Бошқарма Низомига риоя қилмаган деган важ билан, имомлик вазифасидан бўшатишади.

Уни масжиди қавми уни ҳимоя қилишган. Бошқа кимсани у масжидга яқинлаштирмасликка уринишган. Лекин, Диний Бошқармага ва МХХга уларнинг кучи етмасди. МХХ халқни очиқ ошкора жунбушга келтирмаслик учун, зимдан иш қиларди. У ким Обид қорига тарафдор бўлса дарров ушлаб қамаган эмас. Аммо, кейинчалик барибир ҳаммасини йўқ қилди. Ўша пайтларда зонага Обид қорини масжидида муаззин бўлган ёши элликдан ошган бир киши келди. Уни исми адашмасам Эркин ака эди. Бу киши Тўхтабойвачча масжидида муаззин бўлган экан. У бизнинг семейкага қўшилди. У биринчи секторга 2 отрядга тушган экан. Уни ўша ердаги проходга жойладик.

У проходда эса, Тошкентлик фирибгар, Фарҳодни шериги ответда эди. Айти шу болада бизнинг обшаякни пуллари турарди. Бизнинг қирқ кишилиқ обшягимиз пуллари хазинабони шу эди. У блатнойларга яқинлиги учун ва барашниқлар билан танишлиги учун, пулларни унга бериб қўйгандик. Бу отрядда барашниқ бўлган ўғирлик билан қамалган яна биттаси бор эди. Ўғри қариса сўфи бўлади дегандек, бу ҳам озодликка чиқиб сўфи бўлган. Ўша Фарҳод билан божа бўлган. Кейинроқ оиласи билан Қозоғистонга ўтиб, БМТга учрашиб, диндормиз бизга тазйиқлар бўлаяпди деб, Швецияга келишган. Фарҳод эса Москва БМТ қочоқлар қўмитаси орқали келган. Шундай қилиб божалар гуруҳи Швецияда «тақводор»лигини давом эттиришган.

ГУИН (Главный Управления Исполнения Наказания) Жазони Ижро Этиш Бош Бошқармаси бошлиғи Ражаб Қодиров ва унинг режим бўйича муовини Карим Шодиев эди. Ўзбекистондаги қора зоналарни синдириб қизил ментовский гадский зонага айлантирган шу кимса эди. Албатта, МХХни ва Президент аппаратини қўллови билан бу иш амалга оширилди. Жуда кўп одамлар қурбон бўлди. Блатнойлардан қанчаси ҳаёти синди ва гадларга айланишди. Диндорларни эса, зоналарда қийнаш учун махсус қийноқ услублари ўйлаб топилди ва амалда жорий қилинди. ИАК режимининг жаллодлари кўп. Улардан катталаридан бири Карим Шодиев эди. Бу кимса Товоқсойга комиссия бўлиб келганда, зонани титратиб мужикларни секторга қамаб ҳамма ёқни остин устун қилиб кетарди.

У кўзига кўринган мужикни уриб тепиб ташларди. Биттасини икки оёғи орасига тепиб, бечора болани тез ёрдам чақириб озодликдаги касалхонага жўнатишган. Ўша Шодиев мен билан учрашмоқчи бўлибди.

Мени дневалнийлар келиб, югуриб штабга олиб боришди. Бу сафар ҳамроҳсиз бордим. Братвани штабга ҳамроҳ олиб бориш тартиби ҳам, ўзларига дўппи тор келганда унутиларди. Комил озодликка кетиб, ўрнига Файзи Ташкентский положенец эди. Ўша Шодиев келган пайтда Файзи ҳам зонани мужиклар киядиган қора робасини кийиб бирка тақиб юрганди. Одатда бошқа пайтларда братва гражданский кийимда, блатной бўлиб юришарди. Шодиев келганда улар мажбуран роба кийишарди. Мен штабга борсам, Шодиев бошлиқни кабинетида экан. Эшикдан кириб, «ассалому ала ман иттабаал ҳудо» деб, салом бердим. Ментларга мен доим шунақа салом берардим. Бу ўша салом бераётган одам кофирми, мусумонми билмаган пайтда бериладиган саломдир. Карим Шодиев столи бошлиқ ўтирадиган ерида ва бошлиқ билан янги келган Султон деган, муовини пастроқда ўтирган экан. Зонада аввалги бошлиқни муовини Улуғбек деган, Бурчмуллалик тожик эди.

Яқинда полковник Султанов Султан деган қирғиз келганди. У кимса аввал Чирчиқда хозиян бўлган экан. Кейин у ерда нимадир бўлиб, Товоқсойга бошлиқ муовини бўлиб келганди. Энди аввалги муовин опер гуруҳ бошлиғи бўлиб қолганди. Шодиев саломимга алик ҳам олмади. Башарасини бужмайтириб қараб, сенми Абутов деган ваҳҳобий? деди. Мен унга, Началник мен оддий намозхонман дедим. У мени тингламасдан гапира бошлади.

У гапираётиб бир менга ва бир бошлиқ муовини, мўйловли қирғиз полковникка қарарди. Улар ҳам уни сўзини тасдиқлаб бош силкиб туришарди. Мени ҳайрон бўлганим шуки, Шодиев майор эди халос. Полковниклар унга қулоқ солиб туришарди. Мен шуни англадимки, бу Шодиев дегани жуда оғзи шалоқ, шаллақи хотинларга ўхшаган одам экан. У мен билан жуда қўпол ва сўкиниб гаплашарди. У мен билан гаплашмасди. Ўзи гапирар ва мен эшитардим.

Ваҳҳобий хотинлар фоҳишалигини ва улар кундузи ҳижобда юриб, кечаси фоҳишалик қилишини айтди. У Тошкентда кўрган ва ўзи танийдиган ҳижобли аёллар шунақа эканмиш. У мени урмади. Мен урса керак деб ўйлагандим. Ўзича турли гаплар айтиб, сўкиб ҳақоратлаб, чиқариб юборди. Бу одам, одам эмас экан, одам суратидаги ҳайвон экан деган тасаввур бир умрга хаёлимда ўрнашиб қолди. Бу гапларни у менга айтганда ҳали 1998 йил эди. Мамлакат бўйлаб, диндорларга қарши оммавий очикчасига кураш бошланмаганди. Ҳали бу кураш яширинча зимдан давом этарди. Зоналарга ва куч ишлатар тизимларига курашни бошлашга буйруқ берилганди. Аммо, халқ оммаси бундан беҳабар эдилар. Назаримда ИАК оммавий катағонни бошлашга қулай қўрсат кутарди. Бу фурсат 1999 йил 16 феввали эди.

2014 йилда эса, Женевага БМТнинг инсон ҳуқуқлари қўмитасига ҳисобот бериш учун, Ўзбекистон ҳукумати делегацияси келади. Унга Акмал Саидов бошлиқ эди. Унинг ёнида эса, эндиликда ГУИН бошлиғи бўлган Генерал Карим Шодиев ўтирарди. У Ўзбекистонда қийноқлар йўқлиги ҳақида Женевада маъруза ўқиди. Қуйидаги линда учинчи минутидан кейин, ўша мен кўрганимдаги майор Шодиев гапириб бошлайди. <https://www.youtube.com/watch?v=Ee3al2stRzk> Мен уни орадан 15 йил ўтгач, видоеда кўриб танидим. У сочлари оқариб, қариб қолган эди. Мени ҳайратга солгани эса, бу ифлосни Генерал бўлиб. ГУИН бошлиғи бўлгани ва Женевага келгани эди. Ҳа ёмонга ўлим йўқ деган, халқ мақолида ҳам жон бор экан. Шунақалар бу дунёда жазо берилмасдан, охиратда тўлиқ мукамал қаттиқ жазо оладиган бадбахтлардан бўлса ажабмас. Валлоҳу аълам!

«Бош оғриққа» кирганим воқеъаси

1998 йил мен учун зонада оғир йил бўлди. Шу йил озодликда юрган диндор йигитлар учун ҳам осон бўлмаганлигини мен кейинроқ англадим. Ундан кейингиси эса. Унданда оғир йил бўлди. Бу оғир синовлар анчагача давом этди. Мени озодликда юрмасдан қамалиб қолишим, аслида мен учун ўзим англамаган, бир яхшилик бўлганди. Сабаби, озодликда юрганимда шубҳасиз Россияга кетардим. Балки, мен ҳам Чеченистонга борардим. Балки, қайтиб келиб, ушланиб ўлим жазосига ҳукм қилинардим валлоҳу аълам. Албатта. тақдир азалда битилган ва у ўзгармасдир. Менга шу Товоқсойда ўтириш ва раскрутка бўлиш тақдир қилинган экан. 1998 йилда зонага Самақандлик бир бола келди. У олти йилга қамалганди. У Зонада мени ҳақимда эшитиб олдимга келди. У билан у ёқ бу ёқдан суҳбатлашдик. Кейинчалик, у биз билан бемалол очилиб гаплаша бошлади. Унинг таъкидича, Тоҳир Йўлдош Мовароуннаҳр Муслмонлари Амири экан.

Барча мусулмонлар унга байъат қилиши ва уни амрини бажариши вожиб экан. Бу болани ўзи қандайдир техникумда ўқир экан. Унга кимдир шу ақидани ўргатибди. Ёш мусулмон йигитларни ўша ёққа боришга даъват қилишни топширибди. У анчагина болани Тожикистонга юборган экан. Ва у ердан яна кимдир уларни кутиб олиб, қандайдир йўллар билан Афғонистонга ўтказиб юборган экан. Хуллас, шу болалар йўлда ушланиб қолибди. Шундай қилиб уларни ва уларга қўшиб бунни ҳам қамашибди. Мен унга бу ақидаси тўғримаслигини тушунтирдим. Тоҳир Йўлдош ўша ердаги гуруҳни амири бўлиши мумкин. Лекин, у ундан бошқа ерга амир бўлмайди. Бошқа ерда яшайдиганлар унга байъат бериши вожиб ҳам эмас. Хуллас, бу бола анчагача мени фикримга қўшилолмай юрди. Лекин, у менга қарши далил ҳам келтиролмасди. Охир оқибат у бу фикридан қайтганди. Шу бола ҳам кўп қийналди. Озодликка чиққач, яна 159 модда билан қамалди.

Обид қорини масжидида муаззин бўлган амаки ҳам, бизга кўп нарсани гапириб берарди. Обид қори у пайтларда яшириниб юрган экан. Ментлар уни излаб ҳамма ёқни тит питини чиқариб ташлашган. Лекин, топишолмаган экан. У Обид қорига кўп ёмонликлар қилган, муфтийнинг муовини вазифасида ишлаган Юсуфхон Шокиров касал ётганида кўргани борган экан. У қилмишларига тавба қиладими йўқми? деб, шуни билишга борган экан. Лекин, у тавба қилмасдан ўлиб кетибди. Бир куни иккинчи отряддаги ўша муаззин Эркин ака ётган проходга масъул бола олдимга келиб, уни проходада жанжал бўлганини айтиб қолди. У ерда бизга янги қўшилган Наманганлик бир бола бор эди. Бу бола Намангандаги ёғ заводини директорини боласи экан. У бизнинг семейкага янги қўшилганди. Масъул бола уни ўзи ётган каравотни ёнига, биринчи қаватга ётқизганди. Зонада тартиб шундайки, мужик мужикка жой кўрсатиши мумкинмас эди. Сабаби, қизил зоналарда гадларгина мужикка жой кўрсатарди. Қора зонада мужикка братва жой кўрсатарди. У бола ўша ерга ётиб юрганда, шу проходга муаззин амаки келади. Масъул бола Наманганликка тепага чиқиб, амакига жой беришни буюради. Бизга қўшилган болаларга масъулларга итоат қилишни лозимлиги ўқтириларди. Ёши катталарни ҳурматини қилиш керак эди.

Обид қорини муаззини, у Наманганлик болани отаси тенги эди. У бола юқорига чиқишни истамайди. Натижада у билан масъул орасида конфликт чиқади.

Муаммо шундаки, у бола аҳмоқлик қилиб, биздан қасд олиш учун тўғри положенец Файзини олдига киради ва бизни ёмонлайди. Братуха, улар ўғри ақидасини тан олишмайди. Уларни ўзларини қонунлари бор.

Уларнинг ўзини обсяги бор. Уларни зонада ўнтадан ошиқ прохода бор. Улар сизларга қарши фикрни тарқатадилар. Ва ҳаказо... Ва ҳаказо... Масъул бола бу воқеъани менга гапириб беришга улгурмасдан бизни излаб, положенецни васёклари келиб қолишди. Наманганлик Файзига бориб шу гапларни айтганди. Бу биз учун кутилмаган муаммо эди. Бу гапларни эшитиб Файзини кўзига қон қуйилади. У братвани ҳаммасини тезда бизларни ҳаммамизни топиб, санчаstdаги бўш ётган бир бинога тўплашга буюради. Ўша куни шанба куни бўлиб, ёзги клубда кино бўлаётганди. Мужиклар кинога тўпланиб, қий чув бўлиб турганди. Мен ва икки шеригим шу ерда эдик. Васёклар тез юринглар сизларни братуха чақиряпди деб олиб кетишди. Санчаstdга борсак, у ерда биздан ташқари мени шогирдларимдан ўттизтаси тўпланганди. Намозхон чолларни ҳам тўплаб, бир чеккага қатор териb қўйишганди. Ургутлик амаки ва Афғон чол ва Сармисоқов ҳам шу ерда эди. Файзини ёнида Карим ака ва зонага янги келган Озарбайжонлик айиққа ўхшаб юрадиган, икки юз килолик бир барзанги ҳам бор эди.

Бу озарий Тошкентда кимнидир уриб қамалган экан. У положенейни ёнида юарди. Братваларни қўлида, узунлиги икки метрча хода таёқлар бор эди.

Мен ҳайратдан қотиб қолдим. Буларни қачон бу ерга тўплашганига ҳайрон эдим. Ташқарига чиқадиган эшикни бекитиб қўйиб, атасга васёкларни қўйишди. Ментлар келиб қолмаслиги учун, болаларни бу ерга ментларга сездирмасдан шов шувсиз тўплашганди. Мени нималар бўлганидан тўлиқроқ хабарим йўқ эди. Файзи курсига ўтириб, қозилик қила бошлади. Биринчи бўлиб, ўша Наманганликка сўз берди. Уни Файзини олдига олиб келиб, оёқда ўтқазиб қўйишди. У болага қараб, гапир нима бўлди? деди. У бола унга айтган гапларини яна такрорлади. Уни ўзи ҳам қалтираб турарди. Братуха, мен бу болани проходада яшаш учун бордим. Ундан жой сўрадим деди у. Файзи унга қараб бақириб, сен нега ундан сўрайсан? У ким? Барашникми? Положенецми? Нега ундан ётишга жой сўрайсан деб, уни бошига қўлидаги таёқ билан ура бошлади. Бечора Наманганлик бошини ушлаб бақириб, ўрнидан туриб кетди. Уни бошидан қон оқа бошлаганди. Боши ёрилганди. Уни васёклар келиб четроққа олиб кетишди. Мени бир ўзимни бир четда, қўйиб қўйишганди. Мени шогирдларим ҳаммаси нариги тарафда менга юзма юз бўлиб туришарди. Уларни бу ерга олиб келишдан мақсад мени уларни олдида уриб, уларга кўрсатиб қўйишлик бўлганди. Уларни мендан узоқлаштиришни мақсад қилишганди. Иккинчи бўлиб, Обид қорини муаззини бўлган амакини разборга чиқаришди. Бечора қари одам, боласи тенги Файзини олдида оёқда ўтирди.

Файзи унга қараб, сенсираб сен кимсан? деди. У киши қўрққанидан, братуха деб гап бошлади. Зонада қариялар ҳам положенецга шунақа дейишарди. Файзи унга сен нега буни жойига ётмоқчи эдинг? Сен барашникдан жой сўрасанг бўлмайдими? Мужикни ўрнига ётишга нима ҳақинг бор? деб, бақириб, уни ҳам бошига таёқ билан ура бошлади. Отаси тенги одамни сенсираб бақириб урарди. Файзи ифлос бола эди. Мен унга Файзи у амакини айби бу ерда йўқ дедим. Сен жим тур! деб бақирди менга оғзидан тупук сачратиб, сенга сўз бермадим ҳали деди у.

Қари муаззин амаки ҳам бошини ушлаб, ўрнидан туриб кетди. Файзи унга қараб, сенга скачуха бераман деди. Буларга қўшилма. Агар жой керак бўлса, барашник олдида бор! деди. Зонада жойни мужикларга биз берамиз. Бошқани олдида борганинг учун калтак единг деб, дўқ қилди. Бечора амаки қалтираб, хўп хўп деб, бошини ушлаб четга чиқди. Мен буларга қараб, ўзимни нималар кутаётганини тасаввур қилолмасдим. Ичимда «ла илоҳа илло анта субҳонака инни кунту миназзолимин» деб турардим. Мени орқамда турган қариялар ҳам қотиб қолишганди.

Уларнинг бу разборкага гувоҳ бўлишини кўриш учун, олиб келишганди. Бечоралар қўрққанидан ғиринг дея олишмасди. Кейин разборга ўша проходага масъул бўлган бизни хазинабонимиз Тошкентлик болани чақирди. У Файзини кўчадан танирди.

Файзи ҳам уни танир экан. Ундан нега сизлар алоҳида обшак қилгансизлар? деб сўради. У бола бизда бу обшак эмас, бу пулларни ментларга запал бўлмасин деб, мен сақлаб қўяман деди. У болалар менга, сақлаб қўйишга беришади. Уларнинг проходада яширадиган начкаси йўқ. Менда начка бор. Шунга мен яшириб қўяман деди. Бу гапга Файзи қоникди шекилли, унга қараб обшак ташкил қилиб, ўғрига қарши чиқмоқчимисизлар? деди. У бола унга Тошкентчалаб, Файзи тушунадиган қилиб, бизда ҳеч қанақа обшак йўқ. Биз бирга дарс ўқиб, намоз ўқиб бир биримизга ёрдамлашиб яшаймиз братуха деди. Файзи унга бошқа нарсга демади. Уни урмади ва сўкмади ҳам. Чунки, улар ўзаро танишлар эдилар. Шу билан у орадан чиқди. Кейин, менга қараб, сен, мутила кел бу ёққа! деди. Мен уни олдида бордим. Сен Ўғрига қарши обшак қилдингми? Сен братвага қарши чиқдингми? деб бақирди. У мени жавобимни ҳам кутмасдан, ёнидагиларга қараб «дат ему» деди.

У қўлидаги таёғи билан мени ҳам бошимга урса керак деб ўйлагандим. Лекин, у мени таёқ билан урмади. Ёнидагиларга дат деди.

Барзанги озарий менинг шогирдларим олдида турарди. Шогирдларимни кўплиги учун, улар мени ҳимоя қилиб чиқишса, шу пайтда ишга солиш учун бўлса керак, арматуралар ҳам таёрлаб бир четда қўйишганди. Бу катта разборка эди. Камида элликтадан ошиқ одам иштирок этарди. Мени уришга буюрганида, шу ерда турган братванинг болалари мени ҳар ёнимдан тепиб ура бошлашди. Карим ҳам урганди. Мужикни тепишга рухсат йўқ эди. Лекин, мени тепишди. Субҳоналлоҳ деб такрорлаб турардим. Мен шундай деб такрорлаб турганимни ўзим ҳам сезмаганман. Менга кейинроқ, қараб турган болалар айтиб беришганди. Аллоҳ менга ўша кунни осон қилиб қўйганди. Мени уриб бошлашгач ерга йиқилганимда, Нодир деган наркоман бола устимга чиқиб оёғи билан бошимга тепганди. Бошим ерга полга бетонга тегиб қошим ёрилиб кетди. Мен ерда йиқилиб ётганимда қошимдан оққан қон юз кўзимни қизил ранга бўяганди. Ерга ҳам қон оқди. Братва мени уришни тўхтатди. Улар мени ўлиб қолади деб кўрқишди шекилли? Агар уриб ўлдирсалар, бу уларга проблема бўлиши мумкин эди. Мени ерга ўтқазиб, Файзи менга қараб, сен интригантсан, интригантсан, интригантсан, деб уч марта айтди. Бу менга берилган поступкани номи эди. Ўғрига қарши чиққан, фитна кўзгаган деган, маънодаги поступка эди. Бизни барашникка қараб, бунга ҳеч ким салом бермасин, яқинлашмасин ва уни жойини мужиклардан алоҳида қилиб қўй деди. Намозхон чоллардан ҳеч ким ҳеч нарсга демади. Ўттизта шогирдимдан ҳам садо чиқмади. Улар ўзларидан кўрқиб туришарди. Фақат ўша Самарқандлик Фармон деган бола, русчалаб, братуха это несправедливо деди. Унга қараб Файзи сен кимсан деб бақирди.

Уни ўртага олиб чиқиб, унга сен братвага қарши чиқдингми?, "дат ему тоже" деди. Фармонни ҳам ўртага олиб ура бошлашди. Мен қонларим оқиб туриб, Файзи уни айби йўқ дердим. Мени васёклар гапиртирмасдан, ваннага олиб кетишди. Фармонни қулоғини пичоқ билан кесишди. Қулоғидан пастки қисмини озроқ кесиб, уни ҳам тара мискасини алоҳида қилиб қўйишди. У бола мени ҳимоя қилиб, ўзи бош оғриққа кириб қолди. У шу куни мени ҳимоя қилиб гапира олган ягона йигит эди. Мен унга Аллоҳ икки дунёда мададкор бўлсин деб дуо қиламан. Кейинроқ болалар айтишича. У қолганларни ҳам оз моз номигагина уриб қўйишган экан. Уларга менга яқинлашмаслик топширилган. Аммо, уларга ҳеч қандай поступка берилмаган. Фақат Фармон бош оғриққа кирганди. Ўша бола муддати оз қолган эди. У тезда чиқиб кетди. Шу бош оғриғи билан чиқиб кетди. Мени эса ваннага киритиб юз кўлимни ювиб, қошимни ёрилган ерига дори қўйиб, пахта билан лейкопластир ёпиштиришди. Кейин, эса, васёклар ўзлари суяб отрядга олиб боришди. У пайтларда иккинчи сектордаги учинчи отрядда яшардик. Мени проходимдаги болалар жойида қолди.

Мени ўзимни эшикдан кирган ерга, алоҳида бир каравот қўйиб, ўша ерга ётқизишди. Менга ўғри ақидасига қарши чиқиш деган поступка берилганди. Мен билан бошқа мужикларни гаплашиши ва саломлашиши мумкинмас эди.

Худди, бир пайтлар Одил положенец ва Комил бир бирини уриб, шундай қилиб қўйишганидек, энди мен шундай бўлган эдим. Менга овқатини ўзи бориб ошхонадан олсин деб, болалар менга овқат олиб келишини маън қилишганди. Бундан мақсад ерга уришлик хорлашлик эди. Мен ўша куни каравотга ётиб, миям гангиб, ҳеч нарсани англаёлмасдим. Аъзои баданим оғрирди. Қайси тарафга ётсам, ўша тарафим оғрирди. Мен ўша тунда бошимни боғлаб, кўзимни биттаси шишиб кетгани учун, битта кўзимни очиб, зўрға ўрнимдан туриб, таҳорат қилиб, хуфтонимни ўша ерда ўтириб ўқидим. Нима бўлди? Нимага бўлди? Айбим нима? Ҳеч нарсга тушунолмасдим. Муаззин амаки ўша куни бошқа отрядга кетган экан.

Мен уни кейинроқ эшитдим. Наманганлик бола ҳам, калтак еб бошини боғлаб юрди. Уни у бу ерда кўриб қолардим. Менга салом бериб ўтарди.

Мен эса, икки ойча шу аҳволда юрдим. Мен «бош оғриқ»ни утрицат қилишим керак эди. У пайтда Сангородда Қонундаги Ўғри Бахтишка (Бахтиёр Қудратуллаев) бор эди.

Товоқсойни положенеси менга қарши бўлса, буни ҳал қилиш учун, ундан каттароқ жойга мурожаат қилишим керак эди. Мени ўша пайтда бора олишим мумкин бўлган жой эса, Сангород эди халос. Бахтишкани 1997 йилда Йўлдош Бўстонликский деган лақаби Жук (Ашуров Йўлдош Олимович) деган ва Дато Ташкентский деган грузин ва Дед Хасан номи билан танилган Аслан Усоянлар биргаликда короноват қилишган эди. Ўшанда Бахтишка Сангородда ўтирганди. Ўғрилардан унга малява келганди. Жук ўша пайтдаги Ўзбекистонда қолган ягона авторитетний ўғрилардан эди. Уни 1974 йилда 25 ёшида, Россияда короноват қилишган. У 2009 йилда Нукус Турмасида 61 ёшида ўлади. Уни қизил зонада синдириб ўлдиришган. Кейинроқ Бахтишкани ҳам синдиришди. У Россиядан ушланиб Ўзбекистонга депорт қилинган, уни Жасликқа юборишади. У ердан Қаршини қизил зонасига юборишади. 2015 йилда ўлимига яқин қолган бемор сифатида активироват қилиб, озодликка чиқарилади. Бахтишка Ўзбекистондаги охириги қонундаги Ўғри эди. Бахтишка 2015 йилда Саян Андижанский деган Андижонлик 1992 йилда туғилган бир қирғиз болани короноват қилгани айтилади. Уни кимлиги ҳали кенг жамоатчиликка номаълумлигича қолмоқда.

«Бош оғриғ»им утрицат бўлди

Калтак еб бош оғриққа кирганимни эртаси куни мени штабга чақиришди. Замначалник Султанов Султан деган, мўйловли қирғиз ва опер гуруҳи бошлиғи тожик Улуғбек гаплашишди. Штабга битта мужик билан бордим. Кўзинга нима бўлди? деб сўради бошлиқ муовини Султон. Йиқилиб тушдим дедим. Ҳар иккала мент кулиб юборишди. Хўп, айтмасанг айтма, барибир биз биламиз дейишди улар. Мен командир билсангиз нега сўрайсиз дедим. Ўтир деди курсини кўрсатиб. Ўтириб бир кўлим кўзимда, бир кўзим очик улар билан гаплашдим. Ёзиб бер нима бўлганлигини дейишди. Мен ёзиш кераги йўқ. Ўзимиз ҳал қилиб оламиз дедим. Улуғбек келиб кўлимни кўтариб кўзимни кўрди. Яхши хавфлимас экан деди. Қошни усти ёрилган ва ўша ердан қон кетганди. Командир менга Сангородга боришим керак дедим Султонга қараб. Ҳа, у ерда нима қиласан? Разборкагами? деди у. Мен унга даволаниб келаман дедим. У менга қараб сени касалинг бўлса, ана санчагга бор.

Улар даволай олишмаса, ўзлари Сангородга юборишади деди. Шу билан штабдан чиқиб отрядга қайтдим. Барашникка бўлган воқеъани айтдим. Ўшанда Тошкентлик бир татар бола барашник бўлганди. Олдинги барашник Ботир деган бола, Сангородга кетганди. Татар Файзини амрини қойилмақом қилиб бажаришга уринарди.

Мени тепадаги семейкамдаги болалар эшик олдида рўпарў келиб қолганимизда, беихтиёр менга салом бериб қўл узатишди. Мен ҳам қўл узатиб кўришдим. Шу пайт баракдан татар келиб қолди. У менга салом берган болани юзига шапалоқ тортиб юборди. Русчалаб почему ты поздоровищся с ним? деб урган эди. Зарбани кучидан бечора болани юзи қизариб кетди. Мен унга зачем? дедим халос. У бошқа кўрмайин салом алик қилганларингни.

Агар кўрсам положенецга олиб чиқаман деб, дўқ уриб кетди. Одамлар мендан қочишарди. Мен билан учрашиш мумкинмас эди. Тақводор диндорлар ҳам рўбарўсидан чиқиб қолсам, саломлашмасди. Саломлашишга Аллоҳ буюрган ва лекин положенец ман қилганди. Бу ерда одамлар, Худодан эмас, положенецдан кўрқишарди. Бунга кўплаб мисолларни кўрганман.

Икки ойча бош оғриқда юрдим. Бу муддат ҳам антиқа синовлар даври бўлди. Мен 3 отрядда пастки қаватга кираверишда эшикни олдида ётардим. Менинг проходим эса шу отрядда тепада иккинчи этажда эди. Пастда эса намоз ўқиш учун кичкина каптёрка хона бор эди. Тепадан мени дўстларим намозга шу ерга тушишарди. Улар мен билан салом алик қилиши мумкинмас эди. Шунингдек, менга овқат олиб келиши мумкинмас эди. Мени каравотимни ёнида тумбочка бўлиб, болалар тунда уни ичига овқат қўйиб кетишарди. Мен эрталаб турсам уни ичида овқат турган бўларди. Индамасдан олиб еб қўярдим. Тушликка промкага кетардик. У ерда мени назорат қилиш имконсиз эди. Шундай бўлсада, болалар овқат пишириб бир ерга қўйиб кетишар ва мен бориб ердим. Мени ошхонага бориб ўз пайкасини нонини олсин деб положеней шундай қилганди. Менга ошхонага бориш западло эмасди. Лекин, болаларни ўзи нон тарқатишарди. Улар бизга тегишли нонларни олиб келишарди. Мени боришимга ҳожат йўқ эди.

Кечкурун ҳам ўша ерда каравотда ёлғиз ўзим ўтирардим. Тумбочкада овқат пайдо бўлса ер эдим. Баклашкада чой ҳам келарди. Вазият қалтис бўлиб, мени назорат қилишарди. Шунда ҳам бирор марта овқатни қўяётганда болалар запал бўлишмади. Кечкурунлари мужиклар стадионга чиқиб айланишарди. Мен ҳам чиқиб айланардим. Лекин, мени ёнимга болалар келса бўлмасди. Васёклар ортимдан юришарди. Бизнинг болалар ўша пайтда қўлида баклажкада чой ва овқатни олиб чиқиб, стадионни айланишарди. Улар толпани ичида бир ерда мени қўлимга бериб кетишарди. Мен уни кўтариб айланиб отрядга қайтардим. Кўзимни усти бир ҳафтага битди.

Аммо, бу аҳволда узоқ юриш имконсиз эди. Абдухолиқ дўстимга эса, гарчи у ҳам бош оғриққа кирсада эътибор йўқ эди. У анча бемалол яшарди. Ўша пайтда мени кадрдонларим бирин кетин зонадан озодликка чиқа бошлашди. Абдухолиқ аввал чиқиб кетди. У бола орадан икки йил ўтиб яна 159 модда билан қамалибди. Ўшанда у Косондаги 64/51 зонада ўтирган экан. Ўшанда у ҳизбутлар билан бирга ўтирган ва улардан таъсирланган экан. Кейинчалик у Москвага ишлагани келади ва оиласи билан шу ерда яшайди. Ўша ерда уни Москва ФСБси томонидан компьютерда кимгадир нимадир тарқатди деб қамоққа олишади. Шу дўстим бугун ҳам қамоқда қолмоқда. Аллоҳ унга нажот берсин.

Мен «бош оғриқ»да ётганимда Самарқандлик Акмал деган бир тожик бизни секторга секторний бўлди. У касофат бир пайтлар Зарафшонда положенец бўлган экан.

У ўзбек ва тожикчадан кўра, кўпроқ русча гапирарди. Ўша разборкада у ҳам мени урганди. Мени ёнимдагилардан абдураззоқ озодликка чиқиб кетди. Тошкент вилоятдан бўлган дўстим Аброр ҳам чиқиб кетди. Эски танишларим кетиб ёлғизланиб қолдим. Янгилар улар ўрнини тўлдиролмасди. Самарқандлик Асадуллоҳ деган бола ҳам бизга қўшилганди.

Ўша бола кейин то шу Товоқсойдан раскрутка бўлиб кетгунимча мен билан бирга бўлганди. Мен стадионда бир бурчагида қоронғу ери бўлиб, айланиб юрганимда болалар билан ўша ерда учрашиб қолардим. Бир куни ўша ерда тургандик положенецни ёнида юрадиган миллати қорақалпоқ Бовуржон деган бола келиб қолди. Бовуржон муййноқдан бўлиб, санчагга ответда эди. Комил кетиб, то ўрнига Файзи положенец бўлгунича, у вақтинча зонага ҳам қараб турганди.

Зонага ким положенец бўлишини сангороддаги Ўғри бахтишка ҳал қиларди. Зонадан Сангородга ҳар ойда пул ва бошқа нарсалар юбориларди. Чой сигарета ва пул юбориб туриш шарт эди. Бу пул баракларга қарайдиган барашниклардан олинарди. Улар ҳам ўз навбатида ё мужиклардан ундирар ва ёки ўзлари уйдан тортиб ўртани кўтаришарди. Барашник бўлиш осонмас эди. Пули борлар барашник бўларди. Бизга янги келган татар эса. Ўртага пул беролмай у бу кимдан қарз сўраб юрарди. Бу бола ёш бўлиб, малолеткадан келаётганди.

У бола тез орада қарзга ботиб қолди. Уни иши разборкага олиб чиқилди. У рулни тўполмай қолгани учун калтаклаб бош оғриққа тиқишди. Менга салом берган болани урган барашник орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтиб, мен яшаган ерда тара мискаси алоҳида бўлиб ётарди. Мен эса у пайтда тепада ўз проходимда эдим. Мени бош оғриғим утрицат қилингани тарихи қизиқ бўлган. Мени сангородга бориб Ўғрини олдида шу бош оғриғимни ҳал қиламан деб Сангородга кетишга уриндим. Сангородни бошлиғи эса, пулсиз ҳеч кимни Сангородга юбормасди. Мен болаларга айтиб, биттасини у билан гаплашишга юбордим. У гаплашиб унга пул бериб келди. У мени юборадиган бўлди. Мен разборкага кетаётганимни ҳамма биларди. Мен секторний Акмалга мен ўғрини олдига бораман деб айтгандим. Акмал ўзи ёш бола бўлсада, бўйи икки метрча келадиган туғма қобилиятли жиноятчи эди. У олдин братва ёнида юрди. Кейин, уни бизни секторга секторний қилиб қўйишди. Кейинроқ у бир отрядга барашник бўлди. Кейин бу зонадан умуман йўқ бўлди. Ўша мен бош оғриқда пайтим бир куни каравотда ётардим. Асадуллоҳ келиб секторний Акмал сизни излаяпди деди. Мен унга нима қилар экан десам, билмадим у братвани барагидан келаяпди. Сизни Абутов деб айтганини эшитдим деди.

Мен унга бор нима гап экан аниқлаб кел деб юбордим. Мен отрядда эдим. Уни айтишича Акмал секторни бошида эди. Мен яна нима гап бўлди? Яна мени калтаклашга келаяпди шекилли? деб қўрқардим. Калтак ейишни кутишлик калтакни ейишдан кўра ёмонроқдир. Отрядда кутиб ётибман ҳеч ким келмасди. На мен юборган бола ва на секторнийдан дарак йўқ эди. Ўша пайтда Файзи Акмалга мени нимадир айб топиб ур деган бўлса, уришга келаяпди деб ўйлардим. Қўрққанга кўша кўринади деган гап бор. Ярим соат ўтгач, мен юборган бола келиб. Йўқ улар ўзини иши билан юришибди. Секторга кириб, чиқиб кетди деди. Мени устимдан тоғ тушгандек бўлди. Мен унга сен мени фамилямни эшитибсанку ундан дедим, у бўлса, ҳа эшитдим деди. Мен шу сабабли у мени уришга келаяпди деб кутаяпман дедим. У мен хато эшитибман шекилли, деб қўяқолди. Бу ёлғон оддий нарсага ўхшаб кўринсада. Мен ўша пайтда ичимдан нима ўтгани, ўзимга аён эди. Мен кейинчалик Аллоҳга бу даражада қўрққанимга истиғфор айтдим. Чунки, Аллоҳдан шунчалик қўрқмагандим. Мени бу жиноятчилар калтаги шунчалик қўрқитганига ўзимдан ўзим нафратланардим. Агар келиб урса, ўша олдин сафаргича урадида, шунга шунча қўрқиш керакми? Деб ўзимга ўзим афсусланардим. Бу қалб шунақа нарса эканки, шайтон уни эгаллаб олганда бошқа нарсага жой қолдирмас экан.

Хуллас, мени Сангородга этапга қўйишмади. Ҳар ҳафтада Сангородга этап бўларди. Мени қўйишмасди. Охири Санчасти бошлиғи олдига ўзим кирдим. Унга мени сангородга юборишингиз керак эди дедим. Кутаяпман ҳеч этапга қўймайпсиз? дедим. У қоғозларни титкилаб. Сизни қўйганман лекин, тазкор гуруҳ бошлиғи Улуғбек олиб ташлаган деди. Мен унга бўпди, мен у билан ўзим гаплашаман дедим. Баракка бориб, битта болани олиб, Барашникка курсга қўйиб штабга кетдим.

Штабга борганда уни хабардор қилиш шарт эди. Бориб, майор Улуғбекни кабинетига кирдим. Бу кимса шу ерга яқин Бурчмулла деган қишлоқдан бўлиб, миллати Тожики эди. У мени тиржайиб кулиб кутиб олди. Домла деб мулойим гаплашарди. Уни муовини Отажонов деган сочи жингалак яна бир майор тожик бор эди. Бу кимсалар мени яхши танишарди. Началник мен Сангородга боришим керак дедим унга қараб.

Мен биламан деди у. Лекин, сиз разборкага бораяпсиз буниям биламан деди. Агар разборка бошланса, бу биз учун яхшимас деди. У оперативник эди. У мен билмайдиган нарсаларни ҳам биларди. Мен унга мен бу аҳволда кўп юролмайман Улуғбек ака дедим. Ўғрини олдига бориб гаплашамиз, у нима деса шуда дедим. Мен ҳали сангородга бориб кўрмагандим. У ерда еб ичиш қанақа бўлади билмасдим. Менга эса, у тақводорлик пайтимда ҳалол экани аниқ овқат бўлмаса емасдим. Шу учун аввал ўша 2 отряддаги Тошкентлик болани Сангородга юборгандик.

У мени кутиб олиши керак эди. У кетгандию, мен боролмаётгандим. Улуғбек менга қараб домла ўзиздан қолар гап йўқ деди қувлик билан тиржайиб. Сангородга менинг рухсатимсиз ҳеч ким боролмайди. Сизни рухсат қанча туради командир дедим. Мен янги келганим йўқ, зонани йўл йўриғини тушунаман дедим. У менга бешта узатсангиз бўлади деди. Сиздан кўп сўрамайман деди. Мен унга қараб, командир биласизми, мен учрашувга бир йилда бир марта кираман ва камбағал одамман дедим. У менга қараб, биз биламиз, сизда пул кўп домла деди. Сизни қанча братишкангиз бор деди. Сизни пулингиз мендан кўпроқ деди. Бу муболағалик гап эди. У бизни обшякни эшитган ва озми кўпми маблағ борлигини ҳам биларди. Шу учун бош оғриққа кирганимдан хабардор эди. Шу пулдан уям ундирмоқчи бўлиб, менга бу гапларни гапираётганди. Мана шунақа эди, Товоқсойнинг ментлари. Мен унга болалар пулни олиб келади дедим. Сизни дневалнийга бериб кетса бўладими? дедим. Ҳа деди.

Мен унга айтиб қўяман деди. Мен унга мени этапга қўйинг дедим. У менга бўлди. Айтган нарса келса, кейинги этапга қўяман деди. Раҳмат деб чиқиб отрядга қайтдим. Кейинги ҳафтада этап умуман бўлмади. Ундан кейингисида мени ҳам этапга чақирди. Мен ашқол дашқолларимни сумкага солиб, штабни олдига бориб, турдим. Одатда Сангородга кетадиган этапни олиб кетадиган машина Зонага кириб Ичкарида миндиришарди. Кейин, ташқарида тўхтамасдан тўғри Сангородга бориб, туширишарди. Мендан ташқари ўнтача маҳбус бор эди. Мени этапга кетаётганимни штабдан чиққан ментлар кўриб туришарди. Штабни олдида ўтиргандим. Олдимда мени кузатишга келган дўстларим бор эди. Шу пайт Штабдан замначалник Султон чиқиб қолди. У мени кўрмасин деб шапкани бостириброқ қўйиб ерга қараб олдим. У узоқда туриб тўхтади ва мени олдимга келиб, ҳа, сен кетаяпсанми? деди. Ҳа командир дедим. Шапкани кўтар сени танимайди деб ўйлайсанми? деди у.

Мен индамай қолдим. Бўпди бориб кел деб кетди. Мен уни мени этапдан олиб қоладими деб кўрққандим. Шу пайтда положенец Файзи ёнида уч тўртта бола билан отряд тарафдан келди. У қора кўз ойнак тақиб олган ва устида қизил кўйлак бор эди. Блатной бўлиб кийинганди. Ёнида Нодир деган наркоман бор эди. Файзи бизни олдимизга келди. Ҳа мужиклар қалайсизлар? Сангородгами? Ҳа, яхши бориб келинглари деди у. Кейин, мени тасодифан кўриб қолгандек, ҳа домла сиз ҳам кетаяпсизми? Ҳа айтганча, домла сизники ҳаммаси мазёва деди.

У ёққа борганда братанга у бу нарса деб, юрманг деди ва яхши дам олиб келинглари деб промка тарафга қараб кетди. Унинг гапидан кейин, унинг ёнидаги столовойни отведидаги Шухрат мени олдимга келиб табриклайман деб, қўл бериб кўришди. Ёнимдаги турган, мени кузатишга чиққан дўстларим қучоқлашиб мени билан кўришишди. Сангородга кетаман деб турганлар ҳам, поздравляем деб қолишди.

Мени бош оғриғимдан уларни хабари бор экан. Шу пайт болалар юринг отрядга борайлик, мужиклар билсин деди.

Ҳали машина келишига анча вақт бор эди. Мен болалар билан отрядга келдим. Тепадаги проходимга чиқиб икки ой деганда ўша ўзимни ўрнимга ўтирдим. Барақдагиларга мужики меники ҳаммаси мазёва бўлди деб прогон бердим. Шу ерда чефир қилиб, болалар билан ичиб, кейин, энди мен Сангородига бормасам ҳам

бўладию, лекин, майли бир айланиб келарман деб, дўстларим билан хайрлашиб яна штабни олдиға кетдим. У ерга машина келган экан. Ҳаммамизни миндирди. Кейин, Сангородға кетдик. Ўша пайтда 1998 йил май ёки июн ойи эди. Мен Сангородға ўғри билан учрашмоқчи бўлиб боргандим. Лекин, мени проблемам уни иштирокисиз ҳал бўлганди. Файзи ҳам бу ишни Сангородға чиқиб Ўғри олдида разборка қилишни истамади. Уни хатоси бор эди.

Штабдаги ментлар ҳам ўзлари бошқараётган зонадан Сангородға у бу ери жароҳатланган маҳбус борса, уларға ортиқча проблема бўлишини ишташмасди. Бу қонуний проблема бўларди. Қолаверса, ўғри бу масалада нима қарор қиладию, бу зонаға қандай таъсир қилади? Худо билади. Шу сабабли, улар мени этапдан олдин мазёва қилишди. Мен эса, ишим битгани учун Сангородға бориб. Ўғрини кўрсамда унга бу масалада гапирмасдан қайтдим. Лекин, икки ой давомида бош оғриқда яшагандим. Менга Ўғри ақидасига қарши чиққан деган, катта айблов қўйилганди. Мен Сангородда бир ой бўлдим. Келганимда эса, яна ўша ўз отрядимға, ўша проходға бориб яшадим. Ўша пайтда Зонаға Хивалик Зафар келганди. У 8 отрядда эди. У билан учрашдим. Ундан Хоразмлик диндорларға оид кўп маълумотларни эшитдим. Биз аввал у билан таниш бўлмаган эдик.

Сангород

(УЯ 64/18)

Тошкент шаҳари ичидаги зоналардан бири Сангороддир. Сангород деб аталадиган аслида, маҳбуслар учун касалхона ҳисобланадиган бу зонани, расман 64/46 сонли жазони Ижро Этиш Муассаси дейилади. Бу ерда одатда турли хил касалликка чалинган маҳбуслар келиб, ўша ўзига тегишли бўлимда даволаниб кейин, ўз келган зонасига кетиши керак. Лекин, бу ерда йиллаб ўтирадиганлари бўлади. Бу албатта катта пул эвазига амалға ошадиган ишдир. Ёки, у бу ерида санитар бўлиб, ёки баландёр бўлиб ишлаб ҳам қолиш мумкин. Лекин, бу учун маҳбус уч йилгача бўлган муддатға қамалган бўлиши керак. Бу ерда умумий режимлар ва қаттиқ режимлар ва рецидивистлар ҳам, ҳаммаси бирға сақланади. Рецидивист дегани, бир жиноятни қилиб, жазоланиб чиқиб. Кейин яна шу ишни қилганларға айтилади. Олдинлари ўғирлик қилиб қамалганлар орасида, рецидивистлари кўп бўларди. Кейин эса 159 моддалар диндорлар орасидан ҳам рецидивистлар пайдо бўлди. Бу энди 1999 йилдан кейинги гаплар. Мен Сангородға борганимда 1998 йилнинг ёз пайти эди. Сангородни ярмиси 64/9 зона эди.

Уни маҳбуслар Девятка дейишарди. Девятка қаттиқ режимли зона бўлиб, сангород билан уни орасида бир девор бор эди халос. Сангород билан Девяткани ташқи девори бир эди. Тўртта девор ва уни орасида запрет зонаси ва яна тўртта девор бўлиб, шуни ярми сангород ва ярми Девятка эди. Сангород қисмида ҳам икки бир биридан алоҳида корпус бўлиб, биттасида туберкулёз касали оғриган маҳбуслар отрядлари жойлашганди.

Ундан алоҳида бўлган корпусда эса, бошқа турли хил касалликлар бўлимлари бор эди. Мен келган бўлим неврология бўлиб, бошим оғрийди деб ҳужжат тўғрилагандим. Бу бош оғриқ азалдан бор касалим эди. Бу ерга келадиганлар аксари касаллар эмасди. Лекин, у бу касал деган ҳужжат тўғрилаб келишарди.

Неврология бўлими икки қаватли бинонинг биринчи қаватида эди. Тепамизда эса, Хирургия бўлими бор эди. У ерда қорин оғриғи билан келган беморлар бор эди. Инфекционний бўлими ҳам шу ерда бўлиб, алоҳида кичкина бинода жойлашганди. Бу ерда жиннилар ва ақли заифлар учун ҳам бир бўлим бор эди. Унда ҳам баъзи маҳбусларни қафасда сақлашарди. Уларга қандайдир укол қилишар экан. Шу уколни олишни улар исташмас экан. Укол қиламан деб дўхтирлар келганда дод керакмас деб бақираётганига гувоҳ бўлиб қолгандим. Мен у ерга бир кишини излаб бориб қолдим. Улар арматурадан қилинган тўсиқлар билан тўсилган хоналарда яшашар экан.

Лекин, руҳий касаллар учун алоҳида зона Чуқурсойда эди. У камерада ўтирадиган зона бўлиб, у ерда ҳам даволашар ва ҳам соғ одамни касал қилишар эди. Бу ерда яна бошқа касаллар учун ҳам алоҳида бўлимлар бор эди. Сангород шаҳар ичида бўлиб, девори ёнига келганда ташқаридан ўтган трамвайни овози эшитилиб турарди. Зонада одам кўп бўлиб, жой етишмасди. Бу зона ҳам аслида нари борса мингта маҳбусга мўлжалланган бўлиб, камида беш мингтача одам бор эди. Бу ерда ҳаммоми жуда кичкина бўлиб, тўрттача трубадан сув оқиб турарди. Бу ерда ювиниш ва кир ювиш муаммо эди. Кўплаб маҳбуслар тубиклар бўлимида эди. Мен у ерга бир ўтиб айланиб кўриб келдим. Аммо, орадан йиллар ўтиб, Навоий 46 зонасидан ҳам шу ерга келиб, бир ой тубиклар орасида ётишимни ҳали билмасдим. Бунга тўрт йил муддат бор эди. Тубиклар роса кўплигига ҳайратландим. Ўзбекистон турмаларида туберкуёз энг кўп тарқалган касаллик ҳисобланади. Олдин улар шу ерга келиб, дўхтирлар назоратида жазо муддатини ўташарди. Озми кўпми дори дармон укол олишарди. Кейинчалик, улар жуда кўпайиб кетишгач, Зарафшондаги 64/36 зонани тубзона қилиб қўйишди. Энди тубик бўлган маҳбусларни ўша ерга юборишарди. Кейинчалик, Когонда яна бир тубик зона очишди.

Когондаги Зона умумий режимга ҳукм қилинган тубик касаллар учун мўлжалланганди. Бундан ташқари ҳар бир зонада туббараклар бўлиб, сил касалини енгил шакли билан касалланган маҳбуслар ўша ерда алоҳида яшашарди. Мен буни Навоийга борганда кўргандим. У ерда наркоманлар отряди ҳам алоҳида эди. Сангороддаги касалларга қарайдиганлар асосан гражданскийлар бўлиб, улар эрталаб ишга келиб кечқурун уйига кетишарди. Аёллар санитарлар ва медсестралар ҳам кўп эди. Зонада режим йўқ эди. Отбой подём бўлмасди. Лекин, эрталаб ва кечқурун текширув бўларди. Текширувга ҳамма ўзи ётган касалхонасини олдига чиқиб турарди. Сангородда эрталаб нонга қўшиб, кичкина думалоқ қилиб қирқилган сариқ ёғ берар эди. Зонада шуниси йўқ эди. Буни зонада санчастанда ётганларга бериларди. Сангородда ташқаридан ҳар куни зонага турли нарсалар кирарди. Маҳбуслар шу ерда ишлайдиганларга пул бериб олдиришарди. Чой сигареталар кўп бўлиб, маҳбуслар кружкаларини кўтариб у бу ерда тагида газ ёниб турган плиталарга қўйиб қайнатиб ичишарди.

Кўчада у бу ерда газ плитани қўйиб қўйишганди. Маҳбуслар эса чефирист бўлиб, уларга шу шароит бўлмаса, ўт ёқиб ҳамма нарсани куйдирадиган одамлар эдилар. Мен бу ерга келишимдан олдин бу ерга келган бола олдинги келишув бўйича мени кутиб олиши керак эди. Уни уйи шу Сангородга яқин ерда бўлиб, уни уйдагилари бу ерга тез тез келиб туришарди. Мен зонани овқатини емаганим учун ҳам уни ёрдамига муҳтож эдим. Мен унга келган продуктани еб ичиб туришни режа қилгандим. Шу мақсадда уни бу ерга юборгандик. Бироқ у мендан бир ой олдин келиб анчагина ўрнашиб олган экан. Мен уни излаб топдим. У менга тақсир келдингизми? деди. Салом алик қилдик.

Мен унга менинг бош оғриғим мазёва бўлганлигини ва Ўғрини олдига боришга ҳожат қолмаганлигини ва бу ерга дам олиб кетишга келганимни айтдим. У бу ерда ўзига ўхшаган Тошкентликлар билан семейка бўлиб олган экан. Мен билан унча гаплашгиси ҳам келмади. Мен унга ўзим тушган бўлимимни айтиб, қайтиб кетдим. Қизиғи шундаки, у бола мени излаб бошқа келмади. Мен одамзодни ўзгаришини кўп эшитгандиму, лекин, бунчалик тез ва бунчалик даражага боришини билмасдим. Мен нон пайкамни олиб еб юрдим. Овқатини емасдим. Қорним очқаб бошлади. Бир икки марта уни олдига бордим. У бўлса, мен билан шунчаки, у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтирар ва овқат чиқармасди. Уни эса, ҳалол овқат қилиб ейиш учун продуктаси бор эди. Баъзан ўзлари пишириб ейишар экан. Мен унга бу муносабатини айтмадим. Бошқа уни олдига бормадим. Фақат пайка нонни еб юрдим.

Сангородда ишлайдиган гражданскийлар кўп эди. Шулар агар илтимос қилинса, маълум маблағ олиш эвазига маҳбусларнинг шаҳарда яшайдиган танишларидан пул олиб келиб беришарди. Мен ҳам уларга пул олдирмоқчи эдим. Танишимни адресини билмасдим. Билганда ҳам бу борган одамга у пул берадими йўқми, Худо билади. Бу танишим мени аммамни қизи эди. У мен Товоқсойда ўтирган беш йил давомида мени кўргани бирор марта келмади. Товоқсой эса, Тошкентдан 60 км. узоқликда эди. Ўша қизини уйига келганда аммам мени кўргани келганди. Мен аммам деяётган инсон аслида бизни уйимизда яшаган ва бизни ёшлигимиздан боқиб ўстирган ва менга она каби аёл эди. Мен ва уйдаги ака укалар ҳаммамиз уни опа деб чақирардик. Опа деб бизда онага айтилади. У дадамни катта опаси бўлиб, ёшлигида эри ўлган ва бошқа турмуш қилмай шу уйда икки боласи билан бирга яшаганди. Уни қизини мен опича дердим. Ўша опичани эри эса, хоразмлик эшон эди. Мени уйимга келиб, дадамга ёмонлаб ваҳҳобий деб сўккан одам шу эди. Мен улардан ҳеч нарса сўрамаганимга Аллоҳга ҳамд айтаман. Бу ошнам эса, нега бундай қилганига тўғриси тушунмадим. Зонага қайтгач, эса, уни семейкадан чиққанлигини ва бошқа бизга аралашмасдан узоқроқ юришини кераклигини айтганмиз.

У бола кейин бу ишига кўп афсус қилди ва узр сўради. Олти ойдан сўнг у яна семейкага қайтди. Шу билан то мен раскрутка бўлгунимча бирга бўлди. Сангородда Каровулбозордан келган рецидивистлар оқ қора полосатий кийимда юришарди. Уларни караулский деб аташарди. Бухоронинг Қоровулбозор районида жойлашган бу зона 64/25 деб номланади. У ерда ҳам камера режими бўлиб, кейинроқ 1999 йилда уни синдиришганди. Бунга нима сабаб бўлганини ҳар хил тахмини бор. Мен бу мавзуни ўз жойида алоҳида ҳикоя қиламан иншааллоҳ. Сангородда Ўғри Бахтишка ҳам ўтирарди. У баъзида ёнида беш ўнта бола билан у ёқдан бу ёққа ўтиб қоларди. Шунда кўрардим. Уни ўтирадиган ерига бориб учрашмадим. Уни кўрганимда у қотмадан келган, бўйи узунроқ ва сочлари узун бола эди. Бу бола 1971 йилда туғилган бўлиб, мендан икки ёш кичик эди. Тошкентлик бир министрнинг арзандаси наркотик билан қамалибди экан. Уни отаси катта пулдор бўлиб, боласини ўзи қаматган экан.

У бола менга айтишича, отаси истаса уни бу ерда бир соат ҳам қўймасдан олиб кетар экан. Унга ташқаридан катта ёрдам келиб турарди. Бир куни уни полосатийлардан иккитаси бир четга олиб чиқиб, бўйнига пичоқ тутиб, бизга бир миллион сўм олдириб берасан уйингдан дебди. Агар айтганимизни қилмасанг ўлдирамиз. Билиб қўй, бизга фарқи йўқ неччи йил беришини, биз караулда ўтирган одамлармиз дейишибди. У эса буни секторнийга айтибди. Секторний буларни бахтишкага олиб чиқибди. Бахтишка бу икки караулскийни чақириб, булар олдида разборка қилибди. Уларга қараб бу болага тегманлар, бу бола фалон бойваччани боласи. Отаси зонани грет қилиб туради. Сен дебди унга қараб, даданга айт, юз минг сўм олиб келсин, зонага грет қилиш учун. Бу болаларга бир сўм пул берма. Менга олиб кел дебди.

Булар сенга бошқа тегмайдилар деб чиқариб юборган экан.

У бола ёш бола бўлиб, отасини бойлигини дуч келганга гапирарди. Менгаям айтишича, битта имзо учун уни отаси, Жўрабековга бир миллион доллар берганмиш. (У пайтларда Исмоил Жўрабеков деган. мансабдор одам бор эди) Хуллас, буни мана шундай қилиб юз минга тушуришганди. Мен унга балки бу полосатийларга шуни кўрқитиб қўйинглари деб, братвани ўзи айтгандир дедим. У бола, мен ҳам шу фикрдаман деганди. Мен бу ерда Анвар Банк деган одамни кўрдим. У Горбачев даврида Банк очган ва миллионер бўлган одам экан. Мустақилликдан кейин у ИАКни ҳам менсимай қўйган экан. Буни банкини олиб, ўзини қамашганди. Сочи тапакал ва ёши олтмишлардаги калта бўйли қора юзли одам экан. Уни кейинроқ шу ерда ўлди деб эшитдим. Бундан бошқа яна бир миллионер банкирни Навоийда кўргандим. У Рустам банк деган одам эди. Уни ҳам кўп йиллардан бери раскрутка қилиб зонама зона айлантириб юришарди.

Мен турган бўлимда кичкина хаталар бўлиб, дўхтирлар палата дейишар ва маҳбуслар тилида хата дейиларди. Мен иккинчи палатада ётардим. Бу палатани ичида, олти одам ётадиган жой бор эди. Учта каравот икки қаватлик каравот бор эди. Биттасида Сирдарёнинг Гулистонидан бўлган бир киши бор эди. Унинг исмини унутдим. У шаҳарда блатнойлардан бўлганини гапларидан тушуниш мумкин эди. Жиззах шаҳар ҳокимининг қурулиш бўйича муовини бўлган бўйи узун бир киши бор эди. Андижон шаҳар судяси пора билан қамалиб, Бекободга тушган экан. Ўша ҳам бу ерга дам олгани келганди. Бу Судялар ва ҳокимлар Сангородга дам олишга келишарди. Булар касалга ўхшамас, кўринишидан соппа соғ одамлар эдилар. Сирдарёлик одам қандли диабет экан. Унинг исмини унутдим. Кейин эшитишимча у Сангородда ўлибди. Хатада Каттақўрғонлик бир мансабдор ҳам бўлиб, у нимадир қилиб қамалганди. Булар маҳбуслар тилида айтганда, маслакратлар эдилар. Аллақайси зоналардан бу ерга келиб яшашар, ўзаро ҳар куни йиғилиб ош пишириб ер эдилар. Мен бу хатада энг камбағали эдим. Менда бу ерда на дўст ва на таниш йўқ эди. Танишим ҳам мени танимай қўйганди. Мен аслида унга суянганим учун жазолангандим. Мен таваккулни Аллоҳга қилмаганим менинг хатоим эди. Мен баъзида бу палатадаги ҳамхоналаримнинг гапларига қулоқ солиб қолардим. Ҳоким зўр бериб ИАКни мақтарди. Уни қамаган режимни, у мақтарди. Судя эса, у бу кимга ариза ёзишга ёрдамлашиб юрарди. Унинг айтишича у пора олмаган экан. Уни МХХ подстава қилиб, қамабганмиш. Каттақўрғонлик кимса, ва Сирдарёлик блатной динга адовати бор одамлар эдилар. Мен намоз ўқисам уларга ёқмасди. Лекин, бу қора зона эди. Бу зонада улар менга у бу нарсга дейишолмасди. Мен уларга озроқ тавҳиддан ақидадан гапиришга уриниб кўрдим. Уларга эса, бу гапларни қизиғи йўқ эди. Менга бу ерни ҳам қизиғи қолмади. Тезроқ Товоқсойга жўнатса эди дердим. Тўрт ҳафтадан кейин этапга қўйди. Товоқсойга келганимда худди уйга келганимдек қувондим. Бу ерда менинг қадрдонларим бор эди. Сангородда эса ҳеч кимим йўқ эди.

Қизилтепадаги бунт воқеъаси

Товоқсойда вазият аввалгидан кўра ёмон тарафга ўзгарганди. Олдинлари мен проходимда ибн Касирни тафсирини тўртта жилдини бирин кетин бемалол очиб кўйиб хотиржам ўқирдим ва баъзан болаларга ўқиб берардим.

Шу тартибда тўрт ойдан сал ошиқ муддатда тўртта томни ўқиб чиқдим. Кечаю кундуз ўқирдим. Ҳатто бир дафтарга баъзи ҳадисларни таржимасини ҳам ёзиб борардим. Китобни тугатганимда бу дафтар ҳам тўлди. Унда беш юзтача ҳадис бор эди. Бу ҳадислар асосан ўша пайтда ўзбекча китобларда учрамайдиган ҳадислар эди. Мен ҳаётимда фақат шу тафсир китобини бошидан охиригача ўқиганман. Ёшлигимда татарча Тафсилли ББён деган китобни ҳам, озроқ ўқигандим. Ибн Касирнинг тафсир китобини тўлиқ ўқидим. Майда ёзувда ёзилган бу китобни, ўқиб чиқиб, аввал унча тушунмаган саволларимга жавоб топарман десам, ундан кейин яна юзлаб саволлар пайдо бўлганди. Уларга ҳалигача ҳам жавоб топа олмадим. Аммо, энди вазият қалтис эди. Китоблар ментларни қўлига тушса олиб кетишарди. Шунга арабча китобларни ташқарига чиқариб юбордик. Лекин, ўзбекча китобларга у пайтларда ҳали тегишмасди. Бизни отряддаги барашник татар бош оғриққа кириб тара мискаси алоҳида бўлди. Уни ўрнига бошқаси барашник бўлди. Буниси ҳам тошкентлик ёш ўзбек бола эди. Положенец Файзи чиқиб кетди. Ўрнига ботир дегани бўлди. Бу бола кўриниши унчалик блатнойга ўхшамасди.

Оддийроқ бола эди. Ўзи яқинда зонага келиб Файзини ёнида юрарди. У пайтларда зонага положенецни Йўлдош Ўғри ва бахтишка келишиб тайинларди. Йўлдош ва Бахтишка иккаласиям Аслан Усоян деган лақаби дед Хасан деган Ўғрининг кланидан эдилар. Ўғрилар орасида кланларга ажралиш пайдо бўлганди. Дед Хасан миллати курд езид бўлиб ўтган асрнинг 57 йили короноват қилинган эди. У пост совет ҳудудида эски Ўғрилар вакили эди. Уни бир гуруҳ Ўғрилар ўзларининг координатори қилиб сайлашганди. Унга қарши гуруҳда эса грузинлар ва Ўғрилар бор эди. Булар ҳар иккала гуруҳиям эски даврдаги ғоясига содиқ ўғрилар эмасдилар. Янги форматдаги ўғрилар билан эскилар орасида келишмовчилик бор эди. Булар бизнесмен бўлиб, турли хил савдо сотиқ қиладиган ва шунақа тадбиркорларга ёрдам берадиган, пора олиш ва беришда воситачи ва банкирларга ҳомийлик қиладиган ва шахслар ва ташкилотлар орасидаги жанжалларни ҳал қилувчи «бизнесмен Ўғрилар» эдилар. Улар орасидаги ўзаро тўқнашувлар манфаат устидан келиб чиққанди. Кланлар орасидаги уруш авж олиб, икки томон вакиллари бир бирларини ўлдира бошладилар. Дед Ҳасанни қўллаб қувватлаган Япончик Таро тарафидан ўлдирилди. Аслан Усоян 16 январ 2013 йилда киллер узган ўқдан жон таслим қилди. Уни заказ қилганлар Ўғриларнинг бошқа гуруҳи эди. У гуруҳни лидери қонундаги Ўғри Таризла Ониани исмли, лақаби Таро деган кимса эди. Унинг тарафида Равшан Рафиқ огли Жониев деган миллати озарбайжон бўлган қонундаги ўғри бор эди. Бу кимса булардан қочиб, Туркияда яшарди. Дед Ҳасанни уни одамлари заказ қилгани маълум бўлгач, Равшан ҳам заказ қилинади. Уни 18 август 2016 йилда Туркияда ўзи очган ресторандан чиқиб машинага минганда отиб кетишди. Равшан 41 ёшида ўлди. Ўзбекистонлик Ўғрилар Дед Ҳасан кланига мансуб бўлиб, Ҳусан Московский ҳам, Ғафур Раҳимов ҳам Салим Абдувалиевлар ҳам қўшни Қирғизистонлик ва Қозоғистонлик Ўғрилар ҳам, Аслан Усоян кланига мансуб бўлишган. Ўзбекистонда бирорта зонани қолдирмасдан барчасини синдириб ташлаганда ҳам бу Ўғрилар зоналарга эътибор бермасдан ўзаро қирғинбарот билан банд эдилар. Ваҳолонки, улар ақидасига кўра шу қора зоналар уларнинг таянчи эди. Улар зоналарни қора бўлишини таъминлашлари зарур эди. Олдинги Ўғрилар фақат шу муаммо устида бош қотиришган ва қизил зоналарни қорайтириш учун кўплаб жасоратли амалларни қилишганди. Қизил зонани қорайтириш учун, ташқаридаги Ўғрилар одамлари ўша зонадаги ментларга босим ўтказишарди. Ичкаридан эса, қора зонадаги блатнойлар қизил зонага этап қилиниб, ломкасиз кириши учун хозиянига пул беришар ва ёки куч ишлатиб бўлсада, уни шунга мажбурлашарди. Блатнойлар қизил зонага ломкасиз киргач, ичкаридаги мужикларни атрофига тўплаб, гадларга қарши кураш бошлашарди.

Бу курашларда зонани бошлиқларига ташқаридан Ўғрилар турли туман босимлар қилиб, ичкаридагиларга ёрдамлашишарди. Гадларни эса, зонада нуфузи камайиб, охир оқибат улар бошқа зонага этап қилинар ва зонада положенец пайдо бўларди. Қизил зона қорайиши учун камида икки уч йил кетарди. Қора зона қизил бўлиши учун эса, бир ой кифоя эди. Буларнинг ҳаммаси мавжуд ҳукуматнинг қанақалигига боғлиқ эди. Ҳукумат кучли қаттиққўл бўлса, зоналар синарди. Аксинча бўлса, ментлар заифлашар ва зоналар қораярди. Бу зонани қизил ва қора бўлиши шу Ўғрилар ва ментлар орасидаги курашга боғлиқ эди. Бу икки тарафни куч ва имкониятига боғлиқ эди. ИАК даврида ментлар кучайди ва зоналар қизарди. Ўғрилар эса, заифлашиб ўз нуфузини йўқотдилар.

Бу Ўғриларда аввалги даврдаги Ўғриларда бўладиган, понятия билан яшашлик қолмаганди. Мени августда амнистия чиқишидан олдин яна изоляторга қамашди. Бу йил ҳам амнистия Мустақиллик байрамига эмас декабрда Конституция байрамига яқин чиқди. Зонадаги барча МХХ назоратида турадиган маҳбуслар икки мартадан изоляторга кириб чиқдик. Зона қора бўлгани учун йўллар очиқ эди. Изоляторга кечаси чефир ва сигарета ва овқат кирарди. Бу ўғри ақидасидаги арестантлар орасидаги бирдамлик ғоясини амалда ишлаши натижаси эди. Қизил зонада эса, мана шу бирдамлик йўқ эди. Навоийда ўтирганимда фақат диндорлар орасидагина шунақа бирдамлик бор эди. Ўғрилар орасида ҳаммаси, бир бирини штабга сотадиган казёл эдилар.

Товоқсойда икки ака ука Тошкентлик болалар бор эди. Биттаси Абдуллаев Шухрат ва биттаси Абдуллаев Шукур эди. Шухрат икки оёғи ишламай қолгани учун, қўлтиқ таёқда юрарди. Ўша Шухрат дегани каратэ билан шуғулланган бола дейишарди. У Товоқсойда мен яшаган иккита туббаракнинг наригисида 17 отрядда хатада яшарди. Мен 18 отрядда бўлганман. Мен ўша пайтда Шухратни қўлтиқ таёқда юрганини кўп кўрганман. Шухрат фавқулодда қўрқмас довурак бола эди. Уни оёқлари ишламасада, овози бор эди. Қўли ишларди. Ўзи бўйи паст ва ўртача семизроқ бола эди. Укаси ҳам шундай эди. Булар Товоқсойга Шодиев келганида ҳам гражданский кийимини ечишмасди. Зонани бошлиқлари олдида ҳам, ўша духда гаплашишарди. Шухрат положенецларни ҳам назар писанд қилмасди. Булар беспределшик тоифасидан бўлган кимсалар эдилар. Мен Сангородан келган пайтимда, улар ҳали зонада эдилар. Кейин уларни раскрутка қилиб, особий режимга Қоровулбозорга юборишади. Ўша Шухратни Товоқсойда оёғи ишламасди. У кейинчалик тузалиб кетибди. Бу иккаласи особий режимли зонага кетади. Орадан бир ўтиб, уларни ўлгани хабарини эшитдик. Улар 1999 йил октяб ойида ўлдирилганди. Воқеъа бундай бўлган экан.

У пайтларда Қоровулбозор қора зона бўлиб, у ерда зона иккига ажралган эди. Бир томонида критий режим бўлиб, унда камерада маҳбуслар ўтирса, иккинчи тарафида особий режимга ҳукм қилинган маҳбуслар жазо ўташарди. Булар кийимлари полосатий бўлиб, особий режимдагилар очикда юрса. Критий режимдагилар камерада ўтиришарди. Полковник Толиб Ғофуров деган кимса у ерда бошлиқ бўлади. Бу зонада бир пайтлар Левинев Борис Левиневич деган положенец бўлган. У Қоровул бозор зонасида пайтида бошлиққа катта миқдорда пул бериб, уни ўзи озодликка чиққанида олиши учун сақлаб қўйишни илтимос қилган. Аммо, мент уни пулни қайтариб олмаслиги учун, шу ерда ўлдириб юбормоқчи бўлади. Хозяин Борисни критий режимга ўтказиб, бир ўзини алоҳида камерага қамайди. Кейин бошлиқ Толиб Ғофуров ўша ерда особий режимда ўтирган Шухрат ва Шукур Абдуллаевлар ва Асқаров Музаффар деган, Тошкентлик блатной болаларни чақириб, Борисни ўлдириб берсалар, уни ўрнига зонага улар положенец бўлишини айтади. Яна нималардир ваъда қилади. Булар рози бўлишади.

Кейин, буларни бошлиқни ўзи бир пропоршикка айтиб, кечаси нариги зонага ўтказиб қўйишни буюради. Булар у тарафга ўтгач, Буларга ўрис положенец ўтирган изоляторни камерасини очиб беришади. Учаси кириб, рус миллатига мансуб положенецни ўлдиришади. Уни камерада уриб қийнаб, пичоқлаб ўлдириб, бошини кесиб олишган. Шухрат табиятан ёвуз бола эди. Уни ўзи ҳам ёвузлик қурбони бўлади. Положенецни ўлдиришганидан кейин, шу ердаги майда ментлардан кимлардир қий чув кўтаришади. Буларга қаршилиқ кўрсатишади. У ментларни бошлиқнинг бу жиноий режасидан хабари бўлмайди. Шу орада булар изолятордаги пропоршикни ҳам ўлдиришган.

Хуллас, бошлиқни режаси бажарилгач, бу учовлон жимгина қайтиб кетишмай ўша ерда қолиб, вазият ўзгариб кетгач, дубах ментни ҳам ўлдиришади. Кейин, қолган бир иккита ментни гаровга олиб, зонада бунт кўтаришади. Зонани хўжайинини келишини талаб қилишади. Қўрқоқ бошлиқ ўзи қўйган қопқонга ўзи тушади. У буларнинг олдига боришга кўрқади ва ГУИНга телефон қилиб зонада бунт кўтарилди дейди. Ўша пайтда зонада бунт бўлди деб Тошкентдан Карим Шодиев бошлиқ қуролланган махсус гуруҳи (ОМОН) боради ва маҳбуслардан ким бош кўтарса отишади. Шулар орасида Шухрат Абдуллаевни отиб ташлашади. Шодиев Шухратдан қасдини шу тариқа олади. Маҳбуслардан 16 таси қамоққа олиниб, улардан бир қанчаси ўлим жазосига ҳукм қилинади. Шу воқеъа туфайли текшир текшир бошлангач, Зона бошлиғи ҳам қамоққа олинади. Уни бу уччаласини нариги зонага бориб положенецни ўлдиришга буюрганини шукур Абдуллаев терговда айтиб беради. Улар суд қилиниб, баъзилари узоқ йилларга қамалади ва баъзилари ўлимга ҳукм қилинади. Ўлим жазосига ҳукм қилинган болалар ичида Улуғбек Эшов деган бола ҳам бўлади. У болани онаси Башорат Эшова ўғлини ўлим жазосига ҳукм қилинган судда, иштирок этган. Уни ўзи у ерда кўрган ва эшитганларини шундай баён қилади.

Иқтибос: “Особый” режим билан “Критий” режимга ҳам ўша Толиб Ғофуров бошчилик қилган. Унинг оиласи – Рита Ғофурова майор унвонида бўлиб, қамоқхона касалхонасининг “кожный” (дерматология) врачси экан. 25 октябр кечаси қамоқхона бошлиғи Толиб Ғофуров ака-ука Абдуллаев Шухрат ва Абдуллаев Шукур, ҳамда Асқаров Музаффарларни “особый” режимга олиб ўтиб турмадаги авторитет – мафия бошлиғи бўлган Левинев Борис Левиневични осиб ўлдиришни буюради. Улар уни осиб ўлдириш ўрнига бира тўла калласини олиб ташлашади.

31 октябрда кечки пайт турманинг навбатчи нозирларидан бири – Абдукарим Шодиев рация орқали: “Зонада бунт бошланди, маҳбуслар милиция ва соқчиларни гаровга олишяпти, ёрдам беринглар!” деб, марказга хабар қилади.

Шундан сўнг ГУВДдан Равшан Сариков раҳбарлигида бир гуруҳ “ОМОН”чилар “Особый режим”га кириб жуда кўп маҳбусларни отиб ташлашади. Менинг ўғлимга эса: “Сен зонада бунт кўтардинг, милиция ходимларини гаровга олдинг, одам ўлдиришда қатнашдинг!” деб 97- модданинг 3- қисмини қўйиб, қўл қўйдириб олишади. Шунда ўғлим: “Менинг қамоқдаги жазо муддатим тугаган, мен уйга кетишим керак эди. Мен ҳеч нарсага қатнашганим йўқ!” деса ҳам қулоқ солишмайди. Судда иштирок этган айбланувчи Абдуллаев Шукурнинг кўргазмаси: “Россиялик “Вор закон” – Борис Левинни мен, акам ва Асқаров Музаффар – биргалашиб ўлдирдик. Бизларни Толиб Ғофуров “Особый зона”га олиб ўтиб, шунга мажбур қилди. Улуғбек бу ишга умуман аралашган эмас. У уйига кетиши керак эди. Бу ерда айбланаётган бошқалар ҳам айбдор эмас. Яна бир бор такрорлайман: Уни фақат биз ўлдирдик. Улуғбек ва бошқаларнинг бу ишга мутлақо алоқаси йўқ!”

Турманинг ҳибсга олинган бошлиғи Толиб Ғофуровга сўз беришганларида: “Зона”да ҳеч қанақанги бунт бўлган эмас, нега ёлғиз мен жавоб беришим керак экан.

Менга Борис Левинни ўлдиртиришни Тошкентдан – Управлениядан Равшан Сериков буюрган эди. Мен унинг айтган топшириғини бажардим, холос. Мен бу ишни амалга ошириш учун ака-ука Абдуллаевлар билан Асқаров Музаффарни 25 октябрь кечаси “Особый зона”га олиб ўтганимда, ҳамма ёқ жим-жит эди. 31 октябрь куни кеч соат 10 ларда ГУИН бошлиғи муовини бошлиғи Абдукарим Шодиев, Норов, Пўлатов, прокурор Тоғаев, Бухоро ГУВД бошлиғи Ҳамидулла Мирзараҳимовлар зонада туришган эди. Шодиев рация орқали “Зонада бунт бошланди. Милициянер ва соқчиларни “Зек”лар гаровга олишяпти!” деб тошкентга хабар қилди. Шунда мен: “Зонада бунт бўлмаган, жим-житлик-ку, нима керак бу гапларни, ундай қилманглар, десам қулоқ солишмади. Шунда Равшан Сериков бошчилигида Тошкентдан “ОМОН”чилар вертолетда учиб келиб, Шухрат, Иззат ва Эркинни калтаклаб ўлдиришди. Абдуллаев Шухратни қозиқни бўйнидан тешиб, осиб қўйишган эди, – деди ҳибсга олинган зона бошлиғи Толиб Ғофуров. Ниҳоят қўрқинчли туш каби ўтган суд маҳкамаси якунланиб, ҳукм ўқилди. Суд – қораловчи прокурор Тоғаевнинг таклифини маъқуллаб, Толиб Ғофуров, Абдуллаев Шукр, Асқаров Музаффар ва Улуғбек Ешовларга ўлим жазоси белгилади...(Абдуллаев Шухратни зонага вертолет билан учиб келган “ОМОН”чилар уриб ўлдиришган эди). Мен ўғлимни бошқа кўрмадим. 2003 йил 9 июнь куни мен билан – ўлимга ҳукм этилган Абдуллаев Шукрнинг отаси – Сотиволди ака Ички Ишлар вазирлиги (МВД) биноси олдида пикет ўтказдик. Вазир Зокир Алматов бизларни қабул қилсин деб талаб қўйдик.

Бизларни Зокир Алматовнинг ёрдамчиси Аҳмад Усмонов, Алишер Шарофудинов ва яна бир киши қабул қилди. Сотволди ака гап бошлади. Катта ўғли Шухратни “ОМОН”чилар уриб ўлдиришганини, кичик ўғли Шукр ноҳақ ўлимга ҳукм қилинганини гапириб берди. Сўнг: “Майли, менинг болаларим озми кўпми жиноят қилибди, лекин мана бу бечора аёлнинг ўғлида нима айб, у нима жиноят қилган?” деди. Мен энди гап бошлаб турган эдим, вазирликдаги Абдукарим Шодиев дегани эшикни очиб, кириб келди-да, менга қараб: “Буларнинг ўғли жиноятчи, зонада бунт кўтарган, милиционерларни гаровга олиб, одам ўлдирган!” деб айтди. Шунда мен: “Сиз ўзи кимсиз? Ўғлимни жиноят қилган деяпсиз, бир гувоҳ – қўлида арматура бор эди деди. Яна бирови – кулида тош бор эди деди. Яна бир гувоҳ – зона прокурори – қўлида пичоқ бор эди, мен чап елкамдан енгил яраландим деб айтди. Уларнинг қайси бири ҳақ?! Судя эса – азиз биродарлар, мени кечиринглар, менда айб йук, мен бу ҳукмни ўқимайман, суд жараёнида ота-оналар фарзандларининг бегуноҳлигини билди, улар даъво қилишади, десам ҳам: “сен шу ҳукмни ўқийсан!” деб мени мажбур қилишяпти деди, – деб айтдим.

Қамоқхона бошлиғи эса – Ешов Улуғбекнинг жазо мудати тугаган, ўзи амнистияга илинган эди, мендан рухсат сўраганида автобус бўлмагани учун рухсат беролмадим”, – деб судда кўрсатма берганини эслатдим.

Шу билан бирга у қамоқхонада ҳеч қандай бунт бўлмаганини айтиб: “Нега мен бир ўзим жавоб беришим керак экан? Менинг ёнимга Абдукарим Шодиев, Норов, Тоғаев, Пўлатов ва Мирзараҳимовларни ҳам олиб келиб, панжарага киритиб қўйишларинг керак!” деганини ҳам айтиб бердим.

Менинг бу айтганларим суд протоколида ҳам қайд этилган деб сўзимни якунладим. Бу гапларни эшитиб, Шодиевнинг дами ичига тушиб кетди.» Иқтибос тугади.

Бу ерда воқеъанинг тасвири меникидан анча бошқачароқ ҳикоя қилинади. Бу бошлиқ Борисни ўлдиришга бу учала маҳбусни 25 октябрда олиб ўтганини айтаяпди. ОМОН эса, 31 октябрда келиб, Бунт бўлди деб маҳбусларни ўлдирган. Мен эса зонада Бунт ростданам бўлганлигини эшитганман. Шухрат бошлиқни айтганини бажариш учун кирган ва Борисни ўлдирган. Бу унинг катта хатоси эди. Аммо, у кейин, шу ерда ўтириб, ўзи зонага положенец бўлиб, бунт кўтарган. Бошлиқ эса зонада бунт бўлмаганди. Шодиев келиб, ўзи ОМОН чақирди деяпди.

Яна уни айтишича, у ГУИНдаги ОМОНни бошлиғи полковник Равшан Сериков топшириғига кўра, Борисни ўлдиришга бу учала маҳбусни олиб ўтдим деяпди. Менинг хулосам шуки, Борисни ўлдиришдан хозияинни ўзи манфаатдор бўлган. Уни Борис билан олди бердиси борлигини эшитганман. Лекин, у ишни силлиққина бажариб қўяман деб, хато ўйлаганди. Шухрат у ерга кириб олиб, унинг айтганини қилдию, кейин, унга бўйсунмай қўйди. У ростдан ҳам бунт кўтарган.

Бунтни эса, хозияин ГУИНга айтишга қўрқиб турган. Охир оқибат айтишга мажбур бўлган. Ёки, зонада кимдир айтиб юборган бўлса, Шодиев келиб, ўзи кўриб, кейин ОМОН чақирган бўлиши мумкин. Карим Шодиев Шухратни озодликдан танирди. Уни Товоқсойда ҳам кўрганди. Шодиев ундан кўрқарди. Бунт бўлмаган бўлсада, ўша Борисни ўлдиришда Шухратни иштирок этгани аниқ эди. Уни ўша жойни ўзида ўлдиришади. Кейин, зонадаги маҳбусларни бир қатор дубинкадан ўтказиб, шмон қилиб ҳамма нарсани чиқариб ташлаб, зонани синдиришади. Шухрат эса яна иккита бола билан бирга ўша ерда ўлиб кетади. Қолган учтасини эса, ўша ноҳақликка гувоҳ бўлиб қолгани учун, ўлим жазосига ҳукм қилишди. Бошқаларни эса узоқ йилларга, озодликдан маҳрум қилишган. Шодиев эса, шунча қотилликдан кейин ҳам, Женевага келиб, Ўзбекистонда турмада қийноқлар йўқ деб, маъруза қилиб юрибди. Турган битгани адолатсизлик ва зулму зўравонликдан иборат зоналарда қийноқ йўқ деб, уялмасдан гапиришлик ҳам Шодиев каби каззобларга осон экан.

Бурчмулла қишлоғидаги воқеъа

1998 йил августида мустақилликка атаб янги амнистия чиқди. Кимлардир Амнистияга тушиб озодликка кетишди. Кимлардир муддати камайтирилди. Мени ва менга ўхшаган МХХ назоратида турадиган маҳбусларни эса, изоляторга қамаб, тартиб бузар деб, деломизга қайд қилингани учун Амнистисига тушмадик. Ўша пайтда Зонага Андижонлик бир ёши олтмишдан ошган амакини олиб келишди. У киши Андижонда қайсидир чекка қишлоғида имом бўлган экан. Ўрта бўйли япалоқ юзли амаки, зонада ҳеч кимга қўшилмасдан ва ҳеч ким билан аралашмасдан, ўзи билан ўзи юрарди. Оёғида катта этик бўлиб, ёзу қишда шу этикда юрарди. Жуда оддий ва содда одамга ўхшарди. Эшитишимча унинг икки боласи Андижонда ҳужрада ўқиб, қуръон ҳофизи бўлишган экан. Кейинчалик, Абдували қори ўғирлаб йўқ қилиниб, Жомеъ масжиди ёпиб ташланади. Диндорларга эса тазйиқлар бошланади. Жомеъдаги кўзга кўринган қорилар, у бу ёққа қоча бошлашади.

Қори акани муовини Абдуғафур ака, оиласини олиб Ўзбекистонни тарк этади. Муҳаммадий қори ака, яна қамалади. (У киши авваллари ҳам қамалганди. Шу қамалганида зонадан ўлиги чиқади.) Жомеъ Масжидида кўзга кўринганлар ҳаммаси, ё қамаладилар ва ёки қаёққадир қочиб кетишга мажбур бўлади. Муаззин Икромиддин ҳам қамалган. Қутбиддин деган қори акани яқинларидан бири бўлган бола ҳам қамалади. Қутбиддин кейинроқ Товоқсойга келди. Водийда ва Тошкентда қама қамалар бошланган пайтлар эди. 1998 йилда Тошкентнинг Самарқанд дарвоза массивидаги масжид имоми бўлган Руҳиддин Фахриддинов ҳам “ваҳҳобийликда” айбланиб, қамалиш хавфи кучайганидан сўнг масжид имомлигини тарк этади. Ва кўшни Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига ўтиб яшириниб яшашга мажбур бўлади.

Унинг хотинини ҳам қамашади. Усмон деган укаси Арабистонга кетиб, қайтиб келмайди. Борса униям қамашлари аниқ эди. 2005 йилда МХХнинг айғоқчилари унинг қаердалигини аниқлашади. Ва Қозоғистон КНБсига бу ҳақда маълумот беришади. Уни Қозоғистон КНБ си ушлаб, МХХга топширади. Ва уни ўзбек суди 17 йилга озодликдан маҳрум қилади. 1998 йилдан бошлаб, Обид қори Назаров ҳам масжид имомлигидан кетиб, яшириниб юришга мажбур бўлади. Эшитишимча у ҳам кейинроқ, Қозоғистонга ўтиб яшириниб юради. Руҳиддин Фаҳриддинов ушлаб кетилгач, Обид қори Назаров Алматидаги БМТнинг қочоқлар қўмитасига учраб бошпана сўрашга мажбур бўлади. Кейинчалик у ердан Швецияга келади. 1998 йилда ҳам, кўплаб ваҳҳобий деб ҳисобланган имомлар ва уларнинг масжидига келадиган намозхонлар қамалган эди.

Лекин, у пайтда наркотик модда ташлаб ёки патрон ташлаб қамашарди. Ҳали 159 модда қўйилмасди. ИАК режими учун диндорларни оммавий қамашга бир баҳона керак эди. Ҳозирча оммавий қамашлар бўлмасада, кўп сонли одамлар қамалаётганди. Уларга эса наркотик модда ташлаб қамашга мажбур эдилар. ИАК режими учун хавфли деб кўрилаётган, икки тоифа диндорлар гуруҳи бор эди. Биттаси жиҳодий ҳаракатларга аралашаётган Чеченистонга ёки Афғонистонга бориб келаётган диндорлар гуруҳи бўлса, иккинчиси у пайтларда ҳали очик фаолиятга чиқмасада, яширин зимдан тарқалаётган Ҳизбут Таҳрир ал Исломиий гуруҳи эди. Бу гуруҳни зимдан бўлсада фаоллигини ва анча вилоятларга тарқалганидан МХХнинг хабари бор эди. Оммавий қама қамалар бўлиши кутилаётганди. Бирорта жиддий баҳона излашаётганди. Бу баҳона ИАК учун халқаро ҳамжамият олдида ўзини оқлаши учун керак эди. Унга қарши бўлган сиёсий гуруҳларни қатағон қилиш учун керак эди. Бирлик ва Эрк каби сиёсий партиялар ўша пайтларда чет элда газеталар чоп қилиб, Ўзбекистонга киритиб тарқатишарди. Мен Товоқсойда Эрк партиясининг газетасини бир сонини кўрганман. Уни зонага, учрашув хонасидан кимдир олиб чиққанди.

Мен ўшанда Эрк партиясига қойил қолгандим. Ўша газетада Муҳаммадражаб қорининг кўп йилдан бери қамоқда қолаётгани ҳақида ёзилган мақола бор эди. Мен бу партияларнинг чет элларда анчагина нуфузи ва кучи бор деб ўйлагандим. Андижонлик ўша амакининг икки ҳофиз ўғли ҳам, тазйиқлар бошланганда Тожикистонга кетган экан. У ерда Жума Намангоний (Жумавой Ҳожиёв) ва Тоҳир Йўлдош ЎИХга асос солганди. Муаммо шундаки, ўша ерда ҳам мазҳабчилар билан салафийлар орасида ихтилоф чиқади. Тоҳир Йўлдош мазҳабга биноан амал қилишга буюради. У ерга борган Хоразмлик, Андижонлик ва Тошкентлик салафийлар (ваҳҳобийлар) бундан норози бўлишади. Шу воқеъадан кейин, олдинроқ ёзганим ўша 17 та болани отиб ташлашади. Бу болалар Хоразмликлар бўлиб, орасида Навоийлик Хамза ва Файзулла деган болалар ҳам бор бўлган. Шундан сўнг бошқаларни шу лагерни бурчагидаги қамоқхонага қамаб, уриб калтаклаб мазҳабда юришга мажбур қилишади.

Лекин, барибир имкони топилганда салафийлар Тоҳирнинг гуруҳидан қочишга ҳаракат қилишади. Етти кишилик бир гуруҳ, ўша Тоҳирдан қочиб Ўзбекистонга қайтишади. Уларда битта пистолет бўлган экан. Булар боришга жой тополмай аросатда қолган болалар эдилар. Уларни паспортларини Тоҳирни одамлари олиб қўйишганди. Улар ҳеч қаерга боролмай охири, шаҳид бўлиб ўлишга қарор қилишади. Уларни Тоҳир гуруҳи ҳам ва ИАК ҳукумати ҳам ўзига душман санарди. Шу еттитаси тоғлар оша йўл юриб, Товоқсойдан унча узоқ бўлмаган ерга Бурчмулла деган тоғлар устидаги қишлоққа келишади. Улар Қирғизистон тоғлари орқали ўтиб келишади. Шу ерда тоғда Чорвоқ ГЭСи бор эди. Зонада тарқалган гап сўзларга кўра, улар сув омборини портлатмоқчи бўлиб келишган экан.

Улар орасида шу Бурчмулла қишлоғидан бўлган бир бола ҳам бўлган. Улар чегарадан ўтишда, иккита солдатни отиб ташлашган. Уларнинг қуролини олиб, қишлоққа яқинлашишган. Бу сув омбори портлатилса, пастдаги Ғазалкент райони ва қишлоқлари сув остида қолиб кетади дейишарди.

Менимча улар сув омборини портлатиш нияти бўлмаган. Баъзилар уларни Товоқсой зонасига ҳужум қилиб, диндор маҳбусларни қутқармоқчи бўлишган дейишади. Менимча бу гап ҳам унчалик тўғримас. У пайтларда зонада диндорлар кўп эмасди. Уларни давлат тарафидагилар, Тоҳир Йўлдош Ўзбекистонга юборган диверсант гуруҳ деб талқин қилишарди. Менимча бу гап мутлақо хато. Улар Тоҳир билан келишолмай қочиб кетган ва боришга жой топмасдан, шу ИАК режимига қарши курашиб ўлиб кетишни истаган ёш йигитлар эдилар халос.

Салафийлар билан Тоҳирчи мазҳабпарастлар орасидаги ихтилофларни катталигини ва жиддийлигини ҳамма ҳам тушунмасди. Ўзбекистондаги расмий Диний Бошқарма ҳам мазҳабпарастлардир. Лекин, Тоҳирчи мазҳабчилар бу расмий мазҳабчиларни ушласалар, пичоқ билан сўйишга тайёр каллакесарлар эдилар. Буниси эса, уларни МХХ ёрдамида ваҳхобий деб ўлим жазосига ҳукм қилдиришарди. Иккаласи ҳам ҳанафийлик иддао қилишарди. Иккаласиям салафийларга қарши гуруҳ эди.

Бу етти кишилик кичик гуруҳни ўша Бурчмулла қишлоғи атрофида, Тоғларда юргани маълум бўлгач, Товоқсойда кучайтирилган режим жорий қилинди. Ментлар кечаю кундуз зонада ётишарди. Мен яшаётган 3 отряд бошлиғи Абдумалик деган қозоқ миллатига мансуб майор эди. Бу киши доим ароқ ичиб, ширакайф юрарди. У ўша пайтда мени чақириб, қара сени ошналаринг ваҳхобийлар келиб, Тоғда чегарачиларни ўлдиришибди. Шу учун биз бу ерда, уйга кетолмай ётибмиз деб ҳасратини тўкиб солганди. Мен эса, булар ким ва нега келишганидан умуман хабарим йўқ эди. Ўшанда Ички ишлар вазирининг генерал лейтенант Алматов бошлиқ, ўн минг кишилик ички ишлар махсус кўшинлари Бурчмуллага бориб, тоғларни титкилаб, у болаларни бир ғорни ичидан топишади. Уларни ҳеч қандай музокарасиз отиб ташлашади. Ўшалар ичида Товоқсойда ўтирган амкининг икки ўғли ҳам бор эди. Уларни ўлигини кўришга, бу кишини зонадан олиб кетишди. Амаки бориб икки ўғлини ўлигини таниб, булар менинг ўғлим деб, тан олиб келганди. У кишини ҳам аслида, шу икки боласи Тоҳирнинг олдида кетгани учунгина қамашганди. Бу воқеадан кейин, бу одам умуман чўкиб қолди. Уни кўзи яхши кўрмай қолгани учун, етаклаб юрадиган бўлишди. Болаларини эса, ўша ерга кўмиб ташлашган. Бу воқеалар ҳали 1998 йилда бўлаётганди. Биз ҳали олдинда янада даҳшатли воқеалар кутиб турганлигини билмас эдик.

Ўша пайтларда Намангандаги Поп зонасини (54/32 сонли ЖИЭМ) синдиришарди. Бу зона олдин қора зона бўлиб, у ердаги маҳбусларни этап қилиб бошқа зоналарга тарқатиб ташлашди. Товоқсойга ҳам этап билан юзлаб маҳбуслар келишди. Бу умумий режимли зона эди. Кейин уни қаттиқ режимли зонага айлантиришди. У ерга янги борган этапни ломкадан ўтказиб киритардилар. Қизил зоналардан борган гадлар, уларни кутиб олиб, калтаклаб синдиришарди. Говно ташитиб, қўлига СПП деган қизил лента тақиб, ўғри ақидасига тўғри келмайдиган ишларни қилдиришарди. Шундан кейин бу маҳбуслар блатной ҳисобланмасди. Ўғри ақидасига кўра, шу ишларни қилгач у маҳбус блатнойликдан чиқади ва братвалик қилолмайди. Зарафшондаги 64/48 сонли зона ҳам синдирилди. Бу қаттиқ режимли қора зона бўлиб, уни қизил зонага айлантиришди. Кейинроқ Зарафшондаги 64/36 тубиклар зонаси ҳам синдирилди. Уни положенеси Ботир қозоқ деган Хивалик болани, Навоий 64/46да ўлдирдилар. Ўша зонага кейинроқ мен ҳам боргандим.

Ўзбекистонда қора зоналар бирин кетин синарди. Бу синдиришлар тепасида Карим Шодиев турарди. У режим бўйича, ГУИНни бошлиғининг муовини эди.

Бу қизил зоналарга гадларни олиб келиб, улар орқалик бошқа маҳбусларни калтаклаб ўлдиришарди. Кейинроқ бу гадлар армияси, кўп сонли диндорларни калтаклаш учун тайёрланарди. Буни эса албатта ҳали, у гадлар ўзлари ҳам ва диндорлар ҳам англашмасди. Кейинроқ эса Олмалиқдаги 64/45 сонли қора зона синдирилди. Олмалиқдан ҳам Товоқсойга этап келди. У ерни ҳам Попга ўхшаб, қаттиқ режимли зонага айлантиришди. Шундай қилиб Тошкент атрофидаги қора зоналар қизилга айланиб бўлди. 64/7 сонли аёллар зонаси ҳам Тошкентда бўлиб, у аввалдан қизил зона бўлган. 64/1 сонли Занги Ота зонаси эса, элликка эллик бўлиб қолди деб эшитдик. У зонани ичида гадлар ҳам бўлиб, положенецлар ҳам бўлган. Ҳар иккаласида ҳам қандайдир куч ва ваколат бўлган. Чирчиқ ва Товоқсойда эса, ҳали гадлар йўқ эди. Лекин, братвани ҳам жуда заифлиги кўриниб турарди.

Зонада Файзини ўрнига бўлган Ботир деган положенец ва иккита бола Суд қилиниб, бошқа зонага раскрутка бўлди. Сабаби шуки, положенец ва уни ёнида бир иккита бола биргаликда Изоляторга киришган. Шунда қандайдир прапоршик билан положенец гапи чиқишмай қолган. Ва уни ёнидаги кимдир прапоршикни кетига пичоқ тикқан. Бу шунчаки «акт устрашения» эди. Бу билан прапоршик ўлмаган. Уни масхаралаш мақсад қилинганди. Лекин, бу воқеъадан кейин, положенец ишни бости бости қилолмай қолди. Буларнинг уччаласини устидан тергов бошланди. Улар изоляторга қамалди. Уларга муддат қўшиб, қаттиқ режимли зоналарга этап қилинди. Улар орасида Ғайрат деган секторний ва промкага қарайдиган Мурод деган бола ва положенец Ботир бор эди. Буларни қизил зоналарга юборишди. Улар у ерда гадлар томонидан уриб синдирилди. Кейинроқ мен Муродни Навоийга борганда кўрдим. У этап билан Зарафшондан келиб, бизни зонамизда туриб қолганди. Уларни Тошкентга юборишди. Мен у билан беш минутча гаплашдим халос. Бу Мурод Товоқсойда промкага ответда эди. Ўша пайтда раскрутка бўлганди. Унда энди блатнойликдан асар қолмаганди. У менга айтишича, уларнинг уччаласини ҳам синдиришган. Положенец эса гад бўлиб кетган экан. Мурод оддий мужик бўлиб қолибди. Буларнинг бари ўғри оламининг заифлигидан дарак берарди. Бахтишкани эса Сангороддан Чирчиққа этап қилишди.

Жиноят оламининг кўзга кўринган шахслари бирин кетин ўлдирилди ва ёки синдирилди. Сиёсат оламидаги лидерлар бирин кетин қамалди ва чет элга қочиб кетди. Дин оламидаги лидерлар қамалди ва ўғирлаб йўқ қилинди. Фақат битта лидер қолди. Ҳамма шу битта одамни гапини маъқуллаб туриши шарт эди. Бошқа одамда на шахсий фикри ва на гапириш ҳаққи қолмаганди. Бу бир кимсада, нима истаса қилиш ҳуқуқи бор эди. Бошқаларда эса, қарсак чалишдан бошқа «ҳуқуқ» йўқ эди. Бу шахс то миясига қон қуйилиб ўлгунича, вазият ўзгармади.

Зонада мени шогирдларим ҳам анчаси чиқиб кетгани учун сонимиз анча камайиб қолгандик. Аввалгидек китобларимиз кўп ва ўқишлар бемалол эмасди. Зонада одам кўпайиб кетганди. Олдингидек ошхонадан сухой продукта олмасдик. Энди еб ичишдан ҳам анча сиқилиб қолгандик. Шу аҳволда амаллаб кунимиз ўтарди. Шу пайтда янги 1999 йил кирди. Бу йилни мўмин мусулмонлар учун яхшилик йили бўлсин деб, дуолар қилдик. Аммо, бу йил Мустақил Ўзбекистон тарихидаги мусулмонлар учун, энг оғир синовлар йили бўлди. Бу йил энг кўп мусулмонлар қатл қилинган йил бўлди. Қонунга кўра, ўлим жазосига ҳукм қилинганлар икки йил ичида иши қайта кўрилиб чиқилиши ва кейин ҳам ҳукм ўзгармаса жазоси ижро қилиниши керак эди. Лекин, шу йил ўлимга ҳукм қилинганларни, тезлик билан бир ой ичида отиб ўлдиришди. Ҳеч кимни икки йил сақлаб ўтиришмади.

Сабаби, ўлимга ҳукм қилинганлар сони жуда кўпайиб кетганди. Давлат бунча одамни ўлимга ҳукм қилиб, сақлаб туrolмасди. Уларни ишини қайта кўриб чиқиб, ўзгартириш нияти ҳам йўқ эди. Ўшанда яширин буйруқ билан, ҳаммасини қачон ҳукм чиққанига қарамасдан, тез тез отиб ташлаш буюрилган. 1999 йил октябр, ноябр ва декабр ойлари Тоштурмада ҳар куни ўнлаб маҳбуслар тинмасдан отиб ўлдирилган. Уларни ўликлари МВД махсус гуруҳи томонидан Тошкент Вилоятидаги даштларга кечаси тракторда кавлаб оммавий суратда, яширинча кўмилган. Булар ҳақида ҳам ўз жойида алоҳида маълумот бераман иншааллоҳ.

1999 йил 16 феврал воқеълари

1999 йил 16 феврал портлашлари содир бўлганда, мен Товоқсойда 3 отрядда ўз семейкам билан яшаётгандим. Бу отрядда биринчи қаватида каптёркаси намозхонамиз эди. Менинг у пайтга келиб, зонадаги шогирдларим сони анча камайган ва уч тўртта проходимиз қолганди. Бу дегани ўн бештача биродар, бирга эдик. Пешин намозини ўша каптёркада ўқишга кирдик. Ўша пайтда каптёркага кириб келган бир биродар, Каримовга суиқасд уюштирилибди. Ҳозир телевизордан кўрсатди деб қолди. Биз намозни ўқиб, тепага иккинчи қаватга кўтарилдик. Телевизор ўша ерда эди. Мен нима бўлаётганидан беҳабар эдим. Нима бўлсада, мусулмонлар учун яхшиликка бўлсинда дердим.

Ўзбекистон ТВси суҳандони қошлари қалин ва кўзлари катта Даврон Зуннунов телевиденияга чиқиб қўлидаги қоғозда ёзилган гапларни ўқиб берди. У жумладан шундай деган эди:

«Ҳурматли томошабин ўртоқлар. Дастуримизни кутилмаган хабар билан тўхтатамиз. Бугун мамлакатимиз пойтахти Тошкентда кутилмаган фавқулодда ҳодиса содир бўлди.

- Пойтахт меҳнаткашлари осойишта кундалик юмушларини давом эттираётган бир пайтда кундуз соат 11 ларга яқин шаҳарнинг тўрт жойида портлаш содир бўлди. Дастлаб ИИБ биноси ёнида, ундан сўнг Искра кинотеатр биноси ёнида, сал ўтмай республика Вазирлар Маҳкамаси биносида, ундан сўнг Миллий банк биноси атрофида портлаш содир бўлди. Портлаш оқибатида бир неча машиналар ёниб кетган. Шаҳардаги айрим биноларга зарар етказилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар ҳам бор. Бундай ҳодиса мамлакатимиз мустақиллигини кўра олмаётган экстремистик кучларни иши эканлиги барчамизга аёндр. Бу ёвузлик тагидаги энг асосий мақсадлардан бири мамлакатимиз президенти Ислом Каримовга, унинг ҳаётига тажовуз эканлиги ҳам жуда аёндр. Чунки соат 11 да Вазирлар Маҳкамасида республика ҳукуматининг 1998 йил якунларига бағишланган мажлис бошланиши, унда президентимиз иштирок этиши керак эди. Энг муҳими ҳукумат аъзолари, президентимиз ва ... (суҳандон шу ўринда қоқилади) соғ ва саломат. Соат 11 га мўлжалланган мажлис соат 13 да, яъни ҳозир республика Олий Мажлис биносида кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилмоқда.

Биз бўлиб ўтган тафсилотларни сиз азиз ватандошларимизга етказиб турамиз. Ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Воқеани содир этган барча ёвуз кучлар аниқланади ва тегишли жазосини олади.»

Бу гапларни эшитиб ҳайратда эдик. Бу кун Тошкентда нима бўлдию, бунинг натижаси бу халққа ва мусулмонларга ва хусусан зонада ўтирганларга қандай таъсир қилади? Буни ўйлаб ўйимга етолмасдим. Буни оқибати ишқилиб яхшилик бўлсинда деб, Аллоҳдан тилардим. Ташқарида бўладиган ҳар бир воқеъа ҳодиса, зонада ўз акс садосини берарди. Бизнинг ҳаётимизга бевосита таъсир этарди. Бу воқеъа қандай таъсир қилишини билмасдик. Ўтган йилги Намангандаги воқеъалар, салбий таъсир қилганлигини билардик. Зонадаги масжид ёпилганди. Энди нима бўлар экан деб кутардик. Ўшанда нима бўлгани ҳақида менда маълумот бўлмаганди. Ўша портлаш ҳақида кейинчалик, менда тўлиқ тасаввур пайдо бўлди. ИАК режимининг бошқаруви давомидеги, ўз халқига мусулмонларга қарши қилинган энг катта фитна, мана шу 16 феврал портлашлари эди. Бу фитна ИАК режими диндорларга қарши оммавий террорни бошлаш учун, анчадан бери кутиб юрган «қулай фурсат» эди. Бу портлашларга турли хил муносабатлар билдирилган. Мен ҳам ўз фикрларимни баён қилмоқчиман.

1999 йилда 16 феврал куни, Тошкент шаҳрининг бешта жойида бирин кетин қўлбола бомбалар портлади. Оқибатда ўша атрофга тасодифий келиб қолган одамлар ўлади. Ва юзлаб одамлар яраланади. Аввало, шуни айтиш керакки, бу ишни баъзилар айтаётгандек, бевосита ИАК режимини ўзи қилган эмасди. Яъни, уни уюштирганлар ва бажарувчилар МХХ ходимлари бўлмаганлар. Аммо, бир гуруҳ диндорлар томонидан бу ишни режалаштирилаётганидан МХХ хабардор бўлган. Буни ЎИХ сўзчиси Зайниддин Асқаров 2003 йил Сангородда қамокда, Би Би Си мухбирларига берган интервьюсида ҳам таъкидлаган. Лекин, бу ишни келтириб чиқарувчи сабабларга келсак, албатта, бу ИАКнинг мусулмонларга қарши юритган давомли террор сиёсати натижасидир. Бу 16 феврал террори, ўша ИАКнинг террор сиёсатини ўзига яраша акс садосидир. Аммо, бу фитна, ИАК режими тарафидан, яна режим фойдасига ҳал қилинади. Ва минглаб мусулмонларни террор қилиниши учун, ўзига яраша «баҳона» ролини ўйнади.

Бу фитна ҳақида телевидениядан гапирган режим амалдорлари, Ҳизбут Таҳрир ва ЎИХ аъзоларини айблайдилар. Жумладан бу ишга хориждаги ЭРК партияси раҳбарлари ҳам алоқадорлиги иддао қилинади. Бу портлашга доир Зайниддин Асқаров кўрсатмас аудио файлда йотубеда турибди. <http://www.youtube.com/watch?v=PbaSF1U3p2k>

Зайниддин Асқаров имконият бўлганидан фойдаланиб, анча нарсани гапирган. Бундай имкон унда кейин яна бўлмади. Шу билан уни 2010 йил қамоқхонадан ўлиги чиқди.

Демак, Зайниддин Асқаровга кўра, 16 февралда Тошкентда юз берган портлашлар 1995 йилда Абдували қори Мирзаевнинг МХХ тарафидан ўғирланиши билан боғлиқдир. Бу суҳбат мавзудан 16 феврал воқеълари ҳақиқати ойдинлашади. Зайниддиннинг интервьюсида 16 феврал воқеъаси хронологик тартибдаги матни.

«1995 йил 29 августда Тошкент аэропортидан ўғирлаб кетилган Абдували Қори аканинг бир гуруҳ шогирдлари содиқ издошлари Чеченистонда ҳарбий таёргарликдан ўтиб келишгач, Устозни қутқариш учун йўл излашади. Ва шу мақсадга эришиш йўли сифатида Каримовга суиқасд уюштириш деган хулосага келишади. Бу мақсадни амалга ошириш учун анча таёргарлик қилишади. Чеченистонга бориб, Амир Хаттобнинг лагерларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиб қайтишади.

Шу аснода Тоҳир Йўлдошни Ўзбекистондаги вакили мувофиқлаштирувчиси Баҳром Қори Абдуллаев ҳам Чеченистонга бориб қолади. Ва у ердагилардан Ўзбекистонда шундай гуруҳ борлигини ва уларни мақсадларини нималигини хабарини эшитади. Ва бу ҳақда ўзини Амири Тоҳир Йўлдошга хабар беради.» Иқтибос тугади. Мазкур лавҳанинг 10 минутада Зайниддин Асқаров Тоҳир Йўлдошни Баҳром Абдуллаевга берган топшириғини зикр қилиб ўтади. Топшириқ эса, Абдували қорини ўғирлаб йўқ қилгани учун золим ИАКга суиқасд қилмоқчи бўлган, бир гуруҳ мусулмонларни «қандай йўл билан бўлмасин Афғонистонга олиб келиш, ихтиёри билан келишмаса зўрлаб олиб келиш, агар бу ҳам бўлмаса ОТИБ ТАШЛАШ га буюради. ЎИХ раҳбари бўлган Тоҳир Йўлдошга, бу фитна иштирокчиларини тўхтатишлик ва агар бўйсунмасалар отиб ташлаш нимага зарур бўлиб қолгани, менга ҳануз тушунарсиздир.

Хуллас, Баҳром қори Абдуллаев уларни, Туркменистон орқали Афғонистонга ўтказиш мақсадида, чегарачилар билан гаплашиб келиш учун, Туркменистонга боради. Шу аснода ўзи ҳам, сохта паспорти сабабли қўлга тушиб қолади. Ва Туркман МХХси тарафидан Ўзбекистонга бериб юборилади. Тошкентда эса, ҳалиги мақсад учун тайёрланиб турган 9 кишилиқ гуруҳни Баҳром қори билан алоқаси узилиб қолади. Улар бу ишга «Тоҳирни розилигини олдик» деб, ўйлашади.

Қўлга тушиб қолган Баҳром Абдуллаев эса, фитнани олдини олиш учун, бошқа йўли қолмагач, турмада МХХ зобитларига бор гапни айтиб беради. Зайниддин Асқаров айтишича, Баҳром Абдуллаев миллий хавсизлик ходимларини жумладан, Йулбарс Шералиев исмли ходимни шу режалаштирилаётган портлашлардан огоҳлантиради. Ва уларни, бу фитнани олдини олишга чақиради.

Зайниддин Асқаров сўзидан Иқтибос; Бу нарсани тезда тўхтатиш керак, Мен айнан шунинг учун келаётган эдим. Улар аввалига ишонмаяптида кейин караса аҳвол росдтан ҳам жиддий, шу нарса бўлмоқчи. Энди эшитиб турилса, бу нарса жуда жиддий – Баҳром Абдуллаев шу ҳақда айтгандан кейин, унга зиёфат қилиб берилаяпти ва кимлар, нима мақсадда қилмоқчи эканлиги сўралаяпти – Абдували қорини чиқариш учун алоҳида Қозиев Муродилла бошлиқ гуруҳ томонидан. Баҳром Абдуллаевга нисбатан, барча тергов ҳаракатлари тўхтатилаяпти ва у тоат ибодат билангина банд бўлмоқда. Иқтибос тугади.

МХХ эса, бу маълумотларни таҳлил қилиб чиқиб, суиқасдни олдини олиш ўрнига, ўша айтилган суиқасд эҳтимоли мавжуд бинога, ИАКни кечикиб келишини таъминлайди халос.

Зайниддин Асқаров сўзидан Иқтибос; Лекин бу ерда давлат курсда (яъни – огоҳ) бўлиб қолаяпти, шу иш бўлишини (яъни портлашлар режалаштирилганидан) олдиндан билиб қолаяпти. Ва давлат булар қаердан билади 16 феврал воқеасини деса, Баҳром Абдуллаев давлатни ичида ишлайдиган ва бизга маълумот бериб турган одамларимиз ҳам бор деяпти – қайси куни бўлади ва қанака бўлади. Улар 25 февралдан 16 февралга кўчирилди деган нарсани ошкора эълон қилингандан кейин (аввал вазирлар маҳкамасининг мажлиси 25 февралда ўтиши хақида маълумот бўлган) демак кутилган меҳмон даражасида бомбалар кутиб олинаяпти...иқтибос тугади.

Зайниддин Асқаров берган гувоҳликга қараганда, МХХ фитнадан хабардор бўлади. Аммо, уни олдини олишга ҳаракат қилмайди. Натижада эса, шунча одам қурбон бўлади. Ва қонхўр режим эса, диндорларга қарши репрессия сиёсатини юргизишга «йўл» очилади. Оқибати эса маълум. Кўп минг киши қамоққа олинади. Ва кўплари ўлим жазосига ҳукм қилинади. Кўплари чет элларга қочиб кетадилар. Оммавий сарсон саргардончилик бошланади. Аллоҳ Таоло эзгу ниятлик биродарларни амалларини ажрини зоеъ қилмасин. Хатоларини мағфират қилсин.

Минг афсус, имон лаззатини тотиб, динга хизмат қилишни орзу қилган, минглаб имонли диллар, катта ноҳақлик адолатсизлик ва ҳикматга зид амаллар натижасининг қурбони бўладилар ва бўлмоқдалар.

Мархум Асқаров ўша интервьюда шундай дейди; Иқтибос; «Менинг ниятим ўзбек халқига қўлимдан келганча моддий маънавий ёрдам бериш ва Ўзбекистонни тараққиётга имкон қадар ҳисса қўшиш эди» Иқтибос тугади. Мархумни бу нияти ушалмай қолади. У қамоқхонада вафот этади. Ва яна минглаб бошқа биродарларни ҳам шу каби ниятлари ушалмай қолаяпти.

1999 йил 16 февраль воқеалари ҳақида Усмон Ҳақназаров исмли шахс Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида шуларни ёзган эди. Иқтибос; «Бироқ 1997 йилнинг сентябрь ойида, яъни имомнинг дом-дараксиз йўқолганидан икки йил ўтиб, унинг издошлари ўзларининг Республика МХХ аппаратидаги манбаларидан бирдан олинган МХХ ва Президентнинг ташаббуси билан Абдували Мирзаев МХХ “ертўласида” ўлдирилиб, кейин Тошкент шаҳридан ташқарида кўмиб юборилгани хабар, уларни нафақат шок ва умидсиз ҳолга солди, балки улардаги нафрат, ҳамда ноҳақ ўлдирилган устозлари учун интиқом олиш ҳисини алангалантирди.

Бу қасосни амалга ошириш мақсадида эса, илгари тинч ва осуда ҳаёт кечирган баъзи ёшлар ҳарбий ва террористик тайёргарлик билан шуғуллана бошлади. Улар тўғри Чеченистондаги таниқли мужоҳидлар амири Ҳаттоб томонидан бошқариладиган жангариларни тайёрлаш лагерига кетишди ва бир йилдан ортиқ вақт давомида ўша лагерда бўлиб, нафақат ўқотар қурооллардан фойдаланиш сирларини, балки портловчи моддалар тайёрлашнинг замонавий усулларини ҳам ўрганиб қайтишди. Бу воқеълик расмий Каримов ҳукумати ўзининг диндорлар ва сиёсий муҳолифларига нисбатан олиб бораётган нодемократик ва қаттол сиёсати билан қандай қилиб уларнинг радикал, қуроолли кураш йўлларига ўтиб кетишига сабаб бўлаётганига яққол мисол бўла олади. Ўзбекистонга улар 1998 йилнинг ноябрь ойида қайтиб келишди ва ўзларининг “муқаддас” орзулари – Ислом Каримовдан қасос олиш мақсадини амалга оширишга тайёргарлик кўра бошладилар. Гуруҳнинг бу ҳаракатларини Ҳаттобнинг жангарилар тайёрлаш лагерида бўлиб қайтган Муродулло Қозиев бошқариб борди. Суиқасдга тайёргарлик бораркан, гуруҳ томонидан Тошкент шаҳри марказида бир неча квартиралар ижарага олинди, ишлатилган автоуловлар ва ҳоказолар сотиб олинди. Оператив ҳолат ҳақидаги маълумотларни бу гуруҳга тошкентлик, Вазирлар Маҳкамасида хизматчиларидан бири Улуғбек Бобожонов етказиб турди. Тайёргарлик режадагидек жуда яхши даражада борарди, фақат Муродулло Қозиевнинг гуруҳига боғлиқ бўлмаган кутилмаган бир ҳолат юз бермагунигача.

Шундай қилиб... Туркменистон чегарачилари томонидан Баҳром Абдуллаевни ушланиши 1998 йил Туркменистон чегарачилари сохта Қирғизистон паспорти билан Туркменистонга кирган Ўзбекистон фуқароси Баҳром Абдуллаевни тасодифан қўлга олишади. Баҳром Абдуллаев тезлик билан Ўзбекистонга экстрация қилинади ва МХХ тергов изоляторига жойлаштирилади.

Баҳром Абдуллаев Жамоат Хавфсизлигини сақлаш ва Бирлашган жиноий гуруҳларга қарши кураш бошқармасига, ТҚҚБ (Терроризмга қарши кураш бўлими)га тушгач, калтакланган ва у билан “камерада ишлаш” амалиёти олиб борилади. Камерага унинг ёнига сохта жиноятчилар киритилади. Ва бу кутилмаганда жуда яхши натижа бера бошлайди. Кейинги куни Баҳром Абдуллаевдан олинган маълумотларни текшириш учун “Бошқарма”да учрашув ўтказилади. Баҳром Абдуллаев ўзини УИХ вакили эканини эътироф этади ва Туркменистонга Афғонистон орқали келганини ва Муродилло Қозиев гуруҳи томонидан И. Каримовга бўлаётган суиқасдни тўхтатиш учун, УИХ раиси Тоҳир Йўлдош буйруғи билан Тошкентга бораётганини айтади.

Ва бу қон тўкилишини тўхтатишни илтимос қилади ва бу ишга ўзи ҳам ёрдам беришга таёрлигини билдиради. Бу янгилик тезда МХХ раиси Р. Иноятовга етказилади. У ўз навбатида Баҳром Абдуллаев устида яхшилаб “иш олиб бориш”ни буюради. Кейинроқ терактнинг аниқ муддати (1999 йил 16 феврал) ва тафсилотлари (масалан, И. Каримовнинг Республика Вазирлар Маҳкамаси билан учрашуви) маълум бўлди. Ўша пайтда пойтахт фуқароларининг қони тўкилишини олдини олиш ва таёрланаётган терактни тўхтатиш учун Р. Иноятов тасарруфида бир ярим ой муҳлат бор эди.

У А. Қаҳҳор кўчасидаги бир хонадонда ижарага яшаётган М Қозиев гуруҳини қамоққа олиши мумкин эди. Бунинг ўрнига у ўша гуруҳ ичига ўз одамики киритишга ва улардан бири билан алоқага ўтиш ҳамда воқеалар ривожини кузатишга қарор қилади. Бундан ташқари, Исроилдан норасмий таклиф билан публицист Олег Якубов чақирилади. Унинг вазифаси “Феврал воқеасини” воқеа жойидан туриб ёритиш эди. Р. Иноятов ва И. Каримов, теракт ҳақида аввалдан маълумотга эга бўла туриб, ундан диний ва сиёсий муҳолифат фаолларини қатағон қилиш учун фойдаланишга қарор қилишганди. Яна бир қизиқарли факт. 1999 йил 15 февраль куни Р. Иноятов ўз ишончли хизматкорларига ва ўз ёрдамчисига 16 февраль куни то пешингача Тошкентнинг Марказий Майдони, Бодомзор, (Миллий Банк биноси жойлашган) ва Яккасарой районида келмасликларини айтиб, ўз яқинларини огоҳлантиришни топширади. Шу билан бирга Р. Иноятов агар суиқасд М.Қозиев гуруҳи режасига мувофиқ амалга ошса, воқеаларнинг форс-мажор шаклда ривожланиши, яъни, воқеаларни ўз манфаатига мос ишлатиш учун (И.Каримов ва И.Жўрабековдан ва бошқа Самарқанд гуруҳи вакилларида кутулиш учун) қўшимча, заҳира вариантини ҳам тайёрлаб қўяди. Лекин, воқеалар форс-мажорсиз Иноятов кентораси назоратида ўтди. Р. Иноятов одамлари портловчи моддалар билан тўлдирилган ГАЗ-21 автомашинасини Президент кортежи келишидан бир неча дақиқа олдин Вазирлар Маҳкамаси биноси олдиғача ҳайдаб келишига йўл очиб берадилар.

Р. Иноятовнинг қатъий кўрсатмаси бўйича ишлаган «чекистлар» террористларни автомобилни қўйиб кетишигагина эмас, балки, Мустақиллик Майдонидан қочиб кетишига ҳам қўйиб берадилар. Қочиб кетаётиб улар, Баҳор кинотеатри олдида қаршиларидан тасодифан чиқиб қолган иккита қизни ҳам отиб кетишади. Кутилганидай, кўплаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўладилар. Ўша куннинг даҳшатли хотирасини, Миллий Банк олдидаги ўнлаб қурбонларни унутишнинг ҳеч иложи йўқ. Кучли портлаш оқибатида юз метрлик радиусга инсоннинг куйиб кетган ички ва ташқи аъзолари сочиб ташланганди. Оғир жараланган баъзи ярадорлар кучли оғриқдан додлашар ва атрофдагилардан тезроқ ўлдиришни сўраб, оғриқлардан кутулишни ишташарди. Енгил эсанган шамол атрофга қон ва одам гўшти ҳидларини таратарди. Баъзи ярадорларнинг қўли, бошқаларининг оёғи йўқ эди. Биттасини боши-ю, қўл-оёғи ҳам йўқ эди. Моргда нотаниш жасад сифатида узоқ қолиб кетади ўша жасад. Иноятов ва Каримовларнинг кейинги ҳаракатлари, уларнинг 16 февраль воқеасидан ўзбек халқига нисбатан қақшатқич қатағон ва мислсиз жиноятлар амалга ошириш учун асосий баҳона, ўзига хос “маънавий ҳуқуқ” чиқариб олганлигини кўрсатади. Шунингдек, 16 февраль кечқурун, хали айбдорларнинг кимлигини аниқлашга на вақт ва на имкон бўлмай туриб, Р.Иноятов МХХнинг барча вилоят ва район бўлимларига қуйидаги ТВ “Тезкор Вазият” хабарини (МХХнинг ўзига хос телефонограммасини) тарқатди: “Бугун 16 февраль куни, Тошкентда бир қанча террористик амалиётлар содир этилди. Кўплаб қурбонлар бор.

Террорчиларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентига суиқасд қилишлик бўлган. Маълум бўлишича, террористик амалиётларнинг ташкилотчилари Ж. Намангоний ва Т.Йўлдош ва муҳолифатдаги “Эрк” партияси лидери Муҳаммад Солиҳлардир.

Айтилганларни ҳисобга олиб, жойлардаги ИИБ ходимлари билан келишилган ҳолда, зудлик билан турли оқимдаги мусулмон уламолари ва фаолларини, “Эрк” партияси тарафдорларини қўлга олишларингиз ва тергов давомида мана шу террористик амалиётдан хабардорлиги ва алоқадорлигини аниқлашингизни сўрайман. Бажарилган ишлар ҳақида ҳар куни соат 12 00 ва 18 00 да Жамоат Хавфсизлиги Бошқармаси ва МХХни хабардор қилиб турилсин”. 16 февраль тушдан кейин Р. Иноятлов Президентга суиқасд уюштириш ва бошқа тўртта портлашни уюштирган ташкилотчиларни аниқлаш бўйича дастлабки тергов натижалари (Аввалдан ўзи таёрлаб ёздириб қўйган телефонограмма) билан И. Каримовни таништирди.

Эртаси куни Р. Иноятлов бу терактдан ҳукуматнинг хабари борлигини билган барча гувоҳларни йўқ қилишга ўтади. И. Каримов ва Р. Иноятлов ҳукмига биноан, барча гувоҳларга ўлим жазоси белгиланади. Февраль воқеаси бўйича жами 22 киши жазога тортилади. Улардан 6 киши (гувоҳлар)га ўлим жазоси берилади. Аснода шу ишга алоқадорликда судланиб ўлим жазоси берилганлардан биринчи бўлиб Баҳром Абдуллаев отиб ўлдирилади. Аслида айнан Баҳром Абдуллаев ушбу терактни фош қилган ва терактда мутлақо қатнашмаган эди. (1999 йил январидан мартгача у МХХ изоляторида ўтирган) Мантиқсизлик! Қандай қилиб МХХ ертўласида ўтирган одам теракт содир қилаолади?! Лекин бу биз учун мантиқсизлик бўлмаслиги керак.

Баҳром Абдуллаев портлашларга алоқадорлиги учун эмас, балки, ҳукуматнинг бу терактдан олдинроқ хабардорлигини биладиган гувоҳлардан бири бўлгани учун ўлдирилганди. Кейинроқ бу воқеаларни чет эл журналистларига сўзлаб бергани учун Р. Иноятлов буйруғи билан Зайниддин Аскарлов ҳам ўлдирилади. Журналистларни Аскарлов билан ёлғиз қолдирган МХХ ходими жазоланиб, ишга лаёқатсизлиги учун МХХдан ҳайдалди.» <http://uzxalqharakati.com/archives/13989>

Оммавий қама қамалар

Кўпчилик бу теракт ортида Ўзбек МХХси турган деган, фикрни билдиради. Сабаби, бунга ўхшаган воқеалар диктатура ўрнатиш учун мустабид режимлар томонидан кўплаб қўлланган. 1999 йилдаги Москвадаги портлашларни Чеченлар қилди деб телевизордан кўп кўрсатишганди. Биз Товоқсойда телевизорни ҳар куни кўрардик. Ҳали у ерни ва ҳали бу ерни портлатишарди ва бу чечен сепаратистлари қилган ваҳшийлик эканини таъкидлашарди. Аммо, бу портлашларни ФСБ ўзи амалга оширган деган, иддаолар ҳам бор эди. Рязанда портлаш амалга ошмай қолганда қўлга олинганлар ФСБ одамлари бўлиб чиқади.

Кейинчалик, буни Путинни ўзи ҳам тан олиб, «бу учения эди. Халқни эътиборини синаш учун қилинган иш эди. Раҳмат шу уйда яшайдиганлар эътиборли одамлар экан» деганини, мен ҳам эшитгандим.

"ФСБ Россияни портлатмоқда" номли китоб муаллифи, собиқ ФСБ подполковниги Александр Литвиненко 1999 йил сенябридаги Москва портлашлари ортида Путин ва у бошқарган махфий хизматлар тургани ҳақида гапира бошлагач, 2006 йилда Лондонда сирли тарзда полоний моддасидан заҳарланиш оқибатида ўлдирилганди.

Тошкент портлашлари эса, МХХ томонидан ташкиллаштирилмасда, улар уни олдини олмасдан амалга ошишга йўл қўйиб бердилар. Сабаби, бу уларга керак эди. Қатағон сиёсатини оқлаш учун керак эди.

Бу портлашлардан кейин, тезда минглаб диндорлар оммавий қамоққа олина бошланади. Энди уларга Ўзбекистон Жиноий Кодексининг 97 моддаси, 159 модда ва 244 моддалар ва 158 моддалар қўйиларди. Қуйида бу моддаларни баъзиларини келтираман.

97-модда. Қасддан одам ўлдириш

Қасддан одам ўлдириш —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;

в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;

г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;

д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;

е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

ж) ўта шафқатсизлик билан;

з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;

и) тамагирлик ниятида;

к) миллий ёки ирқий адоват замирида;

л) безорилик оқибатида;

м) диний таассублар замирида;

н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;

о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;

п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши —

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Бу модда кейин ўзгартирилган бўлиб, олдинги таҳририда ўлим жазоси беришлик бор эди.

158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасддан шикаст етказиш —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Олдинги таҳририда бу моддада ўлим жазоси бор эди. 2008 йилда ўлим жазоси бир умрлик қamoқ жазосига алмаштирилади. Шу сабабли ҳозир бу моддада ва бошқаларда ҳам ўлим жазоси йўқ.

159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Олдинги таҳририда бу моддада ҳам ўлим жазоси бор эди. 2008 йилда ўлим жазоси бир умрлик қамоқ жазосига алмаштирилади. Шу сабабли ҳозир бу моддада ва бошқаларда ҳам ўлим жазоси йўқ.

244,1-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш —

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш —

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

Олдинги таҳрирга қаранг.

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;

г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

244,2-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш —

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса;

б) вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда содир этилган бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

Ўша террордан кейин Ўзбекистонда давлат тузумига қурол билан тажовуз қилишга бел боғлаган радикал, диний экстремист ташкилотлар рўйхати ҳам кенгайди — Ўзбекистон Исломий Ҳаракати, (ЎИХ) Ҳизбут-Таҳрир, ва яна айрим илгари номи матбуотга маълум бўлмаган гуруҳлар ҳам бирин-кетин айбдорлар рўйхатига қўшилади.

Ўзбекистонда минглаб мусулмонларни Ўзбекистон жиноят кодексининг 159, 244 ва бошқа моддалари билан мамлакат конституцион тузумига тажовуз ва диний экстремистик ташкилотларга алоқадорликда айбланиб, қамаш авжига чиқди. Ўзбекистонда узоқ йиллар айнан ана шу қатағонлар устидан тадқиқот олиб борган Ҳюман Райтс Уотч ташкилоти кузатувчилари таъкидича:

- Ўзбекистон ҳукумати 1999 йилги портлашлардан минглаб мўътадил мусулмонларга қарши репрессиясининг асосли сабаби сифатида фойдаланмоқда. Бу воқеаларни баҳона қилиб, минглаб тинч мусулмонларни давлат душмани, экстремист тамғаси остида қамади, тазйиққа олди ва ҳануз тазйиқ қилмоқда. Ваҳоланки, бу портлаш ҳақиқатда ҳам қўлига қурол олган диндорларнинг террорчилик ҳужуми эдими ёки йўқ — бунини аниқлаш мумкин бўлган мустақил текширув ўтказилгани йўқ. дейди Ҳюман Райтс Уотч ташкилотининг узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда ишлаган вакили Алисон Гил.

Бу гапларни Зайниддин Асқаров кўрсатмалари билан солиштирсак, бири иккинчисини тўлдиришига ишонч ҳосил қиламиз. Аммо, барибир бу ишларни ҳақиқати Аллоҳга аёнدير. Аммо, терактни Абдували қорини қутқаришни истаган бир гуруҳ мусулмон йигитлар уюштиргани аниқ. Бунга эса, машҳур олимни ИАК режими тарафидан адолатсизларча ўғирлаб йўқ қилингани бўлди. Шунингдек, Абдували қори билан бирга ўғирланган Рамазон Маткаримов ҳақида ҳам, ҳеч нарса маълум эмас.

Асли Сурхондарёнинг Бойсунидан бўлган ва Анжиджонда хужрада ўқиб, қуръонни хатм қилган, 1971 йилда туғилган Баҳром Абдуллаев, Абдували қори аканинг яқин қўриқчиси Козим Зокиров ва Андижон Жомеъсида талабаларга қаратэ ўргатиб юрган Зоҳиджон исмли спортчи бола хуллас, бу учовлонни бу портлашга мутлақо алоқаси бўлмасада, шу ишга алоқадорликда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Жомеъда талабаларга спорт машқлари ўргатишлик, ИАК режими тарафидан гўёки “жиҳод”га тайёрланишлик дея, талқин қилинади. Яна ўлим жазоси берилган уч кишини ҳам бу портлашларга қанчалик алоқаси борлигини билмайман. Бошқа бир қаратэчи тренер Шуҳрат дегани, қаердалиги номаълумлигича қолмоқда. Умуман эса, буларнинг ака укалари синглиси ва қариндошлари бариси қамаладилар.

Муродилла Қозиевни МХХ ушлаб ими жимида йўқ қилди ёки, ушполмаган бўлса, қочиб юрибди. Хуллас, унинг қаердалиги ҳалигача маълум эмас. Аммо, унинг ҳам ака ука қариндош уруғлари оммавий суратда қамалган. Аслида Сталин давридан қолган бу услуб, ИАК МХХсининг асосий кураш услубидир. Кимнидир нимададир айблаб қамашса, албатта унинг яқинлари ҳам қамоққа олинадир.

1999 йил 16 февралидаги портлашлардан кейин Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати деярли тўлиқ ўзгарди. Ўзбекистон куч ишлатар тузилмалари таркибида “диний экстремизм”, “фундаментализм”, “террорчи ташкилотлар”га қарши курашадиган катта-катта бўлимлар ташкил этилди. Диндорлар устидан алоҳида назорат ўрнатилди ва бу мамлакат хавфсизлигини сақлаш мақсади билан изоҳланди.

Ўзбекистон ҳукуматининг ўзи эса халқаро террор билан курашаётган АҚШнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкориға айланди.

Ўша йили биз зонада ўтирган маҳбуслар учун тушунарсиз ва таҳликали воқеъ ва ҳодисалар жуда кўплаб содир бўла бошлади. Телевизорни ҳар куни кузатиш билан банд бўлиб қолдик. Ажабтовур воқеъалар эса кун сайин кўпаяр эди.

Укам Саидкамол ҳам қамалди

16 феврал портлашларидан кейин ИАК режими, бор кучи ва имконияти билан ўз фуқароларига қарши курашга киришади. Ўз халқини хонавайрон қилади. Минглаб ота оналарни аёллар ва болаларни қон йиғлатади. Юзлаб оилалар бузилади. Болалари тирик етим бўлади. Тошкент шаҳари ва бошқа вилоят марказларидаги аввалдан МХХ назоратида турган “ваҳхобий» диндорлар оммавий қамоққа олинади. Вилоятлардаги ҳар бир туманларнинг ички ишлар бўлинмаларига, камида ўнтадан ваҳхобий ёки, ҳизбий «топиш» топширилади. Давлат режасини тўлдириш учун ҳам, кимни ушласалар 159 билан қамашади. Бу каби гуруҳларга аъзоликда айбланиб, минглаб оддий мусулмонлар қамоққа олинади. Юзлаб намозхон ёшлар 15, 20 йиллик муддатлар билан, гуруҳ бўлиб қамоқхоналарга кириб кела бошладилар. Ҳар бир райондан ўнтача ва қишлоқлардан камида икки уч кишидан қамалади. Ўша кундан бошлаб ИАК режими барча куч ишлатар тизимлари кучайтирилган режимда ишлай бошлади. Катта шаҳарлардан юзлаб минглаб ёш диндорлар ва эркак ва аёл фуқаролар қамалади.

Телевидения ва газета журналлар тарафидан оммавий суратда диндорларга қарши кўрсатувлар бошланади. Диний Бошқарма бу ишга тўлалигича жалб қилинади. Барча журналистлар ёзувчи ва шоирлар ваҳхобийларни, Ҳизбутларни, жиҳодчиларни таблиғчиларни ва режимга мухолиф фикрда бўлган диндорларни омматан бадном қилиш бошланади. Бу ишга айниқса Абдурашид Баҳромов, Фозил қори Ёсин ўғли, Абдуғани Абдуллоҳ, Абдулазиз Мансур ва Анвар Турсун деган нусхалар, катта шижоат кўрсатишади. Вилоятлардаги имомлар ҳам МХХларга яхши кўриниб қолиш имкониятини бой беришмайди. Айнан улар ким ваҳхобий ким ҳизбий эканини МХХларга кўрсатиб турадилар. Бу ишга Вилоят ва туман ҳокимларидан тортиб, то маҳалла раисларигача жалб қилинади.

Хуллас, ИАК режими бор кучи ва имконияти билан ўз фуқароларига қарши курашга киришади. Ўз халқини хонавайрон қилади. Ноқонуний гуруҳларга аъзоликда айбланиб минглаб оддий мусулмонлар қамоққа олинади. Юзлаб намозхон ёшлар 15, 20 йиллик муддатлар билан, гуруҳ бўлиб қамоқхоналарга кириб кела бошладилар. Улардан қанчаси ўлим жазосига ҳукм қилиниб, бу ҳукм ҳам тезда ижро қилина бошланди.

Бир ойга етмасдан ўн минг кишидан кўпроқ мусулмонлар қамоққа олинади. Йил давомида уларни суд қилиб, зоналарга жойлаштириш давом этди. У қама қамалар кейинги йилларда ҳам тўхтамади. Қамалганларни эса, терговда ва зоналарда кўз кўриб қулоқ эшитмаган азобларга дучор қилишди.

У пайтларда мен Товоқсойда ўтириб ҳар куни телевизордан воқеалар ривожини кузатардим. Бир куни ахборотда ўзимни укам Абутов Саидкамолни кўриб қолдим. Тўрткўлда мустақилликни кўролмайдиган ва халифат куришга уринган гуруҳ қўлга олинди деб гап бошлади диктор. Суд зали кўрсатилди. Тигрятник (суд залидаги темир тўсиқ) ортида укам ва яна учта яқин шогирдим туришарди. Диктор тарафидан Судда уларга берилган муддатни айтишди. Укамга 159 модда ва 273 модда билан 15 йил берилган эди. Шу йил август ойида укам шу мен ўтирган Товоқсой Зонасига этап бўлиб келди. Уни ва тўрт бешта намозхонни 22 февралда ушлаб варақа ва наркотик ташлаб қамашган экан. Варақани ва наркотикни ўзлари олиб келиб ташлаб, кейин «топиб олдик» дейишган. Бунақа тухматлар билан қамалганлар эса, мамлакат бўйлаб сон саноқсиз эди. Товоқсойга янги этап келганда улар орасидаги 159ларни алоҳида ажратиб олиб, калтаклаб изоляторда уч тўрт кун қолдирадиган одат чиқаришганди. Бошқа модда билан қамалганларни тезда зонага чиқариб юборишарди. Укам ҳам 159 модда билан қамалгани учун уни бошқа 159лар билан бирга камерага қамашган.

Мени Товоқсойдалигимни у биларди. Икки йил олдин қисқа учрашувга келиб кетганди. Энди ўзи ҳам 15 йил олиб келган экан. У шу ердаги васёкларга зонада Абутов деган имомни укасиман дебди. Изоляторни васёки отрядга келиб, домла сизни укангиз келди этап билан изоляторда деб хабар берди. Мен ДПНкага кирдим. (ДПК дегани, зонани ўртасида қурилган атрофи ойнабандлик, тунги навбатчилик қиладиган зобитлар ўтирадиган хона эди) Бугун навбатчи режим бўлими Бошлиғи Зиёвуддин деган капитан эди. Маҳбуслар уни Зиё ака деб чақиришарди. Қўлида дубинкаси билан маҳбусларни кўрганда уриб юрадиган одам эди. Мен уни олдига кириб, Зиё ака сизда гапим бор дедим. У мени танирди. Домла укангиз келди деди тиржайиб, мен унга қараб, шу масалада гаплашмоқчи эдим дедим. Қўлига уч минг сўм пулни ўралган ҳолда узатдим. Қанча деди у пулга қараб. Уч минг шу бўладими ё қўшайми? дедим. Бўлади деди у. Сиз кечки текширувдан кейин келинг, уни статяси 159 экан, шунга бу ишни анча хавфли. Лекин, мен сизни учраштираман деди у. Мен унга бўпди кечқурун келаман деб чиқиб кетдим. Ментларни пулга у бу ишни қилишларини мен динга зид иш деб ҳисобламайман. Бу иши қонунга зид бўлиши мумкин. Динга зид иш эмасди.

Чунки, инсонлар ўз эҳтиёжини битириши учун пул бериб қилдиришга мажбурдирлар. Қонунлар эса, аксар ҳолда инсон манфаатига зид бўлиб, уларни ҳатлаб ўтишга мажбур эдик. Мен укамни ҳизбутни варақасини топиб қамашганини телевизорда кўргандим. Мен уни ҳизбутга кирганми деб ўйлаётгандим. Бу ҳизбут деганини озодликда пайтим учратмагандим. Тўғри, уларнинг китобини ҳужраларда кўргандим. Лекин, у пайтлар улар сиёсий партия сифатида бир нуқтадан бошқарилиб турмасди. У китобларни қанақалигини ҳам биров тушунмасди. Зонага ҳизбутлар оқиб келабошлагач, мен улар билан учрашиб таниша бошладим. Тошкентдаги портлашларни қилганлар шулар деб телевизордан эшитгандим.

Улар келганида сўрасам, улар бизни бу портлашга алоқамиз йўқ дейишди. Портлашларни МХХ ўзи қилган дейишганди Ҳизбутлар. Уларга сизлар кимсизлар? Деб сўрасам, улар ўзларини партиясини 1952 йилда Тақиддин Набахоний деган кимса тарафидан ташкил этилганлигини ва мақсади куч ишлатмасдан ҳизбни тушунчасини ёйиб Халифат қуришлик экан.

Бу киши Урдун (Иордания), Сурия ва Ливанни кезган ва Байрутда вафот этиб у ерда дафн этилган. Унинг ўлимидан сўнг партияни фаластинлик Абдулқодим Заллум бошқара бошлади. Бу киши «ал-Азҳар»ни битирган ва «Халифалик шундай вайрон қилинган» деган китобни ёзган экан. Ўша пайтда бу партия амири ўша шахс эди. Набхоний Партия олдин ҳукуматга келиш муддатини 13 йил деб қўйган. Бу муддат уч марта чўзилган. Бироқ ҳанузгача уларнинг режалари амалга ошмаганди. Булар исломий давлатга хос конституцияни тузиб олган. Бу конституция 187 моддадан иборат экан. Булар шу пайтгача яширин фаолиятда бўлиб. Энди ошкора даъватга чиқишган экан. Варақа тарқатишиб қамалишган экан. Ақидада булар қуръонни ва мутавотир ҳадисларнигина тан олишар экан. Мутавотир ҳадислар эса мавжуд ҳадисларнинг бир фоизини ҳам ташкил этмаганлиги учун, булар деярли ҳадисларни эътиқодга олмайдиган тоифалар эдилар. Қуръонда бўлмаган ва саҳиҳ ҳадисларда келган кўплаб маълумотларни рад қилишарди. Қуръону ҳадисни ўқиб амал қилишлик мумкинмас. Бунини мужтаҳид ўқиб ижтиҳод қилиб бизга нима айтса шуни қилишимиз лозим дейишарди. Мужтаҳид эса шу ҳизбутларни каттаси экан. Булар шу ҳизбутни амирига байъат бериб, уни фатвосини ўз раъйига тўғри келмасада қабул қилиамиз деб қасамёд қилишган экан. Мени ҳайратга солгани, булар Яланғоч аёллар суратларига қарашни жоиз дейишарди. Номаҳрам аёлни ўпишни ёки у билан қўл бериб саломлашишни мубоҳ ҳисоблайди. Аёл киши учун шим ва парик (улама соч) кийишни жоиз дейди. Кофирнинг исломий давлат бошқарувида туришини жоиз дейди. Исломий давлатнинг куфр давлатига жия тўлашини жоиз дейди. Мусулмон космонавти учун намоз ўқишни фарз эмас дейди. Икки (шимолий ва жанубий) қутб аҳолисига намоз ва рўзани фарз эмас деб ҳисоблайди. Ерга хусусий эгалик қилувчига экин экишни вожиб дейди. Кимки уч йил давомида экин экмаса ва ундан фойдаланмаса, бу ерни ундан тортиб олиб бошқага берилади дейишади. Умуман ерни экин учун ижарага олишни ҳаром деб ман қилишади. Топилган мулкни закотнинг берилишидан кейин ҳам ҳаром дейишади. Ва ҳақозо...

Мен булар зонага келганидан бошлаб ҳали униси ва ҳали буниси билан суҳбатлашиб талашиб тортишиб, шуларни аниқлагандим. Бу болаларни ҳали диндан ҳеч нарса билмаслиги, мени ҳайратга соларди. Улар намозни тўғри ўқишни билишмасди. Лекин, Хитой ундай қилди. АҚШ бундай қилди деб, сиёсатдан сафсата сотишарди. Мени бу тоифа ҳайратга солганди. Ичида илмлироғи бўлса топиб гаплашишга ҳаракат қилардим. Укамни шу тофага мансубми деган фикр, менга тинчлик бермасди. Тўрткўлда бунақалар йўқ эди. Лекин, мен қамалганимдан кейин пайдо бўлганми деб ўйлардим. Кечқурун мен овқат олиб Зиёвуддин режимник олдида бордим. У изоляторни эшигини очиб мени киритди.

Ичкарига киргач, мени кирган ердаги ментлар ўтирадиган кабинетда қолдирди. Ўзи бориб укамни олиб келди. Мен у билан шу алоҳида кабинетда учрашдим. Биз кучоқлашиб саломлашдик. Мен унга сени телевизорда кўрдим. Ҳизбутни варақаси чиқди дейишди. Нима бало ҳизбга кирдинми? деб сўрадим. У менга йўқ, мен ҳизб пизбни билмайман. Менга шу варақани ментлар ўзлари ташлаб, кейин қамашди деди. Унга қўшиб, мени дўстларим масжидимиздаги фаолларни учтасини қамашибди. Тошкентдаги бомба портлагандан кейин, кўп ўтмасдан уларни қамашган экан. Мен унга, яхши иш бўлмабди. Уйда ота онам олдида сен бор эдинг. Энди сен ҳам қамалдинг, уларга қийин бўлди дедим.

Унга овқатни бериб, зонага чиқсанг гаплашмиз дедим. Ўн минутча гаплашиб қайтиб кетдим. Ҳар ҳолда уни ҳизбутлиги ёлғонлигини билдим. Бу ментларни уйдирмаси эди. Укам намозхон бўлсада, диний саводли бола эмасди. У қуръонни арабчасини эплаб ўқирди. Лекин, у арабча билмасди.

Укам билан Товоқсойда бир йил бирга ўтирдик. Кейин мени раскрутка қилишганди. Уйда эса уни хотини ва икки фарзанди ва қари Ота Онамиз қаровсиз қолган эди. Укамни аввал Попга олиб бориб, у ердан бир ойдан сўнг Товоқсойга этап қилишганди. Попга диний маҳбусларни қўймасдилар. Водийда зонада диний маҳбусларни сақлаш давлат учун хавфли эди. Водий диндорлар кўп яшайдиган ер бўлгани учун, улар зонага ҳужум қилиб уларни озодликка чиқариб юборишларидан хавфсирашарди. Аммо, барибир 2005 йилда худди шу ишни Акрамийлар қилишди. Жаслиқга юбормагани сабабини эса, укамга бир зобит , «Агар сен Қорақалпоғистондан бўлмаганингда сени Жаслиқга юборардик» деб, айтган экан. Бунга сабаб, демак у Тўрткўлдан яъни, Қорақалпоғистондан бўлгани учун, ўша ерга яқинроқ бўлганимиз учун, хавфсизлик нуқтаи назаридан у ерга юборишмаган экан.

Зонада учрашган одамлар

Ўша даврга келиб, кўшни Афғонистонда Толибон ҳаракати борган сари мамлакатни кўп қисмини эгаллаб, ўзининг ҳокимиятини ўрната бошлаганди. Шунингдек, улар орасида ЎИХ жангарилари ҳам борлиги ва уларга Толибон режими бошпана берганлиги ҳам яқин кўшни ва мусулмонларга жабр қила бошлаган режим сифатида танилган ИАК режими учун ҳам катта таҳдид манбаи эди. Аммо, ҳали АҚШ ва НАТО урушиш учун бу мамлакатга келмаган ва Россия эса бу ерга энди келмайдиган бўлиб чиқиб кетганди. Шу вазиятда ИАКни Толибон режими билан муомаласини яхшилашдан ўзга чораси қолмаганди. Толибон Афғонистонда иқтидорда турган 1998 йилда ИАК ноилождан улар билан “дўстона” алоқа қилишга ҳам уриниб кўрганди. Ҳатто, Шимолий Альянс билан уларни яраштириб қўйиш ниятида, Тошкентга ҳар икки тараф вакиллари таклиф ҳам қилганди. Ҳожи Акбар Тўражонзода воситасида уюштирилган бу учрашув марказий телевидениядан кўрсатилган эди. Катта оқ салла ўраган Толибон вакиллари ИАК нинг ўзи кутиб олиб, қуюққина саломлашганини телевизордан кўрганман. Аммо, томонлар ўзаро келишолмай тарқалиб кетишади. Бу билан ИАК тобора қуввати ошиб бораётган жангари Толибон гуруҳи билан, ўзаро алоқа ўрнатишга ва шу йўл билан уларнинг тажовузидан сақланишлик учун лозим бўлса “дўстона алоқа” ўрнатишга тайёрилигини намоён қилган эди.

Балким Толибондан ЎИХ аъзоларини ушлаб беришни ҳам сўраган бўлиши мумкин. Ва ўша пайтларда, Олий Мажлисни бир йиғилишида ИАК “Биз кўшни Афғонистон халқини истак ва хоҳишини тан оламиз. Улар қандай режим қуришни истасалар шунга ҳақлидирлар” деган эди. Бу ИАКни, Толибон режимини моҳиятан тан олишлиги эди. Бу гаплар ИАКнинг ноилождан қилаётган мунофиқона ҳийлалари эканлигини кейинроқ 2001 йил воқеалари тасдиқлади.

Ўша йиллари Зоналарда қонлар оқди. Зангиотада янги 64/65 сонли зона қурилди. Бу зонага 159ларни олиб бориб ломкадан ўтказа бошлашди. Ўша ерда уларни уриб синдириб ИАК номига кечирим хати ёздириб, мадҳияни ёдлатиб кейин, бошқа зонага юбора бошлаганди. У ерга борганларни қаттиқ азобларга дучор бўлганини эшитардик. Ўша пайтларда Қорақолпоқда Жаслик деган янги 64/71 сонли зона очилганди. Бу ер эса, гитлернинг концлагерини ўзгинаси эди. Бу ерда диндорларни уриб ўлдириб қаттиқ азоблар беришарди.

Ўша пайтларда Тўрткўлда Ўзбекистон колхозидан тўртта кишини қамашган. Мен бу болаларни танимасдим. Улардан бири Товоқсойга келганида учрашиб танишганман. Бечора болалар энди намоз бошлаган холис диндорлар эдилар. Уни акасини ҳам қамашган экан. Акаси Ҳизбутга алоқадор деб қамалган экан. Нариги иккаласи ҳам ака ука бўлиб, улар ваҳҳобийликда айбланиб қамалишибди. Улар тазйиқлар бошланганда, қаерга боришни билмасдан, ўзларича Эрон “ислом давлати” ўша ерга борамиз деб, йўлга чиқадилар. Туркменистонга ўтиб, у ерда суриштириб, Эрон чегарасигача борадилар. Лекин, Туркман чегарачилари уларни ўтказмаслигини билиб, яширин чегарадан кесиб ўтмоқчи бўладилар. Қаердадир ўтишга уринганда, уларни Эрон чегарачилари ушлаб олади. Ва туркманларга топширади. Туркманлар уларни Тошкентга беради. Шу иши учун улар 17, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинадилар. Мен бу тарихни эшитиб роса ачиндим. Бечора ёш болалар Эронни ИАК режимидан яхшироқ деб ҳисоблаб ўша ерга ўтмоқчи бўлишгани ҳам кулгули ва ҳам ачинарли эди. Бу тўрттаси ва Тўрткўлнинг ўзидан қамалган тўрттаси бўлиб, жами мендан ташқари саккизта бола диндор қамалганди. Буларга энди мени умуман алоқам йўқ эди. Булар энди ИАКнинг зулм сиёсати ва тақдир азал ҳукми билан қамалишганди. Товоқсойга Обид қорини укаси Абдумалик Назаров келди. Бу бола Қирғизистон граждани экан. Аммо, барибир Ўзбекистонга ўтганида уни ушлаб қамашганди. Сабаби, уни акаси Обид қори эди. Уни эса, қаердалигини топишолмаётгандилар. Улардан яна бири Умархон Назаров бўлиб, уни ҳам 159 модда билан қамашган. Мен у билан зоналарда учрашмадим. Абдумалик Назаровни чақириб меҳмон қилдим. У суҳбатлашишни истамайдиган бола экан. Мени саволларимга умуман жавоб бермасдан ҳа ё йўқ деб ўтирди. Уни отрядида Наманганлик Комил деган бола ҳам бор эди. У Мадинада ўқиб келган экан. Уни уйига келганида ушлаб қмашибди. У бечора намозни ҳам ўқимай қўйганди. Мен уни чақиртирсам меҳмонга келишдан бош тортди. У жуда қўрқоқ кимса экан. Барибир унга бу қўрқоқлигидан фойда бўлмади. Абдумаликни ва унга қўшиб. Ўша Комилни Жасликқа жўнатишди. Ўшандан кейин ўн йил ўтгач, 2008 йилда мен Абдумаликни Швецияда кўрдим.

Ўша йили Товоқсойга Шўрчидан Абдулҳамид Бекмуродов ҳам келади. Мен уни акаси билан, эски танишлигим учун чақириб, меҳмон қилиб суҳбатлашгандим. Уни акаси ўша мен истибдод китобимда айтиб ўтганим охун эди. Ҳизбутни Қашқадарё бўйича амири бўлган бу кимса, мени ҳам анчагина ҳизбутга даъват қилишга ҳаракат қилганди. Ҳафизуллоҳ Носировни таъсирида ҳизбга кирган бу бола, қуръонни ёд олган қори эди. Мен унга бу партияга кирмаслигимни ва мени даъват қилиб оввора бўлмаслигини айтдим. Шу билан у тўхтади. Кейинчалик, уни ҳам Жасликқа этап қилишди.

Терговда ва зонада ўша йилларда ўлиб кетган диндорларни сон саноғини мен билмайман. Эшитганим кўпгина ҳизбутчиларни терговда уриб ўлдиришган. Ҳафизуллоҳ Носировни укаси Ҳабибуллоҳ Носиров ҳам зангиотадаги 64/65 янги очилган зонада уриб ўлдирилган. Бунинг учун ментлардан кимдир қонуний жазо олганми йўқми, менга маълум эмас.

ЭРК партияси раиси Муҳаммад Солиҳга шу портлашни уюштирганликда айблаб сиртдан 15 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганди. Аммо, БМТ инсон ҳақлари қўмитаси уни оқлаш ҳақида қарор чиқаради. Уни укаларини деярли барчасини қамашган. Муҳаммад Бекжонни ва ЭРК аъзоси Юсуф Рўзимуродовни Бирлик ҳаракати аъзоси Қобил Диёровларни 15 март куни Киевдан олиб келиб, қамашади.. Қирғизистон, Қозғистон ва Ўзбекистондаги Эркчилардан жами 40тача одам ушланиб қамалади. Муҳаммад Бекжонни 12 йилга озодликдан маҳрум қилишган эди. Бу муддат тугагач 221 модда билан яна 5 йил қўшиб беришади. Мен буларни баъзиларини Навоий 46 сонли зонада кўрганман. Муҳаммад Бекжон билан бирга бир йилдан ортиқроқ бир отрядда ўтирганман. Муҳаммад Бекжон Жасликдан келганди. У ерда кўрган билганлари кўп ҳикоя қилиб берарди.

Тақдир ажойиботини қарангки, ўша қама қамалар пайтида, Элликқалъани имоми бўлган ва менинг Судимга келиб кўрсатма берган Тўрткўллик Худоёр ҳам 7 йил муддатга қамалиб Товоқсойга келди. Худоёр 159 билан эмас, пора олгани учун қамалганди. У братва ўтирадиган олтинчи отрядга тушган экан. Мен уни проходимга меҳмонга чақирдим. Зонага янги келган маҳбусларга изоляторда маҳбуслар робасини кийдиришади. У кийим маҳбусга мос келадими йўқми, қатъий назар кийиб зонага чиқишарди. Кейинчалик, сал тузукроқ кийим топиб кийиб, уни ташлаб юборишарди. Баъзилар, ўша кийимда муддатини охиригача юришарди. Бу жуда сифатсиз ва хунук кийимлар эди. Худоёр шунақа кийимдан кийиб, шапкаси калласига кичик бўлсада, кийиб олганди. Бу кийимда уни кўраман деб ҳеч ўйламагандим. Мени қаматган имом каби динфкркш имом бўлган бу кимса, нега қамалган экан деб ҳайратда эдим. Унинг айтишича, ўша мен қамалиб кетганимдан сўнг, у элликқалъадан имомликдан бўшаб, Тошкентдаги Ислон униветситетига ишга келибди. Хотини ва бола чақасини олиб, Чилонзорда бир уйда ижарада яшаб, шу институтда талабаларга дарс бера бошлабди. Кейин, кимнидир ўқишга кириши учун беш юз доллар пора олганида ушлашибди. Шу билан етти йилга қамашган экан. Бунини айтишича, у пора олмаган. Бу МХХнинг подставаси эмиш. Мен уни яхшилаб меҳмон қилдим. Братишқалар унга атаб ош пиширишди. Дастурхонда бир пайтлар мен уни уйига борганимда олдимизга қўйган нарсалардан кўра кўпроқ нарсалар бор эди. Уни болаларга бу киши имом бўлган деб таништирдим. Устига сал одамга ўхшаб юринг деб, кийим кечак ва бошига шапка бериб, қўлига бир сумка продукта бериб юбордим. У ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. У мени қамокдаги ҳолатимни кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолганди. Кейин мен болаларга уни кимлигини тушунтирдим. Бу кимса, динфурушлик қилиб яшаган одамлардан бири бўлади. Бунақалар аслида яхши яшайдиган даврда ҳам бу негадир қамалибди, деб бу билан бўлган Тўрткўлдаги воқеъларни гапириб бердим. У мени қаерда кўрса келиб қуюққина салом алик қиларди. Аммо, уни тез вақтдан бошқа зонага этап қилишди. 2004 йил май ойида эса, у мени турмадан чиққанимни эшитиб, уйимга ҳам келди. У икки йил ўтириб, озодликка чиқибди. Кейин, Тошкентдан яна Тўрткўлга қайтиб бориб ўзини қишлоғида муллалик қилаётган экан. Мен Худоёрни қамалганини кўриб, ҳа, демак, модомики, қамалиш керак экан, порахўрлик билан эмас, ноҳақдан қамалган яхшироқ экан деган фикрга келдим.

Ўша пайтда Тавоқсойга Бухоролик Баҳром деган бир киши келди. У касофат ҳам 159 модда билан қамалганди. Бўйи икки метр бўлиб, ўзи қотмадан келган бу киши мендан беш ёш катта эди. У киши Бухоролик бир фирибгарни Исо алайҳиссалом деб ишонарди. Эмишки, Исо алайҳиссалом ерга қайтиб тушганмиш. Бу ўша Бухоролик Баҳоулло деган, кимса эмиш. У ҳозир Поппа ўтирган экан. Уни Исо алайҳиссалом эканига исбот эса, фалон куни, ой фалон ерда кўринганмиш. Хуллас, бу гаплар сафсатадан бошқа нарса эмасди.

Бечора бу киши жин чалганми дейман, шу нарсаларга ўзи ишонар ва бошқаларни ишонтиришга уринарди. Мен у билан изоляторда бирга ўтирдим. Уни баданига кичима чиқиб, тинмай қаширди. Касалликдан озиб тўзиб кетганди. Бечорани яна тинмай уришарди. Мен унга ачинардим. Шунча азоблар билан яна, шу ақида устида ўлиб кетса, охирати барбод бўлмасин деб унга уқтиришга уринардим. У ўзини Баҳоуллони (Исо алайҳиссаломни саҳобаси) деб биларди. Уни ҳам жасликқа этап қилишди. Кейин эшитишимча. У ўша ерда ўлиб кетибди.

Қирғизистоннинг қора сувидан бир Ҳабибуллоҳ деган киши ҳам келганди. У ҳам ҳизбут эди. У Алоуддин Мансурни шогирди бўлган экан. Бу ҳизбутга киргач у билан муносабати узилган экан. Бу киши 8 йилга ҳукм қилинганди. Уни Андижоннинг қора сувига ўтганида ушлаб қамашган экан. Бу киши билан ҳам изоляторда ўтирганман. Ўша Бухоролик Баҳром ҳам бирга бўлганди. Ҳамидуллоҳ ака нафас ололмасди. Унинг астма касали бор экан. У кишини ҳам бир оздан кейин Жасликқа этап қилишди. Шундан кейин бошқа у киши ҳақида хат хабар эшитмадим.

2013 йилда эса озодлик радиосида қуйидаги хабар чиқди. «Ўзбекистонда 14 йил муқаддам судланган ва 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, шу йилнинг апрелида эса қамоқда юрак хуружидан вафот этгани хабар қилинган ўшлик Ҳабибулла Омоновнинг қизи — Зулфия Омонова отасининг ҳоки-пойини қидирмоқда. Ўзбекистон суди томонидан 1999 йилда Ҳизбут Таҳрир диний оқимиға алоқадорлик ва Ўзбекистонда конституцион тузумға тажовузда айбланиб, 10 йилга қамалган Қирғизистонлик Ҳабибулло Омонов Косон қамоғида вафот этган. Бу ҳақда Омоновнинг Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги оиласиға шу йилнинг 11 апрелида телеграмма келгани ҳақида марҳумнинг қизи Зулфия Омонова Озодликка сўзлаб берди. Зулфияға кўра, тегераммада унинг отаси шу йилнинг 4 апрелида юрак хуружидан оламдан ўтгани ва яқинлари вақтида келмагани боис марҳумнинг жасади Косон шаҳридаги қабристонға дафн этилгани айтилган." Аллоҳ мағфиратиға олсин бу кишини раскрутка қилиб то умри тугаб ўлгунича турмада сақлашган экан. Ўлгач эса, ўлигини ҳам ментлар ўзлари кўмиб юборишган.

Наманганнинг Косонсой районида Товоқсойға бир ҳизбий бола келганди. У билан Товоқсойда анчагача бирга бир отрядда яшадик. У нариги ҳизбутлардан фарқли ўлароқ. Аввал хужрада ўқиган ва озми кўпми саводи бор эди. У менға ҳизбутни мақтаб гапирарди. Ўзи юмшоқ ҳалим бола эди. Мен уни ҳизб деб чақирардим. Мен ҳамма ҳизбчини ҳизб дердим. Улар бунинормал қабул қилишарди. Бу ҳизбни биз билан бир отрядда бўлгани учун анча яқинроқ тутардим. У менға ўзи яшайдиган шаҳарда Баҳодир исмли врач бола Ҳизбий бўлганини ва шу йўлда қайтмасдан қамалганини гапириб берганди. Тақдирни ўйинини қарангки, орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач, мен Навоийда ўша баҳодир билан 9 отрядда бирга бўлганман. Ўша ҳизбий мен билан Товоқсойдан бўлиб, кейин сил касалиға учраб, Зарафшонға кетади.

Шунингдек, ўша йили оммавий қама қамалар пайтида МХХ назоратида турган Андижондаги “Акрамийлар” гуруҳини раҳбари ҳисобланган Акрам Йўлдошев ҳам ҳибсға олинганди. Уни 159 модданин 3 қисми билан 17 йилга озодликдан маҳрум қилишади. У зонада сил касалиға йўлиқиб, Зарафшондаги 36 сонли сил касаллар учун махсус зонада ўтирган.

Ўша зонаға кейинчалик, Товоқсойдаги менин ғизбут танишим ҳам келади. Ва у Акрам Йўлдошев билан шу ерда анчагача бирга бўлади. Ва ўша ерда Ҳизбут Таҳрирни йўли хато эканини ва акрамий йўли «тўғри» эканини тушунади. Ва ўзи янги топган акрамийлик деган «тўғри йўлга» киради.

2003 йил декабр ойидаги Амнистия билан озодликга чиқиб, кетади. 2005 йилдаги Андижон воқеъларидан кейин, у ҳам бошқа кўплаб, Акрамийлар сафида чет элга чиқиб кетади ва охири Швециядан бошпана олади. 2009 йилда эса, мен у билан кутилмаганда учрашиб қолдим. Ўшанда у менга, буларни гапириб берган эди.

Товоқсойга Қўқонлик бойваччалардан бўлган Исмоил ҳожи деган киши келди. Кўп ўтмай шу ерга уни Қўқонлик куёви ҳам келди. Бу қайнота куёв олдинги масжид жойлашган тўртинчи отрядда бирга яшашарди. Мен Қутбуллоҳни уни олдига юбориб, проходга меҳмонга таклиқ қилганимда келишмаганди. Исмоил ҳожини икки қизига, икки ака ука уylanган экан. Мен ўша Ҳожини ва кичик куёвини Товоқсойда кўрдим. Катта куёв билан эса, Швецияда учрашдим. Бу кимса таблиғчи бўлиб, ўн кунлик бир ойлик даъватга чиқиб юрарди. Ҳозирда у Дубайга ўша, Товоқсойдаги укаси ёнига кетган.

16 феврал воқеъасини уюштирганликда айбланиб суд қилинган 22 та фуқародан 6 тасига ўлим жазоси берилади. Шулар ичида, юқорида айтиб ўтганим Андижон Жомеъси мутаваллиси бўлган, Қозоғистондан ушлаб келинган, Козим Зокиров деган киши бўлган эди. Бу суд жараёнини қисқача бўлсада телевизорда кўрсатишганди. Ўлим жазоси берилганлар, мол мулки мусодара қилишга ҳам ҳукм қилингандилар. Козим Зокировга шу портлашларни уюштирган Муродилла Қозиев гуруҳини раҳбари ва Баҳром Ҳамзаевич Абдуллаев гуруҳига алоқадор деб, ҳисобланиб ўлим жазоси берилганди. Эшитишимча, Козимбек Зокировни Қозоғистондан ушлаб келиб, кўп қийнашади.

ЎИХга алоқадорликни ва портлашларни уюштирганликни бўйнига олишни талаб қилишади. Лекин, у тан олмайди. Охири ментлар ўз жирканч усулини қилишади, унинг оиласини ҳам олиб келиб, кўзини олдида зўрламоқчи бўлганда, у киши майли, мен бу айбни бўйнимга оламан, оиламни қўйиб юборинглар деб, қоғозга имзо чекади. Жисмонан бақувват бу кишини, шунча уриб ҳам иродасини синдира олмаганлар. Козим ака 1956 йилда туғилган бўлиб, ўша пайтларда 43 ёшида бўлган. У Жомеъни мутаваллиси эди. Уни укаси милиция майори Ҳусан Зокировни ишдан бўшатиб, акасига ёрдам берганликда айблаб, 159 модда билан 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишади. Унга сен акангни жиноятларини бизга айтмагансан, яширгансан деб, айблашган. Шу 16 феврал иши билан 20 йилга қамалган МХХ капитани бўлган Абдукарим деган болани, мен кейинчалик Навоий 46 да кўрганман.

Шу йил март ойида эса, уч тўртта Хоразмлик болалар Тошкентдан Хоразмга кетаётган автобусни гаровга олишиб, ҳукуматдан қамалган биродарларни озод қилишликни талаб қилишди. Акс ҳолда улар автобусдаги одамларни ўлдириш билан таҳдид қилишди. Бу воқеъани ҳам Товоқсойда ўтириб телевизордан кўрдик ва эшитдик. Бу воқеъа ҳақида кейинроқ тўлиқ маълумотларга эга бўлдим. Аммо, ўша автобусни гаровга олиниш воқеъаси юз берган пайтда, мен Товоқсойда санчастанда ётгандим. Бу шунчаки, бир дам олиш учун бориб гаплашиб ётгандим.

Санчастанда шунча йил зонада юриб, ҳеч ётиб кўрмагандим. Ўшанда бир бориб дам олай деб ётдим. У ерга ётишлик учун эса, санчасти бошлиғига тўлаш керак. Мен ўша ерда ётганимда, бу воқеъани эшитдим.

Ёнимда ётган киши Афғонистонлик қандайдир генерал бўлиб, у бир нимани Россиядан Афғонистонга олиб ўтаётганда қўлга тушиб қамалганди. Генерал намоз ўқимасди. У рус тилини яхши билар ва мен у билан русча гаплашардим. Ўша генерал автобусни гаровга олишибди террористлар деганди. Бу воқеъани ўша Генералдан эшитганман. АҚШ президенти Билл Клинтонни Моника деган аёл билан зино қилгани воқеъасини ҳам шу генерал айтганди.

Англашимча, бу кимса Толибонга қарши томонда туриб уришаётган Аҳмадшоҳ Масъуд одамларидан эди. Унда диндан асар йўқ эди. Автобусни гаровга олиниш воқеъасини ҳам, кейинчалик Усмон Ҳақназаров деган кимса ёзиб чиққанди. Қуйида шуни эътиборингизга ҳавола қиламан.

Саримой посёлкасида автобусни қўлга олиш воқеаси

1999 йил 29 март куни Темурбек Бобожонов, Саъдулла Бобожонов, Ҳамро Ҳалиллаев ва Полвонназир Хўжаевдан иборат тўрт кишилик гуруҳ “Москва-Тошкент” поездида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга келади ва “Тошкент-Урганч-Янгибозор” (Хоразм вилояти) автобусига ўтиришади. Ўзбекистонга келгунга қадар бу йигитлар мужоҳидларнинг Чеченистондаги лагерларида ҳарбий тайёргарликдан ўтишади.

Гуруҳнинг асосий мақсади Хоразм вилояти Янгибозор тумани ИИБ бошлиғи, баъзи терговчилари ва “прессчи”ларини (одамларни қийноққа солувчи ходимларини) ҳамда туман прокурорини ўлдириш бўлган. Янгибозорлик йигитлар маҳаллий кучишлатарлар ва прокурорни бир неча йил илгари қилган бир жинояти – Саъдулла Бобожоновни уй чорвасини ўғирлашда гумон қилиб, қаттиқ қийноққа солгани – учун шу тариқа жазолашни ният қилганлар. Шу сабабдан Янгибозорга кетаётган гуруҳ пистолет, ўқ ва гранаталар билан қуролланиб олган. Тошкент темир йўл вокзалидан “Ипподром” шаҳарлараро автостанциясига келган жангарилар Хоразм вилояти Янгибозор тумани марказига борадиган “Икарус” автобусига чиқишади. Бу Янгибозорда қасос амалиётини ўтказишга шошаётган гуруҳнинг хатоси эди. Чунки кейинчалик автобус Хоразм вилояти ҳудудига кираверишда жойлашган “Саримой” йўл-патрул пости (ЙПП)га етиб борганда йўловчи аёллардан бири постда турган милиционерларга автобусда янгибозорлик Саъдулла Бобожонов борлигини ҳамда ушбу йигит уй чорвасини ўғрилаганликда гумон қилиниб, Янгибозор ички ишлар бўлими томонидан қидирувга берилганлигини айтади.

Гап шундаки, жангарилар ўтирган “Икарус” автобуси 1999 йил 30 март куни эрталаб “Саримой” ЙППга етгач, постда турган милиционер ва божхоначилар автобус юкхонасида олиб кетилаётган буюмларни текшира бошлайдилар. Текширув пайтида улар Хитойда ишлаб чиқарилган ва йўловчи аёллардан бирига тегишли бўлган товарларнинг катта партиясига дуч келишади. Текширувчилар билан жанжаллашиб кетган тижоратчи аёл: “Менинг товаримга кўз олайтиргандан кўра, сизлар ўғирлик учун қидирувга берилганларни ушланглар. Ана, шундайлардан биттаси автобусда ўтирибди!” – деб навбатчи милиционерларнинг диққатини Саъдулла Бобожонов томонга қаратади. С. Бобожонов ўзи сигир ва отларни ўғирлаганликда гумон қилиниб, Янгибозор ИИБ томонидан қидирувга берилганидан бехабар эди. Ҳақиқатдан ҳам илгари уй чорвасини ўғирлаш бўйича гумон ва тергов қилинган ҳамда қамалиб чиққан барча янгибозорликни маҳаллий изкувар милиционерлар ўзларининг “ментча” одатларига кўра, ёппасига қидирувга беришганди. Саъдулла Бобожонов буни “Саримой”да тўхтатилган автобусда билди.

Янгибозорлик тижоратчи аёлнинг сўзларидан кейин навбатчи милиционерлар аёлни ва унинг товарларини тинч қўйиб, ҳамма йўловчиларнинг паспортларини қайтадан текшира бошлашди. Милиционерлардан бири Саъдулла Бобожоновнинг паспортини олиб, йўловчига орқасидан юришни буюрди. С. Бобожонов олдинига жойидан туриб, милиционернинг изидан юра бошлади. Лекин икки-уч қадам отар-отмас чўнтагидан пистолетини олиб чиқиб, милиционернинг оёғидан отиб, уни яралади ва ўз паспортини яраланган милиционернинг қўлидан суғуриб олди. Шундан сўнг у ярадор милиционерни автобусдан ташқарига улоқтирди.

Автобус йўловчилари ва “Саримой” пости навбатчилари орасида саросима бошланиб кетди. Мужоҳидлар эса саросимага берилмасдан вазиятни ўз назоратига олиб, ўз шартларини илгари сура бошладилар. Улар энг аввало шлагбаумни кўтаришни ва йўлни очиб қўйишни талаб қилишди. Бироқ қўрқувга тушиб қолган навбатчилар жангариларнинг талабини бажаришга журъат эта олишмади.

Тушга яқин Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарлари жангари Саъдулла Бобожоновнинг отаси Собир Бобожовни Янгибозордан излаб топиб, “Саримой” постига олиб келишди. Кучишлатарларнинг талаби билан ота ўз ўғлидан гаровдаги одамларни озод қилишни илтимос қила бошлади. Саъдулла Бобожонов отасининг илтимосларига рад жавобини берди. “Ота! Буни илтимос қилманг! Буни сиздан “мент”лар талаб қилаётганини билиб турибман. Барибир улар мени ҳам, сизни ҳам аяб ўтиришмайди. Уларга ишонманг!” – деди Саъдулла Бобожонов.

Шундан сўнг жангарилар шлагбаумни кўтаришни ва йўлни очишни яна талаб қилишди. Бироқ куч ишлатарлар ҳам қайсарлик қилиб, йўлни очишмади. Шунда мужоҳидлар, агар йўл очилмаса, гаровдагиларни отиб ташлашлари ҳақида огоҳлантиришди. Урганчдаги раҳбарлари билан телефон орқали мулоқот бошлаган навбатчи милиционер, божхоначи ва мххчилар жангариларнинг бу огоҳлантиришига парво ҳам қилишмади. Шунда жангарилар гуруҳи кучишлатарларни қўрқитиш мақсадида гаровдагилардан бирини отиб ташлашга қарор қилдилар.

Жангарилар гуруҳи йўловчилар орасидан гурланлик бир ёш фермерни танлаб олди. Бу фермер йигит Тошкентдан Саримойгача бўлган йўл давомида автобусда ароқ ичиб, тартибсизлик қилган ва ҳайдовчиларни шўх қўшиқларни баланд овозда қўйишга мажбурлаб келган. Тунда баралла овозда қўйилган ўйноқи қўшиқлардан безиган ва ухлай олмаган йўловчиларнинг шикоятларига жавобан гурланлик фермер: “Бу қўшиқлар қўйилиши учун мен пул тўлаяпман. Сизлар ҳайдовчига мenden кўпроқ тўланглар, ҳайдовчи менинг истагимни эмас, сизларникини бажаради!” – деб, одамларнинг устидан кулиб келган. Кейинчалик баъзи аёл ва кекса йўловчилар каттиқроқ эътироз билдиришганда ёш фермер уларни энг жирканч сўзлар билан ҳақоратлаган. Ва 1999 йил 30 март куни йўловчилардан бирини отиб ташлаш масаласи чиққанда жангарилар гуруҳи тунда барчанинг эътиборини ўзига қаратган ўша гурланлик фермерни танлади.

Жангарилар фермерни олиб келиб, автобуснинг олди эшигидан чиқаришди. Саъдулла Бобожонов тунги безорининг бошига намоийшкорона ўқ узди. Фермернинг жасади автобусдан ташарига улоқтирилди. “Саримой” постида навбатчиликда турган куч ишлатарлар юз берган ҳодиса ҳақида дарров Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарларига хабар беришди. Бироз вақтдан кейин шлагбаум кўтарилди, ва жангарилар томонидан гаровга олинган автобус Урганч тарафга йўл олди. Урганч ва Янгибозоргача 150 километрлик (қумликлар ичида – 80 километр ва аҳоли пунктлари ичида – 70 километр) масофани босиб ўтиш керак эди. Бироқ жангарилар Хоразм вилоятининг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларигача етиб бора олмадилар.

Чунки автобуснинг ва йўловчиларнинг гаровга олинганидан хабар топган туркменистонлик чегарачилар ўтиш пунктини ёпиб қўйишди, жангарилар билан гаплашишдан ва автобусни Туркменистон ҳудудидан ўтказишдан қатъиян бош тортди. Гап шундаки, авваллари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани Мискин посёлкасини Хоразм вилояти Хазорасп тумани Питнак посёлкаси билан боғловчи темир йўл кўприги 2004 йилда Амударё устида қурилгунга қадар, Хоразмга кетаётган автобуслар, юк ва енгил автомобиллари Туямўин сув омбори иншоотининг устидан 200 метрлик ҳамда Туркменистон Республикаси ҳудудидан икки километрлик йўлни босиб ўтишга мажбур эдилар.

Шу сабабдан 1999 йил 30 март куни “Икарус” автобуси Туркменистон чегара назорат постига етиб келганда, қўшни республика чегарачилари автобусни ўз ҳудудидан ўтказишдан бош тортди. Бу вазиятда Урганч ва Янгибозорга етиб боришдан умидини узган жангарилар Тошкентга қайтишга қарор қилишди. Туямўин сув омборининг иншоотидан ортга қайтгач, жангарилар куч ишлатарлардан ёқилғи тўла янги автобус беришни талаб қилишди. Бунинг эвазига улар барча болаларни, аёлларни ва қарияларни озод қилиб, гаровда фақат эркакларни қолдиришга сўз беришди. Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарлари янгибозорлик тадбиркорлардан бирига тегишли янги “Мерседес-Бенц” автобусини топишди. Улар тадбиркорнинг автобусини бешикаст қайтариб беришга ёки, автобусга зарар етса, етказилган зарарни қоплашга ваъда беришди.

1999 йил 30 март кунининг ярмида жангарилар ихтиёрига “Мерседес-Бенц” русумли янги автобус топширилди.

Шундан сўнг гаровга олинганларни “Икарус”дан “Мерседес-Бенц”га ўтказиш бошланди. Гаровдагиларни бир автобусдан иккинчисига ўтказиётганда мужоҳидлар ўз ваъдасининг устидан чиқишди: ёш болаларни, аёлларни ва кексаларни қўйиб юборишди.

Янги автобусга жангарилар фақат эркак йўловчиларни олиб ўтишди. Шуниси қизиқки, милиционерларнинг диққатини қидирувдаги Саъдулла Бобожоновга қаратган тижоратчи аёлни ҳам жангарилар қўйиб юборишди. Бундан ташқари, улар мужоҳидлардан бири – Ҳамро Ҳалиллаевнинг мактабдаги собиқ математика ўқитувчисини ҳам қўйиб юборишди. Ваҳоланки, ўқитувчи ўрта ёшлардаги эркак эди. Ўз ўқитувчисини қўйиб юбораётганда Ҳамро Ҳалиллаев: “Домла, сиз ҳам уйингизга боринг! Ислон одамларни ўз устозларига ҳурмат кўрсатишга чақиради”, – деди. Гаровдагиларнинг ярми қўйиб юборилгандан кейин янги автобуснинг салонига 28 йўловчи олиб ўтилди. Ва автобус Тошкентга қараб йўл олди. Янги автобусда кетаётиб, жангарилар гаровга олинганларга йўловчиларни ўлдириш нияти йўқлиги ҳақида билдиришди. “Сизларни ўлдириш ниятимиз йўқ. Биз Тошкентга етиб олиб, Ўзбекистондан чиқиб кетмоқчимиз холос. Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтамызки, ҳатто Каримов қўшинлари бизга қарши ҳужум бошлаб, ўқ ота бошласалар ҳам, биз сизларни ўлдирмаймиз”, – дея ваъда берди Ҳамро Ҳалиллаев. Бироқ мужоҳидлар Тошкентга етиб бора олмадилар: ичида жангарилар ва гаровга олинган йўловчилар кетаётган автобус “Саримой” ЙППдан Газли ва Бухоро шаҳарлари томонга қараб бир неча километр юргач, автобуснинг йўли “ЗиЛ” русумли юк машиналари билан тўсиб қўйилди.

Машиналар бу жойга Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги Ички ишлар вазири Зокир Алматовнинг буйруғига кўра келтирилганди.

Аввалига Тошкентдан Бухорога учоқда, кейин эса Бухородан Саримойга тикучарда зудлик билан етиб келган Зокир Алматов жангариларни электр карнай орқали ҳақоратлаб, гаровга олинган одамларни озод қилишни талаб қила бошлади.

“Мен – Зокир Алматовман. Ўзбекистон Ички ишла вазири сифатида қайтараман: сизлар ҳеч нарсага эриша олмайсизлар! Биз сизларни итларни отгандай отиб ташлаймиз! Яхшиликча таслим бўлинглар, акс ҳолда биз нафақат сизларни, балки сизларнинг мараз яқинларингизни ҳам йўқ қилиб ташлаймиз!” – дея бақирарди Ички ишлар вазири. Бироқ вазирнинг дўқ-пўпислари жангариларни қўрқита олмади. Улар Алматовга мурожаат қилиб, ҳеч қачон таслим бўлмасликларини, гаровдагиларни фақат Тошкентга етиб боргач, учоқ тақдим этилгач ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш арафасида озод қилишларини айтишди. “Алматов, сен бизни ва қариндошларимизни отиб ташлашинг мумкин, лекин биз ҳеч қачон таслим бўлмаймиз. Агар сен бизни ва яқинларимизни ўлдирсанг, биз ва қариндошларимиз жаннатга тушамиз. Агар биз сени ва сенинг милиционер “ит”ларингни ўлдирсак, сен ва сенинг милиционер “ит”ларинг дўзахга тушасизлар. Биз Аллоҳ йўлида ҳалок бўламиз, сизлар эса кофир Каримов йўлида ҳалок бўласизлар! Биз бўлмасак, бошқа муҳождлар албатта сендан ҳам, сенинг фарзандларингдан ҳам қасос олишади. Алматов, шуни эсингда тут, сен ва фарзандларинг муҳождларнинг қасосидан қутулиб қола олмайсизлар. Ҳали вақти келади, ва сен мусулмонларга қарши қилган барча жиноятларинг учун жавоб берасан”, – деди Темурбек Бобожонов.

Ички ишлар вазири жангариларнинг жавобидан бироз шошиб қолди. Кейин эса яна уларни ҳақоратлаб бошлади. Ушбу музокараларга ва жангариларни бартараф қилиш амалиётига оид барча тафсилотларни Зокир Алматов телефон орқали президент Ислам Каримовга етказиб турди.

Муҳождлар Алматовнинг қуруқ ҳақоратидан вазирда музокара ўтказиш нияти йўқлигини, ҳамда вақтни ўлдириб, кун қоронғулашишини ва автобусни тунда ишғол қилмоқчилигини тушуниб етишди. Кейинчалик жангариларнинг тахминлари тўғри бўлиб чиқди: кечга яқин автобус блокировка қилинган жойга ИИБга қарашли махсус отряд ҳамда Ўзбекистон Президенти хавфсизлик хизмати (ПХХ)нинг бир нечта снайперлари етиб келди. Шундай қилиб...Автобусга уюштирилган ҳужумҚоронғу туша бошлагач, ичида жангарилар ва гаровга олинган йўловчилари бор автобус “ЗиЛ” русумидаги бир нечта юк автомобили билан тўла ўраб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, юк машиналарининг барчаси юзи (олдинги чироқлари) билан автобусга қаратиб қўйилди. Атрофга зулмат тушгач, автобусни ишғол қилиш амалиётига бошчилик қилаётган Зокир Алматов юк машиналарининг олдинги чироқларини узоқни ёритиш режимида ёқишни буюрди. Вазирнинг буйруғи бажарилгач, автобус тўрт тарафдан шунчалик ёрқин ва кўзни қамаштирадиган даражада ёритилдики, юк машиналари томонга қарашнинг иложи бўлмай қолди.

Махсус отряд аскарлари ва ПХХ снайперлари “ЗиЛ”ларнинг ёрқин нури ёрдамида автобусдаги жангариларни нишонга олиб, йўқ қилиш мақсадида юк машиналарининг орқаларига жойлашишди. Биринчи ўқни ПХХ снайперларидан бири узиб, автобус ичида ҳаракатланаётган жангарилардан бирини нишонга олишга уриниб кўрди. Шундан сўнг энг замонавий мерганлик қуроллари билан қуролланган снайперлар қаторидан зудлик билан иккинчи ўқ узилди. Бироқ на биринчи ва на иккинчи ўқ жангариларга тегмади.

Оддий пистолетлар билан қуролланган жангарилар бир неча сониялардан кейин, ҳукумат аскарлари томонга жавоб ўқи узишди. Бунинг натижасида сал олдинроқ жангарилар томонга ўқ узган МХХ катта лейтенанти, ПХХ снайпери Эрик Гаязов ҳалок бўлди. Кейин автобус ичидан юк машиналари томонга яна бир ўқ узилди.

Бунинг натижасида сал олдинроқ жангарилар томонга иккинчи ўқни узган снайпер Сергей Ничепуренко ҳалок бўлди.

Юк машиналари орқасида: “Бизникиларни ўлдиришди!” – деган ҳайқириқлар янгради.ПХХ снайперларининг иккаласи ҳам бошларидан ўқ еб, ҳалок бўлишди. Буни кўргач, махсус отряд аскарлари ва ПХХ снайперларини қўрқув эгаллади. Чунки улар оддий пистолетлар билан қуролланган жангарилар ҳатто кўзни қамаштирадиган, ёрқин нурга қарши қараб ҳам нишонни топа олишларини, мўлжалга ола олишларини ва ота олишларини кутмагандилар. Жаҳли чиққан Алматов: “Қаттиқ ёритилаётган нишонни ҳам мўлжалга ололмаяпсизлар!” – дея снайперларни ҳақоратлашга тушди. Вазир жангариларни ўққа тутишни давом эттириш ҳақида буйруқ берди. Шундан сўнг жанг қилаётган томонлар ўртасида қаттиқ отишма бошланиб кетди. Юк машиналари ортидан туриб отилган ҳар бир ўққа автобусдаги жангарилар икки ўқ отиб жавоб қайтаришарди. Ярим соат давом этган отишма натижасида Ўзбекистон ПХХнинг яна бир снайпери, МХХ капитани Сергей Давидов ҳам ҳалок бўлди ва махсус отряддан 9 киши ярадор бўлди. Алматов ва ҳукумат қўшинлари жангарилар кўзни қамаштирадиган нурга қандай қилиб қараб, қоронғудаги мўлжални қандай қилиб нишонга олаётганига тушуна олишмасди. Кейинчалик Ҳамро Ҳалиллаев ва Темурбек Бобожонов автобус томонга ўқ узган снайперларни жангарилар қандай аниқлаганликларини, терговчиларга ва судьяларга гапириб беришди. “Махсус отряд юк машиналарини юзи билан биз тарафга қарата бошлаганда, ҳукумат аскарлари “ЗиЛ”ларнинг чироқларини узоқни ёритиш режимида ёқиб, бизнинг кўзларимизни қамаштириб, бизга қарши ўқ ота бошлашни режалаштираётганини дарров пайқадик.

Шу сабабдан биз зудлик билан керакли позицияларни эгалладик ва ҳар биримиз алоҳида томонга қараб жойлашдик. Ўқ узган снайперни юк машиналари ортидан отилган ўқларга қараб топардик, нишонга олардик ва отардик.

Бу нарсаларни биз Ҳаттобнинг Чеченистондаги лагерларида ўрганганмиз”, – деганди Темурбек Бобожонов. Автобусни ишғол қилиш амалиёти пайти телефон орқали алоқага чиққан президент Ислом Каримовга Зокир Алматов: “Афсуски, биз тарафдан уч қурбон ва 9 ярадор бор. Жангарилардан эса ҳозирча қурбон йўқ”, – дея жавоб беришга мажбур бўлди. Бу хабардан жунбушга келган Каримов автобусни жангарипангариси ва йўловчи-пўловчиси билан бирга отиб ташлашга буйруқ берди.

Шундай қилиб...Автобуснинг отиб ташланиши 1999 йил 31 март куни соат тахминан 02 ларда Зокир Алматов махсус отряд аскарларига мамлакат президентининг топшириғини етказиб, автобусни отиб ташлашни буюрди. Ўз аскарларига электр қарнай орқали мурожаат қилган Зокир Алматов: “Ислом ака: “Автобусда биронта тирик жон қолмасин!” – дедилар. Ислом ака: “Хоразмликлар – инсониятнинг орқа тешиги, дунёдаги энг жирканч халқ”, – деб айтдилар. Шундай экан, улардан ҳеч кимни аяманглар! Автобусда фақат хоразмликлар бор. Улар шафқатингизга лойиқ эмаслар!” – дея бақириб, ўз қўшинларини мудҳиш жиноятга сафарбар этарди. Ва бироз вақт ўтгач, махсус отряд автобусга қарата кўр-кўрона ўқ уза бошлади. Қандайдир 10-15 дақиқа давомида тинмасдан ўқ отилиши натижасида янги “Мерседес-Бенц” автобуси ўзига хос темир тўрга айланиб қолди. Автобус ичида қимирлаган жон қолмагач, Алматовнинг аскарлари автобусга бостириб киришди ва унинг салоида атиги битта тирик одамни – оғир ярадор бўлган Темурбек Бобожоновни топишди ва ҳисбга олишди. Эрталабга яқин эса Алматовнинг аскарлари гаровга олинган 28 йўловчининг барчаси ва мужоҳид Саъдулла Бобожонов отиб ўлдирилганини, жангарилардан иккитаси (Ҳамро Ҳалиллаев ва Полвонназир Хўжаев) эса воқеа жойидан қочиб кетганига амин бўлишди. Жангарилардан иккитасининг қочиб кетганини эшитган Алматов жунбушга келди, чунки сал олдинроқ у президент Каримовга: “Автобусда биронта тирик жон қолмади!” – деб, Тошкентдаги золимни ҳурсанд қилган эди.

Аскарлар етказган хунук хабардан кейин Зокир Алматов қочиб улгурган жангариларни зудлик билан тикучарда қидириб топишни буюрди. Ўзбекистон Ички ишлар вазири икки жангари отишма пайти, қандай қилиб қочганига ақли етмай, жиғибийрон бўлди.

Кейинчалик Ҳамро Ҳалиллаев терговчиларга ва судьяларга ўзи ва дўсти Полвонназир Хўжаев автобусдан қандай чиқиб, воқеа жойидан қандай қочганини гапириб берди. “Ҳукумат аскарлари автобусга қарата кўр-кўрона ўқ уза бошлагач, мен ва Полвонназир тезда полга ётиб олдик ва автобус полидаги люкни очдик. Ана шу люк орқали биз ерга тушиб олдик ва тезда юк машиналаридан бирининг бортига чиқиб олдик. Юк машинасида бироз юргач, қоронғуда ундан тушиб қолдик. Полвонназир узоқроққа қочиб кетди, мен эса узоққа бора олмадим. Чунки мен ярадор бўлгандим”, – дея гапириб берганди Ҳамро Ҳалиллаев. Ҳамро Ҳалиллаев 1999 йил 3 апрель куни қумликлардан топилиб, ҳисбга олинди. У билан бирга воқеа жойидан қочишга муваффақ бўлган Полвонназир Хўжаев эса, Россия куч ишлатарлари томонидан 2000 йилнинг март ойида Самара шаҳрида қўлга олинди ва расмий Тошкентнинг талаби билан шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга экстрадиция қилинди. 2000 йилнинг май ойида Хўжаев Тошкент вилояти суди томонидан мол-мулк мусодарасига ва ўлимга ҳукм қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, тергов ва суд давомида Полвонназир Хўжаев Саримой воқеасидаги дўстлари изидан бориб, Ўзбекистон ҳукуматидан кечирим сўрамади. Иқтибос тугади.

Мен эса у пайтда бу автобусни гаровга олиниши тафсилотларидан беҳабар эдим. Буларни орадан анча йиллар ўтиб эшитдим. Бу йигитларнинг ишини қўллаб қувватламаган ҳолда, шуни айтишим мумкинки, улар диндорларни ноҳқдан қатл қилаётган золим тизимга қарши қуролик кураш бошлашганди.

Бу курашда улар зафар қозониши амри маҳол эди. Бутун бошли давлат Армиясига қарши чиқиш имкони йўқлиги учунгина, бу каби ишларни қилишдан холис дин олимлари Абдували Мирзоев, Муҳаммадражаб қори, (Тоштемир Нурматов) ва бошқалар ўз шогирдларини қайтарар эдилар. Улар бу қайтаришлигига яна бир сабаб эса, бу қуроли урушда одамлар қони ноҳақ тўкилиши эди. Йўқса, улар Тоҳир Йўлдошдан ва бошқа жиҳодчилардан кўра бу масалада олимроқ кишилар эдилар. Ўшаларни МХХ томонидан қамаб ё ўғирлаб йўқ қилингани ва давлатнинг расмий имомларига биров қулоқ солмагани туфайли бундай воқеалар юзага келган эди. Расмий имомлар диндорлар наздида қадр қиммати бир чақалик кимсалар эдилар. Уларга биров қулоқ солмасди.

Отилганлар ва уларнинг яқинларига бўлган тазйиқлар

ИАК режимига хос бўлган бир ғайритабиий одат шу эдики, қамалганларнинг албатта яқинларига тазйиқ қилинарди.

Товоқсойда пайтимизда август ойида 16 феврал портлашларини уюштирганларнинг Суди бўлди. Биз уни телевизордан кўрдик. Бу Судда олти кишига ўлим жазоси берилди.

Булардан ташқари ҳам яна ўнлаб диндорларни шу ишга алоқадорликда айблаб ўлимга ҳукм қилишди. Буларнинг яқинларини ҳам қамашди. Шу ўлдирилганлар орасида бу портлашни олдини олиш учун МХХларга шу нарсани айтган ва улардан шуни олдини олишни талаб қилган Баҳром Абдуллаев ҳам бор эди. Уни бу ишга умуман алоқаси бўлмасада ўлимга ҳукм қилишди. Уни яқинларини ҳам қаттиқ қатағон қилишди. Автобусни гаровга олганда иштирок этганларни ота оналарини ҳам қамашди. ИАК олий мажлис сессиясида чиқиб, бу жинойтчиларни ота онасини ҳам жавобгарликка тортамиз деганди. Ундан олдинги диктатор Сталин ота учун бола жавобгар эмас деганди. ИАК эса, боласи учун отаси жавобгар бўлади деди. Шунга кўра, бу диндорларни оталари ҳам қамала бошланди. Саримой воқеъасида отиб ўлдирилган Бобожонов Саъдуллани отаси Собир Бобожонов қамалади. Бу отахон Олмаликда ўтирган. У билан укам Саидкамол билан бирга қамалган Тэрткўллик бола буни кейинроқ менга гапириб берганди. Бу чолни боласини отиб ташлаган давлат, уни ўзини ҳам қамаганди. Саримой воқеъаси иштирончиларини ҳаммасининг қариндош уруғлари қамалди. 16 февралга алоқадор бўлганларнинг ҳам қариндош уруғлари ва ака укалари қамалди. Ҳар бир қамалган диндорнинг оиласи давлат назоратига тушди. Хотин бола чақасига маҳалла раислари ва милиция томонидан турли туман шаклда тазйиқлар қилинди. ИАК кимни ўзига мухолиф деб билса, унга нисбатан уруғ аймоғига нисбатан қаттиқ зулм қиларди. Сиёсий мухолифларининг ҳам ака укаларигача қамади. Бу нарса мавжуд қонунларга зид эди. Биров учун бошқа биров жавобгар бўлиши бирорта қонунда ёзилмаганди.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқларини ҳимояси билан шуғулланган Толиб Ёқубовга 1999 16 феврал портлашларини уюштирганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган Баҳром қори Абдуллаевнинг синглиси, Манзура Абдуллаевадан тушган бир шикоят мактуби мазмунини эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Бу мактуб ўша пайтлардаги ИАК режими ментларининг қанчалик ваҳшийлигини англашга хизмат қилади деган умиддаман.

«Ҳурматли Толиб ака ва ЎИХЖ фаоллари!

Ўзбекистон ИИБ ходимларининг тинимсиз босимидан ҳимоясиз ҳолда қолган аёл сифатида сизларга мурожаат қилмоқдаман. Турмуш ўртоғим Икромов Фахриддин Файзуллаевич 2001 йилнинг 14 октябр куни ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинган. Уни, ўзларининг айтишларича, қидирувда бўлган имом Фахриддинов Руҳиддин билан алоқадорликда айблашди. Тергов 8 ой давом этган бўлиб, шу вақт мобайнида у даҳшатли қийноқлар ва камситишларга дучор этилади. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман маҳкамаси (судья – Фарход Шукуров) уни 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилди. Мана икки йилдирки, 4 нафар вояга етмаган фарзандим билан қолиб, бир сафар у, бир сафар бу таниш ва нотаниш одамлардан садақа сўрашга мажбурман. Ҳатто шу ҳолатда ҳам милиция ходимлари менинг оиламни тинч кўйишмаяпти. 25 октябр куни хонадонимга бостириб кирган ИИБ ходимлари хатто оёқ кийимларини ҳам ечмай, хоналарга кириб кетишди ва ноқонуний тинтув ўтказишди. Бунда улар безбетларча шкафлар ва бошқа уй жиҳозларини тепиб: “Бизда сенинг уйингни ёкиб юборишга ҳам рухсат бор”, – деб бақиришарди. Ўша куни меникига акам ва укам (филология фанлари номзоди – Мухаммад Абдуллаев ва Аббос Абдуллаев) ҳамда жияним Абдурасул Абдуллаев (19 ёшда) лар келишган эди. Милиция ходимлари келганда улар меникида эди. Милиционерлар Аббос ва Абдурасулнинг кўлларига кишан солиб, мен билан бирга ИИБ га олиб кетишди. У ерда биз билан нихоятда кўпол муомала қилишди.

Мени ўзим умуман танимайдиган қандайдир одамларга қарши кўрсатма ёзишга мажбурламокчи бўлишди. Мен уларга бу кишиларни танимаслигимни неча марта қайтарсам ҳам, улар мендан уларга қарши тухмат қилишимни талаб қилишарди. Сўроқни Нишонбой Бегманов олиб борди. Бироқ, ундан аввал олдимга Сирож, Саидакбар, Хасан, Алишер, Баҳром ва Маратлар келиб мени сўроқ қилишди. Улар мени сўкиб, ҳамма нарсани тан олишимни талаб қилишди. Айниқса Саидакбар мен билан жуда қўпол муомалада бўлди.

У мени ўз хонасига олиб кириб, сўкканча сочимдан ушлаб бошимни деворга бир неча бор урди. У мени узок вақтгача қийнади. У жазавага тушганча шундай деб қичқирар эди: “ Ҳозир эринг йўқ, калтаклайдиган одамнинг йўқ. Ёшинг нечада, ўзингга бир разм сол, кампирга ўхшайсан. Мен сенинг таъзирингни бераман, умурткангни синдираман, имом Руҳиддин Фаҳруддиновнинг аёли Раҳима Аҳмадалиевага қилган ишимни қиламан. Сен ҳам у билан бирга камокка тушасан. Қанақа ислохотлар бўлса ҳам, билиб қўй-ки, у озодликка чиқмайди. Сенинг эринг ҳам чиқмайди. Ҳаммангни турмада чиритамиз. Болаларинг етимхонага тушади. Тан олмагунингча бу ердан чиқмайсан. Бўри кўзларингни ўйиб оламан, шунда тилга кирасан. Сенинг тарафингни ким олса ҳам, бутун дунёга қанча жар солсалар ҳам, ҳеч нарсага эришолмайсан”. Унинг бу қичқириғи шундай сўкиш ва ҳақоратлар билан бирга отилиб чиқаётган эди-ки, менимча, бунакасини ҳатто бандитларнинг оғзидан ҳам эшитилмаса керак. Гарчи Бегманов бизни кечаси соат 11 гача ИИБ да ушлаб турган бўлса-да, мен бошида буни қандайдир англашилмовчилик бўлса керак деб ўйладим. Хато қилган эканман. 27 октябр куни ҳаммаси яна қайтарилди. Агар Бегмановнинг талабларига риоя қилинадиган бўлса, мен ИИБ га ҳар куни келиб, индамай унинг ифлос сўзларини эшитиб ўтиришим керак экан. Мен у ерга боришга қўрқаман.» Иқтибос тугади.

Айни шу шаклда қамалганларнинг яқинларига тазйиқ қилишлиғи, ИАКнинг ичи қора ёвуз одамлигини кўрсатадиган очиқ ойдin бир далилдир.

1999 йил февралида Тошкентда портлашларига алоқадорликда айблаб ўлим жазоси берилиб отиб ўлдирилганлардан баъзиларининг исми шарифларини келтириб ўтаман. Бу рўйхат Москвадаги Мемориал ташкилоти тарафидан тўпланган. Унда 35 та шахслар исми шарифи келтирилган.

Отиб ўлдирилганлар

1. Абдукодиров Акмал Акбарович, 1977 йилда туғилган. Тошкентлик. Мол мулки мусодара қилиниб 21 декабрда отиб ўлдирилган.
2. Абдуллаев Баҳром Ҳамзаевич 08.04.1970. Сурхондарё вилояти Шўрчи районида. Мол мулки мусодара қилиниб 14 декабрда отиб ўлдирилган.
3. Абдуллаев Жаҳонгир Алимович, 28.06.1970. Андижонлик. Мол мулки мусодара қилиниб 21 декабрда отиб ўлдирилган.
4. Абдуллаев Муҳаммад Ҳакимжанович, 13.08.1968. Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 4 октябрда отиб ўлдирилган.
5. Абдурахманов Комилжон Муҳамеджанович, 26.06.1971. Андижонлик. Мол мулки мусодара қилиниб 19 декабрда отиб ўлдирилган.
6. Абдурахмонов Муҳаммад Абдурашитович (Жура), 20.08.1968. Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 17 августда отиб ўлдирилган.

7. Аллаяров Сардор Собирович, 1972 йилда туғилган. Урганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 11 декабрда отиб ўлдирилган. (бу бола Тошкент Портлашларига алоқадорликда эмас, чеченистонга бориб келган ваҳхобий жиҳодчи сифатида қамалган)
8. Атамуратов Ҳурматбек Шомуратович, 23.09.1970. Хивалик. Қозоғистондан ушлаб келиб, 16 феврал портлашига алоқадор шахс сифатида ўлим жазосига ҳукм қилинган. Мол мулки мусодара қилиниб 11 декабрда отиб ўлдирилган.
9. Аҳрамов Раҳматилла Ҳасанбаевич, 04.11.1967. Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 4 октябрда отиб ўлдирилган.
10. Бабажанов Темурбек Юлдашевич, 05.02.1975. Урганч районидан. Саримой воқеъаси иштирокчиси. Мол мулки мусодара қилиниб отиб ўлдирилган. (Уни акаси Саъдулла Бобожонов ўша автобусдаги отишмада вафот этган)
11. Зокиров Козимбек 1956 йил. Андижонлик. Қозоғистондан ушлаб келиб 16 феврал воқеъасига алоқадорликда айбланиб ўлим жазосига ҳукм қилинган. Мол мулки мусодара қилиниб 17 августда отиб ўлдирилган.
12. Деҳқонов Зоҳиджон Ҳайиталиевич (Саид), 20.02.1971. Андижонлик. Туркманистонда ушланиб қолиб, Ўзбекистонга топширилган. Мол мулки мусодара қилиниб 1999 йил 17 августда отиб ўлдирилган.
13. Зарипбаев Муҳаммад Воҳидович, 03.03.1951. Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 21 декабрда отиб ўлдирилган.
14. Иброҳимов Тожддин, 12.05.1956 Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 21 декабрда отиб ўлдирилган.
15. Маъруфбаев Тўланбой Абдусатторович, 12.10.1969. Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 4 октябрда отиб ўлдирилган.
16. Нуралиев Талъатбек Зиёвуддинович, 20.01.1975. Андижонлик. Бишкекдан Ўзбекистонга топширилган. Мол мулки мусодара қилиниб 17 августда отиб ўлдирилган.
17. Нуриддинов Қосим Ўрмонжонович, 21.01.1972. Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 4 октябрда отиб ўлдирилган.
18. Нурматов Ботиржон Бахтиярович, 1975. Тошкентлик. Бу бола 1998 йилда қамоққа олинган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. 18 феврал 1999 йилда отиб ўлдирилган.
19. Рўзметов Ойбек Собирович, 28.02.1965. Ҳазорасдан. Хоразмда вокзалда ментни отганликда айбланган. Мол мулки мусодара қилиниб 29 сентябр 1999 йилда отиб ўлдирилган.
20. Рўзметов Уйғун Собирович, 27.08.1970. Ҳазорасдан. Акаси Ойбек Хоразмда вокзалда ментни отганликда айбланган. Укаси ўз уйидан олиб кетилиб, акасига қўшилиб, суд қилинган. Мол мулки мусодара қилиниб 29 сентябр 1999 йилда отиб ўлдирилган.
21. Саипов Қодиржон Ҳошимович, 26.09.1971 Андижонлик. 1999 йил 6 апрелда қамоққа олинган. Мол мулки мусодара қилиниб 17 августда отиб ўлдирилган.
22. Солижанов Ровшан Ҳасанхонович 16.08.1972 Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 4 октябрда отиб ўлдирилган.
23. Солиев Боқижон Эргашович, 19.02.1971 Андижонлик. Мол мулки мусодара қилиниб 17 августда отиб ўлдирилган.

24. Соиббаев Собир Самиджанович, 11.09.1961 Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 1 октябрда отиб ўлдирилган.
25. Султанов Бегали Абдусаттарович, 15.10.1976 Наманган вилоят Уч қўрғон районида. Бишкекдан тошкентга экстрадитсия қилинган. Мол мулки мусодара қилиниб 1 октябрда отиб ўлдирилган.
26. Тошбаев Исоқ Мадинжанович, 01.08.1961 Наманганлик. Мол мулки мусодара қилиниб 1 октябрда отиб ўлдирилган.
27. Халлилаев Ҳамро Йўлдошев, 18.08.1976 Гурлан районида. Саримой воқеаси иштирокчиси. Мол мулки мусодара қилиниб отиб ўлдирилган.
28. Ҳўжаев Полвонназир Азимбаевич, 22.11.1974. Хивадан. Саримой воқеаси иштирокчиси. Мол мулки мусодара қилиниб 29 сентябр 1999 йилда отиб ўлдирилган.
29. Ҳасанов Зикиржон Олимович (Ҳамза), 24.04.1968. Тошкентлик. Бу бола 16 феврал портлашлари иштирокчиси бўлган. Бишкекдан ушалб келиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. 17 августда отиб ўлдирилган.
30. Ҳасанов Ўткир. Хивадан. Мол мулки мусодара қилиниб 1999 йилда отиб ўлдирилган.
31. Туманов Аҳмаджан Нигманович, 07.02.1973 Гурлан районида. Саримой воқеаси иштирокчиларига яқин одам. Мол мулки мусодара қилиниб отиб ўлдирилган.
32. Ҳожимухамедов Акайдин Қўчқорович, 28.08.1952 Тошкентлик. Бу киши портлашда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. 1999 йил 21 декабрда отиб ўлдирилган.
33. Худойберганов Искандар Эркинович, 11.08.1974. Тошкентлик. Бу киши, 16 феврал портлашларига алоқадорликда айбланиб, 2002 йилда қамалган. Ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. 2003 йилда отиб ўлдирилган. (Шу болани ота онаси ва синглиси Швециядан бошпана олиб яшашганди)
34. Юсупов Ўткир Бўҳодирович, 1974 Хивадан. 16 феврал портлашларига алоқадорликда айбланган. Мол мулки мусодара қилиниб 16 декабрда, 1999 йилда отиб ўлдирилган.
35. Яқубов Шихназар Машарипович, 05.09.1974. Хивалик. . 16 феврал портлашларига алоқадорликда айбланган. Мол мулки мусодара қилиниб 16 декабрда, 1999 йилда отиб ўлдирилган.

Булар 1999 йилда Суд томонидан ўлимга ҳукм қилинган диндорларнинг баъзиларидир. Булардан олдин ва кейин ҳам қатл қилишлар давом этди. Буларнинг жасадлари эса, Тошкент шаҳридан ташқарида қабристонларга яширин дафн қилинган. Бу ўлим жазосига ҳукм қилинган диндор йигитлар терговда қаттиқ ноинсоний қийноқларга дучор қилинган. Чунки, терговчилар уларга ўлим жазоси берилишини олдиндан билишарди. Суд ва терговлар ҳаммаси МХХнинг назоратида қилинарди. Буларда ўзларини жиноят қилмаганлигини исботлаш имкони йўқ эди. Сабаби, ИАК томонидан олдиндан ҳаммасига ҳукм чиқарилганди. Чеченистонга ва Афғонистонга бориб келганларни бирорта жиноят қилган қилмаганидан қатъий назар отиб ташлашга буюрилганди. Булар Тоштурмани подвалидаги зах ертўлада ягона Аллоҳга нола қилишдан бошқа ҳеч қандай имкону иложи йўқ одамлар эдилар. Уларнинг аксари уйланишга ҳам улгурмасдан ўлиб кетишди. Баъзиларини ёш ёш гўдаклари етим бўлиб қолиб кетишди. Ҳаммасини ота онаси ва хотинлари қон йиғлаб қолишди. Аллоҳ барчасини мағфиратига олсин. Золимларга лойиқ даражада жазо берсин. Омин. Буларнинг яқинларига эса, узоқ йиллар зулму зўравонликлар қилинди.

ЎИХнинг Боткенга кириши

- Бир нарсани эълон қилмоқчиман,- деган эди Зайниддин Асқаров, 2003 йилги МХХ подвалидан туриб журналистларга берган интервьюсида- Ўзбекистонда яқинда шу даражада қатлиом, жиҳод бошланадики, буни на Каримов, на БМТ тўхтата олади. Чунки жуда қаттиқ тайёргарлик кетаяпти. Бизнинг йигитларимиз бу жиҳод йўлидан қайтмайди.

Халқимизни зулмдан қутқариш учун қилинадиган террорлари ва милицияларни сўйиш кампания ҳашарларини олдиндан хабарини бериб қўймоқчиманки, Ислом раҳмдил дини бўлганлиги учун ҳаммамизнинг мақсадимиз олдин халқаро ҳаракатлар, ташкилотлар Ўзбекистонни диалог йўли билан чўзишини илтимос қиламиз.

Мабодо уларнинг қўлидан келмай турли хил резолюцияни қабул қилиб қўйиб, яна “Бор, борган жойингга боравер” дейдиган бўлса, Ислом Каримовга, Зокир Алматовга, Рустам Иноятовга бу қилган ишлари ниҳоятда қимматга тушади, деган эди Зайниддин Асқаров.

Асқаровнинг бу гапини далил исботи нималиги ҳанузгача қоронғу бўлиб қолмоқда. Чунки, у бу гапларни гапирган вақтда Афғонистонда Толибон режими қулаган ва ЎИХ ва толиблар гуруҳи Покистоннинг Вазиристон вилоятига чиқиб кетган ва пароканда пайтлари эди. ЎИХ Вазиристонга ўтганда катта талофатлар кўрган ва жуда заиф эди.

Асқаровнинг бу гаплари шунчаки, пўписа учун айтилган гаплардан бошқа нарсамас эди. 2003 йилда Ўзбекистонда ҳеч ким жиҳод қиламан деб, тайёргарлик қилиб тургани йўқ эди. Турмаларда эса, диндорлар аёвсиз калтакланмоқда эди. ЎИХ пайдо бўлганидан тугаб битгунга қадар, Ўзбекистонга кириш учун бир марта ҳаракат қилган. У ҳам бўлса, 1999 йил августида бўлган эди. ЎИХ Ўзбекистонга киришга уриниши деб, Тавилдарадан тоғлар ошиб, Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегара Боткен вилоятининг баъзи районларига кирганини кўрсатиш мумкин.

1999 йилда Афғонистонни Толибон Ҳаракати деярли, тўла назоратига олганди. Улар ЎИХга ҳам бошпана беришган ва улар ўша ерларда яшаб ИАК режимига қарши режалар қилаётгандилар. Шу йил август ойида ЎИХнинг кичик гуруҳи Қирғизистоннинг Боткен вилояти ҳудудига кирадилар. Боткен вилояти ўртасида Фарғона вилоятига қарашли бўлган Сўғд райони жойлашган бўлиб, у анклав бўлиб, атрофи тўлалигича Қирғизистон ҳудуди ҳисобланади. Шу ерга киришни ният қилган ЎИХ гуруҳлари ўша ергача Қирғизистон ҳудудидан ўтиши лозим эди. Бу гуруҳ ўша ердаги қишлоқ аҳолисидан озиқ овқат харид қилиб, тоққа қайтиб кетади. Улар ҳақида маълумот Қирғизистон ҳукуматида етади. 6 августда Боткен вилоят ҳокими ва ўрта махфий хизмат зобити уларни излаб, тоққа чиққанида, уларга асир тушадилар.

Жума Намангоний қўмондонлик қилган бу гуруҳ, асирлар учун Қирғиз ҳукуматидан 50 минг доллар ва озиқ овқат талаб қилади. 13 августда айтилган пул ва озиқ овқатни олиб келиб, асирларни озодликка чиқаришади. Кейин эса, ортидан улар юрган тоғларни ҳарбий учоқлардан бомбардимон қилишади. 1999 йил 22 август куни яна Жума Намангоний йигитлари ўша тоғларда геологик қидирув ишлари олиб бораётган японларни ва уларнинг қирғиз қўриқчилари ва таржимонини асирга оладилар. Тўртта япон ва таржимон уларнинг қўлида тоғларда 64 кунгача асирда қоладилар.

Ўша асирлар орасида бўлган япон тили таржимони Омирбек Жанакеев радио азаттиққа айтиб беришича, улар жангарилар нима десалар, шуни сўзсиз бажаришга ҳаракат қилганлар. Унинг ўзи ва тўртта япон, шу икки ойдан кўпроқ муддатда намоз ўқишни ўрганиб, улар билан бирга беш вақт намоз ўқишган. Ва қуръон ўқишга ҳаракат қилишган. Аввалги сафар қирғиз МХХларини асир олганда, 50 минг доллар сўраганини Жума Намангоний Афғонистондаги Тоҳирга хабар қилганида, у «Нимага бунча кам сўрадинг? Кўпроқ сўраш керак» деган, экан. Бу сафар Жумабой Намангоний японлар учун «атиғи» 5 миллион доллар сўраган. Аввалига қирғиз ҳукумати уларни куч билан олишга уриниб кўради. Буни оқибатида яна бир неча милиционер ва Ички ишлар вазири ҳам асирга тушади. Япония ўз фуқароларини тириклай қайтаришни талаб қилади. Хуллас, Аскар Акаев уларни товон тўлаб чиқаришга мажбур бўлади. (Пулни Япония тўлагани айтилади) Бу воқеъа дунё матбуотда шов шув бўлиб кетади. ИАК эса ўша кунларда Водийни Сўх анклавига борадиган йўлларни Армия билан ўраб олиб, катта ҳарбий кучларни чегарага ташлайди. Ўзбекистон телевиденияси эса Аскар Акаевни террористлар билан музокара олиб бораётганликда айблаб, ҳар куни ахборотда тинмай кўрсатишарди. ИАК Акаевни ЎИХ билан уруштирмоқчи эди. Акаев эса японларни тирик олиб чиқишга мажбур эди. Акаев уруш бошласа, асирлар тирик чиқмасди. Товон пулини камайтиришга уриниб кўришади. Жума Тоҳирга сим қоқиб, маслаҳат сўраганда, Тоҳир “мужоҳид бир гапиради” деб, туриб олади. Жума нархни туширолмаслигини эълон қилади. Японлар асирга олингани учун Аскар Акаев охири, уларга шу пулни бир қисмини ва қолганига эса уларга зарур бўлган ашёлар озиқ овқатлар таклиф этади. Жума Намангоний штаби жойлашган Хоитга Тожикистонлик генерал Шоҳ келади. У Қирғизистон илтимосига биноан асирларни қутқаришга вакил қилинганди. Жума Намангонийга у айтган нарсалар деярли берилади.

Жума Намангоний йигитлари, озиқ овқатларни тоғларда олиб юриш учун, бир қанча эшак керак дейишади. 24 октябрда Жума Намангоний японларни ва таржимонни тоғдан олиб келиб, тожик генерали Шоҳга топширади. Милиция ва уларнинг бошлиғини озод қилиш учун, ҳар бирига биттадан эшак сўрашади. Уларга ментлар учун эшак олиб келиб беришади. Асирларни ҳаммасини қўйиб юборишади. Аммо, шу 64 кун ичида улар ҳаммаси намозхон бўлиб кетадилар. Жума Намангоний эса ўлжаларни эшакларга юклаб, тоққа чиқиб кетади. Бундан ғазабланган ИАК Акаевни кўрқоқликда ва сотқинликда айблайди. Жума Намангонийни барча қариндош уруғлари қамоққа олинади. Мен Сангородда Амакисини ўғли Абдурахим Ҳожиёвни кўрганман. У Зарафшон Зонасидан келганди. Таблиғчи йигит экан. Барча таблиғчиларга хос бўлган сифатлар унда ҳам бор эди. ИАК мана шу фитна чиққанида, Қирғизистон армиясини ЎИХ билан уриштиришни истаганди. “Душманинг қўли билан душманинги ўлдир” деган қоидага, амал қилмоқчи бўлганди. Аммо, бу орзуси амалга ошмади. Ўзбекистон Телевидениясида ахборот кўрсатувида бир неча кун Қирғизистон ҳукумати танқид қилинади. Ўзбекистон ҳарбий учоқлари эса жангарилар юриши эҳтимоли бўлган, Қирғизистон ва Тожикистондаги тоғли ерларга бир неча бомба ҳужумлари уюштирадилар. Аммо, бу бомбалардан бировга зарар етгани маълум эмас. Бу ИАКни ғазабини бостириш учун МХХ генераллари уюштирган бир ўйин эди халос. Бу ЎИХни ИАК режимига қилган биринчи ва охириги зарбаси эди. Бундаям зарарни Қирғизистон кўрди. Самолёт зарбалари Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудига ташлангани учун, у мамлакат ташқи ишлар вазирларидан ИАКга норозилик нотаси юборилади. Аммо, бу воқеъага ҳам, турли хил муносабатлар мавжуд. Ва баъзилар бу воқеъа аслида бўлмаган деган фикрда. Мен эса бу воқеъа иштирокчилари билан Навоий Зонасида бирга ўтириб суҳбатлашганман.

Бу воқеаларни айтган йигит милицияларни эшакга алмаштирганини айтганда, роса кулгандим. Ва битта милицияга биттадан эшак бу қимматку, ўнта милицияга битта эшак сўрасанглар бўлмасмиди?, десам, «кўпроқ эшак керак эдида юкларга, бўлмаса, биламан, бу ментларни юзтасидан битта эшак афзалдир» деганди.

Хуллас, бу воқеалар билан бир вақтда, 1999 йил 7 августда Чеченистондаги Амир Хаттоб аскарлари Доғистонга бостириб киради. Россия каналларида кунда кун ора, ҳали у ер портлади, бу бино портлади деган шумхабарлар ҳам эшитиб турардик. Ҳар куни бир жойни чеченлар портлатди дейишарди. Энди бу портлашларни баъзилар ФСБ уюштирган деган тахминларни айтишади. Рязандаги уринишда бу иш амалга ошмай қолганини бунга далил қилишади. Ўша пайтларда бу уруш воқеаси ҳам Россия каналларидан кўп ёритиларди. Чабанмахи ва Карамахи деган Доғистоннинг ваҳхобийлар яшайдиган қишлоқларида, ҳукумат кучлари билан қишлоқдаги «ваҳхобий» аҳоли орасида, қонли жанглар бораётгани айтиларди. Бу уруш шиддатлари то 2000 йил охиригача давом этди. Боткендаги ЎИХчилар эса, орадан кўп вақт ўтмасдан орқага қайтиб кетишди. Биз бу воқеаларни ҳаммасини Товоқсойда ўтириб ҳайрат билан кузатардик.

1999 йил ноябрь ойида Тошкент вилояти Янгиобод шаҳрига террорчилар ҳужум қилишгани ва бир неча милицияни отиб ташлашгани телевизордан кўрсатилади. Мен Товоқсой Зонасида кўрганман. Алматов ҳарбий формада туриб, Мустақиллигимизни кўролмайдиган қора кучлар юборган жангарилар нобуд қилинганини гапириб берганди. Бу воқеани тафсилотларини яхши билмайман. Аммо, кейинчалик Навоий Зонасида бирга ўтирган бир маҳбус ўшаларни ЎИХдан қочиб чиққан салафийлар гуруҳи эканини айтиб берганди. Мени фикримча бу тўғри гап. Тоҳирдан қочган ёш мусулмон йигитлар бошқа борадиган ер тополмай шу каби амалларга қўл уришган деб ўйлайман.

Бошқалар ўша кичик 15 кишилик гуруҳни Тоҳир Йўлдошни ўзи юборган дейишади.

Булар орасида Навоийлик Абдувоҳид ва укаси Собит деган йигитлар бўлган. Ва яна битта Сойиб деган ўшаларни таниши ҳам бўлган. Булар орасида Хоразмликлар ва Тошкентликлар бўлган. Мен бу 15 кишилик гуруҳни бутун бошли бир Давлат армиясига қарши урушга киришга нима мажбур қилганига ҳанузгача тушунолмайман. Улар ўзларини билиб туриб, ўтга уришганди. Бундан мақсад нима бўлгани менга қоронғу. Шуниси аниқки, улар ўлимга кетаётганлигини билиб туриб шу ишга киришгандилар. Балки, улар ИАК турмаларида қамалиб қийноқдан ўлиб кетгандан кўра, ўша курашда ўлишни танлашгандир. Чунки, Тавилдарага бориб келганларни бариси, ўлим жазосига ҳукм қилинганди. Аммо, ИАК режими ўшаларга қарши бир ярим минг аскар ва ҳарбий учоқларни ишга солган. Улар беркиниб ўтирган эски кўмир конини бомбардимон қилганлар. Яъни, улар билан ИАК аскарлари очиқ жанга киришмаган. Бу воқеа ҳақида ҳуқуқбонлар бошқача фикрни билдиришган.

Мен Толиб Ёқубовнинг бу борада ёзган мақоласидан иқтибос келтираман. Иқтибос: 2010 йил декабрь ойининг дастлабки икки кунда Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)га аъзо давлатлар раҳбарларининг Саммити бўлиб ўтади. Охирги марта бундай Саммит 1999 йили ноябрь ойида Истамбулда Туркия томонидан ташкил қилинган эди. Саммитда фақат давлат ёки ҳукумат раҳбарлари қатнашганлари сабабли бу йиғилишда нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этмайдилар. Бироқ Истамбулда нодавлат ташкилотлари Саммитда ўзига хос иштирок этдилар, деса бўлади. Асосий Саммит улкан бир меҳмонхонанинг улкан конференц-залида ўтди.

Нодавлат ташкилотлар вакиллари эса бошқа бир меҳмонхона конференц-залида тўпладилар. Бу залда эни 3-4 метр, узунлиги 10 метрлар келадиган экран ўрнатилган бўлиб, бу экранга Саммит ўтаётган залдан тўғридан-тўғри телевизион кўрсатув берилар эди. Саммитда “қатнашиш” учун мен Женевадан Истамбулга учиб келдим ва 18 ноябрда бошланган Саммитни бошдан-оёқ тамошо қилдим. Саммит бошида сўз олиш учун қуръа тортиш ўтказилар экан.

Ўша сафар №1 қуръа Ислом Каримовга насиб этди ва у биринчи бўлиб сўзга чиқди. У Саммит қатнашчиларига уч кун илгари, яъни 15 ноябрь куни Ўзбекистонга “Ўзбекистон Исломий Ҳаракати” жангарилари ҳужум қилганини гапириб берди. Унинг ғазабнок нутқи мусулмон жангариларга қаратилган бўлиб, ислом терроризмига қарши кураш учун Ғарб ўз молиявий ҳиссасини аямаслиги лозимлигини урғулаган эди. И.Каримов нутқини тугатгач, залдан чиқиб кетди ва аэропортга йўл олди ҳамда Тошкентга жўнаб кетди. Гап шунда-ки, 15 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинида жойлашган Янгиобод номли тоғли шаҳарчага Ўзбекистон Исломий Ҳаракати (ЎИХ) нинг 15 аъзосидан иборат бир гуруҳи кириб келганлиги ҳақида маълумот тарқалди. Бу гуруҳга қарши ҳукумат 1,5 минг аскар, танклар, вертолетлар ва бошқа ҳарбий техникани ташлаган. Қанча жангари ўлдирилгани ҳақида ҳукумат ҳеч нарса демаган ва ёзмаган, бироқ куч ҳукумат фойдасига 100:1 (100 та аскарга 1 та жангари) бўлса-да, ўз талофотини яширган эмас. Тез орада бир ярим минг аскарнинг марш-бросоги, танк, БТР, вертолётларнинг шовқини, холостой патронлар билан отишмалар асл нима мақсадда қилинганлиги аён бўла бошлади. Одамлар, биринчи навбатда, ЎИХ жангарилари Тошкент вилояти воҳасига кирмаганлигини тушуниб етдилар. Бироқ, Тошкент вилоятининг айнан шу ҳудудида бир неча милиция ва МХХ ходими ўлдирилган – бу факт.

Бу факт ҳукуматнинг ўта мудҳиш бир жиноятини ўз кўзи билан кўрган бир инсоннинг саъй-ҳаракати туфайли аниқланди. Гап шунда-ки, 1999 йили ноябрь бошида бир неча қамоқхоналарда маҳбуслар кўзғолони бўлиб ўтган. Бу кўзғолонлар ҳукумат кучлари томонидан шафқатсизларча бостирилган. Ўлдирилган маҳбуслар жасади махсус машиналарда Янгиобод яқинидаги бир кимсасиз жойга олиб келинган ва умумий қабр қавланиб кўмилган. Тасодифан гувоҳ бўлган одамнинг айтишича у 51 та одам кўмилганини санаган. Мазкур “қабристон”ни маълум бир вақт қўриқлаш учун, вақтинчалик пост ташкил этилган ва бу ерда бир неча милиция ходими ва бир неча МХХ ходими навбатчилик қилишган. Масалан, 2001 йили Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти Қашқадарё вилояти бўлими раиси Шавриқ Рўзимуродовни ўлдиришгандан кейин ҳам у дафн этилган қабристон олдида икки нафар милиция ходими бир ҳафта навбатчилик қилган эди. Янгиободда узоқ тунларни ўтказишда зериккан қўриқчилар майхўрлик қилиб туришган. Орада жанжал чиққан ва у отишмага айланган. Балога Ўзбекистон Исломий Ҳаракати қолган. Шундай қилиб, Истамбулдаги Саммит олдидаги кўзғолон ва унда ўлдирилган маҳбусларни имижимида йўқ қилиш ва халқаро ташкилотларни алдаган ҳолда терроризмга қарши кураш проекти учун катта грант ундириш мақсадида зудлик билан ўша кунлари мазкур операция ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.» Иқтибос тугади.

Мен Толиб аканинг фикрига қўшимча қилмоқчи бўлганим шуки, ўша тасодифий одам кўриб қолган 51 та ўликлар жасади, менимча ўлим жазосига ҳукм қилиниб отиб ўлдирилган маҳбуслар жасадлари бўлиб, улар сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги учун, Тоштурмада узоқ сақлаб туришга имкони бўлмагани туфайлидан ҳар куни уч тўрттасини отиб, бир ҳафталик ўликлар жасадини ҳаммасини бир тўплаб, олиб келиб кўмишган. Сабаби, зоналарда бунт бўлмагани аниқ. Қоровулбозордаги бунтда эса, учта маҳбус ўлдирилган. Шунга кўра айтиш мумкинки, бу жасадлар ўлимга ҳукм қилинганлар жасадлари бўлган.

ИАК 2000 йилда БМТнинг 7 сентябрдаги Нью Йоркда ўтган Саммитида қатнашганда ҳам, шу терроризмга қарши курашиш учун ташкилот тузиш таклифини киритганди. Мақсад Толибонга қарши халқаро кучларни уруштириш ва шу билан ўзини курсисини асраб қолиш эди. Унинг истаги бошқа сабаб туфайли рўёбга чиқади. 2001 йилда АҚШда юз берган террор актидан кейин, АҚШ таклифи билан БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси асосида “Терроризмга қарши кураш қўмитаси” ташкил этилади. БМТнинг бошқа инсон ҳақларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қатор резолюцияларига тупуриб қўйган ИАК, айна ўша резолюцияни қабул қилиб, уни талабларини бажарганлиги ҳақида 2000 ва 2001 йилларда БМТнинг “Терроризмга қарши кураш қўмитаси” (ТҚКҚ)га ҳисобот беради. Бунга уни мажбур қилган омиллар Толибон ҳаракати ва уни сафидаги Ўзбек режимига таҳдид солувчи ЎИХ борлиги эди. НАТО келиб Толибон ҳаракатини иқтидордан кетказгани эса, ИАК учун айна муддао бўлди. У бу урушдан кўп манфаатлар олишга эришади. Биринчиси Толибондан қутулади. Иккинчиси ЎИХ таҳдидлари деярли йўқолади. Учинчиси эса АҚШ билан алоқаларини яхшилаб “яқин Иттифоқчи” бўлиб олади. Бу ИАКнинг «омади» келгани эди. У ўз халқига қарши қилган катта жиноятлари учун жазоланмай қолди. 2005 йилдаги Андижон қатли оmidан ҳам, у эсон омон «қутулиб» қолди. Аллоҳнинг адолатли жазосидан эса, қутулиши имконсиздир. Аллоҳ уни адолати билан жазоласин.

Зонада кучайтирилган режим бошланди. Қама қамалар давом этди. Намоз ўқишга ҳам деярли имконият қолмади. Энди намозларни жамоат бўлмасдан якка якка ўқишга мажбур эдик. Мен укам билан бир проходда яшардим. Менинг уйдаги арабча китобларимни укамни қамаганда шмонда ментлар олиб кетишган экан. Бу китоблар меники бўлиб, укам уларни ўқиёлмасди. Мен укамни кўлидаги суд ҳукмини ўқигандим. Унда уйдан ўша китоблар чиққанлигини ва бу укамни экстремист эканига далиллигини ёзишганди. Ўшанда мен Ўзбекистон Олий Суди раисига ва ИАКга хат ёздим. Бу хат мазмунига кўра, бу китоблар меники ва мен ўша фалон йилдан бери турмада ўтирибман. Шу китоблар учун мени муддатимни узайтиринглар. Укамни эса озодликка қўйиб юборинглар.

Сабаби, уни оиласи ва ёш болалари бор. Уйда қари ота онам бор. Хат шу мазмунда эди. Укамни номидан ҳам шу мазмундаги хатни ёзиб, унга ўз қўли билан кўчиртирдим. Уни хатида, шу китоблар акамники, мени диний илмим йўқ. Мен бу китобларни ўқишни билмайман. Бу китоблар учун жавобгарлик акамни зиммасида бўлиши керак. Уни ўзи ҳам буни тан олади. Уйда болаларим ва қари ота онам қолган. Шунга мени деломни қайта кўриб чиқиб озод қилишингизни сўрайман деб ёзилганди. Укам ўшанда бу ҳаётда камдан кам бўладиган иш деб қўйганди. Лекин, афсуски, бу мактублар сабабли, уни озодликка чиқаришмади.

МХХ майори билан учрашув

Зонани Бошлиғи ГУИНга ишга кетиб, ўрнига яна аввалги бошлиғимиз полковник Мирмахмудов қайтиб келди. Султанов Султан ҳам аввалги бошлиқ билан бирга кетди. Яна аввалги майор Улуғбек бошлиқ муовини бўлди.

Отажонов деган майор, опер бўлимга бошлиқ бўлди. Зонада ҳизбутлар ва ваҳҳобийлар тўлиб кетганди. Эскилардан фақат қолгандим. Ғулом Сармисоқов ва шериги 221 модда билан раскрутка бўлди. Уларни янги срок қўшиб бошқа зонага юборишди. Сармисоқов менга қарши кўп курашиб келган киши эди. Уни раскруткасига барибир ачиндим. Бечора жуда ўзини эҳтиёт қилиб юрарди. Мафия Ғафурни братишкалари Акмал ва Равшан ҳам раскрутка бўлди. Тўлаганни укалари Парда ва Озод Ахатовлар раскрутка бўлишди. Бу зонадан мен келишдан олдин Обиджон Асқаров ҳам раскрутка бўлганди. У киши Зайниддин Асқаровни акаси эди. Кейинчалик мен уни Навойида учратдим. Зонада ҳизбутлар алоҳида ва Ваҳҳобийлар ҳам алоҳида бўлиб юришар эди. Водийдан бир неча Ҳожиларни ҳам қамашганди. Уларни ноқонуний чегарадан ўтган учун қамашганди. Улар Ўшдан Ҳажга бориб келишган экан. МХХ буни билиб қолиб ушлаб қамаган. Уларга 159 модда қўйишмаганди. Мен таниган билганлардан жуда кам маҳбуслар қолганди. ва бошқалар кўп эди. Янгилар антиқалари кўпайганди. Қуръонийман дейдиган, Янгийўллик кимса ҳам келди. Бу одам зонада намозхонларни бошини гаранг қила бошлади. Эмишки, қуръонда беш вақт намоз ўқиши айтилмаган. Шунга у икки вақт ўқирди. Ўзи мияси сал айниган одамга ўхшарди. Ўзбекча қуръонни кўтариб олиб, у бу ким биландир, баҳслашиб юрарди.

Ҳадисларни тан олмасди. Бу кимса ўзи оми бўлсада, бошқа қуръонийлардан шу фикрларни олган одам эди. Бунақаларни ўша пайтда Андижонда пайдо бўлган деб эшитгандим. Лекин, уларни кўрмагандим. Лекин, бугунга келиб, бундайлар ҳам дунё бўйлаб тарқалган жамоат эканини билдим. Булар ҳам бу диндаги катта фитнадан биридир.

Зонадаги эски намозхон чоллар ҳам чиқиб кетишганди. Афғон чол ҳам кетди. Зонада контингент ўзгарганди. 2000 йил яқинлашиб келарди. Олий Судда укамни ишини қайта кўриб чиқиб муддатини камайтириб 11 йил қилиб беришибди. Бу ҳақида зонага Суддан қоғоз келганди. Штабга чақириб уни укамга беришди. Бунга на қувонишни ва на йиғлашни билмасдик. 15 йиллик муддат энди 11 йиллик бўлганди. Бу билан ҳеч нарсаси ўзгармас эди. Мен ё уни ёки мени чиқиб кетишини истардим. Уйда қари ота онамдан бошқа одам қолмаганди. Бу янгилик ҳеч нарсани ўзгартирмасди. Шу орада мени опер гуруҳ бошлиғи чақириб қолди. Мен штабга бордим. У мени суҳбатга чақирган экан. У билан анча гаплашдик. Бу киши одамга еб қўйгудек бўлиб тикиладиган бўйи паст жингалак сочли тожик эди. Бу зонада бошлиқдан ташқари мени сенсираб гаплашадиган ягона мент шу эди. Ўзи мендан уч ёш катта эди халос. У менга қараб сизлар халифат қурмоқчимисизлар? Сизлар тўғри йўлдан адашган мусулмонсизлар деди.

Мен унга қараб, начальник бу халифатчилар энди пайдо бўлишди. Мен бу ерда қачондан бери ўтирганимни биласизку дедим. У менга қараб, барибир сен ҳам шулардан бирисан деди. Боткендаги воқеъларни гапирди. Нега бу Тоҳир Йўлдош ўз халқига қарши қурол кўтаради? деб сўради у. Мен унга қараб, командир, Тоҳирга ўхшаганлар пайдо бўлишига шу Каримовнинг диндорларга қилаётган адолатсиз сиёсати сабаб бўлаяпдику дедим. Агар диндорларга эркинлик берилса, уларни имомларини ўғирлаб йўқ қилмаса, улар ҳам тинчгина юрган бўлардику? Мен масалан масжидда имомлик қилардим. Бу ишимни қонуний бўлиши учун ҳаракат қилдим. Шу давлат имомлари ва хавфсизлик хизматлари бунга йўл қўймадиларку?! У мен билан очиқчасига ва ошкора гаплашарди. Мен ҳам очиқ ойдин гапирардим. Менда ментдан яширадиган сирни ўзи йўқ эди. Қуръонда мусулмон одам, қўлига қурол олиб бировни отсин деб айтилмаган деди у. Қуръонда бошлиққа итоат қилишга буюрган. Лекин, бу жиҳодчилар ва ҳизбутлар адашган ва хато йўлдан кетаяпдилар. Мен унга қараб, командир сиз қуръонни ўқиганмисиз? деб сўрадим. У менга ҳа. Мен ҳам мусулмонман.

Намоз ўқимасам ҳам қуръон ўқиб тураман деб, ўзбекча қуръонни олиб кўрсатди. Мен унга қараб, сиз шу китобни тўғри деб тан оласизми? дедим. У ҳа бу китоб Тошкентда босилган, бу тўғри китоб деди. Унинг тушунчасида Тошкентда босилган китоб тўғри ва бошқа ерда босилган китоб нотўғри эди. Бу ментлар доводида қолган пайтлар эди. Улар ким тўғрию, ким нотўғри тушунмасдилар. Улар қайси китоб тўғри ва ёки, нотўғрилигини ҳам тушунмасдилар. Мен унга қараб, унда шу китобни фалонинчи варақини очиб, фалонинчи оятдан бошлаб ўқинг дедим. У овоз чиқариб ўқий бошлади:

«Охират учун бу дунё ҳаётини сотадиганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилсинлар. Ким Аллоҳнинг йўлида жанг қилиб ўлдирилса ёки ғолиб келса, биз унга, албатта, улуғ ажрни берурмиз. Нима учун Аллоҳнинг йўлида ва: «Эй Роббимиз, бизни аҳли золим шаҳардан чиқаргин, бизга Ўз томонингдан дўст ато қилгин ва Ўз томонингдан нусратчи ато қилгин», деяётган заифҳол эркагу аёл ва болалар йўлида жанг қилмайсизлар?! Иймон келтирганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар. Куфр келтирганлар тоғутнинг йўлида жанг қилурлар. Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилинг. Албатта, шайтоннинг ҳийласи заифдир.»

(Нисо сураси 74,75,76 оятлар)

Энди мана оятни ўқинг дедим. Уни ёнига бориб китобни пастроғидаги оятга ишора қилиб, у унияи ўқиди: **«Аллоҳнинг йўлида жанг қил! Ўзингдан бошқадан масъул қилинмайсан. Мўминларни қизиқтир. Шоядки Аллоҳ куфр келтирганларнинг шиддатини даф қилса. Аллоҳ шиддати қаттиқ ва азоби ортиқ зотдир.»**
(Нисо сураси 84 оят)

Истасангиз яна бошқа оятларни кўрсатишим мумкин дедим, унга қараб кулиб, у кўзойнагини тагидан менга ҳайрат билан қараб туриб, «ўзи ҳамма гап бу китобингда экану сенларни» деди. Бу китобни ўзини йўқ қилиш керак экану деди, ҳайратини яширолмаган майор. У қуръонни умрида ўқиб кўрмаган ва уни ҳақида юзаки тасаввурларга эга бўлган, миллионлаган одамлардан бири эди. Мен унга қараб, командир, бу китобни мен ёзмаганман дедим. Бу китобни таржима қилганлар ҳам ўзларидан қўшишмаган. Бу китоб арабчадан таржима қилинган ва Тошкентда босилган. Бу китобни олиб ўқисам, менда айб бўладими? дедим кулиб. Мент эса ҳайратда қолганди. Уни диний тасаввурлари чил парчин бўлганди.

Менга қара деди у гапни охирида, кейинги ҳафта сен билан бир киши учрашади. Сенга шуни айтиб қўймоқчи эдим деди. Мен унга ким экан у? десам, учрашганда биласан деди. Шу билан мен чиқиб кетдим. Кейинги ҳафтада эмас. Ундан сўнги ҳафтада мени яна штабга чақиришди. Борсам бошлиқни кабинетига кир дейишди. У ерга кирсам, гражданский адидас костюм трикода бир семиз киши келиб саломлашди. Бошлиқни ўзи йўқ эди. У менга қараб, хоразмча гапира бошлади. Мен махфий хизмат майори фалончиев бўламан. Сизни ҳақингизда менда тўла маълумот бор. Мен сизни имом бўлганингизни ва укангиз қамалиб шу ерга келганини биламан. Уйда ота онангиз қолганини биламан. Сизга бир таклиф билан келдим деди у. Мен ҳам у билан хоразмча гаплаша бошладим. Ёшулли, биза бир кичкина одаммиз, бизара ничик хизмат бўлиши мумкин сиздин майорни? Сиз камтарлик қилманг деди у. Бу кичкина хизмат. Буни бажарсангиз озодликка чиқасиз ва ота онангизга хизмат қиласиз. Агар йўқ дасангиз. Унда сиза ота онангиз билан видолашиш имконини беришмайди деди у. Мен ҳайрон бўлдим.

Началник мандан новви истийсиз? Айтинг, агар қўлимдан галса бажараман. Галмаса на илож? дедим. У менга сизни бу ердан чиқариб, МХХ турмасига олиб бориб, у ерда ётган диндорлар ёнига ташлаймиз. Диний маҳбус сифатида янги дело очиб ташлаймиз. Сиз улар билан гаплашиб, улардан гап олиб бизга айтасиз деди у. Бу таклифга рози бўлмасангиз. Раскрутка бўласиз деди, асли Урганчлик лекин, Тошкентда МХХда ишлайдиган майор. Мен унга қараб, началник, бу иш мени қўлимдан келмас экан дедим. Лекин, сиздан бир илтимосим мени ота онам қариб қолган одамлар. Агар уларни дуосини оламан десангиз, мени раскрутка қилманг дедим. Мен баъзан одамларга мана шундай, оддий гаплар қаттиқ таъсир қилишини билардим. Қолаверса, қарғаб қилинган дуо оқибатини ёмон бўлишини ҳам, кўп одам яхши билади. Бунга ҳаётда улар ҳам кўп гувоҳ бўлишган. Лекин, бу МХХга мени гапим таъсир қилмади. У менга қараб, ўйлаб кўринг яна бир марта деди. Мен чиқиб кетдим. Табиийки, бу касофат мендан истаган нарсага эришолмади. Эртасига мени зонани бошлиғи чақирди. У менга қараб сен яхши иш қилмабсан деди. У одамни қўлидан кўп иш келар эди. У сенга ёрдами тегиши мумкин эди. Сен қўлингдаги имкониятни бой бердинг деди у.

Мен ундан энди нима бўлади командир, мени раскрутка қиласизми? деб сўрадим. У мен буни билмайман деди. Буни юқоридагилар билади. Мен билмайман деди. Кейин, у менга қараб, сен ҳизбут таҳрирга қандай қарайсан? деди. Мен унга уларни шу ерда кўриб танишдим. Олдин билмагандим. Уларнинг ақидаси ва йўли умуман менга тўғри келмас экан дедим. Кейин, у менга қараб, уларни нимаси хато менга тушунтир деди. Бу бошлиқ аввал мен келган пайтимда ҳам бошлиқ эди. Кейин, у кетиб, бошқаси келди. Энди у кетиб, бу яна қайтиб келганда ҳам мен шу ерда ўтирардим. У билан эскидан танишдек эдим. Мен унга бу ҳизбийлар бизнинг аҳли суннага хилоф йўлда эканлар. Улар суннатга эътиқод қилмайдилар. Фақат қуръон ва мутаботир ҳадисга эргашамиз дейишади. Улар халифат қуришни мақсад қилишган. Бу мақсад улар пайдо қилган янгилик эмас, ислом оламида бу мақсадда юрган кўп жамоалар бор. Булар жиҳодий ҳаракатларни қилишмас экан. Ўзларининг амирига байъат бериб, уни айтганига сўзсиз бўйсунушар экан дедим. У мени тинглаб турдида, сенга бир илтимос шуларни ақидасини аниқлаб билиб келиб, менга айтиб бер деди. Мен унга қараб, началник улардан бирортасини чақирингда, ўзидан сўранг. Улар сизга истаганингизча тушунтиради дедим.

Улар яшириниб юришмасди. Улар ментларга ва ҳаммага ўз ақидасини тушунтиришарди. Мени ақидам ва йўлим уларга зид эди. Мен бу ментларга ўз ақидамни тўлиқ ошкора қилолмасдим. Менинг ақидамда, «Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаганлар кофирлардир» (Моида 44) Ёки, намоз ўқимаганларни диндан чиққан деб тушунадиган эътиқод эди. Мен бу ментларга бу нарсаларни ошкора айтолмасдим. Ҳизбутларда эса, аксинча эди. Улар ментларга ва уларга 20 йиллаб муддат берган судларга қараб, мен Аллоҳдан сўрайман. мени сизлар билан бирга жаннатга киритсин деб айтишарди. Мен бу судларга ва ментларга жаннат сўрамасдим. Сўрай олмасдим. Эътиқодим шундай эди. Бошлиқ менга қараб, бўпди кетавер деди. Мен чиқиб кетдим. Зонада талотўплар билан янги аср ва янги минг йиллик кириб келди.

1999 йил 31 декабрда Товоқсойда 3 отрядни ленкомнатасида укам ва мен ва бир биродарим Асадуллоҳ билан яшардим. Телевизор кўриб ўтиргандик. 2000 йил кирди. Елцин янги йилга бир неча дақиқа қолганда, Россия халқини янги йил билан табриклади. Ва касаллик туфайли истеъфога чиқишини айтиб, ўрнига В. Путин муваққат Президент вазифасини бажарувчи бўлиб туришини айтди. Рус халқидан ўзи қилган хатолари учун узр сўради. Шу билан у истеъфога чиқди ва ўрнига В.В. Путин келди.

Биз эса, бу янги йилни мусулмонлар учун манфаатли бўлишини тилаб дуолар қилдик. Бу янги 2000 йил эса, аввалги 1999 йил каби, мен учун ҳам, ва барча диёримиздаги ва минтақадаги мусулмонлар учун ҳам катта синовлар йили бўлди.

Карцерда ўтиришим воқеъаси

2000 йил янги йил кирди. Январ ойининг бошида мени проходимга иккита мент Бири Халил деган режимник ва бири Фарҳод деган оперативник келиб тинтув қилиб, Имоми Бухорийнинг саҳиҳ тўпламининг биринчи томини олиб, ва мени олиб штабга кетишди. Қизиғи шундаки, бу китоб тошкентда босилган эди. У китобни ноқонунийлигига ҳеч қандай ҳужжат далилни ўзи йўқ эди. Мен укамга ва бошқа болаларга қараб, демак, мени ёпишмоқчи, бўлди энди болалар, дуода бўлинглар деб чиқиб кетдим. Штабга боргач, бу икки мент китобни ноқонуний сақлаганим ҳақида протокол ёзиб, менга имзо чекинг дейишди. Мен уларга бу китобни ноқонунийлигига бирорта ҳужжат кўрсатинглар дедим. Улар кулиб туриб, энди имзо қўйинг тақсир, ўзиз биласизку бу бўлмаса, бошқа нарсга топамиз деди. Мен унга имзосиз қаманглар дедим. Мни изоляторга олиб бориб қамашди. Мен бир кун нулевой камерада ётдим. Январда қамашгани учун ҳаво совуқ эди. Изоляторда ҳам камералар совуқ эди. Кейин эртасига мени изоляторга бошлиқни олдига олиб киришди. У менга қараб. Сен ноқонуний китоб сақлагансан деб, бир ой карцер жазосига ҳукм қилди. Мен унга қараб, начальник ўзизга алоҳида гапим бор мумкинми? дедим. Бошлиқ йўқ ҳозирмас мени ишим кўп деб чиқариб юборди.

Мен бошқа ментлар олдига гапирмайин деб чиқиб кетдим. Мен ундан мени раскрутка қилишга буюришдими? Очиқ айтинг деб сўрамоқчи эдим. Лекин, сўролмадим. Мени бир ой карцерга қамашди. Карцер дегани шу изоляторни тўридаги катта камералар эди. У ерда иккита одам ўтирган экан. Мен учинчи бўлиб кирдим. Булардан биттаси менга ўхшаган назоратдаги маҳбус экан. Иккинчиси, бир нима қилиб қамалган фонарни васёги экан. Ҳар иккаласи ҳам Андижонлик эди. Васёк Андижоннинг қайсидир қишлоғидан эди. Униси Асакадан бўлиб, Бир пайтлар положенец Холдорни ёнида юрган блатнойлардан экан. Холдор Асакани положенец бўлган бола эди. У 1996 йилда Аскада Корейслар автомобил заводини очганда, уларни олдига кириб, бу ерда хўжайин менман, менга доля бериб турмасанг бу ерда ишполмайсан деган экан. Корейс бу гапини ИАКга етказди. Холдор бешкекга қочиб кетади. Уни ушлаб келиб ўлимга ҳукм қилишади. Ўша пайтдаёқ отиб ташлашади. Ёнидагиларни ҳам ушлаб қамашади. Уларни сроки тугаб бошлаганда раскруткага тайёрлашмоқда эди. Мен эса, раскрутка эканига унчалик ишонмайроқ тургандим. Сабаби, одатда раскрутка муддати тугаганда бўларди. Мени эса муддатим тугашига анча бор эди. Мени муддатим 2001 йил майда тугаши керак эди. Карцерда ўтирганда анча қийналдим. Бушлатларни ечиб олиб қўйишди. Камера ичи совуқ эди. Елкам совуқ тортиб азоб берарди. Буйрагим ҳам шамоллаган бўлиб, у ҳам оғрирди. Бу ерда куни билан хатада юрардик. Кечаси нарани тушириб берганда ухлардик. Матрас кечаси ухлаганда бериларди. Кундузи олиб қўйишарди.

Қизиғи шундаки, Навоийда азобу уқубат бу ердагидан юз марта кўп бўлишига қарамасдану ерда ҳам бир ой карцерда ётганимда, матрасни кечаю кундуз камерада қолдиришганди. Бу қонунда қандайлигини Худо билади. Булар бизни менимча қийналсин деб, атайин шундай қиларди.

Шу Карцерда ётганимизда эрталаб прогулкага олиб чиқишарди.

Шу прогулкага чиққанимизда ДПНК навбатчи келиб олиб чиқарди. 2000 йил 9 январ кун ИАК сайловда ғалиб бўлди. Ўша сайловда унга Наманганлик Жалолов деган кимса рақиблик қилганди. Мен ИАКни сайловда ғалиб бўлганлигини ўша карцердан прогулкага чиққанимизда эшитганман. ИАК 91 % овоз олиб ғалиб бўлганди. Бу сайлов эмас. Шунчаки ўйин эди халос. 2002 йилда эса, у референдум ўтказиб, шу муддатини беш йилдан етти йилга узайтирганди. 2007 йил декабрда эса у касофат, Конституцияни оёқ ости қилиб. учинчи марта сайловга ўз номзодини қўйди. 2015 йил мартда эса, яна тўртинчи марта ўз номзодини қўйди. Ўлгунича курсини қўлдан бермай ўлиб кетди. Бу ифлос Президент бўлган даврда диндорларга кўп зулмлар бўлди. Бу зулмлар на қонунга ва на одамгарчиликка тўғри келмасди. Унинг даврида 2000 йилда Зангиотадаги 64/65 зона ва Жасликдаги 64/71 критий режимли зоналар очилди. Булар ИАК буйруғи билан фақат диний маҳбусларни, алоҳида қийноқлар билан жазолаш мақсадида ташкил қилинганди. Қорақапоғистоннинг шимолидаги Нукусдан 400 км. Узоқликда жойлашган, тўрт тарафида аҳоли яшайдиган поселка мавжуд бўлмаган, Жаслик деган жойда, совет давридан қолган ҳарбий базани 71 сонли ЖИЭМга айлантиришди.

Бу 400 маҳбусга мўлжалланган Жаслик колониясида, 600, 700га яқин маҳбус сақланган. Ўша йилларда диндорларга қарши турли туман қийноқ усуллари ўйлаб топилиб амалиётда қўллана бошланди. Жаслик устюрт чўлида қурилган зона эди. Бу ҳудуднинг иқлими жуда оғир бўлиб, қишида қақшатқич совуқ, ёзида эса жазирама иссиқ бўларди. У ерга 20 км. яқинликдаги жойдан темир йўл ўтади. Бу йўл совет замонидаги йўл бўлиб, шу йўл орқали Қозоғистонга ва у ердан Россияга борилади. Жасликга борувчилар ҳам шу поездда боришади. Бошқа йўл билан етиб бориш имконсиз, атрофни юзлаб километр саҳро эгаллаган. Поезддан тушиб, яна машинада 10, 15 км. юриш керак. Жаслик қамоқхонасигача орада икки милиция қуролли блокпости бор. Улар ҳамма ҳужжатларни текшириб, ўтказди. «Жаслик» қамоқхонасида асосан, диний ва сиёсий маҳбуслар сақланарди. Аммо, кейинчалик халқаро жамоатчиликка шов шув бўлиб кетгач, у ерга жиноий моддалар билан қамалганларни ҳам жойлаштиришади. У ерга Зангиота 64/65 сонли турмадан 159 моддалар билан қамалган диндорларни биринчи марта самолётда олиб борилади. Тошкентдан Нукусга ва у ердан қўлларига кишан солинган маҳбусларни ҳарбий вертолётларда қуролли соқчилар Жасликга олиб келиб, Бинони томида вертолёт қўнадиган махсус жойга қўнади. У ерда аввалдан руҳан тайёрлантирилиб, қўлларига дубинка ва арматура бўлагини ушлаб олган соқчилар, асосан Қорақалпоқлар вертолётдан тушган маҳбусларни уриб, махсус умумий камерага ҳайдай бошлайдилар.

Бу ергача ҳаммасини боши ёрилган, оёғи синган ҳолда етиб келишади. Шу ерда уларни ечинтириб, қип яланғоя қилиб, қўлларидаги сумкаларини ташлатиб, яна уриб камерага ҳайдашади. Яланғоч ҳолда камерагача кўп маҳбуслар етиб боролмай, калтак еб йиқилиб, йўлда қолиб кетадилар. Йўлдагиларни уриб тепкилаб ташлашади. Камерага борганларига эса, маҳбусларнинг махсус кийимларидан кийдирилиб, ерга чўккалаб ўтказиб қўйилади. Шу этапда анча маҳбус оғир аҳволда Санчагга ётқизилади. Шундан бошланган ваҳшийлик то 2002 йилда БМТнинг қийноқлар бўйича махсус вакили Тео Ван Бовен Ўзбекистон турмаларини текширишга келгунича давом этади. Мен Жасликда бўлган ва биринчи рейсда борганлар билан суҳбатлашганман. Шулар айтган гаплар асосида буларни ёзаяпман. Мен уларга қандай даҳшатли ёвузликлар қилинганини тасаввур қилаолмайман. Жаслик қамоқхонаси қаттиқ режимли, деб ном чиқарган. Аслида у ерда барча режимли маҳбуслар ўтиради. Ўзбек халқи уни “Борса келмас”, ёки “Ўлим лагери”, деб атайди.

Товонига дубинка билан 80 тадан 100 мартагача уриш ва резина “кувалда” билан ўпкасига уриш каби, мен 1996 йилда Нукус 9 сонли турмасидаги кўрган қийноқлар ўша ерда қўллана бошланган.

Камераларга 16 тадан маҳбус киритилган. Ва уларга Кечки, соат 10,00 дан то эрталабки, 06 00 гача ётишга рухсат берилган. Қолган вақтда каравот устига чиқиш маън қилинган. Овқатланадиган стол курсига ўтириш маън қилинган. Улар суткасига 16 соат давомида полда оёқ устида, турли хил ҳолатда ўтиришга мажбурланган. 12 та ҳолат (положения) бўлган. Масалан чўккалаб ўтириб, икки қўлини бошини орқасига қўйиб деворга қараб ўтиришлик. Биттаси ва ҳаказо...яна 11 та ҳолат. Намоз ўқиш мутлақо таъқиқланган. Камерадаги туалетга кириш учун, соқчидан рухсат олиш шарт бўлган. Ҳар куни икки маҳал текширув пайтида камерадан олиб чиқиб, калтаклашган. Ва камерада давлат мадҳиясини овоз чиқариб айтиб туришга мажбурланган. Шунингдек, ИАК номига кечирим хатини ёзишга мажбурлашган. Бу каби қийноқлар, барча зонада бор эди.

Жасликда ҳам бўлгани табиий. Мадҳия айтмаганларни алоҳида камерага қўйиб, қаттиқ азоблашган. Зангиота 65 зонасида пайтида ваҳҳобий ва ҳизбий гуруҳларни орасида мадҳияни айтиш ҳаром деган, фатво оралаган. Буни уларни ўша ердаги катталари бир бирига етказган. Аслида, бу мадҳия деган лаънати шеърни мазмунида, ҳақиқатда ширк калимаси бор. Шу шеър сабабли, ўн минглаб одамларга зулмлар қилинди. Уриб ёдлатилди. Лекин, бу билан уларда ватанга муҳаббат пайдо бўлиб қолмади албатта. Аксинча нафрати кучайди. Ўша йили Зангиота районида янги турма қурилади. Бу 64/65 сонли ЖИЭМ эди. Кўпроқ камерада ўтирадиган турма қилиб қурилган бу муассасани ер майдони кам бўлсада, кейин халқаро жамоатчиликга маълум бўлиб қолгач Зонага айлантиришади. Бу зонада диндорлар учун махсус комплекс зулм шакллари ўйлаб топилганди. Камерада 16 соат ўтирадиган маҳбуслар 12 та ҳолатда ўтиришга мажбурланган. Бу ҳолатлардан бири ўнг қўлини юрагини устига қўйиб туриб, мадҳия куйлашлик. Куйлагандаям қўшиқ қилиб чўзиб куйлаш. Шу сабабли кўп одамлар итдек калтакланиб қўл оёғи синдирилган. Битта ҳолат тиззалаб ўтириб, икки қўлини бошини орқасига қўйиб, туришлик. Бошқаси тик туриб, деворга қараб қўлини деворга қўйиб туриш.

Шундай қилиб қўйиб, кейин дубинкалар билан маҳбусларнинг буйрагига урилган. Бу ерга фақат 59 модда билан қамалганлар олиб келиниб, қаттиқ қийноқларга солинган. Шу зонадан кўпгина диндорларнинг ўлиги чиққан. Бу ерда маҳбуслар қаттиқ азобларга дучор қилинган. Ҳизбут Таҳрирни Марказий Осиёдаги амири Ҳафизуллоҳ Носировни укаси, Ҳабибуллоҳ Носиров шу ерда калтакдан ўлган. Бу ерда ўлганлар сони саноғи менга албатта, маълум эмас. Аммо, Жасликдан кейин зулмда шу маскан иккинчи ўринда турган. Бу ерга Тоштурмадан, Судда қамоқ муддатини олган диндорлар олиб келинган ва бир икки ойдан сўнг, яна у бу зонага этап қилишган. Шу икки ой ичида бу ерда қаттиқ қийноқларга солинган. Жаслик турмаси зулму зўравонликда дунёга машҳур бўлди. Бу зона ҳақида дунёнинг турли минбарларидан туриб, гапирила бошлашди. Тео Ван Бовен эса, уни бекитишни тавсия қилиб кетди. Шунга қарамасдан ИАК то ўлгунича бу турмани бекитмади. У ҳалигача ишлаб турибди. Ундаги зулму зўравонликларни ўша пайтда эшитганларимдан бирини ҳикоя қилмоқчиман. Бу воқеъа ўша пайтда кўп шов шувга сабаб бўлганди.

2000 йилда, Жасликда Ҳусниддин Алимов ва Музаффар Авазов деган иккита ҳизбий йигитни қаттиқ калтаклаб, камерага ташлаб, кейин устидан қайнаган сув ҳам сепишган. Булар Ҳизбутчиларни кўзга кўринган вакиллари бўлишган. 1967 йилда туғилган Музаффар Авазов 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди.

Бу иккаласи аҳволи жиддий оғирлашгач, Нукусга СИ 9 га касалхонасига олиб кетамиз деб, маҳбуслар тилида “воронок” деб аталадиган зековоз юк машинасига ортиб, 40 градуслик иссиқда қўйишган. Машинани ичида ҳаво кирадиган ери йўқлиги учун, ҳамма ёғи темир машинани ичи даҳшатли иссиқ бўлади. Унинг ичида соғ одамлар зўрға ўтирарди. У иккаласи тамоман майиб мажруҳ бўлган ҳолда йўлда ўлган. Музаффар Авазов 34 ёшида вафот этади. Унинг 4 та фарзанди етим қолади. Шу машина ичида Нукусга боргунча 4 соатлик йўл. Буни билиб туриб, уни атайин ўлиши учун, шундай қилишган. Зонани янги бошлиғи бўлган Қаршилиқ миллати қозоқ полковник Алиҳайдар Қулумбетов маҳбусларни мана шундай қийнашликга катталари Қодировдан, хусусан Алматовдан буйруқ олган. У буйруқ эса ИАҚдан буйруқ олганига менинг шубҳам йўқ. Бу Алиҳайдар Қулумбетов Жасликдан сўнг пенсияга чиқиб, Чимкентга бориб яшай бошлайди. 2006 йилда уни уйига номаълум кимсалар уйига кириб ўлдириб кетадилар. Бу ўзбек МХХлари уюштирган иш бўлиб, кўп сирларни биладиган полковник, у бу ерда гуллаб қўйиши мумкин эди. Лекин, кўпчилик уни диндорлар қасд олиш учун ўлдирган дейишади. Музаффар Авазовни укаси Мухтор Авазовни ҳам қамашган.

Онаси Фатима Авазовани шартли жазо билан озодликга чиқаришган. Аксарият ҳолларда эрига қўшиб хотинлари қамалишган. Ака укаларини қамашлик оддий ҳол бўлсада, баъзида ўша маҳбусни ота онасини ҳам жиноятга шерик қилиб қамашган. Ўша пайтларда Англиянинг Тошкентдаги элчиси бўлган Крег Мюррей кўпгина ҳуқуқбонлар билан алоқада бўлиб, бу воқеаларни ичидан кузатиб юрган. Кейинчалик у ишдан бўшатилади. Ва 2006 йилда Самарқанддаги қотиллик” номли китобини чоп этади. Крег Мюррей китобидаги қуйидаги парчани 2005 йилда Ўзбекистон билан ораси совуқлашган пайтда Вашингтон Пост газетасида босилиб чиқади. Унда шундай гаплар бор эди. «Эртаси куни ўзбек ГУЛАГини битта қурбонини суратларини мени олдимга қўйишди. Менга маълум бўлишича унинг исми Авазов Музаффар эди. Ўликнинг юзлари қонталаш эди. Бармоқ учлари қорамтир кўкарган эди. Биз суратларни Глазго университетига юбордик. Икки ҳафтадан сўнг паталогоанатомик хулосани олдик. Унда айтилишича, ўликни қаттиқ калтаклашган, тирноқларини суғуришган терисидаги шишлар эса уни иссиқ суюқликка ботиришганидан пайдо бўлганди дейилади.

Ёки, тириклайин қайнатилган деб, қўшимча қилади Крег Мюррей.» (Вашингтон пост, 5 сентябр 2006 йил) Албатта, бу икки кишини ўлими Крег Мюррей сабабли дунёда катта шов шувга сабаб бўлади. Шунинг учун бундан дунё жамоатчилиги хабардор бўлади. Аммо, Жасликда ўлганлардан кўпчилигини бугун, биз на номини ва на сонини билмаймиз. Ўша пайтларда Тошкентдаги мавжуд чет эл ёки маҳаллий ҳуқуқбон ташкилотлар вакиллари ва журналистлар баъзи бир суд жараёнларига қатнашар эдилар. Шу сабали судлар баъзида кам муддат берарди ёки аёлларни шартли муддат билан чиқариб юборарди. Вилоятларда яширинча ўтган ўнлаб ёки юзлаб судларда ким нима қилаётганини биров билмасди. Қонунларга кўра очик суд мажлисларига журналистлар ва ҳуқуқбонлар ва умуман истаган шахс киришга ҳақли бўлсада, ҳеч ким киришга йўл қўйилмайди. Шунингдек, Жазони ўташ муассасаларига ҳам киришга қонунда рухсат бор. Жиноят Ижроия Кодекси 18 моддасида шундай дейилади. 18-модда. Жазони ўташ жойларига кириш Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқига эга. Журналистлар бу қонунга кўра зонага киришга ҳақлидирлар. Аммо, шу пайтгача зоналарга бирорта журналист ҳатто режимпараст журналистлар ҳам кирганини кўрган ва ё эшитган эмасман.

Ўзбекистоннинг бошқа зоналари ва тергов изоляторларида ҳам диндорларга турли туман қийноқлар қилинаётганди. Товоқсойда ҳам диндорларни дубинкалар билкан аямасдан калтаклаш ва изоляторга қамашлар кўпайиб кетганди. Братва эса, диндорларни калтаклашига индамасди. Бунга аввало уларнинг ўзлари ҳам заифлиги бўлса, иккинчиси, бу диндор маҳбусларни уларга ҳам кераги йўқ эди. Улар ўзларини маҳбусларини имкон қадар ҳимоя қилишарди ҳалос.

Тоштурмадан ҳар куни Тогоқсойга этап келар эди. Ҳар куни келадиган 50 та маҳбуздан 25 таси 159 модда билан қамалганди. Уларни этапдан алоҳида ажратиб олиб қаттиқ калтаклаб 4,5 кун изоляторда сақлашарди. Олдинлари зонада маҳбусларга бунақа зулмлар қилишмасди. Ўша воқеадан сўнг шу каби зулму зўравонликлар одат тусига киради.

Диндорлар орасидаги ихтилофлар

Мени карцерга қамалишим ўша Хоразмлик МХХнинг ишими ёки, бу раскруткадан даракми, шунга тушунолмасдим. Тушунганим шуки, бу ҳаракат негадир эртароқ бошланганди. Раскрутка бўлса, бунга шошмаса ҳам бўларди. Лекин, негадир булар шошилишди. Карцердан кейин, ўша МХХ яна келса керак деб кутдим. Сабаби у менга ота онанг билан хайрлашишга имкон бермаймиз деганди. Бу дегани яна срок берамиз деган гап эди. Ота онам эса, қари кишилар эдилар. Ўлим кимга қачон келишини билмайдиган одамзот, барибир қарияларни тез кетади деган, гумонда бўларди. Лекин, барибир Аллоҳнинг қадарда битгани бўлар экан. Мен дадам вафот этган 2006 йил март ойида уйда ёнларида ўтирган эдим. Онам вафот этганда 2008 йил декабр ойида эса, Москвада эдим. Ҳар иккаласида ҳам МХХнинг айтгани бўлмади. Аммо, унинг ўзи ота онасини олдида бўлдимми йўқми, Худо билади?! Мен шунча йил турмада ўтирганимга эмас, ота онамга бирорта яхшилик қилаолмаганимга афсусланардим.

Мабодо улар дунёдан ўтиб кетсалар, ёки мен ўтиб кетсам, бу армоним ичимда кетади деб қийналардим. Мен озодликка чиққанимда ҳам, уларга ёрдам берадиган имкону шароитни ўзи йўқлигини, у пайтда ҳали унчалик англамасдим. Иқтисод тамомила издан чиққан ва мамлакат вайрон бўлганди. Иш йўқ пул йўқ ва чироқлар суткасига икки соат ёнадиган ва қишда газ йўқ одамлар амаллаб бир кунини кўришарди. Мен буларни озодликка чиққанимдан кейин билганман. Аммо, ҳали уларни билгунимга қадар тўрт йўлдан ошиқ вақт бор эди.

Карцердан Асакалик киши олдин чиқди. Ундан кейин васёк иккаламиз қолдик. Кейин васёк чиқди. Мени олдимга бошқа маҳбусни олиб келишди. У билан бир ҳафтача ўтиргач мени озод қилишди. Бир ой деганда, карцердан чиқдим. Карцерга кирганимда январни боши эди. Чиққанимда феврални бошида чиқдим. Орадан бир ҳафта ўтиб, мени ва укамни учрашувга чақириб қолди. Учрашув хонасидаги васёк келиб, отрядда мени излаб топиб хабар берди. Мен ва укам ким келган экан деб, кийим бошимизни тозалаб, учрашувга кетдик. Борсак, дадам ва укамни хотини ва кичкина қизчаси келган эканлар. Уларни менинг яқин дўстларим, ўз маблағларига олиб келишган экан. Уларда ўзлари келишга имконлари йўқ эди.

Мен у дўстларимга Аллоҳ икки дунёда ажрлар беришини тилайман. Мен дадам билан бир хонада бўлдик. Укам ўз оиласи билан, бошқа хонада бўлди. Учрашувга кирганимга жуда хурсанд бўлдим. Бу учрашув 1997 йил февралдаги учрашувдан кейингиси эди. Бу сафар онам йўқ эдилар. Мен у пайтда кейинги учрашувим онам билан Навоийда 2001 йил февралида бўлишини билмагандим. Учрашув хонасида эрталабгача дадам билан гаплашиб чиқдим. Оёқларини уқалаб ўтирдим. Қари одам сал юрса, чарчаб қоларди. Ўша пайтда 74 ёшда эдилар. 2006 йилда 80 ёшда вафот этдилар. Аллоҳ раҳматига олсин. Мен дадамга мени карцерга ташлаганларини айтмадим. Мени раскрутка қилиши мумкинлигини айтмадим.

Бу нарсаларни у киши билиши, фақат у кишини ғамга ботиришдан бошқа натижа бермасди. Менга эса, у кишини ғамга ботириш кераги йўқ эди. Мен энди озодликка чиқсам ҳам, ота онамни хурсандлиги учун чиқишни истардим. Мени бошқа мақсадим йўқ эди. Менда хотин ва бола чақа йўқ эди. Уларгаку ўлмасам улгурарману, лекин, ота онага кейин кеч бўларми? деб қўрқардим. Мен дадамга бу бўлаётган воқеаларнинг тагида, биз билмаган бир ҳикмати бор дердим. Мен қамалиб кетиб, бу ерда ҳалигача ўтирибман. Бошқаларга қарангки, қанчаси отилиб кетди. Яна қанчаси нима бўлди? Хуллас, элга келган тўй дегандек, бу балолар барча мусулмонлар бошига келаяпти.

Имон йўлида синовлар келиши эса, қуръонда айтилган. Одамлар "иймон келтирдик" дейишлари ила имтиҳон қилинмай, тарк этилишларини ўйладиларми? Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказганмиз. Бас, Аллоҳ, албатта, (шу имтиҳон воситасида) содиқ бўлганларни ҳам билади, ёлғончиларни ҳам билади. (Анкабут сураси 1, 2 оятлар)

Мен у кишининг қалбига таскин беришга уринардим. Менинг ва укамнинг ҳаётда бошимизга келган балолар, ана шу синов имон имтиҳони туфайлидан деб тушунтирмочи бўлардим. Бошқа қандай қилиб ота онани юпатиш мумкин? Бу оятлар менинг ҳам ва дадамнинг ҳам, қалбимизга тасалли берарди. Мен тақдиримдаги балолар, шу имтиҳон туфайли деб ишонардим. Аммо, бу ерда ўғрилар ва бошқа турли адашган кимсалар ҳам, шу каби кўргуликларни кўраётганди. Уларники нима, имтиҳонми ёки қилган амали учун жазоми? бунга тушунмасдим. Бухоролик Баҳроуллони шогирди Баҳром Жаслиқда ўлиб кетганди. Қуръонийман дейдиган аҳмоқни Жаслиққа этап қилишганди. У Янгиерлик бўлиб, Тошкент вилоятидан эди. Бу ёқда ҳизбут дегани тўлиб кетган эди. Булар ёш ёш болалар бўлиб, ҳали на динни ва на дунёни тушунмасдилар.

Лекин, улар Суд ва прокурорларга ва бошқа лавозимли амалдорларга бориб варақасини бериб, уни ҳизбутга даъват қилишарди. Ҳизбутлар Ўзбекистон тарихида бўлмаган ишни қилгандилар. Жиҳодчилар эса, тарихда бўлмаган ишларни қилгандилар. Буларнинг бари мен учун тушунарсиз эди. Мен Абдували қорининг «Биз зўравонлик қилмаймиз. Биз уларни исломга даъват қиламиз. Биз исломни яхшилигини ўзимизда билдик. Уларга ҳам шуни илинамиз. Бизнинг бу даъватимиз уларга ота онаси қилмаган меҳрибонлик эканини, агар улар билсалар эди?! Бу бизнинг йўлимиз шу даъват йўлидир. Улар бизни яхши кўришсин ва ёки ёмон кўриб истаган азобини беришсин! Биз барибир уларни даъват қилаверамиз. Улар бизни «буни бопладик» дейишмасин. Улар ўзлари жуда бопланган одамлардир. Буни бу дунёда билмаса нариги дунёга борганда, албатта билишади. Ҳали у дунёдан илгари шу дунёнинг ўзида ҳам боши ёстиққа етганда билишади. Агар қарилик ёшигача етиб боришса албатта. Шу қуртларга ем бўлиб лаҳадда чириб кетадиган жасадимни семиртираман деб, шу динимни сотдимми? Жосуслик қилдимми? Қаранглар узоқ ва яқин тарихни қаранглар.

Қанча исломга душманлик қилган одамлар, малъун бўлиб қолишди. Биз улардан бу даъватимиз учун бирорта ҳақ талаб қилмаймиз. Ёки, уларни ўзимизга уммат қилиб олмоқчи эмасмиз. Агар улар бугун бизни устимиздан кулсалар, биз уларга пайғамбарлар айтган гапни айтамыз. Оят: «Агар (бугун) сизлар биздан кулсангизлар, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлар(нинг устингиз)дан куламыз». (Худ сураси 39 оят) деган, гапларини қалбимга қуйиб олгандим. Мен зўравонлик йўлига ўтишни хато деб билардим. Аммо, бу динда жиҳод бор. Уни ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин, бу жиҳодни шартлари бор эди. Мен бу шартларни бугун мавжуд деб ўйламасдим. Шунинг учун ҳам қонуний йўллар билан фаолият қилишни мақсад қилгандим. Шунинг учун ҳам масжидни рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қилгандим. Шунинг учун ҳам диний бошқармадан уни қайд қилдиргандим. Аммо, мен мазҳабга мажбурлаш киритишга қарши эдим. Бизни мазҳабга мажбурлашлари на динга ва на мавжуд қонунларга зид амал деб ҳисоблардим. Аммо, Диний Бошқармадаги динфурушлар мазҳабга кирмагани ваҳҳобий деб, қаматишдан тўхтамасдилар.

Кейинроқ эса, 1993 йилдан бери хорижда яшаётган Собик муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ИАКнинг талабига биноан ватанга қайтиб келади. Ва у ҳам ваҳҳобийларга, ҳизбутларга қарши китоб ёзиб тарқатиш каби, ўз «савобли» фаолиятини бошлайди. Бу фаолияти баъзилар фикрича кўп мусулмонлар учун манфаатли бўлган. Хусусан оддий омиё халқга динни аҳкомларини танитиши ва сиёсий жиддий бўлмаган масаларни ёритиб берадиган китоблар чиқариб сотиши халқ учун фойдали бўлган бўлса эҳтимол?! Лекин, у кимса ИАК тарафидан йўқ қилиб юборилган имомларни ҳимоясига бир оғиз гап гапирмагани ва ҳатто уларни қоралаб китоб ёзгани, менимча унинг катта хатоси эди. Ихтилофлар деган китобида исмини айтмасда Абдували қори акани, мазаммат қилиб ёзганини тушуниш мумкин эди. Шунингдек, мутаассиб мазҳабпараст бу кимса, ўша мазҳабга кирмаган кишиларни, хусусан илмли кишиларга ҳам ўзининг қаттиқ нафратини яширмайди. Бу унинг ва муридларини очган ўнлаб сайтлар ва у ердаги китоблар ва мақолаларда кўриниб туради. Унинг бу каби мазҳабпарастлиги, ИАК талаби билан эмас эди албатта.

У динни тушуниши шундай ва шу тушунчаси унга бошқаларни қоралашга ва айни дамда режимга хизмат қилишга сабаб бўлди. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфни қайтаришдан мақсад, ИАК режими ундан турли хил оқимларга қарши фойдаланишни режаллаганди. Ва у бу мақсад йўлида озми кўпми, меҳнат қилди. Аммо, ҳамма гап шундаки, режим амалдорлари унинг гаплари, бу оқимларга кирганлар учун, сариқ чақалик қиймати йўқлигини тушунмасдилар. Унинг китоблари эса, ҳали ҳеч қайси гуруҳга аъзо бўлмаган оддий одамлар учун фойдали бўлди дейиш балки мумкин. Лекин, бирорта оқимга кирган, яъни ўз дунёқараши ва диний тушунчасига эга одамни йўлидан қайтара олган деб ўйламайман. Шунингдек, жойи келганда айтиб ўтай мен динни тушунишим шундайки, ҳеч қандай шахс имоми аъзамми, бошқа имомми ўтганига минг йил бўлганими ёки тирикми, ким бўлишидан қатъий назар, бу динда ўзи тушунган ва ўзи тўғри деб билган йўлни, аҳкомни бошқаларга шарт қилиб олиши мумкин эмас. Чунки, Пайғамбар алайҳиссаломдан бошқа шахсга биз эргашишга маъмур эмасмиз. Мени тушунишим шу.

Ва бу қатъий ва аниқ эътиқоддир. Мен ҳар қандай шахсни фатвосини олиш ва олмаслик ихтиёримни ўзимда эканини айтаман. Ва мендаги бу ҳақни бошқалар ҳам тан олиши шарт деб биламан. Шунинг учун менга салласи қозондек, кимсаларнинг гапларини ҳеч аҳамияти йўқ. Менга кимнидир мазҳабини олиш ё олмасликга мажбур қилишга, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу қатъий ва жиддий фарқдир. Собик Муфтий одамларни ҳанафий мазҳабига чақирар экан, кирмаганларни доим маломат қилади. Ваҳҳолонки уни бунга ҳаққи йўқ эди. Аслида бу иши қонунан ҳам тўғри эмасди.

Лекин, ИАК ҳам ҳатто, мажлислардан бирида, ўшаларнинг таъсирида бўлса керак, ҳанафийликга тарғиб қилиб гапирган эди. Конституцияда эса, инсонлар истаган динга ёки мазҳабга киришга ҳақлидир. На динга ва на дунёвий қонунларга тўғри келмасада бизни халқни доим ҳанафий мазҳабига даъват қилишади. Бу катта хато эди. Бу ишларни бошида мана шу муфтий Муҳаммад Содиқ турарди. Бу кимса диндорларга катта фитна етишига сабаб бўлган кимса эди. Мен олдинлари фақат мана шу мазҳабчи мутассиблар билан ихтилофда бўлган бўлсам, энди Товоқсойда Ҳизбутлар ва ЎИХчиларга ҳам ихтилофда эдим. Улар билан тортишувлар давом этарди. Учрашувдан чиққач, март ойида мени яна изоляторга қамашди. Кейинчалик апрелда эмас, майда яна бир изоляторга қамашди.

Ана шунда мен раскруткага кетаётганимга амин бўлдим. Бир ойлик карцердан кейин, икки марта изолятор бўлса, бу одам ашаддий тартиббузар ҳисобланарди. Бу маҳбус устидан қонунгша кўра, 221 моддага биноан жиноий очиш мумкин бўларди. Шу иккита изолятор билан жами саккизта изолятор ва бир марта карцер деган, тартиб бузарлик деломга қайд қилинди. 1997 йилда икки марта изолятор, 1998 йилда икки марта изолятор, 1999 йилда яна икки марта изолятор, 2000 йилда эса бир ой карцер ва икки марта изоляторга тушгандим. Шундан кейин яна икки ойча менга тегишмади. Лекин, мен барибир энди Суд қилишади деб кутиб юрардим. Мен судни шу зонада бўлса керак деб ўйлагандим. Лекин, ундай бўлмади.

Тергов

Мен яна ўша Тошкентда ишлайдиган, асли Хоразмлик МХХ майори келиб, «энди сени делонг қайта жиноят иши очилишга тайёр бўлди. Агар айтганимизни қилсанг раскрутка бўлмайсан ва қилмасанг кетасан» деб айтса керак деб, ўйлаб юрдим. Лекин, у бошқа келмади. Иккинчи марта изоляторга кириб чиққанымдан кейин ҳам анчага мени тинч қўйишди. Мен буларни ниятига тушунолмасдим. Ўша пайтларда зонага китоб магазини келди. Бу магазин катта грузовой машинада келиб, ёзги клубга ўз китобларини ёйиб, зонадаги маҳбусларга сота бошлади. Бу китобларни олишлик нақд пулга эмас, пул ўтказиш орқалик бўларди. У пайтларда тикув цехида ишлайдиган болаларда ҳисоб рақамида пул бор эди. Баъзиларнинг уйидагилар келиб, ҳисобига пул қўйиб кетишарди. Бу пулга зонадаги ойда бир очиладиган магазиндан, маҳбуслар пул ўтказиш орқалик, у бу нарсани харид қилишарди. Мен ўша ерга бориб китобларни кўра бошладим.

Китоблар орасида имоми Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислари таржимасининг оқ жилдда босилган, тўртта томи бор эди. Мен биттасини қўлимга олиб у бу ёғини очиб кўра бошладим. Шу пайт штабдан опер бўлим бошлиғи майор Отажонов келиб қолди. Мен унга қараб, начальник бу қандай бўлди энди? Бу китобни ўқидинг деб, мени бир ой карцерга қамадинлар. Энди эса, бу китобни бу ерга сотишга олиб келибсизлар? дедим. Майор менга қараб, тиржайиб, энди олавер, энди қамамаймиз деди. Бу очиқ ойдин мунофиқлик эди. Бу китоб қонунан таъқиқланган китоб эмасди. Лекин, шу китоб учун мен бир ой карцерда ўтирдим. Майор менга қараб, Абутов энди ўзинг биласан, бизга айтилса бажарамиз. Бу китоб бўлмаса, бошқа баҳона топамиз. Хуллас, ўзинг биласанку? деди. Бу сафар мент гапни ростини айтганди. У адолатсиз тизимни ёлғонларини ўзи ҳам яхши тушунарди.

Бирорта нарсани баҳона қилиб, маҳбусларни ноҳақдан раскрутка қилишаётганини англашарди. Уларга бу маҳбусларни уйида ота онаси ва бола чақаси, кўзлари тўрт бўлиб кутаётгани бир пул эди. Улар адолатсиз ҳукуматнинг адолатсиз хизматчилари эдилар. Бу ҳукумат тепасида эса бадбахт ИАК ўтирарди. Минглаб маҳбуслар эса итдек калтак еб, унга кечирим хати ёзишга мажбурланишарди. Унинг сиёсатиға қарши маҳбуслар эса, зонама зона раскрутка бўлиб узоқ йиллардан бери юришарди.

2000 йил июн ойига келиб, мени Товоқсой турмаси бошлиғи полковник Мирмаҳмудов чақириб, менга қарши МХХ жиноий иш очишни талаб қилаётганини ва у МХХга қарши кетолмаслиги айтиб, ундан хафа бўлмасликни сўради. У бу билан ўзини виждон азобидан қутқармоқчи бўлдимиз ёки Худонинг олдида ўзини оқлашни ният қилдимиз, буниси менга қоронғу. Мен уни кабинетида ўтириб унга қараб, шундай дедим. Началник, майли мен энди раскрутка бўлишим тақдиримда бор экан. Демак раскрутка бўламан. Лекин, сиздан бир илтимосим мени бу ерда укам бор. Уни имкони борича тез озодликка чиқаришингизни сиздан илтимос қиламан дедим. Уйда уни хотини ва ёш болалари бор. Ота онамиз қариб қолишган. Агар мени раскрутка қилсангиз, шу болани чиқариб юборинг қўлингиздан келса дедим. У менга қараб укангни борлигини биламан деди. Уни муддатини ҳам қисқартирилди. Балки, яна амнистия чиқиши айтиляпти. Эҳтимол шу амнистия билан чиқиб кетар. Мен сенга ваъда беролмайман деди у. Кейин, менга қараб, энди сен бориб уканг билан хайрлашиб, сумкангни олиб кел. Сени энди терговга шу изоляторга қамаймиз деди. Мен ундан тергов шу ерда бўладими? деб сўрадим.

У менга ҳа, тергов пайтида изоляторда ётасан деди. Мен унда мен икки соатга келаман деб, уни кабинетидан чиқиб кетдим. Отрядга бордим укамни ва бошқа болаларни тўплаб уларга, мени терговга изоляторга қамашар экан дедим. Энди укалар сизлар, мендан рози бўлинглар. Бу ерда қанча қоламан билмайман. Кейин нима бўлади аниқмас. Изолятордан бошқа зонага қайтиб чиқмасдан Тоштурмага кетсам керак дедим. Мени ҳақимда дуода бўлинглар дедим. Биласизлар Жасликда намоз ўқитмас экан. Балки, мени ўша ерга юборишлари мумкин. Балки, бошқа кўришмасмиз? Хуллас, энди сизлар сабрли бўлиб, бу синовлардан эсон омон ўтиб олинглар. Барибир яхши кунлар келади. Иншааллоҳ ажабмас ҳали ўша кунларда учрашсак дедим. Укаларим мени кучоқлаб йиғлашарди. Наманганлик Маҳмуд ака деган киши бор эди. Бу амакини ёши олтмишдан ошганди. Уни ҳам 159 билан қамашганди. Кап катта одам мен билан хайрлашиб йиғлаб юборганди. Ўзимни эса кўзимдан ёш чиқмасди.

Лекин, юрагим қон эди. Шундай қилиб мен укам ва бошқа биродарлар билан хайрлашиб, изоляторга терговга кириб кетдим. У ерда бир ойча терговда ётдим. Терговчи Ғазалкент районида келиб, мени штабга чақириб тергов қилиб кетарди. У келганда мен штабга кирардим. Икки соатча ўтириб, яна изоляторга қайтардим. У пайтда мени изолятордаги бир катта хонага тиқиб қўйишганди. Бир ўзим катта хонада ўтирардим. Хонада туалет ва кран бор эди. Матрасни ҳам кечаю кундуз бериб қўйишди. У пайтларда тахминан 2000 йилнинг август ойлари эди. Терговчи мени терговга чақирганда, сени 221 модда билан суд қиламиз деди. Бу модда нималигини мен яхши билардим. Бу моддага биноан олдинлари блатнойларни раскрутка қилишарди. Энди бу модда МХХ назоратидаги маҳбусларни раскрутка қиладиган моддага айланганди.

221-модда. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик

Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг карцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса,

—
уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган бўлса,

—
уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу моддага биноан менга қайта жиноий очилганди. Айбим эса ўша ўзлари у бу бинарсани аҳона қилиб, шу ўтган тўрт йил давомида саккиз марта изоляторга қамаб ва яна бир ой карцерга қамаганлари эди. Кейин, деломда бир иккита опер ва режимникни, менга қарши ёзган кўрсатмасини кўрдим. Улар мени проходимдан диний китоб топиб олганликларини ёзишганди. Терговчи ёш бола эди. У мени адолатсизлик қурбони эканимни англади. У менга нимага тартибни бузгансиз? Тинчгина жазони ўтаб чиқиб кетсангиз бўлмасмиди? деб савол ҳам берганди. Мен унга қараб, ҳа командир, мен шунақа тартиббузар эканман деб қўяқолдим. Уни ўзи ҳам мен ҳам тушуниб турардик. Терговда ётганимда укаларим изоляторга овқат киритиб туришди.

Изоляторга қарайдиган бола бир куни келиб менга, сени ментлар Жасликқа кетасан дейишяпти деди. Мен бу гапни ўзим эшитмагандим. У ментлардан эшитган экан. Жасликда намоз ўқишга рухсат йўқлигини эшитгандим. Мени қайғу босди. Мен намозни тарк қилишни куфр деб билардим. Намоз ўқимасдан қандай яшайман деб қайғурардим. Мен учун ундан кўра, ўлиб кетганим яхшироқ эди. Ўша ерга бориб калтак еб, ўлиб кетсам керак деб ўйлардим. Уйга ўлигимни олиб келишганда ота онам қай аҳволга тушадилар деб, ўйланиб яна баттар қийналардим. Терговда руҳий қийноқлар остида ўтирдим. Кечаю кундуз ёдлаган сураларимни ўқиб, алаимдан тинмасдан йиғлардим. Мен ҳали уйланиб бола чақа қилмаган, ёш йигит эдим. Ҳаётга келиб ҳеч нарса кўрмасдан ўлиб кетаётганимга алаим келиб йиғлардим. Ахир қанчадан қанча болалар ўлиб кетишдику? Мен нимага ўлмаслигим керак экан? Лекин, нима айбим учун бу қисматга дучор бўлганимни тушунмасдим. Қанчадан қанча жиноятчилар бу ҳаётда яшаяпдиларку? Нега энди намозхон мусулмонларга яшаш учун имкон йўқ?! Бу саволлар оғир эди. Бу саволларга жавоб йўқ эди. Булар руҳий қийноқ ва қалбни парчалайдиган азоб эди. Булар бари синов экан деб, қуръон ўқиб кўнглим таскин топарди. Мен аниқ ишонаманки, ўлимга ҳукм қилиниб отиб ташланган юзлаб ёш диндор йигитлар ҳам, мен каби шунақа руҳий қийноқларни бошидан ўтказишган. Улар ҳам қуръон ўқиб қалблари ором олган. Зеро Аллоҳни зикр қилиш билангина қалблар ором олур. (Раъд 28 оят)

Аллоҳ барибир қиёмат куни ҳаммани тирилтиради. Ва ўзи ҳисоб китоб қилади. Ана шунда одамларни ноҳақдан қатл қилган бу золимлар ҳолига вой бўлади. Аллоҳ адолатли зотдир. У мусулмонларни қатл қилганларни жазолайди. Ва Бу мазлумларга улкан ажрлар беради» деган фикрлар дилга ором берарди.

Зеро мўмин кишининг эътиқоди шудир. Биз бунга шубҳасиз ишонардик. Бир ойдан кейин, у ердан Товоқсойдан мени Тоштурмага олиб боришди. Этапга чиққанимда бир қанча маҳбуслар бирга чиқдик. Мени алоҳида бир чеккага чиқариб қўйиб, шмон қилишди. Тоштурмадан келган дубахларга зонадаги Ботир деган майор режимник, бу одам ваҳҳобий, бундан эҳтиёт бўлинглар деди. Улар менга жуда кўпол муомала қилиб, қўлимга кишан солиб, машинага алоҳида жойига миндириб олиб кетишди. Шундай қилиб, шунча йил ўтирган Товоқсойдан, қўлимда кишан билан чиқиб кетдим. Тоштурмада мени кичкина хатага қамашди. Бу хатада маҳбуслар кўплигидан кимирлашга жой йўқ эди. Лекин, бу ерда режим йўқ эди. Тор ерда бўлсада, навбатма навбат ухлардик. Мен шу ерда яна, икки ой қолиб кетдим. Бу мен учун жуда руҳий азобли кунлар бўлди. Мен овқат емасдим.

Шу ерда ўтириб, тор жойда намоз ўқирдим. Қанийди бир одамлардан холи жой топсаму, бир тўйиб тўйиб йиғлаб олсам дердим. Одам йиғласа ҳам сал енгил тортади. Лекин, бу ерда йиғлашга имконим йўқ эди. Бу ердаги қий чув қилаётган маҳбусларга, менинг руҳим ҳолатим кечинмаларим умуман тўғри келмасди. Мен фақат нон еб сув ичиб яшардим. Ўша ерда тезда озиб тўзиб кетдим. Шу ердаги руҳий азобим умримдаги энг оғир қийноқлардан бири эди. Бу ерда жисмонан эмас, руҳан қийналардим. Энди менга неччи йил муддат беришар экан? Жасликқа юборишса, у ерда намозни қандай ўқир эканман? Уйдагиларга мени раскрутка бўлганимни хабари етса, улар не аҳволга тушар эканлар? Ота онамни кўриб қоламанми йўқми? Жасликда калтак зарбига бардош беролмай, намозни ташлаб бенамоз бўлиб кетсамчи? Бу ва бошқа минглаб саволлар менинг юрагимни кемирарди. Бу саволларга менда жавоб йўқ эди. Мен Аллоҳга дуолар қилиб, мени тоқатим етадиган синовлар беришини ва тоқатимдан ташқари синовлар бермаслигини сўрардим. Инсон оғир аҳволга тушиб қолса, Аллоҳга дуо илтижо қилиб қолади. Хурсандлик кунда эса, унда шу ҳолат топилмайди. Бунини шундай аҳволга тушиб кўрган одамлар яхши англашади. Шу туфайли ҳам мўмин кишига етган балою офатлар, аслида унинг учун яхшилик экани айтилади. Чунки, бу азобу уқубатлар бандани Аллоҳга яқинлаштиради.

Гуноҳига тавба қилишига ва мағфират сўраб дуо илтижо қилишига сабаб бўлади. Бу эса банда учун, албатта яхшиликдир. Эҳтимол, уни Роббиси шу дуолари туфайли мағфират қилиши мумкин? Агар шундай бўлса, бу шубҳасиз улкан неъматдир. Мен ана шундай аҳволга тушганимдагина офату балони неъмат эканини англадим. Дунёдаги ҳар бир иш Аллоҳнинг иродаси, қазои қадари билан бўлади. Барча қийинчиликларга сабр қилиш лозим. Чунки булар ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Шунинг учун ҳам «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон Аллоҳ Ўз бандасига яхшиликни ирода қилса, унга бу дунёда уқубатни тезлатади. Қачон Аллоҳ Ўз бандасига ёмонликни ирода қилса, унга қиёмат куни тўлиқ азоб бериш учун (бу дунёда) гуноҳига яраша жазо бермай туради», деганлар». (Термизий ривояти)

Суд

(Ғазалкент)

Тоштурмадан ва ниҳоят мени яна этапга тортди. Бу сафарги этапим Бўстонлик райони маркази Ғазалкент милиция бўлимига бўлди. Мени олиб кетишга шу район милициясидан уч тўртта қўриқчи ментлар келишган экан. Мендан ташқари шу райондан яна учта одам ва бир аёл, Тоштурмадан Газел ментларнинг машинасида йўлга чиқдик. Мен Товоқсойга олиб бориб, зонада суд қилишади деб ўйлаб адашган эканман. Мени зонага бошқа олиб боришмади. Олдинлари зонада ҳам суд бўларди. Мени ҳам шуларга ўхшаб, зонада суд қилишса, изоляторда ётганимда укамни чақиртириб учрашаман деб ўйлагандим. Яна овқат емасдан озиб тўзиб кетгандим. Товоқсойга борсам, укамлар изоляторга овқат киритишарди. Суд баҳона овқатга тўйиб оларман деб ўйлагандим. Хуллас, бу хом хаёллар бари йўққа чиқди. Бўстонликда КПЗга жойлаштиришди. Бу ерда иккита одам бор экан. Улар шу маҳаллийлар бўлиб, қандайдир жиноятлари учун қамалайшганди. Бўстонлик райони маркази Ғазалкентдан, мен ўтирган зона Товоқсой 20 километр узоқликда эди. КПЗда ҳам икки кун ётдим. Бу ерда намоз ўқишга имконият йўқ эди. Мен шерикларимга халақит қилмасдан намоз ўқиб олишим қийин кечди.

Тор хонада икки қаватлик иккита каравот бўлиб, улар қиблага қарамаганди. Қиблага қараш учун ерга тушсам йўлак тор эди. Ўша ерда ўтириб қиблага қараб қаср қилиб жамлаб ўқирдим. Учинчи куни мени Судга тортишди. КПЗдан қўлимга кишан солиб олиб чиқишди. Иккита дубах қуролланган ҳолда, мени чиқариб, ментларни машинасига миндиришди. Улар бир бирига қараб мен ҳақимда гаплашишарди. Бу президентский надзордаги одам экан. Буларни раскрутка қилиб юраверади. То ўлгунича чиқармайди деди биттаси, иккинчисига тушунтириб. Мен КПЗда томоғим шамоллаб қолгани учун, овозим чиқмасди. Йўталиб тутиб қаттиқ йўталардим. Суд залига киритишди. Катта залда инсон зоти йўқ эди. Мени Тигрятникка қамаб кишанларимни ечишди. Катта залга қараб, туриб, Тўрткўлдаги бўлиб ўтган Судни эсладим. Кичик залда яна кимнидир Судга бўлаётгани учун, мени катта залга киритган эканлар. Нариги Судга келганлар кириб чиқиб юришарди. Мени Судимда ҳеч ким йўқ эди. Мени қўриқлаб келган иккита милициядан бошқа, одам йўқ эди. Бир пайт залга суд ва уни котибаси бир ёш қиз кириб келишди. Судя аёл модний причёска қилган ва ёши ўша пайтларда қирқ бешлар атрофида эди. Исми Раъно экан.

Мен суд деганида, прокурор қатнашади ва гувоҳлар келади деб ўйлардим. Бу Судда Судядан бошқа одам йўқ эди. Мени эса қамалаётганимни уйимдагилар билишмасди. Мен уларга айтмагандим. Қари ота онамни оввора қилишга ҳеч ҳожат йўқ эди. Агар уйимга яқинроқ бўлганда балки, чақиртирсам учрашсам бўларди. Лекин, бу ер уйимга минг километрдан узоқроқ эди. Тўрткўлдаги судда залга одам сиғмасдан ўтиришга жой қолмаганди. Бу Судда кимсасиз ғариб эдим. Ғариблигимни аниқ ҳис қилардим. Бу Суд эмас шунчаки, ўйин эди. Судя номигагина суд қилган бўлди. Бу ерда на гувоҳ бор ва на конкрет қилинган жиноят бор, ҳеч нарса йўқ эди. Судя аёл менга қараб, «қанча йил берай?» деб, сўради.

Мен қаттиқ касал эдим. Йўталиб гапиролмасдим. Бунақа судни умримда кўрмаган ва эшитмагандим. Қанча йил беришини судя мендан сўраётганди. «Имкон қадар камроқ беринг» дедим зўрға овозим ғўрриллаб. Суд менга 221 моддада кўрсатилган уч йилдан беш йилгача бўлган муддатни энг камини, уч йилни бераман деди. Ва уни устига менинг аввалги муддатимдан қолган олти ойни қўшиб, жами уч ярим йилга қаттиқ режимли муассасада жазо ўташга ҳукм чиқарди. Бу Судга ўхшаган ўйинни, ўйнашга бу Судя ҳам мажбур эди. МХХ ундан ҳам шуни талаб қиларди. У мени ҳеч қандай жиноятим йўқлигини ҳам биларди. Бу золим ҳукуматнинг адолатсиз зулми эди. Шу билан 3 йилу 6 ой муддат қўшиб берди. КПЗга қайтиб яна бир ҳафта ётдим. Бу суди шу бир кунгина бўлди халос. Ҳукмни эса, икки кун ўтгач, КПЗга олиб келиб беришди. У ердан яна Тоштурмага кетдим.

Янги этапга борганимда, Тоштурмада мед осмотр қилиб қабул қилишди. Шунда мени йўталаётганимни кўриб, бир аёл мени сафдан чиқариб олди. У шу ерда ишлайдиган ҳарбий врач аёл эди. У менга қараб, менга сени йўталишинг ёқмаяпди деди. Кейин, мени сил касалларини текширадиган бўлимга олиб кириб, рентгенга туширишди. Мен ўзим ҳам тубик бўлган бўлсам керак деб, ўйлардим. Ҳам йўталардим ва ҳам озиб кетгандим. Лекин, рентген натижаси яхши чиқди шекилли, мени бошқа чақиришмади. Энди Тоштурмада яна транзит овулга ташлашди. Тор камерада турли вилоятлардан келган маҳбуслар бўлиб, улар ҳар куни келиб, ҳар куни яна қаергадир кетишарди. Шу ерда яна тахминан бир ойча қолиб кетдим. Шу этаплар одамни жонига тегиб кетарди. Кўчманчилардек, ҳали у ерда ва ҳали бу ерда кўчиб юрардим. Камерада ўтиришлик ҳам азоб эди. Бу камералар тор ва одам кўп эди. Олдинги сафар келганимда сал яхшироқ камерага тушгандим.

Менда ич ичимдан бир ҳасрат ва хўрлиқ келиб, йиғлагим келарди. Товоқсойдаги укамни ва дўстларимни соғинардим. Олдинги пайтлардаги биродарларимни соғинардим. Ота онамни ва Тўрткўлдаги биродарларимни соғинардим. Энди Жасликқа кетаяпман деб ўйлардим. У ерда мени нима азоблар кутиб турибди? Тирик чиқаманми йўқми? билмасдим. Охир оқибат мени яна этапга тортишди. Абутов с вешами деб бақириб келишди. Камерадан чиқиб, лаш лушларимни кўтариб, пастга вокзалга тушдим. Тоштурмани маҳбусларни қабул қилиб олиб, кузатиб қўядиган майдончани, маҳбуслар вокзал дейишади. Шу ердаги одамлар билан лик тўла қоронғу ва полсиз камераларга тиқишди. Бу ерда эртага турли тарафларга этапга кетаётган юзлаб маҳбуслар тикилганди. Шу ерда эрталабгача қолдик. Бир кечани шу қоронғу зах ва совуқ камерада ўтказдик. Мен намозларимни жамлаб қаср қилиб ўқирдим. Сабаби, мен сафарда эдим. Бу сафарим қачон тугашини ва қаерда тугашини билмасдим. Эртасига бизни камерадан чиқариб, қўлимизга биттадан буханка ва биттадан консерва бериб, зековозларга юклашди.

Шундай қилиб, вокзалга йўл олдик. Шимолий вокзалдаги бизга аталган вагонга олиб бориб, итларни ҳурдириб қўйиб, автоматда ментлар кўриқлаб турган ҳолда вагонларга миндик. Бу этап Жасликқа деб ўйлардим. Шу билан энди, у ерда нима бўлса бўлар дердим. Мени намоз ўқишдан тўсадиган бўлсалар, уларга бўйсунмасдан барибир намозни ўқиб ўлиб кетаман деб режа қилардим. Кечкурунгача вагонда ўтирдик. Кейин, вагонни составга улади ва йўлга тушдик. Мен бу этапни Жасликқа боради деб, янглишган эканман. Буни эса эрталаб тонг қоронғусида Навоийда тушириб қолишганда билдим. Мени Жасликқа эмас, Навоий шаҳаридан унча узоқликда бўлмаган 64/46 сонли зонага олиб боришганди. Мен билан ҳамроҳ бўлиб, саксонга яқин маҳбус келганди. Жасликқа бормаганимга хурсанд бўлай десам, бу зонани биладиганлар, бу зона гадский зона ва бу ерда маҳбусларни қаттиқ қийнаб синдиришади дейишди.

Мен билан бир қанча 159 модда билан қамалган маҳбуслар ҳам келишганди. Бошқалари ўғрилар эди. Жасликқа бормаганим сабаби эса, мени ўзим Қорақалпоғистонлик бўлганим эди. Яна валлоху аълам. Албатта менга азалда битилган тақдир шундай эди. Шундай қилиб, мен Навоий 46 га бордим. Укам Товоқсойда қолди. У 2003 йил декабрдаги кўплаб диний маҳбусларни озодликка чиқарган катта амнистияга тушиб чиқди. Лекин, уни 2008 йил апрел ойида яна 159 модда билан қамашди. Ва ҳалигача қамоқда қолмоқда. Аллоҳ унга ва барча мазлумларга нажот берсин. Мен эса, Навоийдан 2004 йил май ойининг 8 кунида чиқдим. Навоий Суди мени олти ой уй қамоғига ҳукм қилиб, озодликка чиқарди. 1996 йил январ ойида қамалдим. 2004 йил май ойида озод бўлдим. Ўзбекистон зоналарида саккиз йилу беш ой ўтирдим. Озодликда эса олти ойлик уй қамоғида ўтирдим. Яна Москвада ҳам қамалишимни эса, у пайтларда мен ҳали билмас эдим.

Сўнги сўз

Бу китобни Аллоҳнинг мадади ила бугун тугатдим. Аллоҳу Таоло бу китобда исми зикр қилинган дунёда ўтиб кетган мўмин мусулмонларни раҳматига олсин. Шунингдек, қамоқдагиларига нажот берсин. Бошқаларини ҳам Ўз паноҳида асрасин. Золим кимсаларга Ўзи кифоя қилсин. Китобни ўқувчига ва муаллифга ҳам икки бунёда манфаатли қилсин. Сўзимнинг охири Оламлар парвардигори буюк Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Саҳвий.

12. 12. 2016

Швеция

